



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2022 yil noyabr soni №11 (37)

Toshkent-2022

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2022 йил ноябрь ойи сони №11 (37)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Ҳусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Фуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

ИҚТИСОДИЁТ ИНСОН КАПИТАЛИГА ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Олмос Икром ўғли **ОЧИЛОВ**

Докторант

иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

Olmos.2013@mail.ru

Аннотация

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили методологиясининг муҳим жиҳатлари ёритилган. Инсон капиталига инвестицияларни мақсад–фаолият–фойдалилик занжирига асосланган ҳолда таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инсон капитали, мақсад, фаолият, фойдалилик, SWOT-таҳлили.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ АНАЛИЗА ИНВЕСТИЦИЙ В ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

Олмос Икром ўгли **ОЧИЛОВ**

Докторант

Доктор философии по (PhD) экономическим наукам

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

Olmos.2013@mail.ru

Аннотация

В статье описаны важные аспекты методики анализа инвестиций в человеческий капитал хозяйствующими субъектами. Показаны способы анализа инвестиций в человеческий капитал на основе цепочки цель–деятельность–прибыльность.

Ключевые слова: инвестиции, человеческий капитал, цель, деятельность, рентабельность, анализ SWOT.

Бугунги кунда иқтисодиёт учун инсон капиталининг роли беқиёсдир. Хусусан, инсон капитали барча соҳалар каби ишлаб чиқаришда ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Технологик жараёнларнинг мунтазам янгилашиб бориши, инновацион ривожланиш ва интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг тобора ошиб бораётганлиги мазкур жараёнларга тезкор мослаша оладиган, малакали кадрларга бўлган талабни янада ошироқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизни 2030 йилгача ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида “...инсон капиталини ривожлантириш” [1] энг устувор

йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган. Бу эса республикамизда инсон капиталини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ва бу мақсадларда салмоқли инвестициялар қилинишидан далолат беради.

Инсонларнинг ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нафақат долзарб, балки иқтисодий тадқиқотларда белгиланган устувор вазифалардан биридир. Зеро, инсон капитали ҳар қандай иқтисодиётнинг энг муҳим ресурси ҳисобланади. Инсон капитали ҳар қандай мамлакат бойлигининг асосий қисми ҳисобланади. Хусусан, инсон капитали ривожланган мамлакатлар бойлигининг 68 фоизини ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 41 фоизга тенг [13]. Шунингдек, Жаҳон банки ва БМТ ривожлантириш Дастурининг берган маълумотларига асосан дунёнинг бойлиги таркибида табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш капитали 36 %ни, инсон капитали эса – 64 %ни ташкил қилади [2]. Шундай экан, барча даражадаги иқтисодиёт субъектларининг энг катта бойлиги бу инсон капитали бўлиб ҳисобланар экан. Шу боис, инсон капиталини ривожлантириш ва унга мунтазам равишда сармоялар киритиш барча турдаги иқтисодиёт субъектларининг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолади. Бу жараёнда эса йўналтирилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва белгиланган мақсадларга эришишда инсон капиталига қилинган инвестицияларни таҳлил қилиш замонавий бошқарувда муҳим аҳамият касб этади. Айнан мазкур масала илмий тадқиқотлар учун долзарб ва янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Макро кўламда инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг самарадорлиги таҳлили услубиёти масалалари бир қатор илмий ишларда ўз аксини топган. Бироқ, иқтисодиётнинг ўрта бўғини ҳисобланган, бизнес

субъектлари томонидан инсон капиталига йўналтирилган маблағлар самарадорлиги таҳлили ва унинг методологик жиҳатлари етарлича тадқиқ этилмаган. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига инвестициялар таҳлили ҳақида сўз юритамиз.

Инсон капиталига инвестициялар таҳлилидан аввал инсон капиталининг бизнес тараққиёти учун нечоғлик зарур эканлигини исботлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига эътибор қаратсак.

Эдвинссон ва Мэлоунларнинг фикрига кўра инсон капитали бу компания илдизлари, унинг бинолари ва маҳсулот турларининг кўринадиган жабҳаси орқасида яширинган ривожланиш шартларидир [14]. Г.Тугускинанинг фикрича, одамлар ҳар қандай бизнеснинг асосидир [5].

Инсон капитали ўзига хос хусусияти ва барча ташкилий жараёнларда инновацияларни яратиш, бошқариш ва жорий қилиш салоҳияти билан компаниянинг энг муҳим капитали ҳисобланади. Инсон капитали иқтисодий ўсишда муҳим рол ўйнайди [11].

Abdel-khalik, A. Rashad инсон капитали компаниянинг пировард маҳсулоти учун қиймат яратиб, унинг рентабеллигига ҳисса қўшади деб ҳисоблайдилар [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, инсон капитали корхонанинг энг муҳим ресурси бўлиб, ходимларни бошқариш орқали юқори самарадорликка эришиш замонавий бошқарувнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Экспертларнинг фикрича, инсон капиталига киритилган ҳар бир инвестиция етарли даражада юқори рентабеллик ва қопланиш муддатига эга бўлсагина ўзини оқлайди. Шунинг учун реалиқтисодий воқеликда инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш бўйича рисклар (таваккал)ни таҳлил қилиш,

уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш корхона инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришда жуда долзарбдир. Шу боис бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар дуч келадиган асосий муаммо бу инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат. Бу борада юзага келадиган қийинчиликлар шундан иборатки, инсон капиталига инвестициялар бир қатор хусусиятлари билан бошқа инвестиция турларидан фарқланади.

1. Инсон капиталига инвестициялар қайтими бевосита уни ташувчиларининг ҳаётийлик даврига (меҳнат қилиш муддати)га боғлиқдир. Инсонга қанча эрта инвестиция киритилса, у шунча тез натижа бера бошлайди.

2. Инсон капитали нафақат моддий ва маънавий эскиради, балки тўпланиб, кўпайиб бориш хусусиятига ҳам эга.

3. Инсон капитали тўпланиб, меҳнат фаолиятининг энг юқори самарадорлик

чегарасигача кўтарилиб, кейин кескин камаяди.

4. Инсон капиталига қўйилмалар ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан зарур бўлсагина инвестиция сифатида тан олинади.

5. Капиталнинг бошқа турли хилдаги шаклларига қўйилган инвестициялар билан таққослаганда инсон капиталига инвестициялар ҳам, шахс ҳам, корхона ҳам жамият нуқтаи назардан энг фойдали ҳисобланади.

Юқоридаги хусусиятлар инсон капиталига инвестицияларни баҳолаш ва таҳлил қилишда ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Иқтисодий адабиётларда инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини баҳолаш бўйича бир қанча усул ва ёндашувлар келтириб ўтилган. Инсон капиталини ўлчашнинг хилма-хиллиги баҳолаш даражаларининг қуйидаги бўғинларини пайдо бўлишига олиб келди (1-жадвал).

1-жадвал

Инсон капиталини баҳолаш бўғинлари

Бўғинлар	Кўлами	Амалга оширилиш шакли
1-бўғин	Микродаражада	Инсон капиталининг инсон ва корхона даражасида баҳоланиши
2-бўғин	Мезодаражада	Йирик корхоналар ва ҳудудларнинг инсон капиталини баҳолаш
3-бўғин	Макродаражада	Миллий иқтисодиёт кўламидаги ялпи инсон капиталини баҳолаш
4-бўғин	Мегадаражада	Глобал (дунё) миқёсида инсон капиталини баҳолаш

Жадвалда келтирилган ҳар бир бўғин бўйича инсон капитали ва унга қилинган инвестицияларни баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари мавжуд. Мазкур тадқиқот иши доирасида микро даражадаги баҳолаш усуллари, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг инсон капиталига

инвестициялари самарадорлигини баҳолаш асосий вазифалардан бири бўлганлиги боис, уларнинг иқтисодий адабиётларда келтирилган энг кенг тарқалган турларини қуйида қисқа кўринишда келтириб ўтамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Инсон капитали ва унга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш усуллари тавсифи

Т/р	Усуллар	Қисқача мазмуни
1.	Эксперт усули [12]	Ушбу усулда экспертлар томонидан ходимларнинг сифат кўрсаткичлари, жумладан таълим даражаси, иш тажрибаси, ижодий ёндашуви каби хислатлари асосида инсон капиталига қилинган инвестициялар баҳоланади. Мазкур усулда инсон капиталига қилинган инвестициялар қуйидаги кетма-кетликда баҳоланади: меҳнат ресурсларининг таркибидан келиб чиқиб муҳим сифат кўрсаткичларини аниқлаш; ишлаб чиқилган кўрсаткичлар бўйича муҳимлилик коэффициентини белгилаш; ҳар бир кўрсаткичга балл ажратиш билан баҳоланади. Эксперт усулида ҳар бир ходим бўйича ўртача балл аниқланиб, инсон капиталига қилинган инвестициялар самарадорлиги аниқланади.
2.	Харажатлар асосида инсон капитали қийматини аниқлаш усули [9]	Ушбу усул амалиётда кенг тарқалган усуллардан бўлиб, у бевосита ва билвосита йўллар билан амалга оширилади. Билвосита усул инсон капиталининг бозор қийматини уни алмаштириш қиймати билан таққослаган ҳолда аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Бевосита усул асосида корхонада инсон капиталини шакллантириш учун зарур бўлган умумий харажатлар аниқланади. Ушбу харажатларга меҳнат ҳақи, таълим, соғлиқни сақлаш кабилар киради.
3.	Инсон капиталини шакллантириш ва алмаштириш харажатларини аниқлашнинг Эрик Фламхолц моделига асосланган усули [10]	Ушбу усул хўжалик юритувчи субъектнинг инсон капиталини шакллантириш ва уни алмаштириш жараёни билан боғлиқ харажатларини аниқлашга қаратилган бўлиб, ушбу усулда инсон капиталини сақлаш харажатлари инobatга олинмайди. Инсон капиталини шакллантириш билан боғлиқ харажатларга ходимларни ишга қабул қилиш ва дастлабки ўқитиш бўйича сарфлар киради. Инсон капиталини алмаштириш харажатларига эса ходимларни ишдан бўшатиладиган кейинги нафақалари кўринишидаги бевосита ва уларнинг меҳнат унумдорлигини пасайиши билан боғлиқ билвосита харажатлар киради.
4.	Ходимнинг индивидуал қийматини аниқлаш усули [6]	Ушбу усул Мичиган университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда шарли ва реализация қилинадиган қиймат тушунчаларидан фойдаланилади. Ходимнинг индивидуал қиймати унинг ташкилотда маълум вақт қолиши эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ушбу усул корхонада реализация қиймати энг юқори бўлган ходимларни саралаб олиш имкониятини яратса, унинг эҳтимолликка асосланганлиги аниқлик даражасининг пасайишига олиб келади.
5.	Келгуси даромадларни капиталлаштириш усули [8]	Ушбу усул ҳам кенг тарқалган усуллардан бўлиб, инсон капитали қиймати ундан келадиган иқтисодий наф, яъни ялпи даромадларни инobatга олган ҳолда аниқланади. Ушбу усул бир ходимнинг инсон капитали ва унга қўйилган инвестициялар самарадорлигини қўллашда анча самарали ҳисобланади.

Жадвалда келтириб ўтилган усулларда хўжалик юритувчи субъектларнинг инсон капитали қиймати ва самарадорлигини унга қилинган инвестициялар (харажатлар) билан аниқлашга эътибор қаратилган. Албатта, юқорида кўриб чиқилган усуллар корхонада инсон капиталига қилинган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва инсон капитали қийматини аниқлашнинг

бугунги кундаги умумий (ягона) усули ҳисобланмайди. Чунки, ҳар бир усулнинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Шунингдек, зарур бўлган ҳисоб ахборотлари етишмаслиги учун инсон капитали қийматини аниқлаш ва унга қилинган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш анча мураккаб ҳисобланади.

Фикримизча, инсон капиталига

инвестицияларни таҳлил қилишда уларнинг мақсади, амалга оширилиши ва натижасига баҳо беришга комплекс ёндашиш зарур. Бу эса ҳар бир жараёнда таҳлилни қўллаш орқали қабул қилинадиган инвестицион қарорларнинг юқори даражада аниқлик ва натижадорлигини таъминлайди. Шу боис инсон капиталига инвестициялар таҳлилини амалга оширишда “мақсад–фаолият–фойда” алоқадорлиги асосида ёндашишни таклиф этамиз. Аввало, ушбу ёндашувимизни тавсифлашдан олдин бу борадаги мавжуд тажрибалар билан қисқача танишиб ўтсак.

Бошқарув ҳисобида кенг қўлланиладиган CVP (cost–volume–profit) таҳлилининг асосий ғояси ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот ҳажми ва фойда алоқадорлигини илгари суради. М.Рахимов ва Н.Каландаровалар “CVP таҳлил-харажат, тушум ва фойда алоқадорлигини таҳлилидир” деб таърифлайди [4].

Дарҳақиқат, мантиқий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқариш харажатлари бу мақсад, маҳсулот ҳажми уни амалга ошириш, фойда эса натижа ҳисобланади. Уларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш масалага комплекс ёндашиш ҳисобланади.

Иқтисодчи олим З.Мухаммадиев бу борада серқирра ёндашувни намён қилиб, корхоналарда модернизациялаш жараёнларини «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида баҳолаш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш тартибини таклиф этди [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотлар натижасида инсон капиталига инвестициялар таҳлилини “3 P” модели, яъни “мақсад (purpose) –фаолият (performance) – фойдалилик (profitability)” алоқадорлигида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Ушбу моделнинг мазмуни қуйидагича изоҳланади (1-расм).



1-расм. Инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг “3 P” модели.

Инсон капиталига инвестицияларни мазкур модел асосида таҳлил қилиш инвестиция қарорларини қабул қилишдан бошлаб уларнинг амалга оширилиши ва натижаларини ўзаро узвийликда ўрганиш имконини беради. Мазкур моделнинг ҳар бир йўналишининг моҳиятидан келиб чиқиб, таҳлил жараёнида ўрганиладиган

масалалар ва кўрсаткичлар тизимини қуйидагича белгилашни таклиф этамиз (3-жадвал).

Жадвалда келтирилган инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг “3 Р” модели тавсифидан келиб таҳлил жараёнлари бир қатор усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

3-жадвал

Инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг “3 Р” модели тавсифи

T/p	“3 Р”	Ўрганиладиган масалалар ва кўрсаткичлар	Мазмуни ва аниқланиши
1.	Мақсад (purpose)	1. Корхонанинг ишчи кучига бўлган талаб даражаси.	Корхонадаги мавжуд бўш иш ўринлари, яратилиши режалаштирилган янги иш ўринлари ва алоҳида танқис мутахассислар
		2. Олдинги йилларда инсон капиталига қилинган инвестициялар.	Инсон капиталининг таркиби бўйича олдин амалга оширилган инвестициялардан келиб чиқиб ҳисобот даври режаси тузилади.
		3. Инсон капиталига инвестицияларнинг асосий йўналишлари.	Инсон капиталига инвестицияларнинг турлари (узқ ва қисқа муддатли, жорий харажатлар) ва йўналишларига (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.з.) кўра инвестициялар тақсимланади.
		4. Инсон капиталига қилинадиган мажбурий харажатлар.	Норматив ҳужжатлар ва меҳнат шартномасида белгиланган мажбурий харажатлар.
		5. Инсон капитали сифатини яхшилаш бўйича тасдиқланган йўл харитаси.	Корхонанинг инсон капиталини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича узқ муддатли стратегияси бўйича ҳисобот даврида амалга оширилидиган чора-тадбирлар.
2.	Фаолият (performance)	1. Ҳисобот даврида инсон капиталига қилинган узқ муддатли инвестициялар миқдори.	Келажақда ходимнинг корхонада ишлаб бериши ёки унинг инсон капиталидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилган инвестициялар.
		2. Ҳисобот даврида инсон капиталига қилинган жорий инвестициялар миқдори.	Ҳисобот даври мобайнида бир маромда давр харажатларига тақсимланадиган инвестициялар.
		3. Ҳисобот даврида касб-хунарга ўқитилганлар сони.	Таълимнинг турли шакллари, усуллари ва ҳудудлар бўйича ўқитилган ходимлар сони.
		4. Ҳисобот даврида даволанганлар сони.	Корхона маблағлари ҳисобидан мақсадли даволанганлар сони.
		5. Ҳисобот даврида яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар қилинган ходимлар сони.	Маълум шартлар асосида яшаш шароитларини яхшилаш бўйича инвестицияланган ходимлар сони.
		6. Ҳисобот даврида инсон капиталига қилинадиган мажбурий харажатлар миқдори.	Норматив ҳужжатлар ва меҳнат шартномасида белгиланган мажбурий харажатлар турлари бўйича ҳақиқатда сарфланган маблағлар.

3.	Фойдалилик (profitability)	1. Ходимлар қўнимсизлиги даражасининг ўзгариши.	Инсон капиталига инвестицияларнинг юқори даражаси қўнимсизликнинг камайишига хизмат қилади.
		2. Бир ходимга тўғри келадиган жами даромадлар суммасининг ўзгариши.	Корхонада меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган бир ходимга тўғри келадиган жами даромад ва фойда суммаларининг ўзгариши инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини белгилаб беради.
		3. Бир ходимга тўғри келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши.	
		4. Инсон капиталига қилинган инвестициялар даромадлиги	Инсон капиталига сарфланган ҳар бир бирлик инвестициянинг корхонага қанча даромад келтирганлиги билан аниқланади.
		5. Инсон капиталига қилинган инвестициялар рентабеллиги.	Инсон капиталига сарфланган ҳар бир бирлик инвестициянинг корхонага қанча фойда келтирганлиги билан аниқланади.

Моделда келтирилган мақсад йўналиши бўйича таҳлилни амалга оширганда, аввало, бошқарувнинг инсон капиталига инвестициялаш билан боғлиқ қарорларнинг тўғрилигига баҳо берилади. Бунинг учун инсон капиталига инвестициялар амалга оширилгунга қадар корхонадаги мавжуд инсон капиталининг ҳолати ва сифати ўрганилади. Сўнгра қабул қилинган қарорнинг нечоғлиқ мақсадга мувофиқлигига баҳо берилади. Бу борада биз замонавий бошқарув амалиётида

кенг қўлланиладиган SWOT-таҳлиладан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу усул ёрдамида инсон капиталига киритилган инвестицияларни инвестициялаш объекти ҳисобланган ходим (ёки шахс) ва инвестиция субъекти корхона учун алоҳида қўллаши мумкин. Биз қуйида хўжалик юритувчи субъектларнинг инсон капиталига йўналтирган инвестициялари SWOT-таҳлилни келтириб ўтмоқчимиз (4-жадвал).

4-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларда инсон капиталига қилинган инвестициялар SWOT-таҳлили

Кучли томонлар	Заиф томонлар
1. Корхонада инсон капиталининг юқори улуши—иқтисодий ўсиш гаровидир.	1. Ходимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва соғлиқни сақлаш бўйича саломқли харажатлар.
2. Юқори малакали жамоа билан рақобатдаги устунликнинг таъминланиши.	2. Инсон капиталига инвестицияларни узлуксиз равишда амалга ошириш зарурлиги.
3. Инсон капиталига инвестициялар келажакда корхонага юқори фойда келтириши.	3. Ишчи кучларининг эркин ҳаракатланиши, уларга иш берувчилар томонидан инвестиция киритиш даражасини пасайтирилиши.
4. Малакали ходимлар туфайли назорат қилинадиган, бошқариладиган харажатларни минималлаштирилиши.	4. Инсон капиталига инвестициялардан иқтисодий наф олиш узоқ муддатни талаб этиши.
5. Узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий самарага эга бўлиш.	5. Ноаниқлик ва риск(таваккал)нинг юқорилиги.
Имкониятлар	Таҳдидлар

1. Юқори даражадаги сифат ва бизнес обрўсининг ошиши.	1. Ходимлар кўнимсизлиги (ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ҳ.з. омиллар)
2. Инновацияларнинг яратилиши, инновацион маҳсулот чиқариш имконияти.	2. Йиллар давомида инсон капиталининг эскириши.
3. Интеллектуал мулк объектларининг кўпайиши.	3. Автоматлаштириш ва рақамли технологиялар (сунъий интеллект)нинг шиддат билан ривожланаётганлиги.
4. Бизнес географиясини кенгайтириш.	
5. Меҳнат ресурсларига бўлган талабни мунтазам равишда тезкор қондириш.	

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, инсон капиталига инвестицияларнинг заиф томонлари ва айрим таҳдидлари бўлсада, инсон капитали корхона рақобатбардошлигини таъминлаш ва келажакда юқори иқтисодий нафга эга бўлиш манбаи ҳисобланади.

Инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг фаолият (performance) йўналишида ушбу турдаги инвестицияларни ҳақиқатда амалга оширилганлиги ва динамикасини таҳлил этиш, хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес режасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва меҳнат шартномаларида инсон капиталига йўналтирилиши белгиланган харажатларнинг ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасининг ҳақиқатда амалга оширилганлиги ўрганилади.

Инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг фойдалилик (profitability) йўналишида асосий эътибор сарфланган маблағлар натижасида инсон капитали билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларининг ўзгаришига қаратилади. Бунда ходимларнинг кўнимсизлик коэффициенти, йиллик жами даромад ва фойданинг бир ходимга тўғри келадиган улушини, шунингдек, инсон капиталига сарфланган ҳар бир сўм инвестициянинг корхонага қанча даромад ёки фойда келтираётганлигига баҳо берилади.

Инсон капиталига инвестицияларни

юқорида келтирилган тартибда бир неча йиллар кесимида таҳлил қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг инсон капитали, инвестициялари ва самарадорлигини аниқ баҳолаш орқали унга муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Умуман, таҳлилнинг аниқлиги ва натижадорлиги унинг кўламига, яъни таҳлил қилинаётган даврнинг қанчалик катталигига бевосита боғлиқдир.

Инсон капиталига инвестициялар таҳлили маълум даражада янги йўналиш бўлганлиги боис, уни амалга оширишнинг услубий тартиблари ҳамда ахборот таъминоти етарли эмас. Шу боис, биз инсон капиталига инвестициялар таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда амалдаги молиявий ва статистик ҳисоботларда акс эттириладиган молиявий ахборотларга эътибор қаратдик.

Инсон капиталига инвестициялар таҳлилининг таклиф этилаётган “3 R” модели эса хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизими учун амалдаги ҳолатдан келиб чиқиб, инсон капиталига қилинган инвестицияларни таҳлил этиш ва самарали бошқаришда муҳим методологик асос сифатида хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063#5843873>
- 2.Гошунова А.В. Учет инвестиций в человеческий капитал в профессиональных спортивных организациях: дисс.канд.э.н. – Казань, 2014.
- 3.Мухаммадиев З.У. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: иқд.ф.ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф.—Тошкент, 2021. – 58 б.
- 4.Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил: дарслик. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2019. – 196 б.
- 5.Тугускина Г. Оценка эффективности инвестиций в человеческий капитал предприятий. //Управление персоналом, 2009. – №3.
- 6.Тугускина Г.Н. Методика оценки человеческого капитала предприятий [Электронный ресурс] // Управление персоналом, 2009. URL: <http://www.top-personal.ru/issue.html?1936>
- 7.Abdel-khalik, A. Rashad. “Self-sorting, incentive compensation and human-capital assets.” *European Accounting Review* 12.4 (2003): 661-697. Business Source Complete. EBSCO. Web. 31 Jan. 2011.
- 8.Zakharova O.V., Kovalenko T.V. Evaluation of the influence of the investments in human capital on the general result of the activities of the enterprise // *Business inform.* 2012. № 4. P. 150–154.
- 9.Maksutina E.V., Makarov A.N. Assessment of economic efficiency of investments into the human capital in modern conditions // *Life science journal.* 2014. № 6. P. 376–379.
- 10.Sakalas A. Evaluation of Human Capital Role in the Value Creation Process // *Procedia – Social and Behavioral Sciences.* 2014. № 156. P. 78–82.
- 11.Snježana Pivac, Željana Aljinović Barać and Ivana Tadić. An analysis of human capital investments, profitability ratios and company features in the EU. *Croatian Operational Research Review* CRORR 8(2017), 167–180.
- 12.Yakischik O.L., Semenkin O.E. Evaluation methods of the effectiveness of human capital use in the organization // *Scientific Journal of Siberian State Aerospace University named after academician M.F. Reshetnev.* 2010. № 5. P. 154–157.
13. http://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2018/11/08
- 14.<https://www.top-personal.ru/issue.html?1896>



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Гузалбегим Муродовна РАХИМОВА

доцент

иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада асосий воситалар ҳисоби методологиясига оид турли илмий ёндашувлар, назарий қарашлар тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: асосий воситалар, депрессация, амортизация, кўчмас мулк (ер), бино ва иншоотлар, завод ва машина, асбоб-ускуналар.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Гузалбегим Муродовна РАХИМОВА

доцент

доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются различные научные подходы, теоретические взгляды на методологию учета основных средств.

Ключевые слова: основные средства, списание, амортизация, недвижимость (земля), здания и сооружения, фабрики и машины, оборудование.

Жаҳон амалиётида қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда бизнесни ривожлантириш учун асосий фондларга киритилган сармоялар самарадорлигини аниқлаш мақсадида асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, таснифлаш, ҳисобга олиш, ҳисоботларда тақдим этиш ва аудитини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илмий изланишлар натижасида кўчмас мулк (ер), бино ва иншоотлар, завод ва машина ҳамда асбоб-ускуналарни ҳаққоний қийматда давомий баҳолаш, уларни илмий таснифланган синфлари бўйича молиявий ҳисоботда акс

этириш, асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, қилинган харажатларни капиталлаштириш, кадрсизланиш ҳисоби, умуман асосий воситалар – методологияни такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришилган.

Аммо ривожланаётган мамлакатларда асосий воситалар ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари ўз ечимини топмаган. Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида “BigDate” сунъий ақл, “online” коммуникациялар, блокчейн технологиялар қўлланилган бир вақтда ҳисоб соҳасига юкланган вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибадан фойдаланиш ва уни мамлакатимизга жорий этиш, бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим объектларидан бири асосий воситалардир. Деярли ҳар бир ҳаракат бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида бухгалтерия ҳисоби соҳаси иқтисодий соҳалар орасида жуда муҳимлиги билан ажралиб туриши қайд этилган. Бинобарин, “Иқтисодиёт – ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади” [2].

Бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири миллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқ уйғунлаштириш масаласидир. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 3.3. бандида “Асосий воситалар корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар”, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда 2004 йилдан бошлаб, айнан шу стандарт бўйича асосий воситалар ҳисоби юритиб келинмоқда. Мамлакатимиз БҲХСга ўтаётган даврда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсати ва ҳисоби беқарорлик ҳолатида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай ноаниқлик ҳолати биринчи ўринда норматив-ҳуқуқий базанинг БҲХСга тайёр эмаслигидан далолат беради.

Иккинчи муаммо БҲХСга асосланган ҳисобни юритувчи сертификатланган

мутахассислар етишмаслиги бўлиб, хорижий мамлакатлардан жалб қилинган экспертларга иқтисодий жиҳатдан катта сарф-харажатлар талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас”, деб таъкидлаган [2]. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерларини ўқитишда маблағ талаб қилинишидан ташқари, уларнинг инглиз тилини билишлари муҳим. Бундай муаммолар корхоналардан катта молиявий маблағлар сарфлашни талаб этади.

Шунингдек, республикамиз иқтисодиётида ҳам юз бераётган глобал техник ва технологик ўзгаришлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг балансига кирувчи кўплаб янги ускуналар, ишлаб чиқариш инвентарлари пайдо бўлмоқда. Бу ҳолат бухгалтерия ҳисобида кўплаб зиддиятли вазифалар ечимини топишни талаб этади. Бундай вазифалардан бири БҲХС трансформацияси ва бу жараёнда бухгалтерия, таҳлил ва аудитни уйғунлаштиришда синергетик масалалар муҳим ўрин тутди.

Асосий воситалар ҳисоби усул, услуб ва услубиётлари масалалари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Биз айнан IAS 16 “Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар” номли молиявий ҳисобот халқаро стандартининг амалиётга жорий этилиши, ҳисоб, таҳлил ва аудитнинг услубий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни муҳим деб билдик. Мазкур IAS 16 “Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар” номли молиявий ҳисобот халқаро стандарти ва аналогик номланишга эга 5-сон “Асосий воситалар” номли БҲМС ўртасидаги фарқли жиҳатларни изоҳлаб беришни илмий ишимизда асосий масала

сифатида белгиладик.

Илмий тадқиқотдан келиб чиқиб, белгиланган масалалар:

1) IAS 16 “Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар” номли БҲХСни Ўзбекистон ҳисоб сиёсатида жорий этиш мамлакатимиз иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш;

2) Худудий электр тармоқлари АЖ таркибидаги бешта йирик корхоналар мисолида IAS 16 “Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар” номли БҲХСнинг амалда корхоналар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиш;

3) “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзқурилиш материаллари” уюшмаларининг асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш;

4) IAS 16 талқин қилинишидаги эҳтиёж;

5) IAS 16 Халқаро стандартни амалиётга жорий этиш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда зиддиятли ҳолатларнинг юзага келиши ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш;

6) IAS 16 ва 5-БҲМС ўртасидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни ўрганиш мақсадида анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш усуллари қўллаш;

7) IAS 16 ва БҲМС синтетик ҳамда таҳлилий ҳисобини таққослаш, таҳлил усули орқали афзалликлар ва муаммоли ечимларни топиш.

БҲХСга ўтиш сезиларлича молиявий сарф-харажат талаб этувчи жараён дир. Шу билан бирга, халқаро бозорга чиқишни режалаштирмаган маҳаллий кичик ва ўрта бизнес субъектларига БҲХСга ўтишда катта молиявий харажатларни амалга оширишга эҳтиёж йўқ. Бу ҳолатда, кичик ва ўрта бизнес учун БҲМСни БҲХСга мослаштириш лозим. Аммо бу ҳолатда ҳам мутаносибликлар жуда кўп. Сабаби, статистика органи молиявий ҳисоботлар асосидаги маълумотларни бир хил турдаги ташкилотларнинг бир хил турдаги маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади. Қўйидаги жадвал тадқиқотлар асосидаги муаллиф ишланмаси.

1-жадвал

БҲХСни амалда киритган мамлакатлар

Мамлакатлар	МҲҲСга ўтиш сабаблари
Австралия	2005 йилдан давлат корхоналари БҲХСни ҳисобот тайёрлашда асос қилиб олинган, хусусий корхоналари БҲХСга мажбурий ўтказилган.
Аргентина	2012 йилдан ўтган
Арманистон	2000 йилдан давлат улуши 50 % бўлган корхоналар, 2021 йилдан барча корхоналар
АҚШ	Хорижий эмитентларга 2007 йилдан қўллаш рухсат этилган
Бахрейн	Яқин 3 йилда ўтган
Бразилия	2011 йилдан банк ва листинг компаниялар ўтган
Бруней	2002 йилдан амалда
БАА	Банклар ва суғурта компаниялар ўтган. Бошқа корхоналарни ўтиши ҳам режалаштирилган
Гаити	1997 йилдан амалда
Гаяна	2000 йилдан эътиборан, 19 ва 39 БҲХС ташқари
Гондурас	1997 йилдан амалда
Грузия	2000 йилдан Акциядорлик компаниялари, 2001 йилдан барча ташкилотлар
Доминикан Республикаси	2000 йилдан амалда


Жанубий Африка	2005 йилдан буён листинг компаниялар қўллаб келмоқда
Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг барчаси листинг компаниялар умун қабул қилинган БҲХСга ўтишлари мажбур
Индонезия	БҲХС тасдиқланмаган. Қисман қўлланмоқда
Канада	Хусусий кохоналар ва нотижорат ташкилотлар эҳтиёжига қараб қўллайдилар. Листинг компанияларга эса БҲХС ўтиш 2011 йилдан эътиборан мажбурий
Кения	Солиққа тортиш механизми сифатида барча ташкилотлар
Кипр	Кичик ва ўрта бизнес учун тавсия этилган, аммо мажбурий эмас.
Корея Республикаси	2011 йилдан барча компаниялар учун мажбурий
Коста-Рика	2001 йилдан амалда
Қувайт	1990 йилдан амалда
Ливан	1998 йилдан амалда
Литва*	2002 йилдан акционерлик компаниялари ҳисоботлари БҲХСга мувофиқ топширилган? Бошқа турдаги ҳисоботларни топширишдан озод эди.
Македония	1997 йилдан амалда
Малави	2001 йилдан амалда
Мексика	2012 йилдан барча компаниялар учун мажбурий
Непал	1996 йилдан амалда
Оман	1986 йилдан амалда
Россия	2012 йилдан Банклар, листинг компаниялар ва суғурта ташкилотлари БҲХСга ўтиши мажбурий этиб белгиланган
Руминия	2002 йилдан амалда
Салвадор	1999 йилдан амалда
Туркия	2008 йилдан листинг компаниялари ўтган
Украина	2018 йилдан барча компаниялар ўтган
Хитой	Миллий стандартлар БҲХСга жуда ўхшаш
Хорватия	1992 йилдан барча компаниялар ўтган
Ҳиндистон	БҲХС ўтиш муддати белгиланмаган. Ўтиш ихтиёрий.
Чехия	2001 йилдан айрим гуруҳларга қўлланилган
Эквадор	1996 йилдан амалда
Ямайка	2002 йилдан амалда
Япония	2010 йилдан Халқаро компанияларга қўллашга рухсат этилган

БҲХС, БҲМС ва US GAAP бўйича тақдим этилган ҳисоботларнинг натижа кўрсаткичлари фарқ қилиши мумкин. «ДУО», яъни икки хил молиявий ҳисоб тизимида маълумотларни бир тизимда умумлаштириш статистика умумлаштириш методикасини такомиллаштириши ёки тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси билан бевосита боғлиқ БҲХСни тўлиқ қабул қилган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш 1-жадвалда акс эттирилган.

2005 йилда Дунёниг 90 та мамлакати 16-сон БҲХСни расман қабул қилинган эди. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич

100 та мамлакатни ташкил этди. 2015 йилга келиб, БҲХСга аъзо мамлакатлар сони 150 га етди, ушбу кўрсаткич 2007 йилда прогноз қилинган эди. Бу прогноз натижаларини 2016 йил статистикасига қараб тўғрилигини таъкидлаш мумкин, чунки 2016 йилда БҲХСга аъзо бўлган мамлакатлар сони 149 ни ташкил этган. 2020 йил бошига бу кўрсаткич 166 та мамлакатни ташкил этган. Қуйидаги расм тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси (1-расм).



1-расм. Property, Plant and Equipment 16-БХХСни қабул қилган дунё мамлакатлари сони

Сўз банклар, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи корхоналар ва фонд биржаларда иштирок этувчи корхоналар ҳақида кетмоқда. Бундан кўриниб турибдики, халқаро интеграция жараёни охириги 15 йилда жадаллашган. Ҳар бир мамлакат ички молияланишида, халқаро кредит ва халқаро инвестицияга эҳтиёжи борлиги, фонд биржаларда иштирок этиш хоҳиш-истаги мавжудлигини англашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1] 2015 йил 24 апрелдаги ПФ 4720-сон фармони билан 2015 йил 1 июлдан эътиборан барча акциядорлик жамиятлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар родини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва халқаро аудит стандартлари ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитни

ўтказиши белгилаб берилган эди [1].

Бу ташқи инвестиция ва халқаро, хорижий кредитлашга эҳтиёжи мавжуд корхоналар учун жуда муҳим қадам, зарур шарт-шароитдир. БХХСнинг амалдаги қоидаларига кўра, ҳисоботда “адолатли қиймат” ўлчов тамойилларидан фойдаланилади, бу эса инвесторлар томонидан маълумотларнинг инвестицион жозибадорлиги ҳақида тегишли қарорларни қабул қилиш ва рискларни камайтириш имконини беради. Бу эса акцияларнинг ликвидлиги ва ўзгарувчанлигини оширади.

Асосий масалалардан бири термин ва атамаларнинг турлича талқин қилиниши, шунингдек, қўйилган мақсад ва вазифаларнинг устувор йўналишларини белгилашда муайян номувофиқликларни аниқлаш. Фикримизча, тадқиқотнинг устувор йўналишларидан бири бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг заруриятчилиги ва уларнинг яхши мувофиқлаштирилган ўзаро муносабатлари самарасига эришиш имконини берувчи бўлиши керак. Албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг турли соҳаларини уйғунлаштириш ва трансформация масаласи қўйилиши лозим.

Тадқиқотимизда асосий воситалар терминалогиясининг илмий ва фундаментал татбиқ этишда, тадқиқот усуллари анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, аналогия ва абстрактдан

аниқликка ўтиш усуларини қўллаймиз.

БҲХСга ўтиш жараёни, албатта расмий таққослаш усулидан фойдаланишни талаб этади. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлишига қарамай, “асосий восита” тушунчаси бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодиётда ҳар доим ҳам бир-бирига тўғри келавермайди.

Илмий тадқиқотимиз жараёнида мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари билан бир қаторда БҲХСга ўтган мамлакатлар иқтисодчи олимларининг тадқиқот натижаларини, илмий ёндашувларини ўргандик ва қиёсладик, аммо ҳозиргача асосий воситаларнинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш масаласида бухгалтер ва иқтисодчилар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Иқтисодий амалиётда “асосий восита” атамаси кўпинча “асосий фондлар” ва

“асосий капитал” каби тушунчалар билан аралашиб, турли ифодаловчи фикрларни юзага келтиради. “Асосий восита”га берилган олимларнинг турли фикрлари 1.2-жадвалда кўрсатилган.

Россия иқтисодчи олимлари Д.А.Ендовицкий ва К.Н.Мокшина фикрича, асосий восита объекти бир пайтнинг ўзида ҳам асосий восита, ҳам актив, ҳам умуман ноактив сифатида тан олинishi мумкин [14; 38].

Демак, бу ҳолат амалиётда қийматнинг ошиши ёки камайishi, шунингдек, амортизацияни белгилашда ноаниқликларга олиб келади. Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги иқтисодий моҳияти ва аҳамияти доимо иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги олим ва мутахассислар ўртасида муҳокама мавзуси бўлиб келган.

2-жадвал

“Асосий воситалар” таърифи бўйича олимларнинг турли фикрлари

Муаллиф	“Асосий воситалар” атамасига таъриф
В.К.Скляренко, В.М.Прудникова	Асосий воситалар – узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатадиган, бутун давр мобайнида ўз табиий ва моддий шаклини сақлаб қоладиган ва амортизация тўловлари шаклида эскирадиган маҳсулотларга ўз қийматини қисмларга бўлиб ўтказадиган ишлаб чиқариш, моддий ва моддий қийматликлар мажмуи [11;49].
В.Ф.Гарбузов	Асосий воситалар – мавжуд асосий фондларга қўйилган (киритилган) пул маблағлари [5;385].
Л.Кураков	Асосий воситалар – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, машина ва механизмлар, инвентарлар, транспорт воситалари) [7;51].
Л.А.Аюпова	Асосий воситалар ишлаб чиқариш ва моддий қийматликлар ишлаб чиқариш жараёнида фаолият юритиб, ўз моддий шаклини сақлаб, қийматини амортизация шаклида ишлаб чиқариш маҳсулотларига ўтказди [3;13].
М.З. Пизенгольц	Асосий воситалар инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат объектларига инсон таъсирини ўтказувчи сифатида фойдаланувчи меҳнат воситасидир [9;60].
И.Н.Исманов	<i>Асосий воситалар</i> – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилувчи моддий активлар [6;35].
А.Қ.Шакаров	<i>Асосий воситалар</i> – саноат бинолари, иншоотлар, куч ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, ишлаб чиқариш ускуналари, транспорт воситалари ва бошқа турдаги асосий воситалар [14;19].

Бу илмий ёндашувни, М.Мессон [8;463] қўйидагича тўлдиради: Асосий воситалар узок вақт давомида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ва ўз қийматини корхона маҳсулотларига аста-секин ўтказувчи меҳнат воситасидир.

Ҳар бир мамлакатнинг ички молияланишида, халқаро кредит ва халқаро инвестицияга эҳтиёжи мавжудлиги, фонд биржаларида иштирок этиш хоҳиш-истаги мавжудлигини ўзаро молиявий манфаатлар уйғунлиги контекстида кузатиш мумкин.

Бу борада В.Ф.Горбузов таҳрири остидаги молиявий-кредит луғатида “Асосий воситалар мавжуд асосий фондларга инвестиция қилинган пул деб ҳисобланади” [5; 385]. Ўз навбатида, бу ерда урғу, асосий воситалар – жамоа меҳнати билан яратилган, узок муддатга хизмат қиладиган ва ўз қийматини қисмларга бўлиб йўқотадиган реал қийматликлар мажмуи сифатида ўрганилган.

Замонавий ҳисоб тизимида ҳам ҳисоб тизими ривожланишининг барча босқичларида ҳам “асосий воситалар”, “асосий фондлар”, “асосий капитал”, “узок муддатли активлар” мазмун-моҳияти юзасидан турли илмий ёндашувлар мавжуд.

Неоклассик синтез муаллифи Пол Самуэль фикрича, асосий капитал узок муддат келажакдаги ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, мулк ҳуқуқига эга бир вақтнинг ўзида ҳам ресурс ҳам маҳсулотдир [10;256]. Ушбу таъриф маълум жиҳатдан концептуал асослар мазмунини очиб беради.

С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи таъкидлашларича, “капитал товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, ишлаб чиқариш захираси” [12;111]. Ўз тадқиқотларида улар асосий капиталнинг узок муддат фойдаланилувчи бойлик эканлиги, асосий капиталнинг ҳозирги қиймати келажакда нима ишлаб чиқариши билан ҳам боғлиқлигини айтади.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига

караб асосий капитал уч гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқаришнинг техник кадрлари ва ишлаб чиқариш қувватини белгиловчи механик воситалар, “жараён учун зарур” меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, бинолар ва бошқалар.), аппаратлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ускуналар.

Шундай қилиб, асосий капитал такрор ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларини ифодалайди: ишчиларнинг меҳнат қилиш кўникмалари, моддий ресурслардан фойдаланганда қайта ишлаб чиқилади. Фикримизча, бундан ташқари, асосий капитал таркибига нафақат меҳнат воситалари, бино ва иншоотлар, балки ишчилар меҳнати ҳам кириши мумкин.

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрель ПФ 4720-сон фармони 2015 йил 24 апрель. WWW.Lex
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрь Мурожаатномаси. WWW.Lex
3. 5- Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари «Асосий воситалар». WWW.Lex
4. Аюпова Л.А. Эволюция понятия основных средств в России //В сборнике: Бухгалтерский учет, анализ и аудит в современных условиях: Материалы Всероссийской заочной научно-практической конференции. – 2017. – С. 13-19.
5. Горбузов, В.Ф. Финансово-кредитный словарь / под ред. В.Ф. Горбузова. – Москва: Финансы и статистика, 2005. – 900 с.
6. Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: икт.фан.докт. илмий даражасини олиш учун дис. авторефати. – Тошкент: БМА, 2009. – 33 б.
7. Кураков Л.П. Экономика и право: большой толковый словарь-справочник. – Москва: Вуз и шк. (Чебоксары: РГУП ИПК Чувашия), 2003. – 866 с.
8. Мескон М. Основы менеджмента: учебник. – Москва, 1997. – 488 с.
9. Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве [Текст] / М.З. Пизенгольц. – Москва: Инфра-М, 2014. – 520 с.
10. Пол Э. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус; Economics. [перевод с английского О. Л. Пелявского]. ... Предм. указ.: с. 1312-1325 Пер.: Samuelson, Paul A. Economics 0-07-351129-3 Экономик.
11. Скляренко В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия, изд.2.. – Москва: Инфра-М, 2019. – 256 с.
12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Economics. Пер. со 2-го англ. изд. – Москва: Дело ЛТД, 1995. – 864 с.
13. Финансово-кредитный словарь: [В 3 т.] /Гл. ред. В.Ф.Гарбузов 2-е изд. Том-1 Т.: Сост. В. К. Сенчагов и др. – Москва: Финансы и статистика, 2005 г. – 900 с
14. Шакаров А.Қ. Асосий воситалар ҳисоби ва назоратини ташкил қилиш (мулкчиликнинг турли хил шаклларида): икт. фан. номз. Дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент молия институти, 2000.
15. Endovitskiy D.A., Mokshina K.N. Sushchnost' osnovnykh sredstv kak ob»ekta bukhgalterskogo ucheta v kontekste problem ucheta kapitala. //Mezhdunarodnyy bukhgalterskiy ucheta, 2013. – № 25.



УЎК: 336.64 (575.1)

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Улугбек Анорбаевич НУРМАНОВ

доцент

иқтисодиёт фанлари номзоди

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

mbt707@mail.ru

Аннотация

Мақола қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни шакллантириш ва бошқаришни прогнозлаш билан боғлиқ жиҳатларни тавсифловчи муаммоларга бағишланган ҳамда уларнинг алгоритми таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: жорий активлар, товар-моддий захиралар, ҳисоб сиёсати, жорий активларни бошқариш, стратегик режалаштириш, прогнозлаштириш модели, жорий активларни шакллантириш, жорий активларни бошқаришни прогнозлаш алгоритми.

ВОПРОСЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ И ФОРМИРОВАНИЯ ТЕКУЩИХ АКТИВОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПО ПРОИЗВОДСТВУ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

Улугбек Анурбаевич НУРМАНОВ

доцент

кандидат экономических наук

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

mbt707@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена проблемам, характеризующим аспекты, связанные с прогнозированием формирования и управления текущих активами на производственных предприятиях строительных материалов, а так же аналирован их алгоритм.

Ключевые слова: текущие активы, товарно-материальные запасы, учетная политика, стратегическое планирование, модель прогнозирования, формирование текущих активов, прогнозирование управления текущими активами.

Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш ва тижорат циклининг бузилиши, ликвидликнинг йўқолиши ва паст фойда олиш, ортиқча, асоссиз равишда юқори миқдорда молиялаштиришга олиб келади. Шунинг учун жорий активларни уларнинг турлари бўйича узоқ муддатли прогнозлаш зарурати туғилади.

«Прогнозлаштириш иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишларини, унинг алоҳида элементларини келажакдаги илмий башорат қилиш ёки мақсадларга эришишнинг оптимал усулларини излаш» [1]дир.

Олиб борилган илмий изланишларимизнинг кўрсатишича, амалда прогнозлаштириш аниқ бир тамойилга таянган ҳолда амалга оширилмайди. Шу сабабли мамлакатнинг яқин истиқболдаги ривожланишининг асосий йўналиши сифатида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш вазифаси белгиланган.

Олимларнинг фикрича, жорий активларни бошқариш бўйича танланган сиёсатга қараб молия-хўжалик фаолиятини прогнозлаш тизимлари режалар, сметалар ва бюджетлар шакллариининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қоидалари, аналитик режалаштириш йўналишлари жиҳатидан жуда хилма-хилдир [2].

Иқтисодиётга оид адабиётларда жорий активларни бошқаришни прогнозаштиришнинг турли моделлари мавжуд бўлиб, улар жорий активлар қийматини истиқболли баҳолаш усулларига, таркибига тузилиши, жорий активлар элементларидан фойдаланиш самарадорлиги, операцион циклнинг бизнес жараёнлари учун жорий активларнинг мавжудлиги, ташқи ва ички омилларнинг таъсирига асосланади.

Хусусан, В.Мочулаевнинг таъкидлашича, хўжалик юритувчи

субъектнинг ретроспектив ва прогноз давридаги зарур жорий активларини ҳисоблаш модели ва унинг якуний қийматини аниқлашда ўз жорий активларининг ортиқчалиги (тақчиллиги) ни аниқлаш модели таклиф этилган. Ушбу усул пул оқимларини прогноз қилиш ва корхонанинг якуний қийматини аниқлашнинг ишончилигини оширади [3].

Т.Дегтяреванинг фикрича, хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқаришининг минтақавий аспектида ривожланишини башорат қилиш учун экспоненциал текислаш асосида Р.Брауннинг адаптив полином моделидан фойдаланиш таклиф этилади [3].

Хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларини истиқболли режалаштириш, моделлаштириш ва режалаштириш тамойиллари асосида амалга оширилиб, ҳар йили биттага силжиганида, режалаштиришнинг бошидан аста-секин жорий йилда амалга оширишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган лойиҳалар аниқланади. Шу билан бирга бундай лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш тизимли таъсирни ҳисобга олади.

Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларни бошқариш учун одатий кўрсаткичларни прогноз қилиш алгоритмидан фойдаланиш, вазифаларни шакллантириш, атроф-муҳитни, ҳодиса эволюциясини ретроспектив таҳлил қилиш, тахминий кўрсаткичларни яратиш, уларни такомиллаштириш, тўлдириш, стратегик танловларни ишлаб чиқиш ва индивидуал интеграцияни назарда тутуди ҳамда стратегик танловларни ягона стратегияга айлантиради. Энг қулай дастурлаш кўрсаткичлар усулига фойдали қўшимча бўлиши мумкин, шунингдек, унинг муаммосини аниқлаш ва ҳал қилиш жараёнида салбий кўрсаткичлар аниқланиб, тафсилотлар билан тўлдирилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб

чиқиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг жорий активларини бошқариш бўйича стратегик режалаштиришни амалга ошириш учун прогнозлаштириш моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолат жорий активларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни бошқариш сиёсатининг истиқболли йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Прогнозлаштириш модели иккита асосий жиҳатни ўз ичига олади:

– жорий активлар элементларини шакллантиришнинг индикатив кўрсаткичлари прогнози;

– жорий активлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари прогнози.

Жорий активларни шакллантириш прогнози элементлар таркибидаги ўзгаришларни, динамик таркибий «сирғалувчи» ва соф айланма маблағларни молиялаштириш зарурлигини баҳолашга асосланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари жорий активларини бошқариш бўйича прогнозлаштиришни амалга оширишда авваламбор қуйидаги асосий тамойилларга таяниши зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу тамойиллар муаллиф томонидан иқтисодий маълумотлар асосида ишлаб чиқилган:

1. Узлуксизлик тамойили – ўтган ва ҳисобот йили бюджети бўйича унинг ижроси ва амалга оширилган дастурлар самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда келгусийилучун қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури.

2. Устуворлик тамойили – уюшма томонидан бюджетни режалаштиришда келгуси йил учун таркибидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишлари ҳисобга олинishi.

3. Асослаганлик тамойили – бюджетни режалаштириш жараёнида у ёки бу

лойиҳасига киритилишини асословчи ҳуқуқий-меъёрий ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги.

4. Ягона ёндашув тамойили – барча уюшма тизмидаги хўжалик юритувчи субъектлар учун прогноз кўрсаткичларини ҳисоблашнинг ягона ёндашув асосида олиб борилиши.

5. Объективлик тамойили – ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан барча тўловлар тақсимотининг тўғри амалга оширилиши.

Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлигини прогноз қилиш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси жорий активларининг айланмаси, ликвидлиги, тўлов қобилияти, рентабеллигини баҳолашга асосланади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активлар таркибини прогнозлаш натижалари шуни кўрсатадики, прогноз жорий активларнинг энг муҳим элементлари бўйича тузилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: дебиторлик қарзлари, молиявий инвестициялар, пул маблағлари, пул маблағлари эквивалентлари ва акциялар.

Шундай қилиб, бошқарувнинг стратегик ва оператив даражалари орасидаги доимий мослик ушлаб турилади ва жорий оператив ва стратегик прогнозлар ва режаларнинг муҳим мослашуви таъминланади.

Тайёр маҳсулот ички ва ташқи савдо бозорларида талаб мавжудлиги сабабли катта қолдиқни ташкил этмаслиги лозим. Дебиторлик қарзларининг ўсишига сабаб бўлган асосий омиллар ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёр маҳсулотларни сотишдир. Сотилган тайёр маҳсулот таннархининг ўсиш суръати даромадларнинг ўсиш суръатларидан ошиб кетмайди, бу эса хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги ижобий ҳолатдир. 1-расм муаллиф ишланмаси.



1-расм. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни шакллантириш ва бошқаришни прогнозлаш алгоритми

Жорий активлар таркибини прогноз қилиш ўрганилаётган хўжалик юритувчи субъект мулки қийматидаги ҳар бир элемент улушининг ўзгаришини тавсифлайди.

Прогноз айланма маблағларни такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ишлатилиши мумкин бўлган бўш пул маблағларининг кўпайишини кўрсатади.

Шунингдек, прогнозлашнинг кейинги босқичи соф айланма маблағларнинг кутилаётган қийматини ва уни молиялаштиришни таклиф қилишдан иборат. Соф айланма маблағлар қиймати хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари ва жорий мажбуриятлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Жорий активлар бошқарув сиёсатини ишлаб чиқишда хўжалик юритувчи субъект ўз маблағлари ҳисобидан активларнинг қайси қисми қопланишини ва қарз манбаларини қандай миқдорда жалб қилиш зарурлигини билиши керак. Кўпгина хўжалик юритувчи

субъектларда умумий қабул қилинган формулалар бўйича ҳисобланган ўз айланма маблағларининг қиймати салбий ҳисобланади. Бунда назарий мулоҳазалар асосида хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун маблағлар мавжуд эмас [4].

Хўжалик юритувчи субъектлар айланма жараёнида самарадорликка хом ашё, материаллар, ёқилғилар билан таъминлаш, маркетинг тадқиқотлари натижасида, дебиторлик қарзларини камайтириш, бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиявий ва шартномавий интизомга риоя қилиш орқали эришадилар.

Жорий активларнинг алоҳида элементларини бошқариш самарадорлигини тавсифлаб, шуни таъкидлаш мумкинки, барча захиралар бўйича уларнинг айланиш даврида бир оз ўсиш кузатилмоқда. Шу билан бирга

айланма муддати анча узоқ давом этади ва ҳар йили уч ойдан ортиқ бўлади. Бу эса қурилиш саноатининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг энг ликвид активлари пул маблағлари бўлиб, улар айланиш даврида ушбу босқичда узоқ вақт қолмайди. Муайян миқдорда улар мажбуриятларни қоплаш учун жорий активлар таркибида доимо мавжуд бўлиши керак, акс ҳолда компания тўловга лаёқатсиз, деб тан олинishi мумкин.

Пул маблағларини бошқариш, яъни пул маблағларининг тушуми ва ишлатилиши чикими пул оқимини прогнозлаш ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга, маҳсулотларни сотишдан кутилаётган пул тушумлари миқдори ҳисоб-китобларни тўлаш ва кредитга сотишнинг ўртача муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва параллель равишда нақд пул оқими прогноз қилинади. Яъни бу олинган маҳсулот (иш, хизмат)лар учун ҳисоб-китобларнинг тахминий тўловидир. Унда бюджетга, солиқ органларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, дивидендлар, фоизлар тўлаш, хўжалик юритувчи субъект ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, мумкин бўлган инвестициялар ва бошқа харажатлар назарда тутилади.

Қурилиш материаллари комплексининг асосий фаолияти бўйича пул оқимининг ўсишини кўрсатади. Молиявий фаолиятдан олинadиган пул оқими ўзгаришсиз қолади, чикимлари тушумлардан ошиб кетади. Натижада, молиявий фаолият қўшимча манбаларни жалб қилишни талаб қилади.

Хўжалик юритувчи субъектда маблағларнинг мавжудлиги унинг ликвидлигига таъсир қилади, бу унинг ликвидли активларининг, агар зарурият бўлса, кредиторлар олдидаги мажбуриятларини тўлаш учун етарлилигини тавсифлайди. Тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари»

уюшмасида ликвидлик кўрсаткичига иқтисодий шартларнинг бутун тўплами таъсир қилган. Яъни – тайёр маҳсулотни сотиш ҳажмлари, фойдаланилаётган ресурсларнинг тузилиши ва самарадорлиги, ишлаб чиқариш майдонларининг техник ва технологик жиҳозланиши, маҳсулот нархи ва таннархи, сифати, рақобатбардошлигидир. Ликвидлик кўрсаткичларининг муайян миқдорий параметрларига эришиш қўшимча маблағлар ва банк кредитларини ўз вақтида жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, таъсисчиларни компаниянинг ўз маблағларидан фойдаланишнинг мослашувчанлигига ишонтириш имконини беради.

Прогноз маълумотлари келажакда умумий ликвидлик коэффиценти ошишини кўрсатиб, бу умумий ликвидликнинг ўзгариши кўрсаткичлари билан тасдиқланади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг барча жорий активлар ҳисобига қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш учун юқори потенциал қобилиятини тавсифлайди.

Ликвидлик ўсишига ёрдам берадиган асосий омиллар — бу инвестиция қилинган капитал ва жорий асосий воситаларнинг ўзгаришидир. Прогноз давридаги жорий мажбуриятларнинг ўзгариши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тахлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрта муддатли ликвидлик коэффиценти сезиларли даражада ошади, шунингдек, унинг қиймати ҳар йили ошиб боради. Бу эса тадқиқот объекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг нақд пул, қисқа муддатли молиявий инвестициялар, дебиторлик қарзлари ва тайёр маҳсулот ҳисобига жорий мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади. Прогноз даври охирида

компания ўрта муддатли ликвидликни ташкил қилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг мутлақ ликвидлигининг истиқболли даражасини баҳолаш учун нақд пулда ўртача кунлик тўловларни қоплаш коэффициентининг прогноз қиймати аниқланади. Жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун ўртача кунлик тўловлар қийматини баҳолашда бир кунга берилган маълумотлардан фойдаланилади. Яъни, сотилган маҳсулот таннархи, давр харажатлари, товар-моддий захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар қийматининг ошиши.

Мавжуд нақд пул билан қопланадиган жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун тўлов кунларининг сони нақд пулнинг ўртача кунлик тўловларга нисбати сифатида аниқланади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг жорий активларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари доирасида рентабелликнинг прогноз қилинган қийматлари ўрганилди. Шу билан бирга режалаштиришнинг асосий мақсади жорий активлар айланмасини ошириш ва структурасини такомиллаштириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига рентабелликни оширишдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларда рентабелликнинг пасайиши энг аввало жорий активлар фойданинг ўсиш суръатларига нисбатан ўсиш суръатларидан ошиб кетиши билан оқланади. Натижада ўрганилаётган хўжалик юритувчи субъект ўз захиралари таннархини пасайтириш мақсадида жорий активлар айланмаси бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларига кўра, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг жорий активларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун жорий активлар

элементларини операцион циклнинг барча бизнес жараёнлари бўйича бир текис тақсимланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва маҳсулотни сотиш орқали сотиш зарурлигини таъкидлаш зарур.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг жорий активларини тактик даражада бошқаришда қарорлар қабул қилишнинг таклиф этилаётган асосий жиҳатлари ва сиёсатнинг ҳар хил турлари учун оптимал воситаларни ўрганишдан келиб чиққан ҳолда биз қурилиш материаллари комплексини ишлаб чиқиш кетма-кетлиги ва мезонларини жорий активларни бошқариш сиёсати, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси учун унинг тузилиши ва мазмунини аниқладик.

Фикримизча, жорий активларни бошқариш бўйича режалаштирилган сиёсат мамлакатда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш концепциясига мос келадиган хўжалик юритувчи субъект стратегиясига асосланиши мақсадга мувофиқ. Бу эса операцион, жорий ва узок муддатли режалаштириш элементларига асосланади. Ушбу операцион ва жорий режалаштиришни амалга ошириш учун тадқиқотлар натижасида тегишли сиёсатга мувофиқ жорий активлар бошқариш механизминини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун бюджетлаштириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февраль ПҚ-4198-сон қарори. WWW.Lex.uz

2. Адамадзиев К.Р., Касимова Т.М. Методы прогнозирования сельского хозяйства. – Москва: Фундаментальные исследования, 2014. – № 5-1. – С.122-126.

3. Дегтярёва Т.Д. Прогнозирование аграрного производства региона с применением адаптивных моделей / Т.Д. Дегтярёва, Е.А. Чулкова // Известия Оренбургского государственного аграрного университета. Т.33. – Москва, 2012. – № 1-1. – С. 208.

4. Глазунов М.И. Системы алгоритмов определения величины собственных оборотных средств [Электронный ресурс] // Экономический анализ: теория и практика, 2009. – №34.

5. Мочулаев В.Е. Прогнозирование собственного оборотного капитала и учет его фактического значения при определении итоговой стоимости предприятия (бизнеса) // Вопросы оценки, 2013. – № 2 (72). – С. 51.

6. Пименова Е.М. Прогнозирование величины и эффективности использования оборотных средств предприятия. / Проблемы совершенствования организации производства и управления промышленными предприятиями: Межвузовский сборник научных трудов. – Москва, 2010. – № 1-2. – С. 10.

7. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ИНСОН КАПИТАЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ

Шахноза Ганишеровна АКРАМОВА

иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”

илмий тадқиқот маркази

Mail:shahnoza-tiu@mail.ru

Аннотация

Мақолада инсон капитали назариясининг шаклланиш босқичлари тадқиқ этилган ва инсон капитали тушунчасининг назарий жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган. Инсон капитали тушунчасига муаллиф ёндашуви тақлиф этилган.

Таянч сўзлар: инсон капитали, таълим, саломатлик, кўникма, малака, иш ҳақи, мобиллик.

КОНЦЕПЦИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И ЭТАПЫ ЕЁ ФОРМИРОВАНИЯ

Шахноза Ганишеровна АКРАМОВА

доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Научно исследовательский центр

“Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при Ташкентском государственном экономическом университете

Mail:shahnoza-tiu@mail.ru

Аннотация

В статье исследуются этапы становления теории человеческого капитала, а также сравниваются теоретические аспекты концепции человеческого капитала. Предлагается авторский подход к понятию человеческого капитала.

Ключевые слова: человеческий капитал, образование, здоровье, навыки, квалификация, заработная плата, мобильность.

Ҳозир жаҳон миқёсида инсон борасидаги илмий тадқиқотларнинг муҳим капиталининг жамият ижтимоий- йўналишларидан бирига айланган.

иқтисодий тараққиётидаги ўрнини «2022–2026 йилларга мўлжалланган аниқлаш, миллий хусусиятлардан келиб Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт чикқан ҳолда ривожлантириш, ундан стратегияси»да ҳам инсон капиталини самарали фойдаланиш, тўлиқ намоён этиш ривожлантириш асосий мақсадлар учун шарт-шароитлар яратиш масалалари қаторидан жой олган. Янги Ўзбекистоннинг мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятдаги Тараққиёт стратегияси жами 100 та ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши мақсадни қамраб олган бўлиб, шундан 34 ва барқарор ривожланишини таъминлаш таси адолатли ижтимоий сиёсат юритиш,


инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ [1].

Инсонкапиталисиёсатвафанарбоблари орасида кенг қўлланилаётганига қарамай, ҳозиргача инсон капитали назариясида “инсон капитали” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда яқдил услубий ёндашув мавжуд эмас. Айрим муаллифлар инсон капитали, деганда инсон ва унинг таълимига инвестиция сифатида таъриф беришса, бошқалари меҳнатунумдорлигига ва унга тўланадиган ҳақнинг ошишига таъсир кўрсатувчи тўпланган билим, касбий малака, кўникмалар йиғиндиси сифатида қарашади.

Капитални кенг маънода талқин этишга асосланган иқтисодий ўсишнинг кўп омилли назарияси инсонга қилинган инвестиция, яъни инсон капиталининг жамғарилиши ва жамият даромади ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этувчи

«инсон капитали концепцияси»ни ишлаб чиқишга туртки бўлди. Капиталнинг ўзига хос шакли бўлган махсус билимлар, қобилиятлар ва малакалар йиғиндисининг тўпланиши иқтисодий ўсишга бевосита таъсир ўтказиши исботланди.

Инсон капитали назариясининг шаклланишини таҳлил қилиш натижасида уни шартли равишда тўртта йирик даврга ажратдик: инсон ва унинг иқтисодий қиймати тўғрисидаги илк иқтисодий қарашларнинг шаклланиши; инсон капитали тўғрисида классик иқтисодий қарашларнинг шаклланиш даври; инсон капитали назариясини мустақил иқтисодий назария сифатида шакллантирувчи фундаментал иқтисодий тадқиқотлар даври; инсон капиталига замонавий ёндашувлар. Қуйидаги манба муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Инсон капитали назариясининг ривожланиши.

Ҳозирги кунга келиб иқтисодчилар орасида инсон капиталига турли ёндашувлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси инсон капитали жамиятни

ҳаракатлантирувчи асосий куч ва уни шакллантиришга нафақат инсоннинг ўзи, балки давлат ҳам катта эътибор бериши керак, деб ҳисоблашади.

Қадимги Осиё ва қадимги Юнонистон иқтисодий таълимотларидан бошлаб барча иқтисодий мактаблар намояндлари кўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши сабаблари ва уни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлигини ўрганишга ҳаракат қилишган. Вавилон подшоҳи Хаммурапи (мил.авв. 1792–1750 й.)нинг қонунлар кодексида «ёлланма меҳнат муносабатлари, ёлланма ишчига ҳақ тўлаш ва унинг миқдори, ишлаб чиқарувчи шахсларни қонунан муҳофаза қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган» [6].

Фикримизча, саводли ва саводсиз инсоннинг фарқи (инсон капиталидан қайтим), илм олиш фазилатлари, илм эгаллашни рағбатлантириш, толиби илмлар учун шарт-шароит яратиш (инсон капиталини инвестициялаш) каби масалалар муқаддас динимизда муқаммал равишда баён қилинган. Ислом динининг асосий ғоялари қаторидан жой эгаллаган “Комил инсон” ғояси, яъни ҳар томонлама жисмоний (саломатлик капитали), ақлий (таълим капитали), интеллектуал (интеллектуал капитал) ва маънавий жиҳатдан ривожланган инсонни шакллантиришни ўзида мужассам этган таълимот аслида инсон капитали назариясида илгари сурилган асосий ғоялар билан устма-уст тушади [15].

Муқаддас китобимиз Қуръони каримда нозил бўлишича: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтаради. Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» (“Мужодала” сураси, 11-оят). Бу оят тафсиридан шу нарса ойдинлашадики, фақат иймону илм билангина Аллоҳ таоло тақводорлар мартабасини юқори тутар экан.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ислом “илм” деганда барча илмларни кўзда тутишини билдириб,

муслмонлар учун дунёвий илмларни ҳам муқаммал эгаллаш фарзлигини таъкидлайди [12; 85].

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳадисларидан бирида: «Олимнинг обиддан (ибодатлидан) фазли, тўлин оининг бошқа юлдузлардан устунлик фазлига ўхшайди», деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса, «Олимнинг бир кунлик ибодати обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг», дейилган [12;86].

Машҳур саҳобалардан ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос бундай ривоят қиладилар: «Сулаймон алайҳиссаломга илм, мол ва мулкдан биттасини танлаш таклиф қилинганда, илмни танладилар, унинг сабабидан молга ҳам мулкка ҳам эга бўлдилар» [12; 86].

Таъкидлаш жоизки, муқаддас динимизда билим олишга тарғиб қилинган бўлиб, аслида бугунги кунда «Бутун ҳаёт учун таълим» эмас, балки «Бутун ҳаёт давомида таълим олиш» концепциясининг илдизлари бевосита динимизга бориб тақалади. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак ҳадислари бунга далил бўлади.

باطأملعلا. دحللا ىلإ دهملأ نم

Яъни, “Бешиқдан то қабргача илм изла”.

Бошқа бир ҳадисда: “Кимки кичикларимизга раҳм қилмаса, катталаримизни хурмат қилмаса ва олимларимизнинг ҳаққини билмаса, биздан эмас” [12;86], дедилар .

Назаримизда, инсоният цивилизацияси тарихида Шарқ ренессанси номи билан из қолдирган ва жаҳон фанининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган ўша давр айнан ислом ақидаси таъсирида ривожланган. Айнан шу даврнинг тенгсиз вакиллари бўлган Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам инсон, унинг қобилияти ҳамда унинг мамлакат ва жамият ҳаётида тутган ўрни масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишган. Мисол учун, Абу Наср

Форобий ҳикматларида «инсоннинг касб-хунар, санъатдаги фазилатлари ҳар доим ҳам туғма бўлавермаслиги, кўпинча улар меҳнат машаққати ва ирода йўли билан рўёбга чиқиши қайд этилади. Шубҳасиз, бу икки қобилият ўзаро уйғунлашганда ривожланиш бўлади» [14], деган фикрлар келтирилади.

Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид асарларида иқтисодиёт билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилади. «Инсон соғлиғининг ички ва ташқи муҳитга бевосита боғлиқлиги, айниқса, тўғри оқилона овқатланиш, турмуш шароити ва гигиенаси катта аҳамият касб этиши кўрсатилади ва саломатликни сақлашда бадантарбиянинг барча ёшдаги кишилар учун муҳимлиги» [11], таъкидланади.

Берунийнинг қайд этишича, «билимларни эгалламоқ ва хунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараён дир. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар бири алоҳида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, хунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат, деб билади. Илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди ва шунга кўра олимларнинг меҳнатини кадрлаш турли илмлар кўпайишига олиб келишини таъкидлайди [4].

Юқорида келтирилган қисқача маълумотлардан кўриниб турибдики, Марказий Осиё олим ва мутафаккирлари инсон, унинг жамият ва давлат ривожланишидаги ўрни, қобилиятлари, меҳнат ва унга мос ҳақ тўлаш каби иқтисодий ғояларга алоҳида эътибор қаратишган.

Жаҳонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши меҳнатга янгича баҳо беришга туртки бўлди. Классик иқтисодчилар илк бор инсоннинг ишлаб чиқариш қобилиятлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш

самарадорлигини илмий таҳлил қилиш, инсонга қилинадиган кўйилмаларни миқдорий ифодалаш ва улардан келадиган қайтимини ҳисоблашга ҳаракат қилганлар.

В. Петтининг фикрича, ҳукмдорнинг буюклиги ва шуҳрати халқининг сони, уддабуронлиги ва меҳнатсеварлигига боғлиқ [8; 79]. У аҳолининг ўсишига миллий бойликнинг ўсишидир, деб қараган. В.Петти иқтисодчилар орасида биринчи бўлиб, «амал қилувчи тирик кучлар» категориясини ажратди, унда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи инсоннинг қобилият хусусиятлари умумлаштирилади. В.Петти фикрича, амал қилувчи тирик кучлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва табиат томонидан берилмайди, улар жамият мақсадли фаолиятининг натижаси сифатида юзага чиқади ва унинг шаклланишида моддий неъматлар билан бирга маънавий неъматлар иштирок этади. У инсоннинг меҳнат қобилиятларини баҳолашнинг методологик асосини аниқлади.

В.Петтидан сўнг Адам Смит инсоннинг меҳнат қобилиятларини ишлаб чиқариш масалаларини чуқурроқ тадқиқ этди. Унинг «иқтисодий одам» концепцияси инсоннинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва ролини очиқ беради. А.Смит меҳнатни барча соҳаларда бойликнинг асоси, деб билди. У капиталистик ишлаб чиқариш мануфактура босқичини таҳлил қилиш асосида иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили меҳнат тақсимотидир, деган хулосага келди. У инсонни нафақат иқтисодиётдаги ўрни нуқтаи назаридан, балки унинг этник ва ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади. У биринчи бўлиб инсон профессионал тайёргарлигининг даражаси, ахлоқий тарбияси ва меҳнат самарадорлигининг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берди.

А.Смит иш ҳақи масаласини илк классик мактаб вакили ва физиократларидан, яъни Ф.Кенэ ва В.Петтилардан

бошқачароқ ҳал этди. Маълумки, В.Петти тирикчилик учун зарур бўлган энг кам харажатлар назариясини илгари сурган. А.Смит «табиий баҳо» тушунчасини ишлатган ва иш ҳақи тирикчилик учун зарур минимум харажатлардан анча ортик бўлиши, болалар ҳаёти ва тарбиясига оид харажатлар ҳам ҳисобга олиниши керак, иш ҳақи миллий бойлик ўсишига бевосита боғлиқ, деган фикрда эди. Иш ҳақининг нормал даражасини аниқлашда, у амалда ишчи кучининг қийматидан фойдаланган, иш ҳақининг миқдори тўғрисида гап борганда эса тирикчилик харажатлари қиймати ҳисобга олиниши керак, дейди. У шунингдек, иш ҳақи миқдори ўзгаришининг механизмини ўрганиб, унинг қуйи чегараси жисмоний тирикчилик минимуми бўлиши керак, деган хулоса чиқарди. Агар иш ҳақи ундан паст бўлса, ишчиларнинг оммавий қирғини рўй беради. А.Смитнинг фикрича, юқори иш ҳақи иқтисодий тараққиётга ёрдам беради, чунки у меҳнат унумдорлигини ошириш учун рағбатлантиради. У иш ҳақини ошириш меҳнатга бўлган лаёқатни камайтиради, ишчиларни дангаса қилиб қўяди, деган ғояларга қарши эди. Олимнинг иқтисодий қарашларини таҳлил қиларканмиз, унинг ғоялари нафақат инсон капитали назариясининг шаклланиши учун асос, балки ҳозир бутун жаҳонда илгари сурилаётган инсон тараққиёти, барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида илмий асос учун замин яратилгани маълум бўлади. Олимнинг давлат хизматчилари, адвокат, судья, руҳоний ва ўқитувчиларнинг иш ҳақлари тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. У, айниқса, олий ўқув юртларида «натижага қараб ҳақ тўлаш»нинг йўқлигини қаттиқ танқид остига олади. Унинг асосий фикри шуки, чекланган маош олаётган ўқитувчи ҳеч қачон тўла куч билан ишламайди, чунки у бундан манфаатдор эмас. Лекин кам ҳақ тўлаш қанчалик зиён келтирса,

ортиқча кўп маош ҳам жамият учун наф келтирмайди. А.Смитнинг таъкидлашича, асосли равишда оилани таъминлаш учун эр ва хотиннинг меҳнати энг оддий меҳнат тоифаси бўлса ҳам, абсолют ҳолда уларнинг таъминланиши учун керак бўлганидан ортиқроқ бўлиши керак. Чунки болаларни парвариш ва тарбия қилиш маълум харажатларни талаб қилади [10; 66]. У иқтисодиёт фанида илк бор инсон капиталини такрор барпо этиш жараёнида ота-оналарнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Лекин шу билан бирга А.Смит ота-оналарнинг бола тарбиялашдаги меҳнатини ҳеч қандай қиймат яратмаганлиги учун унумсиз, самарасиз, деб ҳисоблаган. Олимнинг бу фикрига замонавий инсон капитали назарияси тарафдорлари қарши бўлгани каби биз ҳам қўшила олмаймиз.

Шундай қилиб, классик мактаб намояндалари илк бор ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари билан бирга инсоннинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини илмий асосда тадқиқ этди. Бунинг асосида қуйидаги асосий фикрларни ажратишимиз мумкин:

ишлаб чиқариш кучи сифатида инсон ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди;

кишининг қобилиятлари унинг шахсий капитали бўлиши билан бирга умумжамят бойлиги ҳамдир;

меҳнат унумдорлиги кишининг касбий тайёргарлиги, саломатлиги ва ахлоқий тарбиясига боғлиқ;

инсон тарбияси, таълим олиши унинг қийматини шакллантирувчи маълум бир харажатларни талаб қилади;

меҳнат ҳақи ишчининг қобилиятларига боғлиқ ва меҳнатнинг баҳоси ва миқдори билан аниқланади;

инсон қобилиятлари ҳаёт неъматларини истеъмол қилиш жараёнида шаклланади.

XIX аср охири XX аср бошларида инсон ва унинг қобилиятлари ўз ҳолларича капиталдир, деган иқтисодий мактаблар

кенг ёйилди. Уларнинг намояндалари сифатида Л.Вальрас, Дж.Кларк, Г.Маклеод, Дж.Мак-Куллох, И.Фишер инсонни капитал сифатида кўришган. Бир қатор иқтисодчилар инсоннинг ўзини эмас балки унинг орттирилган ва наслдан-наслга ўтадиган қобилиятлари капиталдир, деган фикрни билдиришган Лекин «инсон капитали» назарияси бу олимлар даврида тан олинмади. Уларнинг қарашлари замондан илгарилаб кетган эди.

XX аср бошида неоклассик оқим вакили А.Маршалл инсон капитали назариясини танқидга олди. «Инсон капитали» тушунчасини «шахсий капитал» атамасига алмаштирди. Унинг фикрича, иш ҳақи ва инсоннинг бошқа даромадлари капиталдан келадиган фоиз билан кўп ўхшашликларга эга. Инсоннинг таълимга қўйилмалар кўринишида хусусий капитални тўплашга ундовчи сабаблар моддий капитал тўпланишини тақозо этувчи сабаблар билан устма-уст мос тушиши аниқ [16]. Маршалл инсонни капитал, деб ҳисобламаган, чунки инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнати сотилади. У инсон капитали назариясини нореал, деб атаган. Буни ўша пайтдаги иқтисодий шароитлар тақозо этган.

XX асрда биринчилардан бўлиб инсон капитали назариясини ҳаётга татбиқ этган олим Гарвард университети профессори Дж.Уолш бўлган. У АҚШда профессионал таълимнинг миллий даромад даражасига таъсири бўйича аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширди. У замонавий инсон капитали назариясида инсонга нисбатан кенг қўлланиладиган «ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатлари» ва «неъматларнинг вақтдаги афзаллиги» тушунчаларини муомалага киритди [5;2].

Ялпи ишчи кучидаги таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш омилларига қизиқишлар инсон капитали назариясининг тўлиқ иқтисодий назария сифатида вужудга келишига ва ривожланишига сабаб бўлди. XX асрнинг 50–90-йилларида инсон

капитали назария сифатида шаклланиб, Т.Шульц, Г.Беккер, Б.Вейсброт, Дж.Минцер, Л.Хансен, М.Блаук, С.Боулс, Й.Бен-Порэт, Р.Леярд, Дж.Псахаропулос, Ф.Уэлч, Б.Чизвик ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди. Бу назария ғарб сиёсий иқтисодиётининг неоклассик йўналиши доирасида ривожлантирилиб, таълим, соғлиқни сақлаш, оила ва бошқа нобозор фаолият соҳаларини тадқиқ этишда фойдаланилади.

Инсон капитали назарияси «Чикаго мактаби» намояндаси Т.Шульц ишларида шакллантирилди. Ушбу назариянинг асосий ғоялари Шульцнинг 1960 йилда нашр этилган «Таълим капиталининг шаклланиши» мақоласи ва 1961 йилда нашр этилган «Инсон капиталига инвестициялар» мақолаларида ўз аксини топди. Деярли бир вақтнинг ўзида Чикаго университети иқтисод ва социология бўйича профессори Г.Беккер ҳам инсон капитали концепцияси устида ишлаётган эди. Кейинчалик иккалови ҳам (1992 йилда) «Инсон хатти-ҳаракатларининг бир қатор жиҳатлари, шунингдек, нобозор ҳаракатларига микроиқтисодий амалий соҳаларни тадбиқ этиш» мавзусидаги ишлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланди.

90-йилларда инсон капитали назарияси доирасида тадқиқот олибборган олимлардан А.Аулин, К.Ванг, Дж.Грейсон, Н.Ирланд, С.Ламбардини, Е.Капуто, Дж.Минцер, Дж.Псахаропулос, Г.Сент-Полни кўрсатиш мумкин. Дж.Псахаропулос фикрича, инсон капиталидан қайтим юқори даромадларда ўз аксини топади ва бугун таълим олиш учун қилинган «қурбонликлар» эртага ўзини бир неча баробар ортиқ қилиб қоплайди [9; 13], деб инсон капитали моҳиятини тушунтиради.

Инсон капитали назарияси собиқ иттифоқ иқтисодчилари орасида XX асрнинг 70–80-йилларда у ёки бу даражада кенг тус олди. Уларга В.И.Басов, В.Гойло,

А.И.Капелюшников, В.П.Корчагин, В.В.Колачков, В.И.Марцинкевичларнинг ишларини мисол қилиш мумкин.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб инсон капитали назарияси атрофида илмий мунозаралар жадал тус олган. Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам инсон капитали ва унинг шаклланишида иштирок этувчи омиллар борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга республикада иқтисодиёт илмининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган Р.А.Убайдуллаева, С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Л.П.Максакова, А.В.Вахобов шунингдек, Н.Х.Рахимова, Д.М.Каримова, Н.К.Зокирова, Х.П.Абулқосимов кабиларнинг ишларини келтириш мумкин.

Р.А.Убайдуллаеванинг таъкидлашича, бугунги кунда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда инсон салоҳиятининг ўсиши ҳисобига ижтимоий императивларнинг ўрни ва аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлаб, Ўзбекистонда ижтимоий императивлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос жиҳати сифатида инсон капиталига асосий инвестор сифатида давлат намоён бўлади [13; 107].

Қ.Х.Абдурахмоновнинг ишларида келтирилишича, «инсон капитали иқтисодий ўсишнинг омили бўлиб, республикада инсон тараққиёти ютуқларига эришиш инсон капиталига инвестицияларни кўпайтиришни назарда тутуди» [3; 22]. «Инсон капитали тор маънода – инсоннинг интеллекти, соғлиғи, билими, сифатли ва унумли меҳнати ҳамда унинг турмуш сифатини ифодаласа, кенг маънода инсон капитали – бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир» [2; 216].

Д.М.Каримова моддий капитал ишлаб

чиқариш омиллари, мулк ва молиявий активларга нисбатан эгалик ҳуқуқини назарда тутса, инсон капитали ва ижтимоий капитал таълим даражаси, касбий малака, кадрларнинг инновацион салоҳияти, шунингдек, аҳолининг саломатлиги, одамларнинг ўз саломатлигига нисбатан муносабати, диний-маданий қадриятлари, миллий урф-одат ва аъналарини қамраб олиши тўғрисида фикр юритади [7;202].

Барча назарияларни кўриб чиқиб, бу ёндашувлар бир-бирига қарама-қарши бўлишдан кўра, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эгадир, дейиш мумкин.

“Инсон капитали” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини англаш ҳамда унинг шаклланиши ва ривожлантириш йўналишларини аниқлаш, авваламбор, унинг таркибий унсурларини ўрганишни талаб этади. Инсон капиталининг таркибий унсурларини аниқлашга қаратилган таҳлил асосида аксарият таърифларда учрайдиган асосий унсурларни: таълим, малака, профессионал тажриба ва кўникма, саломатлик, мобиллик ва мотивациялар кабиларни, шунингдек, баъзи замонавий ёндашувларда қўлланилган унсурлар: даромад, оила хусусиятлари, психологик сифатлар, маданият, тадбиркорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик қобилиятлари, эътиқодлилик даражаси ва бошқаларни ажратиш имконини берди. Фикримизча, “инсон капитали” назариясининг фундаментал моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичи учун аҳамиятли бўлган инсон капиталининг унсурларини 1-жадвалда келтирилган ҳолда ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, инсон капиталини – узлуксиз равишда инвестициялар асосида шакллантириладиган ва ривожлантириб бориладиган меҳнат жараёнида қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва даромаднинг ошишига сабаб бўлувчи

билим, малака, касбий тайёргарлик, манба муаллиф тадқиқотлари асосида саломатлик, инновацион ижодкорлик каби тузилган (1-жадвал).
 яратувчанлик қобилиятлари йиғиндиси,
 сифатида ифодаласа бўлади. Қуйидаги

1-жадвал.

Инсон капиталининг таркибий унсурлари ва уларга таъсир кўрсатувчи омиллар

Инсон капиталининг таркибий унсури	Ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар
Таълим	<ul style="list-style-type: none"> - Таълим олиш ва ижодий фикрлашга индивидуал қобилиятлар; - Умумий ва профессионал таълим тизимининг ҳолати; - Оилада таълимга бўлган муносабат ва кадриятлар; - Катта ёшдаги оила аъзоларининг таълим даражаси; - Давлат, бизнес ва бошқа институтлар томонидан фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш даражаси ва бошқ.
Саломатлик	<ul style="list-style-type: none"> - Шахсининг генетик хусусиятлари; - Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси; - Демографик ҳолат; - Экологик вазият; - Тўғри овқатланиш; - Мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурталаш тизимининг ривожланганлик ҳолати; - Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланганлиги ва бошқ.
Касбий тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> - Билимларнинг авлодлараро алмашинуви; - Иш жойида ўрганиш ва иш тажрибаси; - Устоз-шогирд тизимининг амал қилиши; - Касбга қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг ҳолати ва бошқ.
Профессионал мобиллик	<ul style="list-style-type: none"> - Ахборотга бўлган имкониятнинг мавжудлиги; - Иш билан бандлик соҳасида давлат сиёсати; - Халқаро меҳнат миграцияси тизимида мамлакатнинг ўрни; - Ташкилотларда кадрлар тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш ҳолати ва бошқ.
Маънавият, маданият, эътиқодлилиқ	<ul style="list-style-type: none"> - Оилавий кадриятлар; - Жамиятда маънавий, маданий, ҳуқуқий саводхонлик даражаси
Инновацион ижодкорлик	<ul style="list-style-type: none"> - Мамлакатда таълим сифати ва мазмуни; - ИТТКИ ни молиялаштириш даражаси ва тизими; - Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳолати; - Инновацион ижодкорликни рағбатлантириш тизими; - Бизнесни юритиш эркинлиги

Ва унга қуйидаги хусусиятлар хосдир: бугунги кунда инсон капитали жамият тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир;

миллий иқтисодиётнинг ялпи инсон капитали алоҳида шахслар инсон капиталларининг йиғиндисидан иборат;

инсон капиталининг шаклланиши инсон ва бутун жамиятдан катта харажатларни талаб қилади;

тўпланган ва доимий равишда такомиллаштирилиб бориладиган билим, малака, тажриба, саломатлик захираси сифатида юзага чиқади;

бу захирадан у ёки бу фаолият соҳасида

мақсадли фойдаланилади ва меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига замин яратади;

инсон капиталидан қайтим сифатида даромаднинг ошиши, унинг эгасининг манфаатдорлигини ошириб, навбатдаги инсон капиталига – инвестицияларга чорлайди;

инсон капитали жисмоний эскириш ва иқтисодий ўз қийматини ўзгартириш хусусиятига эга;

инсон қобилиятлари, билимлари, салоҳияти ва бошқалар ҳар бир шахснинг ажралмас қисмидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон фармони <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт: дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Тошкент: FAN, 2019. – 592 б.

3. Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон тараққиёти: эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. / Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва ундан фойдаланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б.15-24.

4. Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология). /Перевод А.М.Беленицкого. Под. Ред. Г.Г.Леммлейна, Х.К.Баранова и А.А.Долилиной. – М.- Л., 1963. – 526 с.

5. Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономики. – СПб.: Наука. 1999. – 360 с.

6. Законы Вавилонского царя Хаммурапи. <http://www.hist.msu.ru/ER/Etext/hammurap.htm>

7. Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. – Тошкент: Baktria Press, 2012. – 375 с.

8. Петти В. Экономические и статистические работы. / Вильям Петти ; пер. под ред. М. Смит ; предисл. Д. Розенберга. – Москва: Соцэкгиз, 1940. – 324 с.

9. Псахаропулос Дж. Концепции и неправильные представления о теории человеческого капитала // Экономическое образование, 2001. – №1. – С. 11-17.

10. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: СОЦЭКГИЗ, 1962. – 688 с.

11. Сино, Абу Али ибн. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1 жилд. – Тошкент:

Абдулла Қодирий, 1992. – 304 б.

12. Тафсири Ҳилол. 6-жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр /Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Sharq, 2012. – 640 б.

13. Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны: XXVI международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2013. – С. 107-110.

14. Фаробий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993 й. – 330 б.

15. Faruk Abdullah, (2012), "The role of Islam in human capital development: a juristic analysis", Humanomics, Vol. 28 Iss 1 pp. 64 - 75 Permanent link to this document: <http://dx.doi.org/10.1108/08288661211200997>

16. Marshall A. Principles of economics. – L, 1961. – 619 p.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РИСКЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Хамидулла Сойибжонович ИМОДИНОВ

катта ўқитувчи

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рискларнинг таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, рискларни бошқариш бўйича ишлар босқичи, рискларни таҳлил қилиш борасидаги ишларнинг мазмуни ва белгиланиши, лойиҳа иштирокчилари томонидан рискларни таҳлил қилиш натижалари баён этилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, риск, лойиҳа, барқарорлик, инвестиция, баҳолаш.

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ВЛИЯНИЯ РИСКОВ НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Хамидулла Сойибжонович ИМОДИНОВ

старший преподаватель

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется совершенствование методики оценки влияния рисков на деятельность хозяйствующих субъектов, этапы управления рисками, содержание и определение анализа рисков, результаты анализа рисков участниками проекта.

Ключевые слова: предпринимательство, риск, проект, стабильность, инвестиции, оценка.

Рискларни бошқаришга доир ишлар босқичи, рискларни таҳлил қилиш борасидаги ишларнинг мазмуни ва белгиланиши, лойиҳа иштирокчилари томонидан рискларни таҳлил қилиш натижаларини ўрганиш, ишлаб чиқилган ҳар қандай инвестицион лойиҳадаги пул маблағлари оқими келгуси даврга тегишли ва истиқболли характерга эга. Шунга аниқ ишонч ҳосил қилиш керакки, истиқбол нотўғри бўлиши, яъни кўзланган даромадларга эга бўла олмаслик мумкин. Шунинг учун таҳлил ишларининг энг муҳим қисми унинг

оқибатини ҳисобга олиш, инвестицион лойиҳалар экспертизаси жараёнида асосий восита сифатида рискларни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Бугунги кунда инвестицион лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳавий рискларни таҳлил қилиш тушунчалари эндигина юзага келди, бироқ аввал тўпланган халқаро тажрибани ҳисобга олганда рискларни таҳлил қилиш ҳар қандай инвестицион лойиҳалар бизнес-режасининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Таъкидлаш жоизки, инвестицион лойиҳалар экспертизасида лойиҳа бўйича

барча маълумотлардан фойдаланилади, маълумотларнинг тўғрилиги чуқур ўрганилади, кутилиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ва унинг оқибатлари баҳоланади. Бундан ташқари, рискларни таҳлил қилиш лойиҳалар экспертизасидан уни амалга оширишни бошқариш жараёнига ўтишда “кўприк” вазифасини ўтайди.

Умуман олганда, риск – бу йўқотиш эҳтимоли. Лойиҳа rischi лойиҳани муваффақиятли амалга оширишдаги хавф-хатар даражасини англатади. Ҳозирги кунда амалиётда лойиҳа рискларини таҳлил қилишга имкон берувчи турли ёндашувлар ва усуллар қўлланилмоқда. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлик масаласини ҳал этишда риск таҳлили асосий ўринни эгаллаб, бу асосида лойиҳа юзасидан эҳтимол тутилган барча йўқотишлар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ёки тегишли вазиятларда уларни бенуксон ҳал этиш ёки пасайтириш борасида чоралар ишлаб чиқилади. Рискдан келадиган йўқотишларни камайтириш ёки барҳам топтириш ва улар билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтириш усулларини таклиф этиш учун энг аввало, рискларнинг вужудга келишига имкон берувчи омилларни аниқлаш, уларнинг аҳамиятини баҳолаш, яъни “риск таҳлили” деб номланувчи ишни бажариш лозим. Риск таҳлилининг мақсади инвесторга инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва мумкин бўлган молиявий йўқотишлардан ҳимояланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларни тақдим этишдан иборат.

Шунгакўра, риск таҳлили лойиҳанинг барча иштирокчилари мустақил тарзда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Риск таҳлили инвестицион лойиҳанинг барча иштирокчилари – буюртмачилар, банк, суғурта компаниялари, лизинг

компаниялари, мол етказиб берувчилар томонидан олиб борилиши лозим. У, одатда, бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги икки турга эга:

рискларнинг турлари, омиллари ва доирасини аниқлаш мақсадини кўзловчи сифат таҳлили;

алоҳида рисклар каби лойиҳаларнинг ҳам ҳажмини ҳисоблаш имконини берувчи миқдорий таҳлил.

Рискларни баҳолаш рискларни пасайтириш усулларини қўллашдан иборатдир. Рискларни баҳолаш деганда риск даражасини сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлаш тушунилади. Рискларни пасайтириш усуллари турлича бўлиб, улар риск турига ва риск гуруҳига қараб танланади. Биринчи босқичда рисклар таҳлили лойиҳа ташаббускорларига инвестиция киритиш ёки киритмаслик ҳақида содир бўлиши мумкин бўлган зарарлар ҳақида маълумот беради. Аммо рисклар лойиҳа ҳаётини барча босқичларида бўлганлиги сабабли рисклар таҳлили лойиҳа тугагунга қадар давом этади. Умуман олганда, рискларни аниқлаш – сифат таҳлилига; рискларни баҳолаш – миқдор таҳлилига таалуққидир. Риск таҳлилининг миқдор усуллари орасида оммабоп усуллар қуйидагилардир: статистик усул, статистик тажрибалар усули; мақсадга мувофиқ келадиган харажатлар таҳлили; эксперт баҳолаш; аналитик усуллар ва бошқалар. Риск таҳлилининг аҳамияти инвестиция лойиҳасининг салоҳиятли иштирокчисига, инвесторларга лойиҳани мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ҳақидаги қарорларини қабул қилиши учун зарурий маълумотларни бериши билан изоҳланади.

Рискларни бошқариш – бу риск ва фойда миқдорини оқилона қўшилмасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар. Рискларни бошқаришнинг асосий мақсади – уларни пасайтириш ҳисобланади.

Рискларни бошқариш қуйидаги асосий

босқичларга бўлинади:

риск омилини аниқлаш;
риск омилини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

рискларни пасайтириш бўйича ишларни режалаштириш ёки риск оқибатларини бартараф этиш;

рискларнинг олдини олиш ва назорат қилиш;

рискларни бошқариш усулларини танлаш ва қўллаш;

риск вазиятлари ва уларнинг оқибати хақида маълумот тўплаш ва келажакка тавсиялар тузиш.

Риск омилини аниқлаш деганда риск сабабини, яъни лойиҳага таъсир қила оладиган воқеа ёки вазиятларни аниқлаш тушунилади. Рискни бошқаришдан мақсад энг аввало рискнинг олдини олишдир. Қарор қабул қилаётган шахс юз бериши мумкин бўлган нохуш воқеаларнинг оқибатини яққол тасаввур этиши керак. Бу унинг кейинги ҳаракатларини белгилаб беради. Банк бошқаруви ходимлари ўз ишларида амал қилиш учун хатарнинг олдини олиш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиши керак. Рискларни бошқаришдаги асосий вазифа – амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишдир.

Рискни бошқаришдаги асосий йўллар қуйидагилар: рискларни ажратиш; рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш; моддий таъминотни олиш (гаров); молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик); рискларни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига кўчириш; рискларни венчур кредитлашга қабул қилиш; қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш ва бошқ. Булар рискни бошқариш бўйича қуйидаги иш йўналишларини талаб қилади: ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторинг олиб бориш; маълум бир

мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторингини юритиш; кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш; риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга ошириш). Рискларни ажратиш деганда молиялаштириш манбаларининг ҳаракатидаги оғирликни қарздорнинг ўзи билан биргаликда бошқа бир неча инвесторлар ўртасида бўлиниши тушунилади. Йирик қарздорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришда бу табиий. Ушбу амалиёт кичик доирадаги тадбиркорлар учун кенг тарқалмаган ва шу билан боғлиқки, сўралаётган кредитнинг чегараланган суммасида инвесторлар ўртасида рискларнинг тақсимланиши ва назорати бўйича операциялар харажатлар банк кредитлаш рискин камайтиришга қилинадиган иқтисодни ошириши мумкин.

Рискни бошқаришда лойиҳа иштирокчиларидан ташқари суғурта ташкилотлари ҳам бевосита иштирок этади. Улар рискни баҳолашда ўз усуллари ва йўлларини амалга оширадилар, бу амалга ошириш режа- дастурларини назорат қилиб борадилар.

Натижаларни баҳолаш – бу маълум бир лойиҳа доирасидаги риск

менежменти бўйича фаолиятларнинг йиғиндиси. У кенг маълумотлар тўплами асосида ўтказилади ва риск таҳлилига тузатишлар киритиш, риск менежментининг алоҳида чораларини қўллаш, самарадорлигини баҳолаш, рискни бошқаришда барча қилинган харажатларни баҳолаш мақсадида ўтказилади. Натижаларни баҳолаш орқали олинган кўрсатма ва хулосалар кейинги лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилади. Инвестиция лойиҳаси рискин баҳолаш усуллари орасида энг кўп қўлланиладиганлари қуйидагилар:

лойиҳанинг сезгирлик таҳлили;
“Зарарсизлик нуктаси”ни аниқлаш;
барқарорликни текшириш усули.

Юқорида кўриб ўтилган рискни бошқариш босқичлари ва рискни баҳолаш усуллари ёрдамида риск сабабли бўладиган йўқотишларни пасайтириш, улар билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларни камайтириш усуллари таклиф қилиш мумкин. Лойиҳа рискларини бошқаришнинг у ёки бу турдаги воситаларининг, механизмларининг қўлланилиши амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рискларининг аниқ турлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар кўламига, шунингдек, уларнинг лойиҳани амалга ошириш натижаларига таъсирига боғлиқдир. Рисклар барча лойиҳалар учун умумий бўлгани каби ҳар бир инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига, муайян таснифларига қараб махсус рисклар ҳам бўлиши мумкин. Бундай шароитларда рискларни таҳлил этиш, уларни бошқариш воситаларини ишлаб чиқишда кучли ва тажрибали мутахассиснинг малакали билимига таянилади. Бунда лойиҳа рискларини бошқариш бир марталик ёки битта жараёндан иборат бўлмасдан, балки у бир қанча босқичларни ўз ичига олади.

Бу жараёнлар инвестиция лойиҳасини амалга оширишдаги рискларни пасайтириш ёки бартараф этишнигина эмас, балки лойиҳанинг ижобий натижаларини таъминлаш ёки оширишга ҳам бўйсундирилган бўлади.

Қуйида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда аниқланувчи, ҳисобга олинувчи рискларни таҳлил қилиш ва уларни лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларидаги бошқариш тизимининг босқичлари келтирилган:

рискларни бошқаришни режалаштириш;

рискларни таснифлаш;

рискларни сифатли баҳолаш;

рискларни миқдорий баҳолаш;

рискларни режалаштириш (аниқлаш)

ва уларни ҳал этиш услубларини танлаш;

рискларнинг мониторингини олиб

бориш.

Лойиҳа рискларини бошқаришнинг юқоридаги барча босқичлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Ҳар бир босқич ҳар бир лойиҳада бир марта бажарилади.

Инвестиция лойиҳаларининг амалга ошириладиган тармоқ хусусиятига қараб юқорида тилга олинган босқичлар қисман ўзгариб туриши мумкин. Масалан, электроэнергетика ва транспорт, нефт ва нефтни қайта ишлаш тармоқлари ва шу каби давлат аҳамиятига эга бошқа тармоқлар иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан қатъий юқори аҳамият касб этувчи давлат томонидан назорат қилиб бориловчи тармоқлар ҳисобланади.

1.Рискларни бошқаришни режалаштириш. Рискларни бошқаришни режалаштириш деганда аниқ лойиҳа бўйича бошқаришни режалаштириш ва қарорларни қабул қилиш жараёни тушунилади. Шунингдек мазкур жараён ўз ичига лойиҳа рискларини бошқариш жараёнини кадрлар билан таъминлашни ташкил этишни ҳам қамраб олиши лозим..

2.Рискларни таснифлаш. Рискларни таснифлаш жараёни доирасида лойиҳага ҳақиқатан ҳам таъсир кўрсатиши мумкин бўлган рисклар аниқланади ва бу рискларнинг таснифи келтирилади. Таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни таснифлаш уларни бошқаришнинг энг муҳим жараёнларидан ҳисобланади.

3.Рискларни сифатли баҳолаш. Рискларни сифатли баҳолаш – лойиҳада таснифланган рискларнинг сифатли таҳлилини амалга ошириш ва улардан энг хатарлиларини ажратиб олиш. Рискларни сифатли баҳолаш рискларнинг пайдо бўлиш шарт-шароитларини баҳолашни ва уларнинг стандарт ёки ностандарт усуллар ва воситалар билан лойиҳага таъсири аниқланади. Фикримизча, аксарият ҳолларда таҳлилнинг универсал усуллари қўллаш олинмаган натижаларнинг

кўзланган даражадаги ишончилигини таъминлашга имкон бермайди.

4.Рискларни миқдорий баҳолаш. Адабиётларда рискларни миқдорий баҳолаш сифатида рискларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини аниқлаш ва уларнинг лойихага таъсири тушунилади. Фикримизча, миқдорий таҳлил, аксарият ҳолларда, рискларни бошқаришнинг мустақил босқичи ҳисоблансада, у рискларни сифатли баҳолаш босқичи билан узвий боғлиқликда қўлланилиши лозим.

5.Рискларни режалаштириш (аниқлаш) ва уларни ҳал этиш услубларини танлаш. Адабиётларда рискларни режалаштириш (аниқлаш) ва уларни ҳал этиш услубларини танлаш сифатида лойихага салбий таъсир кўрсатувчи рискларни пасайтириш услублари ва технологияларини ишлаб чиқиш тушунилади.

6. Рискларнинг мониторингини олиб бориш. Мазкур босқич доирасида аниқланган рисклар, бартараф этилмаган рисклар ва рисклардан

химояланиш режасининг бажарилиши таъминланганлиги аниқланади ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш ишлари олиб борилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инвестиция лойихалари рискларини бошқаришда уларнинг таҳлил қилиниши натижаларига асосланиб, бошқариш усуллари танланади.

Рискларни баҳолаш тартиб-таомиллари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) жадвалда келтирилган ҳар қайси рискларни баҳолаш; 2) рискларни интеграл баҳолашни амалга ошириш; 3) ички рисклар таъсир кучини аниқлаш; 4) рискларга қаршилик кўрсатиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

Мазкур босқичларни кўриб чиқамиз. Биринчи босқичда ажратиб кўрсатилган ҳар бир рискларнинг таъсир кўрсатиш даражасини баҳолаш лозим. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун махсус ишлаб чиқилган баҳолаш шкаласидан фойдаланиш таклиф этилади. Қуйидаги жадвал муаллиф ишланмаси (1-жадвал).

1-жадвал.

Тадбиркорлик таркибига ички рисклар таъсир кўрсатиши даражасининг шкаласи

Шкала	Шкала даражаси	Шкала даражасининг тавсифи
1.	Аҳамиятсиз.	рисклар сезиларли таъсирининг мавжуд эмаслиги. Зудлик билан инобатга олиш заруратининг йўқлиги
2.	Кичик	рискларнинг кучсиз таъсири. Уларни мониторинг қилиш тавсия этилади
3.	Ўрта	рискларнинг аста-секинлик билан таъсир эта бошлаши. Уларни бартараф этиш ёки агар бартараф этишнинг иложи бўлмаса унинг таъсирини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилишини талаб этади
4.	Юқори	рискларнинг сезиларли таъсири. Улар таъсирига оид зудлик билан чоралар кўриш, тадбиркорлик субъекти ишлаш принципларига ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.
5.	Катастрофик даража	рискларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асосий йўналишларини бузиш даражасидаги таъсири. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг стратегияси ва тактикасини бутунлай ўзгартириш ҳамда рискларни бартараф этиш учун кўшимча катта маблағлар жалб этиш талаб қилинади

Мазкур келтирилган шкала доирасида рискларнинг таъсир этиш кўрсаткичлари экспертлар томонидан баҳоланади. Ишончлилик даражаси ва объективликни таъминлаш мақсадида экспертлар таркибига корхона фаолияти билан яқиндан таниш, унинг кучли ва заиф томонларини яхши биладиган ва рисклар билан курашиш тажрибасига эга бўлган кишилар қўшилишлари лозим. Энг аввало, булар мулкдорлар ва жойлардаги асосий ҳал қилувчи мутахассис ходимлардир, шу боис уларнинг хулосаларига ишониш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги рискларни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш жуда муҳим ва ўта масъулиятли босқич ҳисобланади. Аниқ танланган усул доирасида аниқ чора-тадбирларни

қўллаш мумкин. Бу босқич тадбиркорлик субъектлари янги йўналишдаги фаолиятларини бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал ўтказилиши керак. Танлашда кечикиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятида жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши ёки иштирокчилар ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Рискларни бошқаришда зарур чора ва усулларнинг оптимал вариантини танлаш тадбиркорлик субъектлари барча ходимларининг (мулкдорлар ва раҳбариятдан тортиб оддий ходимга қадар) жиддий ҳамжиҳат ва эҳтиёткор бўлишини талаб қилади. Иш стратегиясини тўғри қабул қилиш тадбиркорлик субъектларининг хавфсизлигини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 саволга 100 жавоб. – Тошкент: Меҳнат, 2002. – 352 б.
2. Буньковский Д.В. Методы минимизации рисков предприятия // Вопросы управления, 2018. – 2019. – №1. – С. 65-72.
3. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи. – Тошкент: Молия, 2001. – 269 б.
4. Крылатых Э.Н. Проблема экономических рисков в АПК. – Москва: ЮНИТИ, 1999. – 235 с.
5. Лапуста М.Г., Шаршукова Л.Г. Риски в предпринимательской деятельности. – Москва: Инфра-М, 1996. – 224 с.
6. Раҳмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. – Тошкент: Монография, 2013. – 189 б.
7. Хохлов Н.В. Управление риском. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. – 239 с.



МАСОФАВИЙ БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

Кахрамон Нишонович ХУСАНОВ

тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада банклар инновацион фаолиятининг моҳияти, банклар фаолиятида инновацияларнинг зарурияти, банкларнинг айрим инновацион хизматлари ҳолати таҳлил қилинган. Банк инновацион фаолиятининг аҳамияти юзасидан хулосалар келтирилган.

Таянч сўзлар: банк, инновация, банк инновацияси, рақамли банклар, банкнинг инновацион маҳсулотлари, инновацион механизм.

ЦИФРОВЫЕ ФИНАНСОВЫЕ УСЛУГИ В СИСТЕМЕ ДИСТАНЦИОННОГО БАНКОВСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ

Кахрамон Нишонович ХУСАНОВ

исследователь

Банковско-финансовая академия

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье показаны сущность инновационной деятельности банков, потребность в инновациях в деятельности банков, анализ состояния некоторых инновационных услуг банков. Сделаны выводы относительно важности инновационной деятельности банка.

Ключевые слова: банк, инновации, банковские инновации, цифровые банки, инновационные банковские продукты, инновационный механизм.

Тижорат банклари ўртасида рақобат ва иқтисодий инқирозларга қарши кучайиб бораётган шароитда банклар чоралар дастурини амалга оширишда банк томонидан ўз мижозларига қулай тизимининг ривожланишини таъминлаш шароитларда хизмат кўрсатилишини замонавий усуллардан фойдаланишни таъминлаш асосий масалалардан бири тақозо этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлар ортиқча оворагарчиликлардан холи сифатини ошириш, уларнинг этиш бугунги кунда ғоят муҳимдир. оммабоплигини таъминлаш, аҳолига Мамлакатимиз иқтисодиётини молиявий хизматлар кўрсатишни модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ривожлантириш муҳим аҳамият касб

этади. Буни таъминлашда эса ахборот коммуникацион технологияларининг ўрни бекиёс даражада катта бўлиб, улардан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Хусусан, Президентимиз томонидан 2020 йил 12 май куни тасдиқланган «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси»да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби устувор вазифалар белгиланган. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида тижорат банкларининг корпоратив трансформацияси жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловларнинг сони ва қамровини кенгайтириш;

- скоринг, масофадан туриб идентификациялаш ва кредит конвейери тизимидан кенг фойдаланиш;

- банк ахбороти ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;

- банк секторида янги концепциялар ва технологияларни кенг жорий этиш (финтек, рақамли банкинг).

Бу тадбир мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсишини таъминлашга, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда эркин бозорга интеграциялашувини жадаллаштириш учун банк хизматларини рақамлаштиришга қаратилган.

Рақамли индустрияни ривожлантириш, хусусан рақамли банк хизматларини кенгайтириш ва такомиллаштириш

бўйича хорижий олимлардан A.Bastaria, A.Eliyanab, A.Syabarrudinc, Z.Ariefd, A.P.Emur [7], W.Wodo, P.Blaskiewicz, D.Stygar, N.Kuzmalар [8], маҳаллий олимлардан Н.Х.Жумаев [2], Н.Шарипова [5], Н.Р.Икрамова [3], А.Азларова [1], А.Қосимов [6], З.Мамадияровлар [4] илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Таниқли иқтисодчи олим, профессор Н.Х.Жумаевнинг фикрича, “Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади” [2].

Иқтисодчи олим О.Аликориевнинг фикрига кўра банк, мижоз ва интернет тизимларига асосланган масофадан банк хизмати кўрсатиш мижозларга хизмат кўрсатишнинг анъанавий банк усулларига кўра ҳар қандай жойдан туриб, мижоз ўз ҳисобварағидан фойдаланиши ҳамда транзакцияларни амалга ошириши, сервисдан ҳафтасига етти кун, суткасига 24 соат мобайнида фойдаланиш, транзакциялар дарҳол бажарилиши ва тасдиқланиши каби афзалликларга эга.

Тадқиқотчи З.Т.Мамадиёровнинг таъкидлашича, масофавий банк хизматлари – бу банкларнинг мижозларига тақдим этаётган хизматларини банкда мижозлари билан юзма-юз эмас, балки, масофадан замонавий банк технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши тушунилади. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, иккинчидан, банк операцияларининг автоматлаштирилганлиги билан боғлиқ.


А.А.Азларова томонидан рақамли иқтисодиёт ривожланишининг молиявий хизматлардаги аҳамияти назарий жихатдан

тахлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистонда банкларнинг трансформация жараёнларини жадаллаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалий жараёнлари ўрганилган.

Бугунги кунда анъанавий банк хизмати турларининг ўрнини рақамли банкинг хизмати турлари эгалламоқда. Чунки банклар хизмат турларини такомиллаштириб бормас экан, улар даромадини ва мижозлар сонини кескин ошириб бориш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Молиявий хизматлар саноатининг ривожланиши боис жадаллашмоқда. Биз юқорида муҳокама қилган FinTech тенденциялари мижозлар талабига жавобан пайдо бўлди. Улар аслида провайдерларга молиявий маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шаффофликни ошириш, транзакцияларни тезкор қайта ишлаш, масофадан хизматлар

кўрсатиш, идентификация қилишнинг ишончли усуллари ва мижоз ҳаётининг айланиш жараёнини яхшироқ қўллаб-қувватлашга имкон берадиган янада сифатли хизматларни тақдим этишга ёрдам беради.

Бугунги кунда Республикамиз тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларининг сифатини янада яхшилаш, янги банк хизматларининг турларини кўпайтириш асосий мақсад қилиб олинган. Бу мақсадларга эришишда банкларни замонавий модернизациялаш, рақамли трансформациялаш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Республикамиздаги барча банклар ўзларининг рақамли хизматларини банк мобил иловалари ва банк сайтлари, интернет банкинг, СМС банкинг ва бошқа воситалар орқали кўрсатиб келмоқда.



1-расм. Муомалага чиқарилган банк карталари сони, 1 январь ҳолатига кўра минг дона.

Изоҳ: DUET карталарининг муомаладан чиқарилганлиги сабабли 2017 йил давомида карталарнинг умумий сони қисқарган.

Бугунги кунда республика банклари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида 27,1 млн. банк карталари муомалага чиқарилган бўлиб, улар орқали 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 111,1 трлн. сўмга яқин транзакциялар ўтказилди. 2020 йил 11 апрелда Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга “Uzcard” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк

томонидан тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 сентябрь ПҚ-3945-сон қарорига асосан Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилиб, 2019 йилнинг 1-чорагидан бошлаб “Нумо” тўлов тизими ишга туширилди. Миллий банклараро процессинг

маркази МЧЖга 2020 йил 11 апрелда “Нумо” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан берилди.

Банк карталари орқали ўтказилган операцияларнинг асосий қисми савдо тўлов терминаллари, банкоматлар ва

инфокиосклар орқали амалга оширилган. Хозирги кунда жами ўрнатилган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган терминаллар сони 433 мингдан ортиқ, инфокиосклар сони эса қарийб 12,9 мингдан ортиқни ташкил этмоқда.



2-расм. Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари, инфокиоскалар ва банкоматлар сони, 1 январь ҳолатига кўра.

Замонавий тўлов технологиялари ва масофавий банк хизматлари ривожланиши билан бир каторда масофавий нақд пулсиз тўловлар сони ошиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мобиль телефонлар орқали тўловларни амалга ошириш оммалашиб бормоқда. Бу борада банклар томонидан чиқарилган 3,7 млн.дан ортиқ банк карталарининг эгалари мобиль тўлов тизимларидан фойдаланмоқдалар. Бундай тўлов тизимлари тижорат банклари томонидан мустақил ёки нобанк тижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий қилиниб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Булардан кенг тарқалган тизимлар қаторида “Click”, “Payme”, “M-bank” ҳамда ЧЭКИ “Hamkorbank” АТБ, ТИФ Миллий банки, “Агробанк” АТБ, “Асака” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБнинг мобиль тўлов тизимларини

кўрсатиш мумкин.


Тижорат банкларининг чакана тўловлар, шу жумладан, банк карталари воситасида амалга оширилган тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали амалга оширилади. Бу тизим чакана тўлов тизимлари билан биргаликда ишлашдан ташқари, Молия вазирлиги Ғазначилигининг ахборот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг биллинг тизимлари билан интеграция қилинган ҳолда тўловларни ўтказиш имконини беради. Мобиль тўлов тизимлари орқали кўрсатилаётган хизматлар асосан мобиль операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун (нобанк чакана тўлов тизимлари орқали) тўловларни ўтказишдан иборатдир.

Коммунал тўловлар, солиқлар

ва бошқа мажбурий тўловларни эса клиринг тизими орқали ўтказиш салмоғи юқори бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан онлайн-банкнинг технологиялари, жумладан, мобиль банкнинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, бунда барча банкларнинг карталарини тўлиқ камраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобиль тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш

бўйича режа графиклар ишлаб чиқилди.

Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида 2022 йилда банклар томонидан мобиль тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби технологиялар асосида контаксиз тўловларни ўтказиш ҳамда қабул қилиш имконияти яратилди. Булардан бозорларда, сайёр ярмарка, айниқса транспортда фойдаланиш аҳоли учун қулай ҳисобланади.



3-расм. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида тижорат банклари томонидан тақдим этилган жисмоний шахсларга масофадан хизмат кўрсатиш учун яратилган мобил иловалар рейтингини ишлаб чиқилди ва юқори 10 та банклар қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

1-жадвал

Тижорат банкларининг жисмоний шахсларга масофадан хизмат кўрсатиш учун яратилган мобил иловалари рейтингини

№	Дастур номи	Банк номи	Дастурни юклаб олганлар сони	Play market да баҳо қўйганлар сони	Ўртача қўйилган баҳо
1	Milliy	Миллий Банк	500000+	10352	3.9
2	Hamkor Mobile	Ҳамкор банк	100000+	2733	3.7
3	InfinBank	Инфинбанк	100000+	2249	3.9
4	Ipal Yo'li Mobile	Ипак йўли банк	100000+	1881	4.0
5	Ipoteka Bank	Ипотека банк	100000+	1645	4.5
6	Agrobank Mobile New	Агробанк	100000+	1523	3.8
7	Uz PSB Mobile	Саноатқурилиш банк	100000+	1415	3.6

8	Apelsin	Капитал банк	50000+	4722	4.6
9	Aloqa Mobile	Алоқабанк	50000+	1126	3.9
10	MKB Mobile	Микрокредитбанк	50000+	470	3.3

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мобил иловалари Play Market орқали юклар олишлар сони 100 000 тадан кўп бўлган 7 та банк –

Ҳамкор банк, Инфинбанк, Ипак йўли банк, Ипотека банк, Агробанк, Саноатқурилишбанк мобил иловалари ташкил этади. “Play market” орқали энг кўп баҳоланган мобил дастурлар Apelsin, Milliy, Hamkor Mobile, InfinBank, Ipal Yo’li Mobile лардир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда банкларнинг масофавий хизматларини кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтиришда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 9 январь Фармони дастури асосида амалда тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда янги технологиялардан фойдаланиш асосий вазифа этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимида сўнгги йилларда айнан шундай замонавий технологияларни қўллаш соҳада бирмунча қулайлик ва янгиликлар яратаётгани шундан далолат беради.

Шунингдек банкларда янги инновацион хизматларни татбиқ этиш билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки тадқиқотлар натижасига кўра, банкларда масофавий банк хизматларини ўз мижозларига таклиф этиш борасида анча оқсаётганлиги бир томондан, банк мижозларини бундай хизматлар имкониятларидан фойдаланмасдан қолишларига олиб келаётган бўлса,

иккинчи томондан, банкнинг ўзида иш кўламини камайитириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Жойларда масофавий хизматлардан фойдаланиш борасида шарт-шароитларни яхшилаш ҳам масалани ечишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Алоқа каналлари сифатини яхшилаш истеъмолчиларнинг янги инновациялардан фойдаланиш имкониятини ошириш билан бир қаторда аҳолини ортқча овозгарчиликлардан озод қилиши мумкин. Масалан, коммунал хизматлар учун тўловни амалга оширишда узун навбатларда туриш, банк ёки бу турдаги тўловларни қабул қилишга ихтисослашган шаҳобчаларга боришга вақт ҳамда маблағ сарфлагандан кўра уйда туриб хизмат учун ҳақ тўлаш имконияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азларова А. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланишининг банк молия хизматлари бозорига таъсири // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021. – № 2, март-апрел. – Б. 308-315.
2. Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодиёт ва молиявий технологиялар: тижооарт банклари учуе имконият ва тахдидлар // Молия ва банк иши, 2020. – №6, ноябрь-декабрь. – Б. 23-28.
3. Икрамова Н.Р. Ўзбекистонда чакана банк хизматлари: хориж тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2014. – № 1, январь-феврал. – Б. 1-6.
4. Мамадияров З. Рақамли иқтисодиётда масофавий банк хизматларининг эволюцион ривожланиши: мулоҳазалар ва таҳлиллар // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2020. – № 3, май-июн. – Б. 9-17.
5. Шарипова Н. Тижорат банклари фаолиятининг рақамли трансформация жараёни ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиш истиқболлари // Халқаро молия ва ҳисоб, 2020. – № 3, июн. – Б. 46-49.
6. Қосимов, А. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши – тўртинчи саноат инқилобининг асоси // Архив научных исследований, 2021. – №1 (37). – Б. 34-36.
7. Bastaria A., Eliyanab A., Syabarrudinc A., Ariefd Z., Emur A.P. (2020). Digitalization in banking sector: the role of intrinsic motivation // Heliyon. Volume 6, Issue 12, e05801. <https://doi.org/10.1016/j.heliyon.2020.e05801>
8. Wodo W., Blaskiewicz P., Stygar D., Kuzma N. (2021). Evaluating the security of electronic and mobile banking // Computer Fraud & Security. Volume 2021, Issue 10, Pages 8-14. [https://doi.org/10.1016/S1361-3723\(21\)00107-X](https://doi.org/10.1016/S1361-3723(21)00107-X)



ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асрор Махманазар ўғли ЮСУПОВ

мустақил изланувчи
Тошкент молия институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада қўшма корхоналарнинг миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида трансформация қилишнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қўшма корхоналар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, трансформация, параллел ҳисоб.

ОСОБЕННОСТИ ТРАНСФОРМАЦИИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ СОВМЕСТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Асрор Махманазар угли ЮСУПОВ

независимый исследователь
Ташкентский финансовый институт
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье аналитически описаны основные направления трансформации финансовой отчетности совместных предприятий, составленных в соответствии с национальными стандартами, на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: совместные предприятия, национальные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, трансформация, параллельный учет.

Республикада 2021 йилдан бошлаб молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш бўйича Президентимизнинг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сон қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарор бўйича бугунги кунда акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи корхоналар молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш

ёки параллел усул (тўғридан-тўғри МҲХС асосида ҳисоботларни тузиш) ёрдамида тузиб келмоқдалар.

Корхоналарда параллел усулни амалга оширишда биринчидан, кадрлар етишмаслиги, иккинчидан, харажатларнинг юқорилиги ва учинчидан, тўғридан-тўғри дастурий таъминотлардан фойдаланишнинг имконияти мавжуд эмас. Бундан келиб чиқиб корхоналар миллий стандартда тузилган молиявий

ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали амалга ошириб келмоқдалар.

Юқоридагиларга кўра корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш усулидан фойдаланиб амалга ошириши харажатларнинг камайтирилишига ҳамда ташқи инвесторларни ўз вақтида ҳолис ва ишончли маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса мазкур мавзунинг нақадар бугунги кунда долзарб аҳамиятга эгаллигини белгилаб беради.

Даставвал, трансформация сўзининг луғавий маъносига тўхталиб ўтайлик. Трансформация – лот. Transformatio – ўзгариш, айланиш. 1) структура, шакл ва услубларини қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш; 2) айланиш усулларида бири; халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади [8].

Демак, бухгалтерия ҳисоби маъноларида трансформация мамлакатимизда амал қилинган қонунчиликка мувофиқ ҳисоб тизимидаги қоидалар, тамойиллар, усул ва услубларни ҳамда ахборотларни бошқа мамлакат ёки халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқлаштирган ҳолда айлантиришга, яъни янги маъно кашф этишга айтилади.

“Трансформация финансовой отчетности” google интернет саҳифаларида қуйидагича таъриф келтирилган: “Молиявий ҳисоботнинг трансформацияси – бу бухгалтерия ҳисобининг Россия тизими қоидаларига кўра тузилган ҳисоботдаги ҳисоб ахборотларини қайта гуруҳлаштириш ва ҳисобот моддаларига тузатишлар киритиш йўли билан МҲҲСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнидир” [9].

Фикримизча, таърифда келтирилган қайта гуруҳлаштириш, ҳисобот моддаларига тузатишлар киритиш каби

фикрларига тўлиқ қўшилаемиз. Лекин, трансформация бу молиявий ҳисобот тузиш эмас, балки ағдариш жараёни дейилса, кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Baker Tilly Tashkent» МЧЖ АТ бошқаруви раиси Гўзал Исломова “МҲҲС билан ишлашга тайёрмисиз” номли мақоласида молиявий ҳисобот трансформациясига “Хуллас, трансформацияшундайтаомилки, у ҳисобот санаси ҳолати бўйича ўтказилади ва умиллий ҳисоб стандартлари бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини унинг барча элементларини эътироф этиш, ўлчаш ва очиб беришнинг тегишли қоидаларини ҳисобга олган ҳолда МҲҲС форматига ўтказиш учун зарур бўлган барча тузатишларни ўз ичига олади”, деб таърифлайди [3].

Ушбу таърифдаги “ҳисобот санаси ҳолати бўйича ўтказиладиган”, “эътироф этиш, ўлчаш ва очиб бериш” каби тушунчаларга тўлиқ қўшилаемиз, лекин трансформация жараёни фақат тузатишлар киритиш билан чегараланмайди, унинг жабҳалари кенгрокдир.

Россия олимлари томонидан бошқа манбаларда қуйидагича таъриф берилган: “Трансформация – Россия стандартлари бўйича тузилган ҳисобот маълумотлари базаси асосида халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида классификациялар параметрларини ўзгартириш ва ҳисоб объектларини баҳолаш ҳамда улар тўғрисида ахборотларни очиклаш йўли билан МҲҲСларига мувофиқ ҳолда ҳисобот тузиш жараёнидир” [10].

Трансформация қоидаларини белгилайдиган махсус МҲҲС йўқ. Лекин, МҲҲСга биринчи марта ўтишда 1-сон МҲҲС “МҲҲСларини биринчи марта қўллаш” стандарти қоидалари бажарилиши талаб этилади.

Профессор А.Н.Тўраевнинг фикрича, миллий стандартлар асосида тузилган

молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга трансформация қилишнинг ягона методологияси мавжуд эмас [7].

Молиявий ҳисоботнинг трансформациясини таърифлашда унинг қайси санадаги ҳолат бўйича ўтказилиши, унинг асосий мазмуни миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга ўтказишга қаратилганлиги, трансформация жараёнида МҲХСларига мувофиқ ҳолатда қайта гуруҳлаштириш, қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тузатишлар киритиш асосида халқаро талабларга жавоб берадиган ахборотларни шакллантирадиган янги тизимга ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёни эканлигига алоҳида урғу бериш лозим, деб ўйлаймиз. Молиявий ҳисобот бўйича тадқиқот натижалари асосида молиявий ҳисобот трансформациясига қуйидагича таърифни

келтирамиз:

Молиявий ҳисобот трансформацияси – бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисобот компонентлари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тузатишлар киритиш асосида МҲХСлари ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимга ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир.

Республикада бухгалтерия ҳисоби йирик корхоналарда, шунингдек қўшма корхоналарда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиш тартиби амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар сони қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони

Йиллар	Жами	шундан:	
		Қўшма	Хорижий
01.01.2017	5008	2807	2201
01.01.2018	5517	3087	2430
01.01.2019	7560	4006	3554
01.01.2020	10382	5106	5276
01.01.2021	11781	5672	6109
01.01.2022	13289	5988	7301

1-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда қўшма корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиши муҳим ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини параллел равишда юритиш учун йирик харажатлар, яъни кадрларни қайта тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини

автоматлаштириш ҳамда инглиз тилидаги ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш муаммо ҳисобланади.

Шу сабабли, қўшма корхоналарнинг миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилиш қулай ҳисобланади ҳамда инвесторларнинг ишончини таъминлашга хизмат қилади.

2021 йил якуни бўйича мебель ва офис жиҳозлари ҳамда транспорт воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ва жамғарилган эскириш қийматлари

Т/р	“ABC” ҚК АЖ нинг трансформация учун олинган айрим активлари	Суммаси, минг сўмда
1	Мебель ва офис жиҳозларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	39 841,0
2	Мебель ва офис жиҳозларининг жамғарилган эскириш суммаси	34 155,0
3	Транспорт воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	10 586 929,0
4	Транспорт воситаларининг жамғарилган эскириш суммаси	1 574 583

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “ABC” АЖ нинг 2021 йил якуни бўйича мебельнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати 39 841 000 сўмни, унинг жамғарилган эскириши эса 34 155 000 сўмни ташкил этади. Ўртадаги фарқ қолдиқ қиймат сифатида (3-жадвалга қаранг – Мебель ва офис жиҳозлари (0140): $39\,841 - 34\,155 = 5\,686$) эътироф этилади.

“ABC” ҚК АЖ нинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
I қисм. Узоқ муддатли активлар		I қисм. Жорий мажбуриятлар ОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР	
Мебель ва офис жиҳозлари (0140)	5 686	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар	329
Транспорт воситалари (0160)	9 012 346	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар	12 793 758
Бошқа асосий воситалар	984	Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	165937
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	0	Сўғурта бўйича тўловлар	3671
Қимматли қоғозлар	2 905 017	Тўланадиган дивидендлар	1 476 940
Асосий воситаларни харид қилиш	185 434	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар	11113
Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар	23 292 491	Қисқа муддатли қарзлар	46500
Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	3 124 373	// қисм. Узоқ муддатли мажбуриятлар	
// қисм. Жорий активлар		Узоқ муддатли банк кредитлари	15 223 073
Хом ашё ва материаллар	46 859	Узоқ муддатли қарзлар	1 198 300
Еҳтиёт қисмлар	14 644	Пай ва улушлар	14 416 664
Идиш ва идишбоб материаллар	200	Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	4 190 439
Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	4590	Резерв капитали (фонди)	31587
Бошқа келгуси давр харажатлари	277	Текинга олинган мулк	350

Бошқа кечиктирилган харажатлар	98 474	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	6 728 296
Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар	4 500 266	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	352924
Бошқа дебиторлар қарзлари	12 149 354	Пассив бўйича умумий баланс	56 639 881
Ҳисоб - китоб сёти	548886		
Берилган қисқа муддатли қарзлар	750000		
Актив бўйича умумий баланс	56 639 881		

Акциядорлик жамияти мебель ва офис жиҳозларини дастлаб 30,0 млн. сўмга харид қилган, дейлик (4-жадвалнинг 2-бандига қаранг: 39 841 – 30 000 =9 841,0). Бунда биз қайта баҳолаш индексининг қуйидаги кўрсаткичига эга бўламиз:

$$39\,841 / 30\,000 = 1,328$$

Демак унинг эскириши ҳам мазкур индекс қийматига ошган (1,328*100=132,8%). Энди эскириш

қиймати таркибидаги қайта баҳолаш қийматини аниқлаймиз:

$$34\,155 - 132,8\%$$

$$x - 100\%$$

$$x = 34155 * 100 / 132,8 = 25\,719,127$$

$$34155 - 25\,719,127 = 8\,435,873$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширамиз:

Т/р	Дебет:	Кредит	Сумма, минг сўмда
1	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сёти	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» сёти	8 435,873

4-жадвалнинг 4-бандига қаранг.

4-жадвал

“АВС” ҚК АЖ нинг 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида трансформация қилиш мақсадида жамиятнинг айрим активлари бўйича амалга оширилган журнал ўтказмалари

Т/р	Журнал ўтказмалари	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
2021 йил якуни бўйича тузатиш ўтказмалари				
1	Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	1 096 770,0	8510	8720
2	Мебель ва офис жиҳозлари Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	9 841,0	0140	8510
3	Транспорт воситалари Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	1 086 929	0160	8510

4	Эскириш қийматига қўшилган қайта баҳолаш натижасидаги фарқ суммасига (Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши Жамғарилган фойда (қопланмаган zarar))	8 435,873	8510	8720
5	Эскириш қийматига қўшилган қайта баҳолаш натижасидаги фарқ суммасига (Транспорт воситаларининг эскириши Жамғарилган фойда (қопланмаган zarar))	161 133,0	8510	8720

“ABC” ҚК АЖ нинг яна бир ҳисоб объектини трансформациялаш жараёнини кўриб чиқамиз. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мазкур акциядорлик жамиятидаги транспорт воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати 10 586 929 000 сўмни, уларнинг жамғарилган эскириши эса 1 574 583 000 сўмни ташкил этади. Ўртадаги фарқ қолдиқ қиймат сифатида (3-жадвалга қаранг - Транспорт воситалари (0160): $10\,586\,929 - 1\,574\,583 = 9\,012\,346$) эътироф этилади.

Акциядорлик жамиятининг харид қилинган барча транспорт воситаларини дастлаб жамият балансига кирим қилиш қиймати дейлик жами 9,5 млрд. сўмга тенг бўлсин (4-жадвалнинг 3-пунктига қаранг: $10\,586\,929 - 9\,500\,000 = 1\,086\,929$). Бунда биз қайта баҳолаш индексининг қуйидаги

кўрсаткичига эга бўламиз:

$$10\,586\,929 / 9\,500\,000 = 1,114$$

Демак уларнинг эскириши ҳам мазкур индекс қийматига ошган ($1,114 * 100 = 111,4\%$). Эскириш қиймати таркибидаги қайта баҳолаш қийматини аниқлаймиз:

$$1\,574\,583 - 111,4\%$$

$$x - 100\%$$

$$x = 1\,574\,583 * 100 / 111,4 = 1\,413\,450$$

$$1\,574\,583 - 1\,413\,450 = 161\,133$$

Кўришиб турибдики, транспорт воситаларини эскириши қиймати таркибидаги қайта баҳолаш қиймати суммаси бир юз олтимиш бир миллион бир юз ўттиз уч минг сўмни ташкил этди.

Юқоридагиларга мувофиқ қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширамиз:

Т/р	Дебет:	Кредит	Сумма, минг сўмда
1	8510- «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган zarar)» счёти	161 133,0

4-жадвалнинг 5-бандига қаранг.

4-жадвалнинг иккинчи ва учинчи бандлари бўйича берилган бухгалтерия ўтказмаларини трансформация амалга оширилгунга қадар берилган бухгалтерия ўтказмалари сифатида қабул қиламиз. Шунда 4-жадвалнинг 1-пункти бўйича берилган бухгалтерия ўтказмасига мувофиқ 8510-счётнинг дебет оборотидаги

камайиш суммасини 8720-Жамғарилган фойда (қопланмаган zarar) счётидаги маблағларни оширишда акс этираамиз.

4-жадвал маълумотларига асосан 8720-сётнинг кредит оборотини ҳисоблаб чиқамиз: $1\,096\,770 + 8\,435,873 + 161\,133 = 1\,266\,338,87$.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда “ABC” ҚК АЖ нинг иккита ҳисоб объекти бўйича “Молиявий ҳолат тўғрисида” ги ҳисоботидаги ўзгаришлар

Баланс моддалари бўйича кўрсаткичлар	Баланс бўйича	Тузатиш ёзувлари		МҲХС га ўтгандан кейинги ўтказмалар
		ДТ	КТ	
Активлар				
Узоқ муддатли активлар				
Мебель ва офис жиҳозлари (0140)	5 686			5 686
Транспорт воситалари (0160)	9 012 346			9 012 346
Бошқа асосий воситалар (0190)	984 000			984 000
Қимматли қоғозлар	2 905 017			2 905 017
Асосий воситаларни харид қилиш	185 434			185 434
Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар	23 292 491			23 292 491
Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	3 124 373			3 124 373
Жами узоқ муддатли активлар	38 526 331			38 526 331
Жорий активлар				
Хом ашё ва материаллар	46 859			46 859
Эҳтиёт қисмлар	14 644			14 644
Идиш ва идишбоб материаллар	200			200
Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	4590			4590
Бошқа келгуси давр харажатлари	277			277
Бошқа кечиктирилган харажатлар	98 474			98 474
Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	4 500 266			4 500 266
Бошқа дебиторлар қарзлари	12 149 354			12 149 354
Ҳисоб - китоб счёти	548886			548886
Берилган қисқа муддатли қарзлар	750000			750000
Жами жорий активлар	28 113 550			28 113 550
Жами активлар	56 639 881			56 639 881
Капитал ва мажбуриятлар				
Капитал				
Пай ва улушлар (8330)	14 416 664			14 416 664
Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар (8510)	4 190 439	1 266 338,87		2 924 100,13
Резерв капитали (фонди) (8520)	31587			31587
Текинга олинган мулк	350			350
Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) (8710)	6 728 296			6 728 296
Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар) (8720)	352924		1 266 338,87	1 619 262,87
Жами капитал	25 270 260			25 270 260
Мажбуриятлар				
Узоқ муддатли мажбуриятлар				

Узоқ муддатли банк кредитлари	15 223 073		15 223 073
Узоқ муддатли қарзлар	1 198 300		1 198 300
Жами узоқ муддатли мажбуриятлар	16 421 373		16 421 373
Жорий мажбуриятлар			
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	329		329
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар	12 793 758		12 793 758
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	165937		165937
Суғурта бўйича тўловлар	3671		3671
Тўланадиган дивидендлар	1 476 940		1 476 940
Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар	11113		11113
Қисқа муддатли қарзлар	46500		46500
Жами жорий мажбуриятлар	14 498 248		14 498 248
Жами мажбуриятлар	30 919 621		30 919 621
Жами капитал ва мажбуриятлар	56 639 881		56 639 881

4-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 8510-счётнинг жами дебет оборотини ҳисоблаймиз: $1\,096\,770 + 8435,873 + 161\,133 = 1\,266\,338,87$

1. 4- ва 5-жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, эскириш қийматига қўшилган қайта баҳолаш натижасидаги фарқ ҳам, агар қайта баҳолаш натижасида мулк қиймати ортадиган бўлса 8510-счётнинг кредит обороти кўпайишига сабаб бўлар экан. Мазкур кўпайишни биз жамият МХХС га ўтиши муносабати билан жамғарилган фойданинг кўпайишига олиб борар эканмиз.

2.Биз мазкур мақолада бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари бўлган узлуксизлик, ишончлилик ва кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги принциплари бузилмаслигини таъминлаш мақсадида соддароқ тилда фақатгина иккита ҳисоб объектини бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш жараёнини кўриб чиқдик.

3.Молиявий ҳисоботнинг халқаро

стандартларига ўтган корхоналарда тартибга мувофиқ (ўтиш давридан бошлаб) узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишларда асосий восита қиймати ошган тақдирда унинг ошган қиймати корхонанинг фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон Қонуни. (Янги таҳрири). WWW.Lex.uz
2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февраль РҚ-4611-сон Қарори. WWW.Lex.uz
3. Исломов Г. МҲХС билан ишлашга тайёرمىсиз? // Солиқ ва божхона хабарлари, 2015. №26. – Б.2.
4. Международные и российские стандарты бухгалтерского учета: сравнительный анализ, принципы трансформации, направления реформирования / Под ред. С. А. Николаевой Изд. 3-е перераб. и доп. – Москва: Анаметика-Пресс, 2003. – 672 с.
5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. <http://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/> 2018 й.
6. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник для высш. образование. 3-е изд., испр. и доп. – Москва: ИНФРА-М, 2008. – 512 с.
7. Тўраев А.Н., Музропова Ш. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш жараёни // Бозор, пул кредит, 2021. № 5. – Б.60-67. <https://bpc.uz/>.
8. dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/16427/ТРАНСФОРМАЦИЯ
9. www.i-ias.ru/blog/competition-page/ Трансформация отчетности по МСФО
10. www.i-ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО.



АУДИТОРЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Равшан ХАЙДАРОВ

мустақил изланувчи

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида аудиторларни сертификатлаш тизими ҳақида сўз юритилган. Аудиторларни сертификатлашнинг МДХ давлатларидаги тизимлари амалий жиҳатдан ўрганиб чиқилган ҳолда аудиторларни сертификатлаш миллий тизимини такомиллаштириш борасида таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: аудит, аудиторлар, малака талаблари, сертификация, тестлар, имтиҳон.

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ СИСТЕМЫ СЕРТИФИКАЦИИ АУДИТОРОВ

Равшан ХАЙДАРОВ

независимый исследователь

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье говорится о системе сертификации аудиторов в Республике Узбекистан. Изучив практические аспекты систем сертификации аудиторов в Содружестве независимых государств, даны рекомендации по совершенствованию национальной системы сертификации аудиторов.

Ключевые слова: аудит, аудиторы, квалификационные требования, сертификация, тесты, экзамен.

Ўзбекистонда аудиторлардан малака имтиҳонлари олиш тартиби маълум бир эволюцион ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда.

2000 йилгача норматив ҳужжатларда аудиторларни сертификатлаш тартиби, малакани доимий равишда ошириб бориш талаблари бўлмаган. “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низом” (Адлия вазирлигида 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган) қабул қилингандан сўнг аудиторларни сертификатлаш тартиби 2000 йилдан

амалиётга жорий этилди.

Низомга мувофиқ малака имтиҳонлари 2 босқичда, 4 та бўлимга жамланган асосий фанлар (молиявий ҳисоб, аудит, бошқарув ҳисоби, солиққа тортиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш) бўйича Молия вазирлиги ишлаб чиққан тест (имтиҳон) саволлари асосида ўтказилган.

Биринчи босқичда дастурнинг барча бўлимларини акс эттирадиган 80та тест саволларидан ёзма имтиҳон олинган. Биринчи босқичда 75% саволларга тўғри жавоб берган талабгор иккинчи босқич

синовларига ўтказилган.

Иккинчи босқичда талабгор ёзма-оғзаки имтиҳон топширган. Имтиҳон билети тўрт саволдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида назарий қисм ва юқорида келтирилган фанлар бўйича амалий масала киритилган. Имтиҳон билети саволларига жавоб бериб камида 15 балл олган талабгорлар имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳисобланган.

Малака имтиҳонлари Молия вазирлигининг буйруғига асосан тузилган комиссия томонидан ўтказилиб, комиссия таркиби давлат органлари ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат бўлган.

Адлия вазирлигида 2018 йил 21 декабрда 3105-сон билан рўйхатга олинган “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низом”да малака имтиҳонларини ўтказишнинг босқичлари ва шакли қисман ўзгарди. Тест саволларига асос бўладиган фанлар сони ва номи ўзгармаган ҳолда малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритилган: малака имтиҳони бир босқичда, тест синови усулида, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган бўлган. Бу малака имтиҳонини топшириш жараёнини соддалаштиришга имкон берган.

Тест синовлари 80 та саволни ўз ичига олган: молиявий ҳисоб — 26 та; бошқарув ҳисоби ва молиявий таҳлил — 14 та; аудит — 26 та; солиқ солиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш — 14 та.

Таъкидлаш жоизки, маълум бир (АССА, СРА, СІРА) бухгалтерларнинг халқаро малака сертификатига эга бўлган талабгорларига малака сертификатини имтиҳон топширмасдан олиш имкони берилган.

Янги тартибдаги малака имтиҳонлари

биринчи марта 2019 йилнинг 23 мартда ўтказилган. Талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топшириши учун унинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 75 фоиз ва ундан юқори бўлиши лозим бўлган.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ 1992 йилдан 2021 йилнинг сентябрь ойига қадар аудиторлардан малака имтиҳонларини олиш ва уларга малака сертификатини бериш функцияси Молия вазирлигига юклатилган эди.

2021 йилнинг май ойида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон қарорига [2] асосан аудиторларни малака имтиҳонлари ўтказиш тартиби янгиланди. Эндиликда малака имтиҳонларини аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари ўтказадиган бўлди. Янги қонунга мувофиқ жамоат бирлашмаларига аудиторларга малака сертификатларини топшириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлари палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 38/ММ, 27/1-сонли қўшма қарорига мувофиқ “Аудитор малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом” [14] тасдиқланди.

Қўшма қарор билан тасдиқланган низомда бир босқичли имтиҳонни компьютерда тест саволлари орқали ўтказиш тартиби ва саволлар тайёрланадиган фанлар сони ва номи сақланиб қолган. Аудит ва бухгалтерия соҳасида қонунчиликка киритилган

Ўзгаришлар туфайли тест саволлари Аудитнинг халқаро стандартлари ва Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланадиган бўлган.

Тест саволларининг сони 60 тагача камайтирилган. Шу билан бирга тест саволларининг, ҳар бир имтиҳон фанлари кесимидаги сонига бўлган талаб бекор қилинган.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари малака имтиҳонларини ўтказишни ўзлари таъсис этган, “Бухгалтерлар ва аудиторларнинг имтиҳон маркази” МЧЖ (Имтиҳон маркази)га топширишди.

Малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган талабгорларга Имтиҳон марказининг Малака комиссияси томонидан “аудиторнинг малака сертификати” берилади. Малака комиссияси аъзолари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан келишилган ҳолда Имтиҳон марказининг қарори билан тасдиқланади.

Молиявазирининг 2021 йил 24 сентябрда “Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 56-сон буйруғига мувофиқ бухгалтерларнинг қуйидаги халқаро сертификатлари мавжуд бўлган тақдирда аудиторнинг малака сертификатини бериш ва муддатини узайтириш малака имтиҳонини топширмасдан амалга ошириладиган бўлди:

“Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)” сертификати;

“Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)” сертификати;

“Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)” сертификати;

“Бирлашган дипломли бухгалтерлар (ACA)” сертификати;

“Молия ва бизнесни бошқариш бўйича диплом (ACCA)” сертификати.

Ўтган давр мобайнида имтиҳонларни компьютер технологиялари орқали ўтказишни, аудит ва молиявий ҳисобни халқаро стандартларга ўтишини замон талаби деб қабул қилсак, имтиҳон фанлари номи ва сонига ўтган давр ичида жиддий ўзгаришлар бўлмади. Тест саволларининг сонини 80 тадан 60 тага камайишини имтиҳон саволларининг сифатига таъсирини эса вақт кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Имтиҳон маркази зиммасига талабгорларнинг ҳужжатларини текшириб қабул қилиш, имтиҳонга киришга рухсат бериш, имтиҳон саволларини тайёрлаш, имтиҳонларни ташкил этиш, имтиҳонга баҳо қўйиш, малака сертификатини бериш каби ваколатларни юклашда манфаатлар тўқнашуви юз бериши мумкин. Яъни, ушбу занжирнинг бир қисмида йўл қўйилган хато занжирни охиригача қолиб кетиши ва имтиҳон натижасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аудиторларни сертификатлашнинг миллий тизимини МДХ давлатлари тажрибаси билан солиштириб кўрамиз.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида аудиторларни сертификатлаш тизимлари.

Аудиторларни сертификатлашнинг миллий тизимини яқин ва узоқ хорижий давлатлар тажрибаси билан ўзаро солиштириб кўрамиз.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида аудиторликка талабгорларнинг билимларини синаш учун ўтказиладиган малака имтиҳонлари шаклига қараб (ёзма, оғзаки, тест саволлари) ва имтиҳон фанлари номи ва сонига қараб (фанлар, назарий саволлар, амалий вазифалар сони ва ҳ.з.) ўзаро фарқланади.

Масалан, Озарбайжонда малака имтиҳонлари компьютер синовлари ва

ёзма ишлардан, Белорусда – компьютер синовлари ва оғзаки имтиҳондан, Қирғизистонда ва Тожикистонда – тестлардан, Арманистонда – ёзма имтиҳондан, Ўзбекистонда – компьютердаги тест синовларидан иборат. Россияда номзодлар тест синовлари, модулли масалаларни ва комплекс масалани ечишлари лозим бўлса, Қозоғистонда [12] эса модулли масалаларни ечишади (1-жадвал).

МДХ давлатларида малака имтиҳонлари таркибида ҳам маълум бир фарқлар мавжуд. Масалан, Белорусь, Россия ва Озарбайжонда талабгорлар 2 ва 3 босқичда имтиҳон топширсалар, Ўзбекистон ва Қирғизистонда бир босқичда тест саволларини ечадилар.

Имтиҳонлар ўтказиш тартиби. Арманистон, Белорусь, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Россияда малака имтиҳонларини ўтказиш ва аудитор сертификатларини бериш тегишли давлат органи ва ёки аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади [4–7, 9–11, 14]: Қирғизистонда – Молия бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш Давлат хизмати; Озарбайжонда – давлат органи; Қозоғистон, Ўзбекистон ва Россияда – махсус тузилган малака комиссияси / нодавлат корхона, бошқа мамлакатларда – Молия вазирлиги. Арманистонда малака имтиҳонлари жамоат ташкилоти томонидан ўтказилади ва аудиторнинг гувоҳномаси эса Молия вазирлиги топширади.

Аудиторнинг малакасини ошириш мажбурияти. Мунтазам равишда аудиторларнинг малакасини ошириш талаби ҳар бир давлат қонунчилигида белгиланган. Ўз вақтида малакасини оширмаган аудиторга нисбатан малака сертификатини тўхтатиш каби жазо чоралари қўлланилади.

Халқаро сертификатларни

(АСА, СІРА, СРА, АССА) тан олиш деярли ҳар бир давлат қонунчилигида кўзда тутилган бўлиб, тан олиш тартиби имтиҳоннинг мураккаблик даражаси билан узвий боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистонда имтиҳон бир босқичда тест саволлари шаклида ўтказилгани сабабли, халқаро сертификат эгаси имтиҳон топширишдан озод қилинса, Қозоғистон ва Россияда имтиҳонлар ҳар бир фанлардан алоҳида топширилгани сабабли, сертификат эгаси фақат тегишли фан бўйича имтиҳондан озод этилади.

Қўшни давлатлар ичида аудиторлар малака имтиҳонларининг энг мураккаб шаклини Россия мисолида кўриш мумкин.

Имтиҳонларни ташкил этиш тартиби. Имтиҳонлар 3 босқичда ташкил этилади. I ва II босқичлар модуллер кўринишида ўтказилади.

I босқичда номзод тест саволларига жавоб беради. Имтиҳонда номзоднинг ҳар билим соҳасига кирадиган фанларнинг назарий асосларини тушунишини ва ушбу билимларни аудиторлик фаолиятининг оддий шароитларида қўллаш қобилияти баҳоланади.

II босқичда номзодга масалаларни ечиш таклиф этилади. Имтиҳонда номзод ҳар бир билим соҳасини чуқур тушунишини ва аудиторлик вазифаларининг муайян турларини бажаришда ечимларни топиш қобилиятини намоён қилиши текширилади.

III босқичда номзодлар масалалар мажмуасини ечишлари керак. Мазкур босқичда номзод ўзи эгаллаган барча билимлардан фойдаланган ҳолда аудитор сифатида аудиторлик фаолиятида иштирок эта олишини намоён этиши лозим. Имтиҳонда фойдаланадиган билим соҳалари икки гуруҳга бўлинади:

1. Имтиҳон саволлари тайёрланадиган асосий билим соҳалари:

1.1. Бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби назарияси, бухгалтерия

ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, молиявий ҳисоб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

1.2. Аудит, ишончни таъминловчи бошқа вазифалар, аудит билан боғлиқ хизматлар, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, аудитнинг халқаро стандартлари, касб этикаси, аудиторнинг мустақиллиги.

1.3. Молиявий таҳлил

1.4. Бошқарув ҳисоби, рискларни бошқариш, ички назорат.

2. Қўшимча билим соҳалари:

2.1. Фуқаролик қонунчилиги, меҳнат қонунчилиги, тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, коррупцияга қарши курашиш (шу жумладан хорижий мансабдор шахсларнинг порахўрлиги), жиноятчиликдан тушган даромадларни легаллаштириш (қонунийлаштириш) ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари.

2.2. Солиқ қонунчилиги;

2.3. Умумий иқтисодий назария;

2.4. Молия, молиявий менежмент асослари, микроиқтисодиёт;

2.5. Математика, статистика;

2.6. Ахборот технологиялари ва компьютер тизимлари.

Имтиҳонлар 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич – тест саволлари, имтиҳон натижаси электрон ҳолда шаклланади.

2-босқич – масалалар, 3 кун ичида ўтказилади, натижа 45 кунда маълум

бўлади.

3-босқич – комплекс масала, натижа 45 кунда маълум бўлади.

Талабгорлар 7 календарь йили мобайнида барча имтиҳонларни муваффақиятли топширишлари лозим. Барча босқичлардаги имтиҳонларни муваффақиятли топширган талабгорларга аудитор малака сертификати берилади.

Малака имтиҳонлари дастурлари МДХ давлатларида шакли ва мазмуни билан ўзаро фарқ қилади. Талабгорлар учун асосий имтиҳон қилинадиган билим соҳалари сифатида бухгалтерия (молиявий) ҳисоб ва ҳисобот, халқаро аудит, солиқлар ва солиққа тортиш, фуқаролик (тадбиркорлик) ҳуқуқи каби фанлар танлаб олинган.

МХД давлатларида энг енгил малака имтиҳонлари Ўзбекистонда ўтказилади. Қирғизистон ва Тожикистонда тест саволларининг сони Ўзбекистонга қараганда кўпроқ. Қолган давлатларда имтиҳонлар ёзма равишда ва 2 – 3 босқичларда ўтказилади.

Сертификатланган аудиторларнинг ҳар йили ўз малакасини ошириб бориш талаби барча давлатлар қонунчилигига киритилган.

МДХ давлатларида малака имтиҳонларини қабул қилиш ва аудиторга малака сертификатини топшириш вазифаси давлат органларидан аудиторларнинг жамоат бирлашмалари зиммасига ўтказилмоқда. Қуйидаги 1-жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал.

МДХ давлатларида имтиҳонлар ўтказиш шакли ва босқичлари

Мамлакат	Имтиҳонларнинг шакли ва босқичи	Имтиҳон ўтказишга ваколатли орган	Аудитор сертификатини беришга ваколатли орган	Аудиторларнинг малакасини ошириш
Арманистон	1 босқичда ўтади: 7та фанлардан ёзма имтиҳон	Молия вазирлигининг махсус комиссияси	Молия вазирлигининг махсус комиссияси	ҳар йили

Белорусь	2 босқичда ўтади: 1 босқич– 100та тест саволлари; 2 босқич -3та фандан оғзаки имтиҳон	Молия вазирлиги	Молия вазирлиги	икки йилда бир марта
Молдова	1 босқичда ўтади: 6та фандан ёзма имтиҳон	Молия вазирлиги	Молия вазирлиги	хар йили
Озарбайжон	2 босқичда ўтади: 1 босқич – 100та тест саволлари; 2 босқич – 2та фандан 4та ёзма саволлар	Озарбайжон аудиторлар палатаси (давлат органи)	Озарбайжон аудиторлар палатаси (давлат органи)	хар йили
Россия	3 босқичда ўтади: 1 босқич -100та тест саволлари; 2 босқич– 10та савол ва 1та модулли масала. 3 босқич– комплекс масала.	“Ягона аттестация комиссияси” АНТ (аудиторларнинг жамоат ташкилотлари таъсис этган)	Аудиторларнинг жамоат бирлашмаси	хар йили
Тожикистон	1 босқичда ўтади: 70та тест саволлари	Молия вазирлиги	Молия вазирлиги	уч йилда бир марта
Ўзбекистон	1 босқичда ўтади: 60та тест саволлари	“Аудиторлар ва бухгалтерларнинг ягона имтиҳон маркази” МЧЖ (аудиторларнинг жамоат бирлашмалари таъсис этган)	“Аудиторлар ва бухгалтерларнинг ягона имтиҳон маркази” МЧЖ (аудиторларнинг жамоат бирлашмалари таъсис этган)	хар йили
Қирғизистон	1 босқичда ўтади: 100та тест саволлари	Молия бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича давлат органи	Молия бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича давлат органи	хар йили
Қозоғистон	7та фандан 4 қисман иборат бўлган модулли масалаларни ёзма ечиш	Малака комиссияси (Молия вазирлиги ва аудиторларнинг жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат)	Малака комиссияси (Молия вазирлиги ва аудиторларнинг жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат)	уч йилда бир марта

Таъкидлаш жоизки, Россия ва Белорусда малака имтиҳонларига қўйилган талабларни кучайиб бориши натижасида мамлакатларда аудиторларнинг сони камайиб бормоқда. Қуйидаги 2-жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал.

Аудит хизматлари бозорининг статистика маълумотлари

Йиллар	2020 йил			2021 йил		
	аудиторлар сони	аудит хизматлари суммаси, минг АҚШ доллариди	шартномалар сони	аудиторлар сони	аудит хизматлари суммаси, минг АҚШ доллариди	шартномалар сони
Белорусь	1 685	34 394,51	16 115	1 607	38 325,41	16 251
Россия	17 580	810 373,63	76 688	17 040	834 538	76 480

МДХ давлатларидан Россия ва Беларуснинг малака имтиҳонлари тизимини такомиллаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики [3] бу соҳадаги янги ислохотлар аудиторлар малакасини ошиши билан бирга, яқин келажақда аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари сонининг камайиши, аудиторлик текширувлари нархининг ошишига ва пировард натижада аудит сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин [8].

Буни объектив ҳолат деб баҳоласа бўлади. Бугунги кунда малакали аудит хизматининг нархи Ўзбекистонда ҳам юқори. Лекин, шу билан бирга, халқаро талабларга жавоб бермайдиган аудит хизматининг нархи Ўзбекистонда ҳам паст. Хусусан, 2021 йилда 9 та йирик (халқаро 4 ликни қўшган ҳолда) аудиторлик ташкилотлари олган ялпи тушум 20 921,40 минг АҚШ долларига тенг бўлганда, қолган 87та аудиторлик ташкилотлари олган ялпи тушум суммаси 8 712,30 минг АҚШ долларига тенг бўлган.

Асосий муаммолардан бири, бу юқори сифатли аудитга мамлакатимизда, авваламбор, мулкдорлар, фонд бозори ва молия-кредит ташкилотлари томонидан талабнинг пастлигидир. Шу сабабли, миллий аудит бозори иштирокчиларининг сони катта бўлгани билан (14,40 млрд АҚШ доллари эквиваленти миқдорида устав капиталига эга бўлган 606 та акциядорлик жамиятлари, 105 та аудиторлик ташкилотлари) бозорнинг ўзи катта эмас.

Бундай ҳолат аудит бозорида нархлар демпингидан тортиб аудиторлик ташкилотининг кам сонли мижозларига нисбатан мустақиллигини йўқотишигача бўлган салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

МДХ давлатларининг аудиторларни сертификатлаш тизимини ўрганиш асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Аудиторлардан имтиҳон қабул қиладиган Малака комиссиясини Имтиҳон

маркази қошидан чиқариш ва Имтиҳон марказини эса Малака комиссиясининг ишчи органига айлантириш мақсадга мувофиқ.

2. Аудиторнинг малака сертификатини аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси ёки жамоат бирлашмаларининг қўшма органи номидан берилишини таклиф этамиз.

3. Мустақил ҳамдўстлик давлатларидаги аудиторларни сертификатлаш тизимини ўрганиш натижасида Ўзбекистонда аудиторларни малака имтиҳонлари тест саволлари таркибига қўшимча равишда “Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” (Адлия вазирлигида 2018 йил 15 декабрда 3101-сон билан рўйхатга олинган) дан тест саволларини киритишни ҳамда Аудиторлар малакасини ошириш дастурида ҳам ушбу Қоидалардаги янгиликларни ўрганиб боришни таклиф этамиз.

4. Аудиторларни малака имтиҳони шакли ва таркибини, хорижий тажриба натижаларини эътиборга олган ҳолда, 5 йил ичида изчиллик билан 2 – 3 босқичли имтиҳонлар топшириш тизимига ўтказиш, имтиҳон фанлари сонини кенгайтириш, ёзма имтиҳонлар ва модулли масалаларни киритиш ҳамда аудиторнинг ҳисоботини тайёрлаш каби янги талабларни миллий имтиҳон тизимига киритиш таклиф этилади.

Аудиторларни тайёрлаш ва сертификатлаш тизими такомиллашиб боради ва халқаро талабларга мослашади. Аудиторларни сертификатлашнинг янгиланган тизими яқин келажақда юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1 Аудиторлик фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 феврал №ЎРҚ-677-Қонуни. <http://lex.uz//docs/5307886>.
- 2 Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 август ПҚ-5210-сон Қарори. <http://lex.uz//docs/5552197>.
- 3 Отдельные показатели состояния рынка аудиторских услуг в государствах – участниках снг в 2020 году. /Материалы координационного совета по бухгалтерскому учету государств – участников СНГ. – Москва, 2021, <http://e-cis.info/cooperation/3711>.
- 4 Положение о порядке проведения аттестации на право получения квалификационного аттестата аудитора и подтверждения квалификации аудиторами. /Утвержден постановлением совета министров Республики Белорусс от 18.12.2013 года, <https://www.gb.by/izdaniya/glavnyi-bukhgalter/obzor-tekushchego-zakonodatelstva-52>.
- 5 Положение об аттестации претендентов на право получения квалификационного сертификата аудитора. /Утвержден приказом государственной службы регулирования и надзора за финансовым рынком при правительстве Кыргызской Республики от 17 декабря 2018 года № 323-п, <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/200285?cl=ru-ru>.
- 6 Постановление правительства Республики Таджикистан от 3 июня 2006г. № 230 “Об утверждении порядка проведения аттестации на право осуществления аудиторской деятельности”, http://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=11992&conttype=5.
- 7 Порядок проведения квалификационного экзамена лица, претендующего на получение квалификационного аттестата аудитора. /Утвержден приказом министерства финансов Российской Федерации от 14.11.2018г. №232 н. <https://base.garant.ru/72260310>.
- 8 Пославская Ю. Аудиторы не идут на экзамены // Коммерсантъ, 2022. – № 148. – С.8.
- 9 Правила проведения аттестации кандидатов в аудиторы. /Утвержден министерством финансов Республики Казахстан от 26 июля 2006 года № 273 (зарегистрировано в министерстве юстиции 23 августа 2006 года №4345), https://online.zakon.kz/document/?-doc_id=30068165.
- 10 Об утверждении порядка сдачи экзаменов при аттестации аудиторов. Приказ МФ Украины от 06.07.2020 № 399 (зарегистрировано в министерстве юстиции Украины 09 ноября 2020 г. № 1100/35383), <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1100-20#text>.
- 11 Об утверждении программы экзаменов на получение звания аудитора. Решение совета палаты аудиторов Азербайджанской Республики №313/4 от 31 октября 2019 года https://audit.gov.az/upload/files/2019/hesabat_palata_illik_2019_rus.pdf.
- 12 Рыбак Т., Цапляева Е. Требования к аудиторам в СНГ // Финансы. Учет. Аудит. – 2018. – №4. – С.37-39.
- 13 Хашимова А., Якубов М. Аудиторларни сертификатлаш миллий тизимини такомиллаштириш // Налогообложение и бухгалтерский учет, 2019. – №4.
- 14 Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлари палатасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 38/мм, 27/1-сонли қўшма қарори, http://naaa.uz/wp-content/uploads/2022/06/методика_проведения_контроля_качества_аудиторских_услуг.pdf.



«ОҚСОҚОТАСОЙ» ТУРИСТИК ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ЛОЙИҲА)

Улуғбек Ваҳобжон ўғли МАМАРАЙИМОВ

талаба

Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

ulugbekgeo@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Оқсоқотасой водийсида туристик зона ва унинг сайёҳлик базасини яратиш ҳамда уни ривожлантириш масалалари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Оқсоқотасой, Паркент, Кумушкон, туризм, экотуризм, агротуризм, экстремал туризм, экоминтақа, экотуристтик объект, сайёҳлик базаси, туристик марказ, маршрут, шаршара, тоғ.

СОЗДАНИЕ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ЗОНЫ «АКСОКОТАСОЙ» (ПРОЕКТ)

Улуғбек Ваҳобжон угли МАМАРАЙИМОВ

студент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

ulugbekgeo@gmail.com

Аннотация

В данной статье анализируются вопросы создания и развития туристической зоны и ее туристической базы в Аксокотасойской долине.

Ключевые слова: Аксокотасой, Паркент, Кумушкан, туризм, экотуризм, экстремальный туризм, экорегион, экотуристический объект, туристическая база, туристический центр, маршрут, водопад, горы.

Туризм инсонларни ўзига жалб этадиган, мамлакатнинг табиатини, маданиятини, урф-одатини ўрганадиган, шунингдек, инсонларнинг ҳордиқ чиқариб даволанишларини таъминлайдиган ва иқтисодийнинг ўсиш даражасини тезлаштиришга хизмат қиладиган тармоқ сифатида ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармонида «Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, виза режимини либераллаштириш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 22 сентябрида Нурафшон шаҳрида халқ вакиллари билан суҳбат вақтида дам олиш кунлари Бўстонлик тумани йўлларида катта тирбандликлар бўлишини, чунки

хамма сайёҳлар Бўстонликқа боришини танқид қилиб, Паркент, Ангрен ва Оҳангарон тоғли ҳудудларида замонавий туризм кластерларини ташкил этиш ишларини бошлаш вақти келганини айтди ва Тошкент вилоятида туризм бўйича фавкулудда ҳолат эълон қилди.

Шу билан бирга, Президентимиз Тошкент вилоятидаги туризм соҳаси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганини ҳам танқид қилди. Дарвоқе, Тошкент вилоятида туризм учун имкониятлар етарлича, бироқ улардан кенг миқёсда талаб даражасида фойдаланилмаяпти.


Тошкент вилоятининг баҳаво табиати, қулай иқлими ва йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти бўлса-да, ҳудудда сайёҳларни жалб этадиган йирик ва замонавий лойиҳалар амалга оширилгани йўқ (Амирсой тоғчанғи курортдан ташқари). Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шаҳардаги мавжуд боғлар эса кўнгилочар паркларга айлантирилмоқда, бундан ташқари шаҳардаги ҳаво сифати ҳам йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Бунинг оқибатида охириги йилларда аҳоли орасида шаҳардан ташқарига чиқишга бўлган интилиш кучайган ва бу тобора кенгайиб бормоқда.

Умуман олганда, Тошкент вилоятида туризм учун улкан салоҳият бор. Аммо бу инфратузилманинг етарли эмасли ва нархларнинг ўта юқорилиги,

муқобил ҳудудлар, масалан, Паркент ва Оҳангароннинг тоғли ҳудудларидан самарали фойдаланилмаётгани туфайли ўсиб бораётган талабни қондириш мураккаблашмоқда. Агар Тошкент вилоятида туризмни кенг миқёсда ривожлантира оلسак, Ўзбекистон бўйлаб туризм учун рақобат бошланади, бу эса сайёҳлар борадиган жойларда нархнаволарнинг нормаллашиши ва сифат даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Юқоридаги муаммоларнинг барчасини инобатга олиб, туризмни янада ривожлантириш учун Тошкент вилоятининг деярли барча тоғли ҳудудларида (асосан Паркент туманида) туризм учун ўрганиш ва тадқиқот ишларини олиб бордик. Яъни, Тошкент вилоятида туризм учун кам ўзлаштирилган ёки умуман ўзлаштирилмаган, шунингдек, туризм учун имконияти катта ҳудудлар ўрганилди. Бу манзиллар, асосан, ўрмон ва сув ресурсларига бой бўлиб, у ерда вилоятнинг бошқа ҳудудларига қараганда туризм учун имконият катта.

Ўрганиш ва тадқиқот ишлари олиб борган ҳудудларимиз қуйидагилар: Наволисой (Бўстонлик тумани); Нанай (Бўстонлик тумани); Оркутсой (Бўстонлик тумани); Эшаккўприксой (Бўстонлик тумани); Бошқизилсой (Паркент тумани); Санганак (Паркент тумани); Сўқоқ (Паркент тумани); Кумушкон (Паркент тумани); Оқсоқотасой (Паркент тумани); Лашкерак (Ангрен шаҳри).



1-расм. Оқсоқотасой туристик зонасининг географик ўрни.


Ўрганиш ва тадқиқот ишлари олиб борилган бу ҳудудларнинг ичида энг салоҳияти юқориси Паркент тумани ҳудудида жойлашган Оқсоқотасой ҳудуди бўлиб, ушбу ҳудудда туризм учун қулай шароит мавжуд ва у ерда турли хил туризм йўналишларни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш мумкин. Оқсоқотасойнинг тоғ манзараси ва табиати бетакрор, ҳудуд ўрмон ва сув ресурсларига бой (ҳудудда йил давомида тўхтовсиз сув оқими мавжуд) ва энг муҳими у қулай географик ўринга эга. Оқсоқотасойнинг яна бир яхши томони у туризм соҳаси кам ривожланаётган Паркент тумани ҳудудида жойлашган ва унга Паркент – Кумушкон маршрути орқали борилади.

Оқсоқотасой водийсида режалаштирилган «Оқсоқотасой» туристик зонаси ушбу ҳудудда жойлашган, Ғарбий Тяньшан тоғларидаги Чотқол тизмасининг бир қисми бўлган Қизилнура, Оққўл, Тошгаза, Чорхтау ва Суренота тоғлари ёнбағирларида ва уларнинг дарё водийларида барпо этилади. Туристик зонадаги асосий дарё водийларига Оқсоқотасой ва унинг Қашқасув, Такалिसой, Қайинлисой, Коспа, Қизилбастау, Нурекотасой каби ирмоқлари ва уларнинг дарё водийлари киради. Туристик зона яратилиши режалаштирилган ҳудуд «Ўзбекистон темир йўллари» аксиядорлик жамиятига қарашли «Уғом-Чотқол давлат биосфера резервати» унитар корхонаси ҳудудининг бир қисми ҳисобланади. Маълумот учун, 2018 йилда ташкил этилган «Уғом-Чотқол давлат биосфера резервати» жами 42 950 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Туристик зона денгиз сатҳидан 1080-3267 метр баландликлар оралиғида жойлашган бўлиб, 14 минг гектар (140 км²) майдонни эгаллайди. Суренота тоғи, Оқсоқотасой ва Нурекотасойнинг қўшилиш жойи, Нурекотасой водийси, Оққўл тоғи,

Қайинлисой, Қизилнура тоғи, Паркентсой ва Оқсоқотасой ўртасидаги сувайирғич тоғлар туристик зона чегарасини белгилайди.

Туристик зона марказида «Оқсоқотасой» сайёҳлик базасини яратиш учун Чорхтау тоғининг шимоли-ғарбий ёнбағри, шунингдек, Оқсоқотасой ва Қашқасув сойларининг қўшилиш ҳудудларидан жами 100 гектар ер белгилаб олинди. Туристик зона ҳудудидаги сайёҳлик базаси денгиз сатҳидан 1320-2040 метр баландликлар оралиғида жойлашган. Ушбу сайёҳлик базаси барпо этиладиган туристик зонанинг асосий марказига айланади ва туристик зонадаги барча хизматлар у орқали амалга оширилади.

Оқсоқотасой ҳудудига томон 2022 йил баҳор ойларида Кумушкон қишлоғидан тупроқ йўл ётқизилган. Бу йўл Оқсоқотасойнинг юқори оқимида топилган олтин кони сабабли ишга туширилган. Ушбу йўл 5-6 метр кенликка эга ва у асфальт қилинмаган. Кумушкондан Оқсоқотасой сайёҳлик базасигача асфальт бўлмаган тош-тупроқ йўл 15 км масофани ташкил қилади. Маълумот учун, ушбу тупроқ йўлнинг 10,8 км дан сайёҳлик база ҳудудигача бўлган қисми Оқсоқотасой водийси бўйлаб ўтказилган. Туристик зона ҳудудида автомобил йўллари ни куриш катта маблағ талаб қилмайди, чунки ҳудудда асфальт қилинмаган бўлса ҳам йўл инфратузилмаси мавжуд. Шунингдек, йўллар ўтган ҳудудлар нишаб (тик) эмас. Ушбу тош-тупроқ йўллар Нурекотасой водийсида ҳам мавжуд бўлиб, бу йўллар Оқсоқотасой йўлларига туташган.



2-расм. Оқсоқотасой туристик зонаси ва унинг сайёҳлик базаси харитаси.

Оқсоқотасой туристик зонаси худудда жуда кўплаб экотуристтик объектлар мавжуд. Жумладан, 5 шаршара бор бўлиб, уларнинг аксарияти Нанай шаршарасидан ҳам баландроқ. Булар Оқсоқота, Қоясой, Қашқасув, Деванасой ва Яшнарсой шаршараларидир. Бундан ташқари, худудда яна 5 та машҳур тоғ мавжуд, булар 3267 метр баландликдаги Қизилнура, 2870 метр баландликдаги Оққўл, 2427 метр баландликдаги Тошгаза, 2042 метр баландликдаги Суренота ва 2040 метр баландликдаги Чорхтау тоғларидир. Агар Оқсоқотасойда сайёҳлик базаси яратилса, юқоридаги 10 та экотуристтик объектга маршрутлар тузилиб, турлар ташкил қилинади ва бунинг ортидан худудда экотуризмни ҳам ривожлантириш имконияти яратилади, бу эса бўлажак туристик зонага қўшимча даромад ва янги йўналишларни олиб келади.



3-расм. Баҳор ойларида Оқсоқотасой водийси.

Оқсоқотасойнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири – Тошкент вилоятидаги кам ўзлаштирилган ёки умуман ўзлаштирилмаган Катта Майдонтол ва Кичик Майдонтол худудлари, Пўлатхон ва Оқтахта тоғ платолари, Қораунгур, Тектош ва Қорақуш тоғлари, Реваштесой, Оқбулоқ, Тошкескансой, Саргардонсой ва Тераклисой водийлари, шунингдек, Чотқол давлат биосфера кўриқхонасига айнан ушбу худуд орқали бориш мумкин. Бу эса Оқсоқотасойни муҳим аҳамиятга эга географик нуқтада жойлашганини англатади, шу сабабли Оқсоқотасойни

ривожлантириш истиқболлари мавжуд.

Оқсоқотасой сайёҳлик базаси Тошкент шаҳридан 50 км узоқликда жойлашган бўлиб, агар бу масофа автомобил йўли билан ҳисобланса 58 км ни ташкил қилади. Оқсоқотасой сайёҳлик базаси Тошкент шаҳрига қуйидаги туристик масканларга қараганда яқинроқ жойлашган: «Оқтош» дам олиш масканидан 5 км яқинроқ; Чиноркент дор йўлидан 9 км; Чорвоқ шаҳарчасидан 12 км; «Билдирсой» дам олиш масканидан 18 км; «Хумсон» санаториясидан 18 км; «Амирсой» тоғчанғи курортдан 19 км; «Чимён» дам олиш масканидан 22 км; «Пирамида» дам олиш масканидан 22 км; Юсуфхона қишлоғидан 23 км; Сижжак қишлоғидан 32 км; Бурчмулла қишлоғидан 39 км; Нанай шаршарасидан 44 км; Янгиобод турбазасидан 49 км; Писком қишлоғидан 117 км; «Зомин» санаториясидан 172 км.

«Оқсоқотасой» туристик зонаси ва унинг сайёҳлик базаси лойиҳасини амалга ошириш бўйича режалаштирилган ишлар, қурилиши керак бўлган объектлар ва ҳудуддаги табиий шароитдан келиб чиқиб ривожлантириш мумкин бўлган туризм йўналишлари:

1. Кумушкон қишлоғидан сайёҳлик базагача бўлган 15 километрлик тош-тупроқ йўлни кенгайтириб асфальт қилиш. Сайёҳлик база ривожланишининг биринчи босқичида автомобил йўлари ва ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш.

2. Сайёҳлик базасига Кумушкон қишлоғидан «Паркент тумани электр тармоқлари корхонаси» билан келишган ҳолда электр энергиясини олиб келиш. Шунингдек, кейинчалик ҳудудда муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Дам оловчилар учун сайёҳлик базасида 200 кишига мўлжалланган экоуйлар, ўтов лагерлари ва меҳмон уйларини қуриш.

4. Ҳудудга Ўзбекистондаги энг сифатли

ва арзон бўлган савдо, озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш тармоғини олиб кириш.

5. Кумушкондан Оқсоқотасой сайёҳлик базасигатомонқуриладиган 15 километрлик йўлнинг 10,8 км дан бошлаб база ҳудудигача 4 километрлик масофада велоўлак барпо этиш ва ушбу 4 километрлик йўлнинг нишаб (тик) эмаслигини ҳисобга олиб жамоат транспортини ривожлантириш. Лойиҳадаги ушбу 4 километрлик йўлда электробуслар қатновини йўлга қўйиб, Оқсоқотасой сайёҳлик базасини инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай турдаги газлардан ҳоли бўлган экоҳудудга айлантириш. Бунинг ортидан сайёҳлик базаси ҳудудида автомобиллар қўйиш учун автотураргоҳлар муаммоси ҳал этилади.

6. Чорхтау тоғининг шимолий ёнбағридаги қоясида дунёдаги энг баланд сунъий шаршара ва Оқсоқотасойнинг табиий ўзанидан 20 метр баландликдаги шаршара барпо этиш;

7. Оқсоқотасой ва Қашқасув сойларининг қўшилган жойидаги ҳудуддан бошлаб Чорхтау тоғигача бўлган масофада 1500 метр узунликда дор йўли қуриш. Дор йўлининг бошланғич (1340 м) ва охириги (2040 м) нуқталари орасидаги нисбий баландлик 700 метрни ташкил қилади.

8. Чорхтау тоғининг 2040 метр баландлигида сайёҳлар учун томоша ва дам олиш майдони, шунингдек, ёзнинг иссиқ кунларида сузиш учун юқори баландликдан бассейн қуриш. Буларнинг барчаси тащриф буюрувчиларга ўзгача кайфият бахш этади.

9. Чорхтау тоғининг шимоли-ғарбий ёнбағрида шишали осма кўприк (бир томонга мустаҳкамланган) яратиш ва бу учун ҳудудга Хитой компаниялари ва инвесторларини жалб этиш. Бу Ўзбекистонда туризм соҳаси учун мутлақо янгича йўналиш бўлади. Бундай иншоотларни яратишда ҳозир Хитой, Канада ва АҚШ компаниялари

жаҳонда етакчилик қилмоқда. Айниқса, Хитойнинг «CMCUEngineeringCorporation» компанияси бу борада алоҳида ўринга эгаллигини таъкидлаш жоиз.

10. Бир томонга мустаҳкамланган шишали осма кўприкдаги юқори баландликдан фойдаланиб сайёҳларга чўзилувчан арқон орқали пастга сакраш учун шарт-шароитларни яратиш ва бу орқали ҳудудда экстремал туризмни янада ривожлантириш.

11. Туристик зона ҳудудидаги Тошгаза тоғининг Нурекотасой водийсига томон чўзилган шимолий ёнбағирларида тоғчанғи туризмни ривожлантириш истикболлари мавжуд. Шу сабабли туристик зона ривожланишининг кейинги босқичларида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Бу эса ҳудуд инфратузилмасининг барча мавсумларда ишлаш имкониятини оширади.

12. Чорхтау тоғидан ғарбга ва шимоли-ғарбга томон Қашқасув ва Оқсоқотасой водийларига парапланда учиб учун қулай база яратиш ва бу учун ҳудудга мутахассисларни жалб қилиш.

13. Треккингни ривожлантириш: Туристик зона ҳудудида турфа хил хушманзара табиат ва тоғ ёнбағирлари бўйлаб пиёда юриш, шунингдек, тоғнинг ажойиб кўринишини хис қилиш имконияти мавжуд. Айниқса, Қизилнура, Оқкўл, Тошгаза ва Суренота каби тоғ ёнбағирларининг қиялиги ҳамда ўсимликларнинг яруслар бўйича жойлашганлиги тоғ ёнбағирларида туристик салоҳиятни янада оширишга имкон беради. Шунингдек, Нурекотасой ва Қашқасув водийларида ҳам треккингни ривожлантириш учун барча туристик ресурслар мавжуд.

14. Агротуризмни ривожлантириш: «Оқсоқотасой» туристик зонасига ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ Кумушқондан сайёҳлик базаси ҳудудигача бўлган 15 километрлик йўл бўйлаб боғдорчилик,

узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан танишадилар. Ушбу ҳудудда чорвачилик тармоқларидан қорамолчилик, қўйчилик ва йилқичилик ривожланган. Айниқса, Оқсоқотасойда маринка номли балиқ тури жуда кенг тарқалган. Бу эса ҳудудда агротуризм имкониятлари катта эканлигидан далолат беради.

15. Туристик зона ҳудудидаги чорвачилик фермалари билан ҳамкорлик қилиб, улар билан сайёҳлик базаси ҳудудидан Майдонтол, Тектош, Қораунгур ва Реваштасой ҳудудларига отда сайр қилиш каби туризм йўналишларини йўлга қўйиш. Туризмнинг бу йўналиши ҳудуд табиати ва ундаги табиий ресурслар билан танишиш имконини яратади. Отда сайр қилиш ҳар қандай ёшдаги ва темпераментдаги одамга бирдек завқ бағишлайди.

16. Гастрономик туризмни ривожлантириш: Туристик зонага ташриф буюрган сайёҳлар учун кўп йиллардан бери машҳур бўлган Паркент туманидаги миллий таомлар ва маҳсулотлар, жумладан Паркент кабоби, мадор сомса, гўжа, айрон, тоғ қурти, қимиз, қумрон ва бошқа миллий таомларни истемол қилиш имконини яратиш.

«Оқсоқотасой» туристик зонаси ва унинг сайёҳлик базасини ташкил этилиши натижасида ҳудуддаги Кумушқон, Ғижол ва бошқа қишлоқлар аҳолиси доимий ва мавсумий иш билан таъминланади. Натижада аҳоли, асосан, савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона ва меҳмон уйлари бошқаруви, гид ҳамроҳлиги каби сервис йўналишларида фаолият олиб боради. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда Паркент туманида хизматлар соҳасини янада ривожлантиришда ва камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Оқсоқотасой» туристик зонаси лойиҳаси ва унинг сайёҳлик базасини амалга ошириш учун биринчи навбатда ҳудудга

Хитой, Швейцария, Италия, Франция, Норвегия, Канада, Исроил ва Сингапур каби давлатларнинг туризм бўйича етакчи лойиҳа муҳандисларини, шунингдек, ушбу мамлакатлардаги илғор тажрибага эга туристик компанияларни жалб этиш керак. Фикримизча, туристик зонани лойиҳалаш ва ташкил этиш учун халқаро туристик

компаниялар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ. Лойиҳани амалга ошириш натижасида «Оқсоқотасой» туристик зонаси саргузаштларга бой, экзотик ва экстремал табиғатни излаётган сайёҳлар учун янги бир туристик марказга айланиши, шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Хайитбойев Р. Ekologik turizm: O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Barkamol fayz media, 2018. – 248 б.
- 2.Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари: монография. – Тошкент: ЎзМУ, 2021. – 151 б.
- 3.Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари: геог.фан.ном. илм. дар.олиш учун тақдим эт. дисс. – Тошкент, 2011. – 148 б.
- 4.www.uza.uz. – О‘zbekiston Milliy axborot agentligi
- 5.Kun.uz – <https://kun.uz/uz/news/2022/09/26/onlanmayotgan-bostonliq-toshkent-viloyatida-turizmni-rivojlantirish-uchun-nechta-abduhakimov-kerak>.
- 6.Google Earth.

UZA

O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ЮРИДИК

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ШАКЛИ: АНЪАНАВИЙ ҚАРАШЛАР ЎЗГАРИШИ КЕРАК

Шухратжон Абдусаминович ИСМОИЛОВ

юридик фанлар доктори (DSc)

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

ismoilov.shuhrat80@mail.ru

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ва бошқа собиқ совет давлатларида бўлган меҳнат шартномасининг шакли, уни тузиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари кўриб чиқилган. Меҳнат шартномасининг ёзма, оғзаки ва электрон шакллари тарихий ва қиёсий усуллар орқали ўрганилган. Ўзбекистонда меҳнат шартномасининг ёзма шаклидан ташқари унинг оғзаки ва электрон шакллари ҳам меҳнат қонунчилигига киритиш зарурлиги юзасидан асосли тавсия ва таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: меҳнат шартномаси, меҳнат шартномасининг шакли, оғзаки, ёзма, электрон, буйруқ, расмийлаштириш, мажбурий, рўйхатга олиш.

ФОРМА ТРУДОВОГО ДОГОВОРА: ТРАДИЦИОННЫЕ ВЗГЛЯДЫ ДОЛЖНЫ ИЗМЕНИТЬСЯ

Шухратжон Абдусаминович ИСМОИЛОВ

Доктор юридических наук (DSc)

Ташкентский юридический университет

Ташкент, Узбекистан

ismoilov.shuhrat80@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается форма трудового договора как в Узбекистане, так и других постсоветских государствах, а также основные правила при его заключении и оформлении. С помощью исторических и сравнительных методов были изучены такие формы трудового договора как письменная, устная и электронная. Были выдвинуты обоснованные рекомендации и предложения о необходимости внедрения в трудовое законодательство к письменной форме трудового договора его устную и электронную форму.

Ключевые слова: трудовой договор, форма трудового договора, устный, письменный, электронный, приказ, оформление, обязательность, регистрация.

Дунё амалиётида меҳнат шартномасининг оғзаки, ёзма, электрон кабишаклларидан фойдаланиб келинмоқда. Бироқ Ўзбекистоннинг янги Меҳнат кодекси [7]га меҳнат шартномасининг оғзаки ва электрон шакллари киритилмади [6]. Ўзбекистондаги меҳнат шартномасининг фақат ёзма шаклда бўлиши эса замонавий воқеликка мос келмайди ҳамда фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг фаол ривожланишига имкон бермайди. Хусусан, мамлакатимизда ҳозир хусусий секторда, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларида ёзма меҳнат шартномасини тузиш муаммоли, шунингдек меҳнат шартномасини электрон шаклда тузиш билан боғлиқ амалиётда бир қатор саволлар пайдо бўлган.

Айтиш жоизки, меҳнат шартномасининг шакли масаласида Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги қисқа бўлсада ўзининг тарихига эга. Тарихий қиёслаш эса бизга ушбу манзарани нсибатан аниқроқ кўриш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган ва ҳозир амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг

74-моддаси талабига мувофиқ меҳнат шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади. Бироқ тарихан ҳар доим ҳам бундай бўлган эмас. Ҳуқуқшунос М.Гасановнинг таъкидлашича, илгари амал қилган меҳнат қонунларига кўра (Ўзбекистон ССРнинг 1971 йилдаги Меҳнат қонунлари кодекси) меҳнат шартномаси ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда тузилиши мумкин эди. Шартнома шакли тўғрисидаги масала ходим билан маъмурият ўртасидаги келишувга кўра ҳал этиларди. Агар ходим ишга қабул қилиш тўғрисида ёзма ариза берса ва маъмурият ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарса, меҳнат шартномаси оғзаки шаклда тузилган деб ҳисобланар эди. Ишга қабул қилишнинг ёзма шакли шартнома матнини расмийлаштиришни талаб этарди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда меҳнат шартномасининг мажбурий ёзма шакли 1993 йил 3 декабрдан амалга киритилди [1]. Мазкур санадан бошлаб ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси доимий ишловчилар билан ҳам, муайян муддатга ёки муайян ишни бажариш вақтига ишга қабул қилинувчилар билан ҳам, ўриндошлар билан ҳам тузилади. Шу вақтдан бошлаб ходим билан оғзаки шаклда меҳнат шартномаси тузилиши иш берувчи томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши сифатида баҳоланадиган бўлди. Айни вақтда 1993 йил 2 сентябрдаги Қонун амалга киритилгунга қадар Ҳукумат қарори билан ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнат шартномасининг ёзма шакли жорий этилган эди. Хусусан, давлат олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг барча педагог ходимлари [2], шунингдек илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ходимлари [3] билан ёзма меҳнат шартномалари тузилди. Меҳнат шартномасининг мажбурий ёзма шаклига оид қоидалар кейинчалик 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига янада ривожлантирилди.

Меҳнат шартномаси оғзаки шаклда тузилганда, кўпинча тарафлар у ёки бу шартлар бўйича келишувга эришганларини аниқлаш, шунингдек ушбу шартларнинг мазмунини англаб олишнинг иложи йўқ эди. Ҳуқуқшунослар М.Гасанов, Е.Соколовлар меҳнат шартномаси ёзма шаклининг афзаллигини унинг шартлари ягона ҳужжатда қайд этилиши ва бу ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам мажбурий эканлигида деб қайд этишади. Шунингдек, улар меҳнат шартномаси ёзма шаклининг қуйидаги афзалликларини санаб ўтишади:

- тарафлар қайси масалалар бўйича битимга келганлигини аниқлаш;
- ишга қабул қилиш тўғрисидаги

бўйруқ шартнома мазмунига мос келишини текшириш;

– меҳнат шартномаси шартлари қонун ҳужжатларига ва корхонада амал қилувчи локал ҳужжатларга нисбатан ходимнинг мавқеини ёмонлаштирмаслигини аниқлаш;

– меҳнат шартномаси тарафларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш имконини бериши [4].

Ўзбекистонда меҳнат шартномасининг фақат ёзма шаклига рухсат бериш қанчалик асосли эканлигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

қилиш орқали кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Қиёслашни илгари собиқ иттифоқ таркибида бўлган давлатлар меҳнат қонунчилиги мисолида кўриб чиқамиз. Чунки ушбу давлатлар қонунчилиги собиқ иттифоқ даврида ягона ғоя ва ягона тамойиллар асосида шакллантирилган, шунга қарамасдан кейинчалик бозор иқтисодиётига ўтишда уларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашувлардан фойдаланган (1-жадвал).

1-жадвал

Собиқ иттифоқ таркибида бўлган давлатлар меҳнат қонунчилиги қиёсий таҳлили

Мамлакат номи	Меҳнат шартномаси шакли	Расмийлаштириш талаби	Ҳуқуқий асос
Ўзбекистон	Ёзма	Бўйруқ	Меҳнат кодексининг 74-моддаси
Қозоғистон	Ёзма	Бўйруқ ёки фармойиш	Меҳнат кодексининг 33, 34-моддалари
Тожикистон	Ёзма	Бўйруқ ёки фармойиш	Меҳнат кодексининг 26-моддаси
Қирғизистон	Ёзма	Бўйруқ, фармойиш, қарор	Меҳнат кодексининг 58-моддаси
Туркманистон	Оғзаки ёки ёзма	Бўйруқ	Меҳнат кодексининг 16,20, 26, 27-моддалар
Арманистон	Ёзма	Бўйруқ билан расмийлаштириш талаб этилмайди, Меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади	Меҳнат кодексининг 85-моддаси
Озарбайжон	Ёзма	Бўйруқ билан расмийлаш-тириш талаб этилмайди, электрон ахборот тизими орқали рўйхатга олинади	Меҳнат кодексининг 44,49-моддалари

Грузия	Оғзаки ёки ёзма	Буйруқ билан расмийлаш-тириш талаб этилмайди	Меҳнат кодексининг 12-моддаси
Латвия	Ёзма	Буйруқ билан расмийлаш-тириш талаб этилмайди, Давлат даромадлари хизмати-да рўйхатга олинади	Меҳнат тўғрисидаги Қонуннинг 40-моддаси
Литва	Ёзма	Буйруқ билан расмийлаш-тириш талаб этилмайди, Давлат ижтимоий суғуртаси худудий бўлимларига шартнома тузилганлиги ҳақида ахборот тақдим этилади	Меҳнат кодексининг 42,43-моддалари
Эстония	Ёзма ёки 14 кундан ошмаса оғзаки	Буйруқ билан расмийлаш-тириш талаб этилмайди	Меҳнат шартномаси тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси
Молдова	Ёзма	Меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш ҳақида буйруқ ёки фармойиш қабул қилади	Меҳнат кодексининг 58-моддаси
Украина	Қоида тариқасида ёзма	Буйруқ ёки фармойиш	Меҳнат қонунлари кодексининг 24-моддаси
Беларусь	Ёзма	Буйруқ ёки фармойиш	Меҳнат кодексининг 18-моддаси
Россия	Ёзма	Буйруқ ёки фармойиш	Меҳнат кодексининг 67-моддаси

Юқоридаги жадвалдан дастлабки хулоса шуки, ушбу давлатларнинг деярли кўпчилиги ёзма меҳнат шартномасини мажбурий талаб сифатида белгилаган.

Меҳнат шартномасининг ёзма шаклига қатъий талаб қўймаган давлатлар ҳам бор. Хусусан, Туркменистон Меҳнат кодексининг 26-моддасига кўра, ходимни ишга қабул қилиш унинг аризаси асосида буйруқ билан расмийлаштирилади. Туркменистон Меҳнат кодекси меҳнат

шартномасининг ёзма шаклини мажбурий шарт сифатида белгиламайди. Лекин бевосита меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам бор. Масалан, Меҳнат кодексининг 26, 28-моддаларида иш берувчи – жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда, у ёзма бўлиши ҳақидаги талаб қўйилган.

Қозоғистонда меҳнат шартномасининг ёзма шакли мажбурий бўлиб, ходим меҳнат шартномаси тузилганидан

кейингина ишга қўйилади. Меҳнат шартномаси бўлмаганда ёки лозим даражада расмийлаштирилмаганда, иш берувчи қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади, ходим ишни бошлаган вақтдан эса меҳнат муносабатлари вужудга келган, деб ҳисобланади. Шунингдек, Қозоғистон Меҳнат кодексининг 33-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини тузиш электрон рақамли имзо билан тасдиқланадиган электрон ҳужжат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Арманистон ва Озарбайжон Меҳнат кодексларида меҳнат шартномаларини ёзма шаклда тузиш ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд, бироқ улар анъанавий бўлган буйруқ чиқариш орқали эмас, балки китоб ёки электрон тизим орқали рўйхатга олиш орқали кучга киради.

Латвия Меҳнат тўғрисидаги қонунининг 40-моддасига кўра меҳнат шартномасининг ёзма шаклда тузилиши ва меҳнат шартномаларини рўйхатга олиниши учун иш берувчи масъулдир. Меҳнат шартномасини ёзма равишда тузмаганлик ва ходимни Давлат даромадлари хизматида ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаганлик учун иш берувчи маъмурий жавобгарликка тортилади [5].

Литва Меҳнат кодекси ҳам меҳнат шартномасининг ёзма шаклда бўлишини талаб қилади. Тарафлар шартноманинг мажбурий шартлари бўйича келишувга эришган вақтдан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади, лекин уни буйруқ билан расмийлаштириш талаб этилмайди. Мазкур Кодекснинг 42-моддасига кўра, меҳнат шартномаси тузилганлиги ва ходим ишга қабул қилинганлиги ҳақида Давлат ижтимоий суғуртаси ҳудудий бўлимларига ахборот тақдим этилади.

Эстония Меҳнат шартномаси тўғрисидаги қонунининг 4-моддасига асосан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади, ходим ишга киришган вақтдан

эса тузилган деб ҳисобланади. Меҳнат шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик, меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, меҳнат шартномасининг муддати икки ҳафтадан ошмаса, уни ёзма шаклда тузиш мажбурлигига оид қоида қўлланилмайди.

Молдова Меҳнат кодексининг 58-моддасида меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши белгиланган бўлса-да, айрим қоидалар оригиналлиги билан ажралиб туради. Мисол учун меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш ҳақида иш берувчи олдиндан буйруқ ёки фармойиш қабул қилиши лозим. Ёзма шаклда меҳнат шартномаси тузиш учун эса тарафларнинг ўзаро розилиги талаб этилади. Энг эътиборли жиҳати шундаки, агар меҳнат шартномаси ёзма равишда расмийлаштирилмаган бўлса, номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади ҳамда ходим иш бошлаган вақтдан юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ишга қабул қилишда иш берувчи меҳнат шартномасининг ёзма шаклда тузилиши ҳақидаги талабга риоя қилмаган бўлса, меҳнат инспекторининг назорат баённомасига кўра меҳнат шартномасини шу шаклда расмийлаштириши лозим бўлади.

Украина Меҳнат қонунлари кодексининг 24-моддасига кўра, меҳнат шартномаси қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномасининг ёзма шаклига риоя қилиш лозим бўлган ҳолатлар мазкур моддада алоҳида баён этилган. Буларга мисол қилиб вояга етмаганлар, масофавий ходимлар, касаначилар, иш берувчи жисмоний шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномаларини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур давлат қонунчилиги меҳнат шартномасининг ёзма шаклини қоида тариқасида белгилагани учун унинг оғзаки шаклда бўлиши инкор этилмайди.

Беларусь Меҳнат кодексининг

18-моддаси меҳнат шартномаси ёзма шаклда бўлишини талаб қилади. Меҳнат шартномасининг амал қилиши ишнинг бошланиши билан боғланган. Ходим меҳнат шартномаси тузилмасдан туриб ваколатли мансабдор шахс томонидан ишга қўйилиши мумкин, бундай ҳолда иш бошланган куннинг эртасига меҳнат шартномаси ёзма шаклда расмийлаштирилиши талаб этилади.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 67-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномаси тузилмасдан туриб ходимга ишлашга рухсат берилиши мумкин. Бундай ҳолда ходим ишга тушган кундан кейин уч кун ичида ёзма шаклдаги меҳнат шартномаси расмийлаштирилиши керак.

Грузияни собиқ иттифоқ давлатлари ичида ўтган ўттиз йилда меҳнат қонунчилигини етарли даражада либераллаштирган давлат деб эътироф этиш мумкин. Буни ҳатто меҳнат шартномасининг шаклида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Грузия Меҳнат кодексининг 12-моддасида меҳнат шартномасининг ёзма шакли билан бир қаторда оғзаки шаклда бўлиши ҳам мустаҳкамланган. Меҳнат шартномасининг ёзма шакли унинг муддати бир ойдан ошган тақдирда тузилиши мажбурийлигига оид қоидалар ўрнатилган.

Меҳнат шартномасининг шаклига оид турли давр ва хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигини қиёсий ўрганиш бу борада Ўзбекистондаги амалиётнинг танқидий таҳлили хусусида айрим хулосалар чиқаришга имкон беради. Хусусан, Ўзбекистонда илгари меҳнат шартномасининг оғзаки шакли ҳам амал қилган. Бундан ташқари, Грузия, Украина, Эстония каби давлатлар меҳнат шартномасининг оғзаки шаклда бўлиши мумкинлигига қонунда рухсат этилган.

Ўзбекистонда ҳам меҳнат шартномасининг фақат ёзма шаклда эмас,

балки оғзаки ва электрон шаклларда бўлиши ҳақидаги нормани қуйидаги сабабларга кўра киритиш лозим:

1) хусусий секторда, хусусан кичик бизнес субъектларида меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш, расмийлаштиришни амалга ошириш учун инсон ва моддий ресурсларнинг чекланганлиги;

2) қисқа муддатли меҳнат шартномаларини оғзаки шаклда тузишга рухсат бериш орқали уларнинг фуқаролик ҳуқуқий тарзда тузилишининг олдини олиш лозимлиги.

Шундай қилиб, Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномасининг ёзма шаклидан ташқари унинг оғзаки ва электрон шакллари киритишга объектив эҳтиёж мавжуд. Мазкур эҳтиёжнинг қондирилиши мамлакатимизда бозор иқтисодиёти қоидаларининг яхшироқ ишлашига имкон беради.

Uzbekiston
Milliy axborot
agentligi

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/112443?otherlang=>

2. Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шаклига ўтиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 август 394-сон қарори. <https://lex.uz/docs/490393>

3. Республика илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларининг ходимларни ёллашнинг контракт тизимига ўтиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 июн 297-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/519811>

4. Гасанов М.Ю., Соклов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракт). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

5. Закон о труде Латвийской Республики // <https://www.baltikon.lv/taxes/zakon-o-trude/>

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали // <https://regulation.gov.uz/uz/document/7609>

7. Сенаторлар Меҳнат кодексининг янги таҳририни тасдиқлашди // https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/senatorlar_mehnat_kodeksining_yangi_tahririni_tasdiqlashdi



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Давлатжон ХАБИБУЛЛАЕВ

профессор

юримдик фанлар номзоди

Тошкент давлат юримдик университетини

Тошкент, Ўзбекистон

davlat.xabibullayev@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақола фуқаролик суд ишларини юримдишнинг бир тури сифатида алоҳида тартибда иш юримдиш тушунчаси, аҳамияти ва турларига бағишланади.

Таянч сўзлар: фуқаролик судлари, суд орқали химояланиш, алоҳида тартибда иш юримдиш, фуқаролик процесси, фуқаролик процессуал қонунчилиги, фуқаролик суд ишларини юримдиш, суд хужжатлари.

ОСОБОЕ ПРОИЗВОДСТВО В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Давлатжон ХАБИБУЛЛАЕВ

профессор

кандидат юримдикеских наук

Ташкентский государственный юримдикеский университет

Ташкент, Узбекистан

davlat.xabibullayev@mail.ru

Аннотация

Данная статья посвящена понятию, значению и видам особого производства, как разновидности гражданского судопроизводства.

Ключевые слова: гражданские суды, судебная защита, особое производство, гражданский процесс, гражданское процессуальное законодательство, гражданское судопроизводство, судебные акты.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқислоҳотларидан кўзланганасосий мақсад – фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган хуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг суд орқали химоясини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатлашдан иборат. Ҳозирги кунда судлар томонидан фуқаролик ишлари ўз вақтида тўғри ҳал қилинмоқда. Бу борада

суд статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича кўриб ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар Республика бўйича 2018 йилда 45051 тани ташкил этган бўлса, шундан 42435 таси тўлиқ қаноатлантирилган, 741 таси рад этилган, 856 таси бўйича иш юримдиш тугатилган, 1019 таси бўйича ариза кўрилмай қолдирилган, 2019 йилда

ушбу кўрсаткич 28636 тани ташкил этиб, булардан 26854 та иш қаноатлантирилган, 580таси рад этилган, 367таси бўйича иш юритиш тугатилган, 835 таси бўйича ариза кўрилмай қолдирилган, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 19112 тани ташкил этиб, булардан 17757 та иш қаноатлантирилган, 376 таси рад этилган, 242таси бўйича иш юритиш тугатилган, 737 таси бўйича ариза кўрилмай қолдирилган. 2021 йилнинг 9 ойи давомида ушбу фаолиятда мазкур кўрсаткич 15454 тани ташкил этиб, булардан 14041 та иш қаноатлантирилган, 367 таси рад этилган, 218таси бўйича иш юритиш тугатилган, 828 таси бўйича ариза кўрилмай қолдирилган. Мазкур статистик маълумотлар шундан далолат берадики, алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг йилдан-йилга камайиши кузатилган [13]. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда мазкур турдаги ишлар суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилган. Шу билан бирга, айрим ҳолларда ишларни кўришда судлар томонидан қонунни қўллашда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Биринчидан, судга тааллуқли бўлмаган аризаларни иш юритишга қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ҳар доим амалда фақат маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган фактларнигина белгилаш, тегишли ҳужжатларни судсиз тартибда олиш ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклаш мумкин бўлмаслиги тўғрисидаги мажбурий шартга риоя қилинмайди. Иккинчидан, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича ишнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ аниқланмаслиги, далилларни етарли даражада текширилмаслиги, манфаатдор шахслар ишда иштирок этишга жалб қилинмаслиги, оқибатда қатор ишлар бўйича фуқароларнинг аризаларини қаноатлантириш тўғрисида асоссиз ҳал қилув қарорлари чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан бири

сифатида алоҳида тартибда иш юритиш ва бу борадаги суд амалиётини ўрганиш, хорижий давлатларда алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг турлари ва уларни судда кўришнинг процессуал механизмларини таҳлил қилиш нуқтаи-назаридан мазкур масала ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанидаги долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра алоҳида тартибда иш юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда судлар томонидан алоҳида тартибда иш кўриш тушунчаси, аҳамияти ва унинг турлари тўғрисида юридик адабиётларда бир қатор фикрлар билдириб ўтилган. Жумладан, Ш.Ш.Шорахметов фикрича, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда – ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмагани туфайли тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар, учинчи шахслар ҳам бўлмайди, фақат ўз муддаосини айтиб, судга мурожаат қилувчи аризачигина ва бошқа манфаатдор шахсларгина бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида тартибда кўриладиган фуқаролик ишларида баъзи фуқаролик процессуал нормаларнинг, масалан, шерик иштирокчилик, тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, келишув битими ва шу каби процессуал ҳаракатларга оид нормалар қўлланилмаслиги мумкин [14].

Ҳуқуқшунос олим Э.Эгамбердиев фикрича, алоҳида тартибдаги ишларда даъволи ишлардагидек тарафлар бўлмайди. Тарафларнинг бўлмаслигига асосий сабаб, бундай ишларда ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг бўлмаслигидир. Шахсларнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси судга мурожаат қилган шахснинг оддий аризаси ҳисобланади. Ариза билан судга мурожаат қилган шахс бу турдаги

суд ишларини юритишда манфаатдор шахс деб юритилади [12].

Бошқа юридик адабиётда ҳам алоҳида тартибда иш юри-тишда аризачида бошқа шахсдан ҳеч қандай талаби бўлмайди, шунинг учун ҳам тарафлар бўлмайди, яъни даъвогар ва жавобгар деб таъкидланади [4].

В.В.Ярков ва В.П.Воложанинлар алоҳида тартибда иш юри-тишда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди, ишни қўзғатувчи шахс аризачи деб номланади. Шунингдек, алоҳида тартибда иш юритишда қарши даъво бериш, тарафни алмаштириш, келишув битими тузишнинг имконияти бўлмайди деб таъкидлашади [2].

Е.А.Борисова фикрича ҳам алоҳида тартибда иш юритиш бир томонлама иш юритиш ҳисобланади [3].

В.В.Аргунов фикрича, алоҳида тартибда иш юритиш низосиз иш юритиш деб номланиб, унда субъектив ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди [4].

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳуқуқ тўғрисида низонинг йўқлиги ва бунинг натижасида тарафларнинг мавжуд бўлмаслиги бу туркумдаги суд ишларини юритишнинг мустақил тури сифатида эътироф этишга асос бўлади.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 293-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга қўйидагилар қиради:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги;

2) болани фарзандликка олиш (бундан буён матнда фарзандликка олиш деб юритилади) ҳақидаги;

3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;

4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;

5) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;

6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;

7) вояга етмаган шахсни тўлик муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;

8) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;

9) тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) тўғрисидаги;

10) йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.

Бу борада хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, уларда алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг кенгайтирилган турини кўришимиз мумкин. Маса-лан, Россия Федерацияси ФПКнинг 262-моддасида суд томонидан алоҳида тартибда кўриладиган ишлар турлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

2) болани ўғил (қиз) қилиб олиш;

3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш ёки маҳрум этиш тўғрисидаги ишлар;

5) вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация);

6) кўчар ашёни эгасиз деб топиш ва эгасиз кўчмас ашёни муниципал мулк ҳуқуқи деб топиш тўғрисидаги ишлар;

7) тақдим этувчига деб берилган қимматли қоғозлар ёки ордерли қимматли қоғозлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш);

8) бу банд 2015 йил 15 сентябрда ўз кучини йўқотган (фуқарони мажбурий равишда психиатрия стационарига ётқи-зиш ва мажбурий психиатрия кўриги ўтказиш тўғрисидаги ишлар);

9) фуқаролик ҳолати актларига тузатиш ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ишлар;

10) нотариал ҳаракатлар ёки уларни бажаришни рад этиш юзасидан аризалар тўғрисидаги ишлар;

11) йўқотилган суд иш юритувини қайта тиклаш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар [11].

Хитой Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 15-боби “Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар”га бағишланган. Хусусан, Хитой ФПКнинг 177-моддасига кўра, ушбу бобнинг қоидалари сайловчининг мақомига оид ишларга, бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларга, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишларга, мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишларга, келишув битимларини тасдиқлаш тўғрисидаги ишларга ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга оид ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисидаги ишларга нисбатан қўлланилади. Ушбу бобда қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг тегишли қоидалари қўлланилади [5].

Беларусь Республикаси ФПКнинг 361-моддасида алоҳида тартибда

кўриладиган ишларнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш;

2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш;

3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш, шунингдек фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ёки муомала лаёқати чекланганлигини бекор қилиш;

3-1) фуқаронинг қимор ўйинлари, виртуал қимор ўйинхоналарига бориш ва қимор ўйинларида иштирок этишини чеклаш тўғрисида;

4) вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация);

5) кўчар ашёни эгасиз деб топиш ва кўчмас нарсага коммунал мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисида;

5-1) фойдаланилмаётган транспорт воситасини эгасиз деб эътироф этиш ва уни тегишли маъмурий-худудий орган мулкига ўтказиш тўғрисида;

6) меросни эгасиз деб топиш тўғрисида;

7) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар бўйича ҳуқуқларни тиклаш;

8) шахсни ғайририхтиёрий тартибда стационарга ётқизиш ва даволаш, стационарга ётқизиш ва даволаш муддатини узайтириш;

9) фарзандликка олиш;

10) Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 117-моддаси

иккинчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, вояга етмаган шахсларни махсус ўқув-тарбия муассасалари ёки махсус даволаш ва таълим муассасаларига жойлаштириш, вояга етмаганларни махсус ўқув-тарбия муассасаларидан махсус даволаш-тарбия муассасаларига ўтказиш, вояга етмаганларнинг ушбу муассасаларда суд томонидан белгиланган муддат тугагунга қадар мазкур муассасаларда қолишини тўхтатиш ёки ушбу муддатни

узайтириш, шунингдек вояга етмаганларни қабул қилувчи-тақсимловчи бинога жойлаштириш, вояга етмаганларни қабул қилувчи-тақсимловчи бинода бўлиш муддатини узайтириш, вояга етмаганларни вояга етмаганларни сақлаш жойларидан озод қилиш;

11) фуқарони тиббий-меҳнат диспансерига юбориш, фуқарони тиббий-меҳнат диспансерида бўлиш муддатини узайтириш, фуқарони тиббий-меҳнат диспансерида бўлиш муддатини қисқартириш тўғрисида [6].

Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 305-моддасида алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

305.1.1. юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

305.1.2. фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

305.1.3. фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

305.1.4. кўчар мулкни эгасиз деб топиш ва кўчмас мулкка давлат мулки ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишлар;

305.1.5. тақдим этувчига деб берилган қимматли қоғозлар ёки ордерли қимматли қоғозлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш);

305.1.6. шахсни психиатрия стационарига мажбурий равишда ётқизиш тўғрисидаги ишлар;

305.1.7. фуқаролик ҳолати далолатномалари дафтарларидаги ёзувларнинг нотўғрилигини аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

305.1.8. нотариал ҳаракатлар ёки уларни бажаришни рад этиш юзасидан шикоятлар бўйича ишлар;

305.1.9. болани (қиз) асраб олишни белгилаш тўғрисидаги аризалар бўйича;

305.1.10. шахсни наркологик тиббиёт

муассасасига мажбурий жойлаштириш тўғрисида;

305.1.11. оилавий зўровонлик қурбонига узоқ муддатли ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги ишлар;

305.1.12. солиқ тўловчи ёки суғурталанган жисмоний шахсни ёки юридик шахснинг ижро этувчи органи раҳбарининг мамлакатдан чиқиб кетиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида;

305.1.13. шахснинг Озарбайжон Республикаси фуқаролигини йўқотган деб топиш тўғрисида;

305.1.14. терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш доирасида активларни музлатиш;

305.1.15. банк мажбуриятларини ихтиёрий равишда реструктуризация қилиш тўғрисида;

305.1.16. ахборот Интернет ресурсига киришни чеклаш тўғрисида [7].

Шунингдек, бошқа бошқа давлатларининг, хусусан, Латвия [8], Қирғизистон [9], Арманистон [10] давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг турлари алоҳида моддада ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўплаб хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг турлари қамрови миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимизга қараганда кенгроқ эканлигини, ҳозирги кунда кундалик ҳаётимизда учраётган айрим муаммоларни суд тартибда ҳал этишнинг процессуал механизми яратилганлигини кўришимиз мумкин. Хорижий давлатлар ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда келгусида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 293-моддасига алоҳида тартибда кўриладиган ишлар сифатида “фуқаронинг қимор ўйинлари, виртуал қимор ўйинхоналарига бориш ва қимор

ўйинларида иштирок этишини чеклаш, фуқарони тиббий-меҳнат диспансерига юбориш, фуқарони тиббий-меҳнат диспансерида бўлиш муддатини узайтириш, фуқарони тиббий-меҳнат диспансерида бўлиш муддатини қисқартириш, оилавий зўровонлик қурбонига узок муддатли ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги ишлар, солиқ тўловчи ёки суғурталанган жисмоний шахсни ёки юридик шахсинг ижро этувчи органи раҳбарининг мамлакатдан чиқиб кетиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида, шахсинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган деб топиш тўғрисида, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш доирасида активларни музлатиш, банк мажбуриятларини ихтиёрий равишда

реструктуризация қилиш тўғрисида, ахборот Интернет ресурсига киришни чеклаш тўғрисидаги ишларни” кiritиш мақсадга мувофиқ. Мазкур турдаги ишларни алоҳида тартибда кўриб чиқиладиган ишлар сифатида фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланиши, шахсларни мазкур ҳолатлар билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимояланишнинг процессуал механизмини амалда таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу турдаги ҳолатлардан келиб чиқадиган кўплаб салбий психологик, жисмоний ва ижтимоий оқибатларнинг олдини олишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское процессуальное право России. – Москва: Былина. 1996. – 250 с.
2. Гражданский процесс. Учебник // Отв. ред. проф. В.В. Ярков. 3-е. изд. перер. и доп. – Москва: БЕК, 1999. – 379 с.
3. Гражданский процесс. 2-е. изд. испр. и доп. // Под. ред. проф. М.К. Треушников. – Москва: Спарк, 1998. – 306 с.
4. Гражданский процесс: учебник. 5-е издание, переработанное и дополненное. // Под ред. М.К. Треушникова. – Москва: Статут, 2014. – 284 с.
5. Гражданский процессуальный кодекс КНР // http://www.pkulaw.cn/fulltext_form.aspx?Db=chl&Gid=297379
6. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://pravo.kulichki.com/vip/gpk/index.htm>.
7. Гражданский процессуальный кодекс Республики Азербайджан http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420065#pos=1855;-52.
8. Гражданский процессуальный кодекс Республики Латвия. <http://cld.privatelaw.ru/snglaw/snglaw.htm>.
9. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики: // lawlib.freenet.uz/laws/kyrgyz/gkkg1/congkkg.html.
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения http://www.jguard.ru/images/attaches/230/GPK_Armenia.txt.
11. Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. <http://www.kodeks37-.ru/noframe/inf-nalog?d&nd=901839130&nh=1>.
12. Эгамбердиев Э. Ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал воситалари // Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари: илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 136 б.
13. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2018-2020 йиллар ва 2021 йил 9 ойлик

фаолият яқунларининг асосий кўрсаткичлари // https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2021_9.pdf.

14. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2001. – 326 б.

15. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 231 б.

16. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 639 б.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



БОЖХОНАГА ОИД АЙРИМ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Файзулла Умирзоқович ҚАРШИБОЕВ

доцент

Давлат божхона қўмитаси

Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Шахбоз Лутфулло ўғли ЮСУПОВ

магистратура тингловчиси

Давлат божхона қўмитаси Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада божхонага оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва жавобгарлик белгилашда юзага келадиган айрим муаммоли масалалар юзасидан фикр юритилган. Хусусан, божхона чегарасидан декларацияда товар-моддий бойликларини кўрсатмасдан олиб ўтганлик ҳолатида жавобгарликни либераллаштириш борасида таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: божхона органлари, тараққиёт стратегияси, божхонага оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жавобгарликни либераллаштириш.

ВОПРОСЫ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕКОТОРЫЕ АДМИНИСТРАТИВНЫЕ ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ТАМОЖЕННОГО ДЕЛА

Файзулла Умирзоқович ҚАРШИБОЕВ

доцент

Таможенный институт Государственного

таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Шахбоз Лутфулло ўғли ЮСУПОВ

слушатель магистратуры

Таможенный институт Государственного

таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые проблемные вопросы, возникающие при рассмотрении и назначении ответственности за совершение административного правонарушения в сфере таможенного дела. В частности, внесены предложения по вопросу либерализации ответственности в случае перемещения товаров через таможенную границу без указания товаров в декларации.

Ключевые слова: таможенные органы, стратегия развития, административные правонарушения в сфере таможенного дела, либерализация ответственности.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида божхона органларининг роли ва аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Чунки божхона органлари ички бозорга қонуний товарлар олиб кирилишига қарши курашиб, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали уларни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида «Қонунчиликни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгилаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим» [4] лигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш белгилаб берилди.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 14-мақсадида — қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш назарда тутилган. Мазкур мақсадга эришиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрель ПФ-5414-сон, «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 27

апрель ПФ-122-сон фармонлари асосида божхона органларида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан бир қанча вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари олдига қўйилган устувор вазифалар сирасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни такомиллаштириш, бу борада хориж тажрибасини ўрганиб, ижобий жиҳатларини қонунчилигимизга татбиқ этиш киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 2018 йил 18 октябрь қонунининг 3-моддасига биноан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби вазифалар юклатилган [1].

Божхона соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар процессуал жиҳатдан ўз вақтида тўғри расмийлаштирилиши лозим, чунки божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бошқарув тартибига ва иқтисодий йўналишда содир этилиб, давлат манфаатларига зарар етказди. Шу боис, божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Божхона органлари томонидан республикаимиз ҳудудида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш юзасидан салмоқли ишлар амалга

оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 12 829 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, улар бўйича 681,9 млрд сўмлик товарлар ушлаб қолинган. Ушбу ҳолатлар бўйича 723 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 10 684 та маъмурий материаллар юритилган.

Мазкур ҳуқуқбузарликлар божхона чегарасини кесиб ўтиш, божхона расмийлаштируви ҳамда божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ жараёнларда келиб чиқади ва содир этиш характериға кўра, куйидагича таснифланади:

1. Товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар.

2. Божхона назорати, режими ва расмийлаштируви билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар.

3. Божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар – бу Божхона кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказилиши билан боғлиқ тартиб ва қоидаларға айбли ғайриҳуқуқий риоя этмасликдир.

Божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг иккинчи гуруҳи божхона назорати, режимлари ва расмийлаштируви билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўлиб, бунда қилмиш Божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона назорати ва расмийлаштируви билан боғлиқ тартиб ва қоидаларға айбли ғайриҳуқуқий риоя этмасликда ифодаланади.

Божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг учинчи гуруҳи божхона тўловлари билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўлиб, бу — Божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона тўловлари билан

боғлиқ тартиб ва қоидаларға айбли ғайриҳуқуқий риоя этмасликдир.

Божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима ва мусодара қилиш жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [2] нинг 245-моддасиға мувофиқ, 2274 , 2278 , 2279 -моддаларида, 22713 -моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 22714 , 22715 -моддаларида, 22716 -моддасининг иккинчи–бешинчи қисмларида, 22717 , 22718 , 22719 , 22720 , 22721 -моддаларида, 22722 -моддасининг биринчи қисмида, 22723 , 22724 , 22725 , 22726 -моддаларида назарда тутилган, шунингдек 901 , 1711 , 1842 , 1851 , 189 , 1891 -моддаларида назарда тутилган божхона қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят ишлари бўйича судлар кўриб чиқади ва белгиланган санкция доирасида жарима ва мусодара тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 24-моддасиға мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш жазоси ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Шу ўринда бир жиҳатға эътибор қаратиш лозим. Маъмурий жазонинг мақсади инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини муҳофаза қилишни ўз ичига олади [2].

Божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, улар бўйича иш юритиш ва квалификациялашда бир қатор муаммолар юзаға келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш

билан боғлиқ юритилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари таҳлил қилинганда, мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22722-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига асосан фуқароларнинг қонун ҳужжатларидан хабардор эмаслиги, эътиборсизлиги, ҳуқуқбузарлик профилактикаси тадбирларининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Ушбу ҳолатда чегара ўтказиш пунктидан биринчи маротаба ҳаракатланаётган фуқаролар божхона тартиб-таомиллари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли, ҳуқуқбузарлик ҳолати юзага келади. Бунинг натижасида ва бу йўловчига тегишли товар-моддий бойликларини ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олиниб, келгусида суд қарори асосида мусодара қилинишига олиб келади.

Хусусан, Кодекс 22722-моддасининг 1-қисми бўйича санкцияда «товарларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш» билан боғлиқ маъмурий жазо чораси назарда тутилган.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 1-устувор йўналиши “инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш» деб номланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу нормани давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар талабига кўра қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ”лиги белгиланган.

Бунда фикримизча, мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатини биринчи маротаба

содир этган фуқароларни жавобгарликка тортишда жарима жазоси билан кифояланиш, унинг товарларига нисбатан мусодара жазосини қўлламаслик, такроран ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарлик ашёси ҳисобланган товарларни мусодара қилиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жарима жазосини қўллаш юзасида амалдаги нормаларга ўзгартириш киритиш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22722-моддасини куйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун зарур бўлган белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, ушбу Кодекснинг 2277, 22710, 22719, 22720, 22721 моддаларида ва 22725-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такроран содир этилганда, бундан жиноят таркиби вужудга келиши мустасно, —

товарлари мусодара қилиниб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган

божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бунда, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масаласи таъминланади (жарима тайинлаш орқали), шунингдек, товар-моддий бойликлари (меъёрдан ортиқ бўлган) юзасидан божхона расмийлаштирувининг умумий тартиби қўлланилади. Масалан, халқаро аэропортларда жойлашган чегара божхона постлари орқали йўловчилар томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган товар-моддий бойликларини божхона тўловларисиз олиб кириш меъёридан ортиқ бўлган, яъни жами 3000 АҚШ доллари қийматидаги товарлар белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳолда биринчи маротаба олиб ўтилганда, йўловчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексининг 22722-моддаси 1-қисми билан (таклиф этилаётган таҳрирга асосан) маъмурий иш ҳужжатлари расмийлаштириш ҳамда меъёридан ортиқ 1000 АҚШ доллари қийматидаги товарлари учун (халқаро аэропортларда товарларни божхона тўловларисиз олиб кириш меъёри 2000 АҚШ доллари) божхона расмийлаштирувининг умумий тартиби, яъни белгиланган тартибда божхона тўловлари ундириш назарда тутилмоқда.

Юқорида келтирилган таклифлар орқали миллий қонунчилик тизимига янги меъёрлар киритилиб, божхона органларининг самарадорлиги ва шаффофлиги таъминланиши билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсади кўзда тутилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мунтазам такомиллаштириб бориш Республикамизда «Инсон кадри учун» тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлат божхона хизмати тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрь ЎРҚ-502 Қонуни. WWW.Lex.uz

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрь Кодекси. WWW.Lex.uz

3. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 24 январь Мурожаатномаси. WWW.Lex.uz

5. Қаршибоев Ф. Маъмурий жавобгарлик: ўқув қўлланма. — Тошкент: Lesson-press, 2019. — 161 б.



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Азамат Худайназарович РАДЖАПОВ

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

radjapov.a@umail.uz

Аннотация

Мақолада давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг айрим масалалари тизимли таҳлил қилинган ва уларнинг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: ахборот, ахборот технологиялари, очиклик, шаффофлик, ҳисобдорлик, давлат органи, очик бюджет, ахборотнинг эркинлиги.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕСС ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОТКРЫТОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ

Азамат Худайназарович РАДЖАПОВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

radjapov.a@umail.uz

Аннотация

В статье системно анализируются некоторые вопросы внедрения современных информационно-коммуникационных технологий в процесс обеспечения открытости деятельности государственных органов.

Ключевые слова: информация, информационные технологии, открытость, прозрачность, подотчетность, государственный орган, открытый бюджет, свобода информации.

Давлат органларининг фаолиятига сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни замонавий ахборот-коммуникация самарали амалга оширишнинг муҳим тизимларини кенг жорий этиш шарт ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда олиб борилаётган ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-ҳаётининг барча соҳаларига замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларга ўз вақтида тўғри, ишончли ва ҳақиқий ахборот олиш учун барча шароитларни яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йил ичида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларидан 73 турдаги маълумотнома ва ҳужжатларни талаб этиш бекор қилиниб, уларни «Электрон ҳукумат» тизими орқали олиш тизими йўлга қўйилди, бунинг натижасида йилига ўртача 15 млндан ортиқ аҳоли ортиқча қоғозбозликдан холос бўлди [21].

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, ҳудудларни ва уларнинг иккитадан тумани мисолида, шунингдек, бир қатор муҳим соҳаларни рақамли трансформация қилиш дастурлари тасдиқланди, «Рақамли идора» лойиҳаси жорий этилиб, давлат органларида раҳбар ўринбосарларидан бирига идора фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш учун рақамлаштириш (Chief Digital Officer) вазифаси юклатилди [2].

2002 йилда бошланган давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологияларини оммавий равишда жорий этиш сиёсати 2005 йилга келиб янада ривожлантирилиши натижасида барчага ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органларининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланишга шароит яратилди, 2013 йил

1 июлдан аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари портали [18] орқали олиш имкони берилди.

Барча ахборот тизимлари ва электрон давлат хизматларига киришнинг «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларининг Ягона идентификация тизими (One-ID) ишлаб чиқилиб, у орқали 70 дан

ортиқ ахборот тизимларига эркин кириш имконияти яратилди, шунингдек, электрон (онлайн) хизматлар кўрсатиш улушини ошириш ҳамда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу ахборот тизимининг (One-ID) янги талқини ва мобил иловаси ишлаб чиқилди [3]. Давлат хизматларидан фойдаланишда шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими жорий этилиб, 38 та турдаги давлат хизматларидан электрон рақамли имзосиз фойдаланиш имконияти яратилди [4].

Давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси жорий этилиб, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика тасдиқланди [5]. Келгусида ушбу баҳолаш мезонлари асосида давлат органлари фаолияти очиклигини рейтинг баҳолаш учун махсус веб-платформа, яъни автоматлаштирилган идаралараро ахборот тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу веб-платформа асосида Очиклик индексини баҳолаш жараёнларини рақамлаштиришда «Nis.uz» идоралараро ахборот тизими имкониятларидан фойдаланиш ўринлидир.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиклиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали яратилди. Ўтган давр мобайнида ушбу портал орқали фуқаролардан 5,7 мингдан ортиқ жамоавий мурожаатлар билдирилган [22].

Адлия органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ва кенг жамоатчиликнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш мақсадида

«Очиқ адлия» (Open Justice) дастури жорий этилди. Ушбу дастур асосида барчанинг адлия органлари биноларида аудио-видео ёзиш мосламаларидан фойдаланишига рухсат берилди, ижтимоий тармоқларда адлия органлари ходимлари билан мулоқотлар йўлга қўйилди, ходимларнинг бир-бирини назорат қилиш тизими ўрнатилди, адлия органларининг молиявий фаолияти (харажатлари) билан боғлиқ маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳамда адлия органларининг ҳар йил якуни бўйича аҳолига бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилди [23].

Яна бир янгилик – 2018 йил 1 майдан бошлаб давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун «regulation.gov.uz» портали ишга туширилди. Ўтган давр мобайнида давлат органлари томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ушбу порталга жойлаштирилган 13,5 мингдан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларига фуқаролардан 52,8 мингдан ортиқ таклифлар билдирилди [24]. Интернет жаҳон ахборот тармоғида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) жорий этилди.

2021 йилдан бошлаб судлар фаолиятига «Адолат» ахборот тизимлари комплекси жорий этилиб, судларга даъво ариза ва шикоятларни электрон шаклда тақдим этиш, уларни кўриб чиқилишини онлайн кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон юбориш, суд ҳужжатларини автоматлаштирилган равишда шакллантириш (жами 12 та турдаги электрон хизматларини кўрсатиш) [25] имкониятини ўз ичига олувчи «my.sud.uz» электрон портали ишга туширилди.

Суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастур яратилгани ҳисобига давлат бюджетидан

4,1 млрд сўм, фуқароларнинг 16,6 млрд сўм миқдоридagi маблағларининг тежалишига эришилди [26], жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналар ажратилиб суд мажлисларида видеоконференцалоқа шаклида иштирок этиш имконини берувчи ускуналар билан жиҳозланди.

Яна бир муҳим янгилик – Олий Мажлис палаталарининг расмий веб-сайтларида парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар, депутатлар ва сенаторларнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги жараёнида иштироки тўғрисидаги, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессияларини телеканаллар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали жонли эфирга узатиш йўлга қўйилди. Бундай амалиёт парламент фаолиятида нафақат очикликни таъминлашга, балки барча давлат идоралари масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади [17].

Мажбурий ижро органлари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдолари «E-ijro auksion» электрон савдо майдончаси орқали амалга ошираладиган бўлди [11].

Ушбу электрон савдо майдончаси фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида «E-auksion» электрон савдо платформасига айлантирилиб, давлат мулки объектлари ва ер участкаларини сотиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи

асосида реализация қилиш, давлат мулки объектларини ижарага бериш [12], давлат акциялар пакети (улушлари)ни сотиш давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш [12], ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш, дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ташқи реклама объектларини жойлаштириш ҳуқуқини бериш, «Жамоатчилик назорати масканлари»ни ижарага бериш, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш ушбу платформа орқали амалга ошириладиган бўлди.

Молия органлари томонидан «Очик бюджет» (Open Budget) ахборот портали ишга туширилиб [13], унда бюджет ҳужжатлари лойиҳалари, ишлаб чиқилган дастурлар, уларга ажратилган маблағлар ва эришилган натижалар, бюджетларни шакллантириш жараёнларида ташаббус билдириш, бюджет ижроси бўйича ҳисоботлар, Ҳисоб палатасининг хулосалари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиши таклиф этилаётган тадбирлар бўйича таклифлар бериш ва маълумотлар олиш, шунингдек, бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш, овоз бериш, маҳаллий бюджет харажатлари параметрларини шакллантириш ва ижросини кузатиб бориш имконияти яратилди.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг жамоатчилик учун очиклигини, ушбу соҳадаги ахборотни жамлаш ва унга ишлов беришни соддалаштиришни, бошқа ахборот тизимлари билан ҳамкорликни амалга

оширишни, давлат харидлари мониторинг ва назорат ўрнатишни таъминлаш мақсадида махсус ахборот портали (xarid.uz) ишга туширилди [14].

Давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шунингдек, ушбу соҳадаги дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи «E-Anticor.uz» электрон платформаси ишлаб чиқилди [9].

Қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш, соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 2021 йил 1 январдан «Шаффоф қурилиш» (mc.uz) миллий ахборот тизими жорий этилди [15].

Жорий қилинган тизим ёрдамида ўтган вақт мобайнида умумий қиймати 6,5 трлн. сўмлик 2,5 мингдан зиёд лотлар эълон қилиниб, унда 6 мингдан зиёд қурувчи ташкилотлар қатнашди. Тендер жараёнида 1,5 мингдан зиёд лотлар (60 фоизи) бўйича ғолиблар аниқланди ва бошланғич қийматнинг 8,23 фоизи ёки 527,5 млрд сўм маблағ давлат бюджетига иқтисод қилинди [26].

Кадастр органлари фаолиятига «Электрон ҳуқумат» тизими билан интеграциялашган фуқароларга кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида, шунингдек, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотларни онлайн олиш имконини берадиган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри (davreestr.uz) жорий этилди [19].

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиботларининг очиклигини таъминлаш мақсадида ушбу масалани Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, тегишли халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгазининг очик мажлисида кўриб чиқиш, барча

жараёнларни расмий веб-сайтларда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиш тартиби жорий этилди [1].

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (elections.gov.uz) ишга туширилиб, сайловчилар электрон рўйхатини Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базаси, Кўчмас мулк объектлари ягона реестри ҳамда Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри орқали шакллантириш тизими йўлга қўйилди [16].

Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш ҳамда профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишга туширилди [10].

2022 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикасига чет давлат фуқаросини таклиф қилиш, чет давлат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлаш бўйича ҳужжатлар ва маълумотномаларни олиш, судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумотларни олиш, автотранспорт воситасида тақиқ мавжудлигини текшириш хизматларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда кўрсатиш, ҳайдовчининг йўл-патрул хизмати инспекторига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари ёнида бўлмаган тақдирда уларни махсус планшет қурилмаси ёрдамида идентификация ID-картаси орқали текшириш амалиёти йўлга қўйилди [20].

Солиқ органлари фаолиятида электрон солиқ хизматлари портали (my.soliq.uz) жорий этилиб, 35 та электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали 12 турдаги ҳужжат ва 27 хил ҳисоботларни электрон шаклда юбориш ва солиқларни

электрон тўлаш имконияти яратилди [27]. Ушбу тизимга етакчи ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази ташкил этилди.

Божхона органлари фаолиятига «Ягона дарча» божхона ахборот тизими (singlewindow.uz) жорий этилиб, 6 та манфаатдор идоранинг 21 та рухсат берувчи ҳужжатларини электрон тақдим этиш тартиби жорий қилинди. «Рақамли божхона» тамойили асосида божхона органларидаги ахборот тизимлари 63 тага ва кўрсатилаётган интерактив хизматлар сони 30 тага етказилди [28]. Натижада, юкларни божхона декларациясидан ўтказиш вақти 2 соатдан 5 дақиқага камайтирилди. Республика божхона постларига

7 мингдан зиёд назорат-ўлчов мосламалари ўрнатилиши ҳисобига 2–3 кунгача давом этадиган божхона текширувлари вақти 10–15 дақиқача қисқартирилди.

● Хавфни агентлиги бошқариш автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиб, «сарик йўлак», «қизил йўлак», «яшил йўлак», «кўк йўлак» божхона назорати шакллари жорий этилиши натижасида экспортда 82,9 фоиз, импортда 62,4 фоиз юклар соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди, кўриклар сони эса 1,7 мартага камайиб, самарадорлиги 2 баробарга ортди [28].

Шу билан бирга, давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилганлигига қарамасдан ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида:

биринчидан, давлат органларининг биринчи раҳбарлари ёки унинг ўринбосарларининг бевосита ўзига

электрон мурожаат қилиш ва жавоб олиш (мулоқот қилиш) тизими мавжуд эмас. Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) ва унинг таркибида давлат органлари раҳбарларига электрон мурожаат юбориш имконияти мавжуд. Бироқ, ушбу тизим орқали қилинган мурожаатлар тегишли давлат органига келиб тушганидан сўнг биринчи раҳбар ёки унинг ўринбосарларининг бевосита ўзига эмас, балки қуйи турувчи бўлинмаларга юборилади, шунингдек, мурожаатларга жавоблар бошқа мансабдор шахслар (бошқарма, бўлим ёки бошлиқлари) томонидан имзоланади. Натижада, мурожаатларга юзаки жавоб бериш ҳолатлари пайдо бўлиб, такрорий мурожаатлар сонининг ортиши аҳолида давлат органларига бўлган ишончсизликни вужудга келтириши мумкин;

иккинчидан, давлат органлари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини баҳолаш ва қайта алоқа тизими жорий этилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали қилинган мурожаатлар юзасидан давлат органлари томонидан берилган жавобларнинг натижаларини мурожаат қилувчилар томонидан баҳолаш, шунингдек, мурожаатлар бўйича жавоблар уларни қониқтирганлигини аниқлаш бўйича қайта алоқа тизими яратилмаган. Бу, давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш йўналишдаги фаолиятига халқ томонидан баҳо берилишига тўсқинлик қилмоқда;

учинчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат органлари фаолиятига, шу жумладан, улар фаолияти билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятидаги камчиликлар, қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун

ягона платфоформа яратилмаган. Бундай хабарлар фуқаролар томонидан ижтимоий тармоқларда эълон қилинган ҳолларда давлат органларининг муносабати билдирилади.

Қолаверса, 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам юқорида зикр этилган масалалар ўз аксини топмаганлигини кўришимиз мумкин.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари раҳбарияти билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот қилишини таъминлаш мақсадида «Очиқ мулоқот» онлайн платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш таклиф этилади. Мазкур платформа орқали давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг қуйи бўғинларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, барча келиб тушган мурожаатларни ягона тизимда рўйхатга олиш, кўриб чиқиш жараёнларини назорат қилиш ҳамда марказлашган ҳолда «маҳаллабай» мониторинг ва таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Бу йўналишда Қозоғистонда яратилган «eOtinish» электрон хизмати ва «dialog.egov.kz» электрон платформаси эътиборга молик. Ушбу хизмат ва платформа орқали жисмоний ва юридик шахслар нафақат бевосита давлат органининг биринчи раҳбарига электрон мурожаат қилиш, балки мурожаатни кўриб чиқишнинг ҳар бир босқичини кузатиб бориш, мурожаатга берилган жавоб бўйича давлат органлари фаолиятига баҳо бериш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича аҳолининг ижтимоий кайфиятини билиш имконияти мавжуд [30]. Ушбу платформанинг жорий этилиш натижасида Қозоғистон Халқаро ҳуқуқ устуворлиги

индексида (2021 йил якунлари бўйича) 139 та мамлакат орасида 84 ўринни эгаллади [31];

б) аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида:

биринчидан, Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматларининг турлари ва кўламини янада кенгайтириш ҳамда аҳолининг давлат органлари мансабдор шахслари билан бевосита муносабатларини минималлаштириш лозим.

Мисол учун, автотранспорт воситаларининг йўқотилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари ўрнига янгисини бериш, шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилгани ёки тортилмагани бўйича маълумот тақдим этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинчалик рўйхатга қўйиш, уларга ЖШШИР ва СТИР бериш, хорижий давлатда тузилган никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, силга қарши кураш диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш, уй-жойнинг мулкдори ўзгарган тақдирда коммунал хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш, уй-жойнинг манзили ўзгарганлиги бўйича маълумотнома олиш ҳамда шу каби бошқа давлат хизматларини ҳам Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатишни йўлга қўйиш зарур;

иккинчидан, фуқароларнинг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнларида ортикча мураккабликлар ва сансалорликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, бугунги кунда фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган 348

та давлат хизматларининг бор-йўғи 38 тасидан электрон рақамли имзосиз фойдаланишлари мумкин. Масалан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш хизматидан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо талаб этилади.

Ваҳоланки, фойдаланувчи Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги хизматлардан электрон рақамли имзо (E-IMZO) олиш учун талаб этиладиган барча маълумотларни ўз ичига олган Ягона идентификация тизими (One-ID) орқали фойдаланади. Ушбу ортикча овозагарчилик туфайли Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро ҳуқуқ устуворлиги индексининг «Хукуматнинг очиқлиги» омили (Open Government Factor) бўйича 139 та давлат орасида 122 ўринни эгаллади [31]. Фикримизча, фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларига Face-ID тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

в) давлат органлари томонидан жорий этилган ахборот тизимлари орқали хизматлар кўрсатиш соҳасида:

биринчидан, давлат органлари томонидан жорий этилган ахборот тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Масалан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган ҳужжат лойиҳасига фуқаролар томонидан билдирилган таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича уларнинг қабул қилганлиги ёки қабул қилинмаганлиги тўғрисида муаллифни асослантирилган тарзда хабардор қилиш тизими мавжуд эмас. Ёки Ягона идентификация тизими (One-ID) жорий этилганлигига қарамасдан Электрон солиқ хизматлари порталидан

(my.soliq.uz) фойдаланишда электрон рақамли имзо (Е-ИМЗО) талаб этилади. Бу эса фуқароларга ортиқча сансалорликни вужудга келтиради;

иккинчидан, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш жараёнларини янада кенгайтириш ва аҳолига давлат органлари билан доимий мулоқот қилишда қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир давлат органининг мобил иловасини яратиш ва ишга тушириш зарур. Бунда, ушбу мобил иловада давлат органларига сўров юбориш, муурожаат йўллаш, фаолияти тўғрисида ахборот олиш, очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлардан, шу жумладан, кўрсатиладиган давлат хизматларидан масофадан фойдаланиш ва бошқа имкониятларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацияларининг жорий этилиши:

биринчидан, давлат органлари

фаолиятининг очиклигини таъминлаш сифати ва самарадорлигини ошириш билан бир қаторда аҳолининг мамлакатда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардорлик даражасини оширишга, давлат хизматчилари томонидан бюрократизм ҳамда суиистеъмолчилик фактларига барҳам беришга хизмат қилади;

иккинчидан, фуқароларнинг давлат органларидан фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишда тезкорлик ва сифатни таъминлашга шароит яратади;

учинчидан, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг янада ривожлантирилишига имкон беради;

тўртинчидан, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўзлари қабул қилаётган қарорлар бўйича масъулиятини оширишга ҳамда аҳолининг давлат органларига бўлган ишончининг ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнь ЎРҚ–781-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2022 й., 03/22/781/0578-сон.

2.«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь ПФ–6079-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон.

3.Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июл ПФ–6269-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.07.2021 й., 06/21/6269/0704-сон.

4.Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрель ПФ–113-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,

21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июн ПФ–154-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон.

6. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январь ПФ–5308-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.

7. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августь ПФ–5505-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

8. Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль ПФ–5666-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й., 06/19/5666/2636-сон.

9. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июн ПФ–6013-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон.

10. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март ПФ–6196-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

11. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июл ПҚ–3149-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 727-модда.

12. Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июл ПҚ–5197-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.07.2021 й., 07/21/5197/0701-сон.

13. Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрель ПҚ–4273-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2019 й., 07/19/4273/2914-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрь ПҚ–3953-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 07/18/3953/1972-сон.

15.Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрь ПҚ–4464-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.09.2019 й., 07/19/4464/3778-сон.

16.Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрь ПҚ–3961-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3961/2002-сон.

17.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. 20.01.2020 й. // Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3303>.

18. Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрь 378-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 23-модда.

19.Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрь 1060-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2018 й., 09/18/1060/2405-сон.

20.Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрь 645-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2021 й., 09/21/645/0961-сон.

21.Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // Электрон манба: https://uza.uz/uz/posts/aholi-va-tadbirkorlardan-73-turdagi-huzhzhat-va-malumot-nomalarni-talab-qilish-bekor-qilindi_391565.

22.«Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали // Электрон манба: <https://meningfikrim.uz/uz/pages/about>.

23.«Халқ сўзи» газетасининг веб-сайти // Электрон манба: <https://xs.uz/uzkr/post/ochiq-adliya-fuqarolik-zhamiyati-tomon-dadil-qadam>.

24.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали // Электрон манба: <https://regulation.gov.uz/oz/statistics>.

25.«ICTNEWS» веб-сайти // Электрон манба: <https://ictnews.uz/10/06/2021/e-hukumat/>.

26.«Xabar.uz» ахборот-таҳлилий портали // Электрон манба: <https://www.xabar.uz/tehnologiya/elektron-hukumat-markazi-bir-yillik>.

27.<https://www.xabar.uz/tehnologiya/elektron-hukumat-markazi-bir-yillik>.

28.Божхона қўмитасининг расмий веб-сайти // Электрон манба: <https://customs.uz/uz/news/view/5315>.

29.https://docs.google.com/forms/d/1nPPASaZWj9_IJKIupSf5Z4B1Qw86AIJXpAy_7V-

lxJOQ/edit#responses.

30. Давлат органларига расмий мурожаат юбориш хизмати // Электрон манба: <https://eotinish.kz/>.

31. Жаҳон одил судлов лойиҳасининг расмий веб-сайти // Электрон манба: <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-INDEX-21.pdf>.

32. Электрон манба: <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-INDEX-21.pdf>.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МЕҲНАТ КОДЕКСИ»ДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ИШ БЕРУВЧИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Жаҳонгир Ўктамович ХОЛБАЕВ

иккинчи даражали юрист
Сирдарё вилояти юридик техникуми
Сирдарё, Ўзбекистон
@Jakhongir_Kholbaev

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»да меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари ва тартиби таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: пленум, кодекс, штат.

ОСНОВАНИЕ И ПОРЯДОК РАСТОРЖЕНИЯ ТРУДОВОГО ДОГОВОРА ПО ИНИЦИАТИВЕ РАБОТОДАТЕЛЯ В «ТРУДОВОМ КОДЕКС»Е РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Джахонгир Уктамович ХОЛБАЕВ

юрист 2 класса
Сырдарьинский областной юридический техникум
Сырдарья, Узбекистан
@Jakhongir_Kholbaev
Телефон+998(90)400-80-08

Аннотация

В настоящей статье анализируются основания и порядок аннулирования трудового договора по инициативе работодателя в «Трудовом договоре» Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Пленум, кодекс, штат.

Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканини билдирувчи сабаблар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддасида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 5 ва 6-бандларида кўрсатилган асослар қонунга биноан ходимларнинг фақат айрим тоифасига татбиқ этилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми 1-бандида ходимларнинг сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши муносабати

билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин бўлган муайян сабаблар белгилаб қўйилган. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ана шундай сабаблар жумласидандир. Корхонанинг тугатилгани ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиш учун алоҳида асос бўлади. Демак, 100-модданинг иккинчи қисми

1-бандида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қуйидаги икки мустақил асоси

назарда тутилади:

1) юқорида келтирилган сабаблар туфайли ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши;

2) корxonанинг тугатилиши.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисми 1-банди бўйича бекор қилиш учун жиддий сабаб, яъни меҳнат шартномасида белгиланган ишларни бажаришга имкон бермаётган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги жузъий ўзгаришлар ёки иш хусусиятининг ўзгаргани каби сабаблар бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномасини (контрактни) бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида” 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида аниқ тушунтириш берилган. Мазкур асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасига мувофиқ ходимнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги эътиборга олинishi керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 1-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келувчи сабаблардан бири – корxonанинг тугатилиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида қайд этилган 12-сонли қарорида ишга тиклаш ҳақидаги даъволарни ҳал қилишда судлар ҳақиқатдан ҳам ходимлар сони (штати) қисқаргани, ишнинг хусусияти ўзгарган-ўзгармаганини, корxона фаолияти тугатилган-тугатилмаганини аниқлаши лозимлиги таъкидланган (қарорнинг 23-банди).

Чиндан ҳам корxона тугатилган бўлса, меҳнат шартномасини кодекснинг 100-моддаси иккинчи қисми 1-банди бўйича бекор қилиш асосли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 98-моддасига мувофиқ, корxона мулкдори алмашган, корxона қайта ташкил этилган, идоравий бўйсинуви ўзгарган ҳолларда ҳам меҳнат шартномаси ўз кучини сақлаб қолади. Шунинг учун корxона мулкдори алмашганда, шунингдек қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Янги мулкдор фақат корxonанинг раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 6-банди). Корxonанинг бошқа ходимлари билан эса, меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-бандига мувофиқ, ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолиши сабабли меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинади.

Бажараётган ишига нолайиқлик – бу ходимнинг меҳнат шартномасида назарда тутилган вазифаларни сифатли қилиб бажараолмаслигидир. Одатда, ходимнинг ишга нолайиқлигига малакасининг етарли эмаслиги ёки соғлигининг ҳолати сабаб бўлиши мумкин.

Тиббий хулоса ҳам ходимнинг бажараётган ишига нолайиқ деб топилишига асос бўлиши мумкин. Масалан, ногирон учун тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ёки умуман тиббий маслаҳат комиссияси (ТМК) томонидан берилган хулоса асосида ходим соғлигининг ҳолати оқибатида бажараётган

ишига нолойиқ деб топилади. Мухими, тиббий хулосада ходимнинг айнан қандай вазифага нолойиқлиги аниқ кўрсатилган бўлиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, хизмат вазифасининг хусусиятига кўра, тегишли тарзда тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим бўлган ходимлар (транспорт ҳайдовчилари, мактабгача тарбия муассасалари, жамоат овқатланиш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари ва бошқалар) бундай кўрикдан ўтказилмаган ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган тақдирда, меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-бандига асосан бекор қилинади.

Маълумки, ходимларни ўз вазифасига нолойиқлигини тасдиқловчи далил бўлиб аттестация материаллари меҳнат шартномасининг (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 2-бандига асосан) бекор қилинишига асос бўлиши мумкин. Аттестация комиссиясининг хулосаси ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан бири бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиб келгани учун меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 3-банди) ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 3-бандида ходим томонидан меҳнат вазифаларини узрли сабабларсиз мунтазам равишда бажармаслиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун асос бўлиши ва бу ҳол бир қанча шартлар билан изоҳланиши белгилаб қўйилган. Унга кўра, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда қонуний ҳисобланади:

биринчидан, ходим фақат қонунда меҳнат шартномаси ёки ички меҳнат

тартиби қоидаларига биноан ўз зиммасига юкланган вазифаларни узрли сабабларсиз бажармаган ёки нолойиқ даражада бажараётган бўлса;

иккинчидан, ходим узрли сабабларсиз, яъни ўзининг қонунга хилоф ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) туфайли меҳнат вазифаларини бажармаган бўлса;

учинчидан, меҳнат вазифалари мунтазам равишда бузилаётган бўлса;

тўртинчидан, ходимга нисбатан қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга биноан қўлланилган таъсир чоралари ижобий натижа бермаётган бўлса.

Интизомий жазо чоралари ходимга юклатилган мажбуриятларини ноҳўя хатти-ҳаракатлари туфайли бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармаслиги (ички тартиб қоидалари, мансаб йўриқномалари, корхона низоми, иш берувчининг қонуний буйруқлари, техника қоидаларини бузиш ва ҳоказолар) сабабли қўлланиши мумкин.

Ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланиши, унинг ўша хатти-ҳаракати учун иш берувчига етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортилиши ҳамда айбдорга нисбатан меҳнат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган интизомий жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини (мукофотдан маҳрум этиш, йиллик иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан маҳрум этиш ёки миқдорини камайтириш ва бошқалар) қўлланилишига монелик қилмайди.

Интизомий жазо чораси ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижаси бўйича эса, содир этилган кундан бошлаб икки йилдан кейин жазо қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича

иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Илгари меҳнат вазифасини бузгани учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида яна интизомга ҳилоф ножўя ҳаракат содир қилиши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

Ножўя хатти-ҳаракати учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилганда ёхуд таъсир чоралари қўлланилганига қарамай, ходим томонидан ўзига юклатилган меҳнат вазифаларини бузиш ҳоллари давом этадиган тақдирда, ходимга нисбатан янги интизомий жазо чоралари қўлланиши ёки меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 3-бандига кўра бекор қилиниши ҳам мумкин. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузгани учун меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100 - моддаси иккинчи қисми 4 - бандига белгилаб қўйилган. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиш ҳоллари, яъни ножўя хатти-ҳаракатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 174-моддасида кўрсатилган тартибда белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра, ходим ўз вазифаларини бир марта кўпол равишда бузгани учун меҳнат шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлувчи ножўя хатти-ҳаракатлар рўйхати:

– корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер нисбатан корхона мулкдори (ваколатли органи) билан улар ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;

– айрим тоифадаги ходимларга нисбатан интизом ҳақидаги тегишли низом ва уставларда;

– бошқа барча ходимларга нисбатан – корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида аниқ кўрсатиб ўтилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши кўпол тусга эга экани ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда шу туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига кўра бекор қилиш учун асос бўладиган ножўя хатти-ҳаракатларнинг намунавий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) томонидан 1999 йил 4 майда тасдиқланган “Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида катъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари”да келтирилган. Мазкур Намунавий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746-сон билан рўйхатга олинган.

Шартномани бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиш каби ножўя хатти-ҳаракатлар рўйхати корхонанинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ва мустақил равишда белгиланади.

Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилмаган бўлса ва бу қоидаларни қонунда белгиланган тасдиқлаш тартиби бузилган ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин

бўлган меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиш деб ҳисобланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида аниқ кўрсатилмаган бўлса, мазкур асосга кўра, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишига Пленум қарорининг 34-бандига биноан йўл қўйилмайди

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлик учун барча ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар (масалан, узрли сабабларсиз ишга чиқмаслик; иш куни маст ҳолда иш жойида бўлиш ва ишга келиш, иш берувчининг мулкани ўғирлаш ва бошқалар) шу билан бир қаторда фақатгина баъзи тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлувчи бир марта содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар ҳам (масалан, тижорат сири ошкор қилиниши, тарбиявий вазифаларни бажариши лозим бўлган шахс томонидан томонидан ахлоқан ножўя хатти-ҳаракат содир этилиши ва бошқалар) кўрсатилган бўлиши лозим.

Агар узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаётган (прогулга йўл қўйган) ходим меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган куни ишда (иш жойида) бўлмаса, у билан меҳнат муносабатлари ишга чиқмай қўйган биринчи кундан эътиборан бекор қилинади.

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ходим алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келгани ёки иш жойида шу ҳолатда бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан, меҳнат шартномасини бекор қилиш назарда тутилган тақдирда, бу

асос кўрсатилган ҳолатда фақат корхона ҳудудида пайдо бўлган ходимга нисбатан эмас, балки ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши лозим бўлган мазкур ҳолатда бошқа жойларда юрган ходимга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Бундай вазиятда ходим ишдан четлатилгани ёки четланилмагани аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 3 ва 4-бандлари бўйича меҳнат муносабатларини бекор қилинишига интизомий жазо чораларини қўллаш (Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси 182-моддаси) учун белгиланган муддат ўтгач, йўл қўйилмайди (мазкур Пленум қарорининг 22-банди).

Ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби Меҳнат кодексининг 100-моддасининг иккинчи қисми 5-бандида баён этилган. Ўриндошлик асосида ишлайдиганлар билан тузилган меҳнат шартномаси бошқа барча ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинадиган умумий асослар бўйича бекор қилинади. Ўриндошлик асосида ишлайдиган ходим билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига кўра, бошқа ўриндош бўлмаган, бу иш асосий иш жойи бўлган ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан бекор қилинади.

Мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига биноан бекор қилиниши кўзда тутилган.

Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бундай асоси фақат юқорида эслатилган шахсларга нисбатангина қўлланилиши мумкин. Бошқа барча

ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси, мулкдор алмашган тақдирда ҳам, ўз кучини йўқотмайди ва уларнинг розилигига кўра меҳнат муносабатлари давом этаверади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 98-моддаси 1-қисми).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк ҳуқуқини олган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига кўра иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, яъни эркаклар 60 ёшга ҳамда аёллар 55 ёшга тўлганликлари ва бунда умумий асосларда ёшга доир давлат пенсиясини тайинлаш учун талаб этиладиган иш стажи мавжуд бўлиб, давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартиби қуйидагилардан иборат бўлади:

биринчидан, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишиб олиш; иккинчидан, меҳнат шартномасини

бекор қилиш тўғрисида ходимни огоҳлантириш;

учинчидан, қонунчиликда айрим тоифа ходимлар учун белгиланган кафолатларга риоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 101-моддасига биноан, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил

17 апрелдаги 12-сон қарорида таъкидланишича, низони тўғри ҳал этиш учун суд жамоа келишуви ёки шартномаси тузилган ёки тузилмаганини ва унда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган ёки тутилмаганини аниқлаш лозим. Агар ходимнинг корхонадаги манфаатларини касаба уюшмаси қўмитаси эмас, балки бошқа вакиллик органи ҳимоя қилаётган бўлса, бу органнинг сайланиш тартиби, унинг ваколатлари муддати ва миқдорий таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди.

Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, унинг меҳнат таътилида бўлиши ва барча бошқа ҳолатлар бир ойлик муддатнинг узилишига сабаб бўлмаслиги сабабли, иш берувчи ана шу муддат ичида касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг, зарур ҳолларда эса маҳаллий меҳнат органининг (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 25, 246-моддалари) розилигини олиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

1) меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги муносабати билан (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-модда иккинчи қисмининг 1-банди), шунингдек ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин;

2) меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайик бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди) камида икки ҳафта олдин.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Агар тиббий ҳулосага биноан, муайян ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажарилаётган ишига нолайик бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, қонунда назарда тутилган огоҳлантириш қўлланилмайди. Бундай ҳолларда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 102-моддаси иккинчи қисми).

Муайян корхона мулкдори алмашгани

туфайли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 6-банди), янги мулкдор уларни меҳнатга оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши ёки шунга мутаносиб компенсация тўлаши шарт.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ана шундай ҳуқуққа эга бўлган мансабдор шахсгина имзолаш ҳуқуқига эга. Огоҳлантиришда ходимнинг имзоси бўлмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимни белгиланган муддатда огоҳлантириш билан таништиргани, лекин ходим имзо қўйишдан бош торганлиги ҳақида ишонарли далиллар келтирилганда, суд ходим ўз вақтида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган, деб топиши мумкин (мазкур Пленум қарорининг 17-банди).

Меҳнат шартномаси ходим томонидан айбли хатти-ҳаракатлар содир этгани муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 3 ва 4-бандлари), иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилиши ва унга мутаносиб равишда компенсация тўлаши шарт. Демак, ушбу асослар бўйича ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилишда у ёзма ёки оғзаки хабардор қилиниши ҳам мумкин. Огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш қидириш учун иш ҳақи сақланган ҳолда, ҳафтада камида бир кун ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Бунда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. Меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этгани сабабли, бу муносабатларни бекор

қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно этмайди. Бундай огоҳлантириш муддатига ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди. Меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилгани натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда озод этиш эҳтимоли ўз вақтида, аммо икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Бундан ташқари, иш берувчи камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, оммавий равишда ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига маълум қилиши шарт.

Қонунчиликда айрим тоифа ходимлар учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда қуйидаги қўшимча кафолатлар белгиланган:

– 18 ёшга тўлмаган ходимлар билан (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 246-моддаси);

– ходимлар вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришда асосий ишдан озод этилмаган ходимлар билан (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 25-моддаси);

– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор

қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 2471-моддаси);

– вакиллик органлари таркибига сайланган ходимларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимидаги ваколати тугагандан кейин икки йил давомида улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олиш шарт.

Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси, уларни албатта жойлаштириш шарти билан (корхона тугатилган ҳолатлар бундан мустасно) бекор қилинади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 237-моддаси).

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акбаров А., Турдиев А. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 259 б.
2. Бердычевский В.С., Акопов Д.Р., Сулейманова Г.В. Трудовое право. – Ростов на Дону: Феникс, 2002. – 356 б.
3. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракти). – Тошкент: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2006. – 320 б.
4. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасининг янги меҳнат қонунчилиги. – Тошкент: Адолат, 2010. – 320 б.
5. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Иш вақти ва дам олиш вақти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 220 б.
6. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. – Тошкент: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2009. – 353 б.
7. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи: ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2009. – 250 б.
8. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи: дарслик. – Тошкент: Молия, 2010. – 250 б.
9. Турсунов Й., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи: ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2011. – 210 б.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ФИЛОЛОГИЯ

ШЕЪРИЙ ЖАНР ТАЛАБИ ВА БАДИИЙ ИФОДА ИМКОНИАТЛАРИ (АЛИШЕР НАВОИЙ СОҚИЙНОМАСИ МИСОЛИДА)

Максуд Ҳусенович АСАДОВ

Филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

alpbek2010@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақола буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати, хусусан, соқийнома жанри ва улуғ сўз санъаткорининг мазкур жанрга оид ўзига хос шеърий намунаси атрофлича таҳлил қилинган. Матн мазмуни, ифода имкониятлари, лирик ваҳрамон характери ва шоир таржимаи ҳолига доир масалаларга диққат қаратилган.

Таянч сўзлар: Навоий, соқий, соқийнома, жанр, бадиият, банд, нидо.

ВОСТРЕБОВАННОСТЬ ПОЭТИЧЕСКОГО ЖАНРА И ВОЗМОЖНОСТИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ВЫРАЖЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ САКИ-НАМЕ АЛИШЕРА НАВОИ)

Максуд Ҳусенович АСАДОВ

доктор филологических наук

Институт узбекского языка, литературы и фольклора

Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

alpbek2010@mail.ru

Аннотация

Данная статья представляет собой подробный анализ художественного мастерства великого мыслителя и поэта Алишера Навои, в частности, жанра саки-наме, и пример уникального поэтического мастерства. Внимание уделяется содержанию текста, возможностям выражения, характеру лирического героя и биографии поэта.

Ключевые слова: Навои, саки (виночерпия), саки-наме, жанр, художественность, восклицание.

Маълумки, ҳар бир адабий жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ваталаблари бўлади. Шунинг учун у ёки бу шаклдаги асарларни тадқиқ қилганда масаланинг айнан шу жиҳатини эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан, Шарқ шеъриясида ўзига

хос ўрин тутган соқийномаларни олайлик. Соқийнома соқийга мурожаат билан бошланиб, бир неча бандлардан ташкил топган, ижтимоий, фалсафий, дидактик, шунингдек, диний ва тасаввуфий мазмунларни ифода этган ўзига хос поэтик

жанр саналади. Соқийноманинг ҳар бир банди ҳажми ва мазмун талабидан келиб чиқиб алоҳида мавзуга бағишланган мустақил асарни эслатади. Аммо улар моҳият нуқтаи назаридан ўзаро боғланиб, яхлит бир асарни ҳосил қилади. Унинг луғат таркиби хамрият шеърларга хос май, соқий, муғанний, майкада, майхона, пири муғон каби образ-тушунчалардан ташкил топган. “Аммо хамрият шеърлар тарихий-этнографик характерда бўлса, унга алоқадор тушунчалар соқийномада тасаввуфий маънога эга. Масалан, хамриятда соқий образи май базмларини бошқарувчи кишини англатса, соқийномада у Ҳақ рамзи, руҳоний раҳбар тимсолидир. Шунингдек, хамриятда муғанний май базмларига жонлилик, кўтаринки кайфият олиб кирувчи аниқ бир шахс бўлса, соқийномаларда илҳом берувчи, Ҳақ йўлига кирган солиқ қалбини илоҳий сирасордан хабардор этувчи сифатида талкин этилган” [9; 74-95]. Бунинг ёрқин мисоли Навоий соқийномасидир. 32 банд, салкам 500 мисрага яқин бўлган мазкур асар “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган. Соқийнома маснавий шаклида қофияланган бўлиб, рамал бахрининг мусаддаси солими махбунни мақтуъ вазнида яратилган:

*Фоилотун фаилотун фаълун
 Фоилотун фаилотун фаълун
 Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
 Қатраси лаъл вале яқдона.*

– V — V —

– V — V —

Унда мутафаккир шоир ўз яқинлари, қаламкаш дўстлари, устозлари, қолаверса, ўзи яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши, замон ва замондошлари ҳақидаги фикр-қарашларини, фалсафий мушоҳадаларини ҳам баён қилади. Шу орқали, шоирнинг руҳий олами, дунёқарashi, ўзига хос фазилатлари, замондошлари билан ўзаро муносабатлари каби масалалар ҳам асарда ёрқин ифода этилган. Соқийнома бетакрор бадиияти,

ўзига хос тузилиши ва поэтик санъатларга бойлиги билан ҳам эътиборга молик. Гарчи асар бир неча бандлардан иборат бўлса-да, улардаги байтлар миқдори бир-бирига мувофиқ келмайди. Соқийноманинг I банди – 41 байт, II банди – 13 байт, III банд – 9 байт, IV банд – 8 байт, V банд – 6 байт, VI банд – 6 байт, VII банд – 5 байт, VIII банд – 6 байт, IX банд – 6 байт, X банд – 5 байт, XI банд – 5 байт, XII банд – 5 байт, XIII банд – 9 байт, XIV банд – 5 байт, XV банд – 6 байт, XVI банд – 5 байт, XVII банд – 24 байт, XVIII банд – 21 байт, XIX банд – 14 байт, XX банд – 12 байт, XXI банд – 30 байт, XXII банд – 23 байт, XXIII банд – 13 байт, XXIV банд – 16 байт, XXV банд – 27 байт, XXVI банд – 19 байт, XXVII банд – 19 байт, XXVIII банд – 33 байт, XXIX банд – 24 байт, XXX банд – 10 байт, XXXI банд – 19 байт ва XXXII бандлар – 15 байтдан ташкил топган. Бандлардаги байтлар миқдорининг турлича эканлигида ҳам ўзига хос маъно бор, албатта. Кўринадикки, соқийноманинг энг йирик банди дастлабки бандидир. У Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Иккинчи банд шохнинг тўнғич фарзанди, валиаҳд Бадиуззамон Мирзо, кейинги банд унинг иккинчи ўғли Шох Ғариб Мирзо, тўртинчи банд ундан ёш жиҳатдан кичик шахзода Музаффар Мирзо, бешинчи банд эса, ундан-да ёшроқ Ҳайдар Мирзо ҳақида. Қизиги шундаки, бандлардаги байтлар миқдоридан ҳам уларнинг мавқеи ва ёшлари ўртасида фарқ борлигини билиш мумкин. Шу тариқа, кўйилаётган масаланинг муҳимлиги, таърифланаётган қаҳрамонларнинг шоирга қай даражада яқинлигига кўра, кейинги бандларда ҳам байтлар миқдори бир-биридан фарқланган.

Соқийноманинг ҳар бир банди соқийга мурожаат билан бошланган. Уларда фақатгина “соқиё” калимаси келтирилган:

Соқиё, кўнглум этар бода ҳавас,

Лутф қилгилки, эрурман бекас.

Низомий соқийномасида бу “соқий”,

Ҳофиз Шерозийда “кетур, соқий” (“бидех, соқий”), форс-тожик тилида яратилган аксарият соқийномаларда “кел, эй соқий” (“биё, соқий”) шаклида берилган. Эътиборлиси, юқоридаги соқийномаларда соқийга қарата буйруқ, хитоб мазмуни устунлик қилса, Навоий соқийномасида илтимос, ялиниш, илтижо каби маънолар ифодаланган. Навоий соқийномаси улардан тузилиши, мавзунинг қўйилиши ва ифода усулига кўра ҳам фарқланади. Низомий соқийномасининг дастлабки бандида шоирнинг ички кечинмалари, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий қарашлари акс этган бўлса, Ҳофиз бу дунёнинг “фитнакор”лигидан шикоят қилади. Навоий асарни шоҳ Ҳусайн Бойқарога бағишланган банд билан бошлаган. Низомий соқийномасининг II-V бандлари шоирнинг бобоси Юсуф, Закий Муҳаммад, онасининг хотираси, тоғаси Хожа Умар ва бу оламдан ўтган ёр-биродарлари, яқинларига бағишланган. Қолган бандларда турли ҳаётӣ-фалсафӣ масалалар ёритилган. Ҳофиз эса ўз асарини шоҳ Мансурга бағишлаган. Кўринадики, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Низомий асарига ўхшаш. Аммо Навоийда ҳар бир бандда маълум бир тарихӣ шахс мадҳига кенг ўрин берилишидан ташқари, замон ва инсон тақдири билан боғлиқ реал ҳаётӣ масалалар ҳам ёритилган. Уларда қаҳрамоннинг феъл-атвори ва фазилатлари, ҳатто айрим камчиликларига ҳам ишора қилинадики, бу билан тарихӣ шахс ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин (Чунончи, “Яна бир келди Биноийки фунун, Касбида айламади манъи жунун” ёки “Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ, Лек кўп эди бадиъида нифоқ”). Шоҳ мадҳининг келтирилиши, даврнинг муваққат ва ўткинчилигидан огоҳ этиш мақсадида турли тарихӣ қаҳрамонлар номи ва ҳаётининг мисол тариқасида кўрсатилишига кўра Ҳофиз ва Навоий соқийномаларида яқинлик кузатилади.

Бирок Ҳофизда Кайхусрав, Жамшид, Кайқубод, Ковус, Нух, Қорун, Афросиёб, лашкарбоши Пирон, Турон қиличбози Шеда, Фаридун, Парвиз, Борбад каби Эроннинг афсонавий ҳукмдорлари талмех бўлиб келса, Навоий асарида булардан ташқари Темур, Улуғбек каби тарихӣ шахслар номлари ҳам келтирилган. Адабиётшунос Ё.Исҳоқовнинг ёзишича, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Жомийнинг “Лайли ва Мажнун”даги соқийга мурожаат билан бошланган маснавийсига яқин туради. Сабаби, унда ҳам Чингиз ва Темурларнинг номи кўрсатилган [5;88]. Аммо бу бадиӣ усул Жомий маснавийсининг фақат бир ўрнида келтирилса, Навоий турли ижтимоӣ-ҳаётӣ масалаларга муносабат билдириш учун соқийноманинг бир неча ўринларида талмехга мурожаат қилади. Масалан, дастлабки бандда Фирдавсий “Шоҳнома”си қаҳрамонларининг номлари келтирилса, Олтин Ўрда шахзодаси Баҳодир Султонга бағишланган бандда Ёфасга ишора қилинган. Бошқа бир ўринда Қанбар Али, Мазид, Султон, Нур Саидбек каби оламдан ўтган амалдор кишиларнинг номлари талмех бўлиб келган. Шунга кўра, Навоий соқийномасини фақат шоирона илҳом, поэтик тўқима маҳсулигина эмас, тарихӣ воқелик, реал ҳаёт манзаралари бадиӣ талқин этилган ўзига хос ижод намунаси деб баҳолаш мумкин.

Соқийнома бандларидаги илк байтларда кўпинча соқий, жом, май каби мазмунан бир-бирига яқин бўлган тушунчаларни келтириш орқали таносуб санъатининг гўзал намуналари яратилган. Чунончи,

*Соқӣё, жоми жаҳонбин олгин,
Ичига бодаи рангин солгин [7; 482].*

Байтда соқий, жом, бода тимсоллари ўзаро мутаносибликни ҳосил қилган. “Жоми жаҳонбин”, яъни жаҳонни кўрсатувчи жом рамзи воситасида қадимги Эрон ҳукмдори Жамшиднинг афсонавий

жомига ҳам ишора қилинган. Бу эса, талмеҳ санъатидир. “Жом”ни “жаҳонбин”, “бода”ни “рангин” сифатлари билан биргаликда ифодалаш эса, сифатлаш саналади. Кўринадики, соқийга хитоб қилинган байтларда бир неча бадий-тасвирий воситалар ва санъатлар ўзаро уйғунлашган. Соқийномада ҳар бир банднинг дастлабки уч-тўрт, баъзан эса, беш ёки олти байтида жом ва майнинг таърифи келтирилган. II бандни ҳам шоир ружуъ санъати қўлланган мазкур байт билан бошлайди:

*Соқийё, тут манга жоми майи ноб,
Жоми май демаки, лаъли сероб [7; 474]*

Мумтоз шеъриятда ружуъ, асосан, ташбеҳ, яъни ўхшатишли мисраларда учрашини ҳисобга олсак, юқоридаги байтда ҳар иккала санъатнинг уйғунлашганлиги кўринади. Ноб – тоза, соф ва ёрқин рангли май. Лирик қаҳрамоннинг май қуювчи – соқийдан айнан шундай май сўраши бежиз эмас, албатта. Соқийноманинг гушбубандида шаҳзода Бадеъуззамон таърифланган. Луғатларда бадеъ сўзининг ўзи ҳам тоза, ёрқин деб изоҳланган. Шоир “майи ноб” сўз бирикмаси орқали шаҳзоданинг пок тийнати, соф қалби, шунингдек, ёрқин келажигига умид билдиради. “Мажолисун нафоис”да ҳам у “хусни сурат ва хусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигит” деб таърифланган. Соқийномада шоир “Хамса” ичра ҳар бир ҳарфни... анинг отиға гузориш қил”ганлигини ҳам айтган. Чунончи, “Ҳайратул аброр” достонининг йигирманчи мақолати шаҳзода Бадеъуззамон Мирзога бағишланган. Соқийномада шаҳзода Бадеъуззамон мадҳи, шоирнинг унга бўлган муносабати акс эттирилган бўлса, дostonда панд-насихат мазмуни етакчилик қилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳам соқийномасида шундай ёзади:

*Айладим панд тарқида гулу,
Юз туман фойдалардан малу [7; 475].*

Тасаввуфда бода ишқ ва ирфон рамзи. Агар шароб “ишқнинг ғалаботи, завку шавқнинг қайноғи, масту мустағрак бўлмоқ ва сулукнинг сўнгидаги комиллик” [8; 498] ни, май “ишқнинг энг юксак босқичини, Ҳақнинг тажаллийси” [8; 754] ни англатса, “бода сулукнинг ибтидосидаги бошланғич ишқни, илоҳий иноят” [8; 177]ни билдиради. Шунингдек, мумтоз шеъриятда бода “авом”, оддий кишилар ўртасидаги муҳаббатни ҳам ифода этади [11;80]. Шуниси қизиқки, соқийноманинг шаҳзодаларга бағишланган бандларида лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, кўпинча, ундан бода талаб қилади. Чунончи:

*Соқийё, бода кетур ёқути,
Рухнинг қуввати, жоннинг қути [7; 476].*

“Ёқути бода”, яъни қизил тусли бода тасаввуфий истилоҳ сифатида “илоҳий ва қудсий нафас” [8;286]ни англатади. Рухни уйғотувчи, сергаклантирувчи, шунингдек, жонга озиқ берувчи ҳам аслида мана шу бодадир.

Соқийномада ҳар бир сўз, тушунча ва тимсоллар ҳам шоирнинг мақсадини юзага чиқариш учун хизмат қилган. Улар воситасида тарихий қаҳрамонлар ниҳоятда жонли ва ишончли тасвирланган:

*Соқийё, қил тўла жоми заркор,
Бир ғазал бошла Фаридуносор [7; 479].*

“Жоми заркор” – олтиндан ишланган май қадаҳи. Навоий шеъриятида у улуғворлик, мартаба ва шоҳона шон-шавкат мазмунларини ҳам билдиради. Чунки Фаридун Эроннинг афсонавий ҳукмдори номи. Бу сўз орқали ийҳом санъати юзага чиққан. Шоир соқийга мурожаат қилиб, “бир ғазал бошла”шини сўраркан, шаҳзода Фаридун Ҳусайн Мирзони кўзда тутди. Шунингдек, фаридун сўзининг ягона, машхур, буюк каби бир қатор маънолари ҳам мавжуд [1;324]. “Назмнинг нуктаси доғи ширин”, “Назм адосида мувофиқ ясаб ун, жоми май назми нигорандаға сун” каби

мисра ва байтлардан маълум бўладики, соқийномада шаҳзоданинг шоирлик иктидорига баҳо берилган. Бу фикрларни “Мажолисун нафоис”даги маълумотлар ҳам тўлдиреди: “Фаридун Ҳусайн Мирзо – Фаридун ҳасаблиқ (асрининг яғонаси, машҳури, буюги) ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим ва виқорлик ва хулқи одоб ва ҳурмат шиорлик, ёй кучида яғона ва ўқ отарда замон аҳлига нишона. Тоат ва тақвийға мойил. Зикр ва тиловатқа машғул йигитдур. Хуб таъби ва мулойим зехни бор”. Бу ҳақда “Бобурнома”да ҳам шундай ёзилган: “Яна, бир Фаридун Мирзо эди. Ёйни куч билан тортиб, ўқни яхши отарди. Камонининг тўпўки (юмалоқ соққашакл камон ўқи) айтишларича, қирқ ботмон экан. Ўзи анча мард эди...” [3;130].

Соқийномада “жоми Каёний” истиораси улуғворлик ва қудрат рамзи, шунингдек, илҳом сарчашмаси, маънавий-рухий камолот манбаи саналади. “Шараф авжида меҳри иқбол, Боғи давлат аро фархунда ниҳол”, “шоҳлик Одамгача зоти”га “насаб”, одам авлодида энг обрўли, “гавҳари пок” сифатлари билан таърифланган Мўмин Мирзо ҳақидаги ХХ банд ҳам мана бундай бошланган:

*Соқиё, жоми Каёний кетур,
Қути арбоби маоний кетур* [1; 487].

Бу билан шоир ёш шаҳзоданинг ақл-идрокига, фазлу камолига ишора қилган. Кейинги байтда ҳам “Тенгри ончаки санга берди камол” дея уни улуғлаган. Мутафаккир шоирнинг асар қаҳрамонига айтган ўғитлари, панд-насихатлари ҳам характерли:

*Фазл касбига кўп ўлгил машғул,
Топмасун йўл вале оллингда фузул.* [1, 488]

“Фазл” ва “фузул” сўзларида ифодаланган иштиқоқ санъати байтнинг таъсирчанлигини яна ҳам оширган. “Иштиқоқ оддий сўз ўйини эмас, – дейди адабиётшунос Ё.Исҳоқов, – балки у бу сўзнинг шаклий ўзгариши мазмун тақозоси

билан юзага келади, янги шаклнинг ҳосил бўлиши дастлабки маъно билан боғлиқ бўлган янги тушунчани ҳам пайдо қилади” [6;33]. Буни юқоридаги байт мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, шоир Мўмин Мирзонинг исмини ҳам ийҳом санъати воситасида қуйидагича ифодалайди:

*Бода куфри сори бўлма мудмин,
Ҳақдин ўлди лақабинг чун Мўмин* [7; 488].

Мўмин – Ҳақнинг сифатларидан бири. Бу ўринда у атоқли от бўлиши билан бирга, мўмин, мусулмон киши маъноларини ҳам билдирган.

Соқийноманинг XVIII бандиолис Дашти Қипчоқдан ташриф буюрган Ҳусайн Бойқаронинг жияни Баҳодир Султонга бағишланган. Шу сабабли, мазкур бандда форс-тожик ва арабча сўзларга қараганда, хон, қурултой, тўстўғон, қимиз, йиров, ётўғон, йир, тўра каби соф туркий сўзлар кўпроқ ишлатилган. Шунингдек, унда мўғул халқи орасида кенг тарқалган урф-одатлар ва маросимлар ҳам ўз ифодасини топган:

*Ётўғончию йиров тузгач ун,
Сен қадаҳ олу тўққуз қотла юкун* [7;484].

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобида ёзилишича, “мўғул шўъбаси тўққуз нафардир. Унинг дастлабкиси Мўғулхон, уларнинг охири Элхон ва тўққуз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида шу важҳдан ривож топди. Мўғулларнинг бундай эътибори таҳқиқига кўра, ҳар мартабада тўққуз саноғидан ортиғини лозим кўрмайдилар” [10; 41]. Жумладан, зиёфатларда ҳам мўғуллар тўққуз сонига алоҳида эътибор қаратганлар. Мирзо Улуғбек Ўғузхоннинг бир базмини шундай тасвирлайди: “тўққуз минг қўй, тўққуз юз от сўйилди, тўққуз минг қимиз меши ва бошқа муносиб аобларни муҳайё қилдилар” [10;52]. Абулғози Баҳодирхон эса, турк-мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққуз ҳадя (тўққуз от, тўққуз

чопон, тўккуз парча бахмал) ҳақида маълумот берган. Туркий халқларнинг рақамлар билан боғлиқ қарашларини махсус ўрганган адабиётшунос С.Жумаева Навоий рақамлар воситасида бадий образ яратар экан, ҳар бир рақам билан боғлиқ қадимий қарашларга таянганини қайд этади [4;59].

Ўзининг фавқулудда гўзал ва бетакрор асаридан Алишер Навоийнинг ўз даври ижодкорлари ва уларнинг шеърини ҳақида билдирган мулоҳазалари ҳам алоҳида эътиборга молик. Шундай ижодкорлардан бири шоир Туфайлийдир. Мутафаккир шоир Туфайлий ҳақида “Мажолисун нафоис”да ҳам махсус тўхталган. Унинг “фақиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабъ” киши бўлганлигини, назмда ҳам “мулойим табъи” борлигини ёзган. Соқийномада эса, шоирнинг “мадх услуби”да қалам тебратиши айтилиб, қасидалари юксак баҳоланган. Шу билан бирга, шоир Туфайлийга мана бундай танбеҳ ҳам беради:

*Кам демак сўзни ҳунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом* [5;493].

Мазкур бандда ҳам шоир ўқувчига тарихий шахснинг исмини таништиришда ийҳом усулини танлайди:

*То туфайли била мажлис қурайин,
Бир неча нукта анга етқурайин* [5;492].
Луғатда “туфайли” калимаси “чақирилмаган бўлса ҳам чақирилганларга эргашиб тўй-маъракаларга борувчи киши” [1; 262] деб изоҳланган. Шунингдек, юқоридаги байтда унинг тахаллус маъноси ҳам мавжуд.

Маълумки, ишқ тушунчасисиз мумтоз адабиётни, жумладан, Алишер Навоий ижодини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Борлиқнинг асоси ҳам – ишқ, тириклик таянчи ҳам – ишқ, вужудни турли иллатлардан поклагувчи, қалбни жилолантирувчи, руҳни олий мақомга кўтарувчи ҳам – у. Соқийномада ҳам ишқ

ана шу мазмунда талқин қилинган:

*Соқийе, кел менга тут бодаи ишқ
Ким, эрур хилқатим афтодаи ишқ* [7; 500].

А.Қаюмов мазкур мисраларда келтирилган бандни “Навоийнинг ўз бахтсиз муҳаббати тўғрисидаги ҳикоя... (“Севгинома II”)” деб баҳолаган [12;54]. Дарҳақиқат, “Ким нелар қилди мени зорға ишқ” дея зорланаркан, шоир “бути шўхе”, яъни шўх бир гўзалнинг бепарволиги, бевафолиги ҳамда ҳижрон ва айрилиқдан шикоят қилади. Лирик қахрамоннинг бу ҳақдаги фикр-қарашлари ҳаётий, реал мазмунга ҳам эгадек тасаввур уйғотади. Чунки ёр соғинчи, висол умиди, “ҳажр шиддати”, “ҳижрон дарди”ни сўзларкан, шоир мана бундай дейди:

*Ўтти бу зорлигимга икки йил,
Ҳар замонин икки йил чоғлиг бил* [7; 500].

Шоирнинг давр ва давр аҳлига муносабати, айниқса, бадий санъатлар воситасида янада таъсирли ва ёрқин тасвирланган. Соқийномада бунинг учун бошқаларига қараганда, кўпроқ тазод санъатига мурожаат этилган:

*Кимки ёрим эди таври аҳсан,
Бўлди жонимга қатикроқ душман* [7; 503].

Бу ўринда “ёр” ва “душман” сўзлари бир-бирига қарама-қарши бўлса, мана бу байтда шоирнинг фикрлари “вафо” ва “жафо” зид маъноли сўзлари ёрдамида тушунилади:

*Бир вафо кимгаки мен қилдим фош,
Юз жафо ўтруда эрди подош* [7; 503].

Бошқа бир ўринда шаклдош сўзлар орқали давр аҳлига мана бундай муносабат билдирилган:

*Кимки мадҳини деди неча тилим,
Тилади қилгай ани неча тилим* [7; 503].

Таъкидлаш жоизки, Навоий эл ичида юрган образли иборалар, оддий ҳаётий ўхшатишлардан ўз фикр-туйғуларини ифодалашда самарали фойдаланади.

Чунончи, халқ орасида “этак силкиш”, “кўз юмиш” каби матал ва иборалар бирор-бир нарсадан ҳафсаласи пир бўлмоқ, ҳар қандай юмушдан умидини буткул узмоқ маъноларида ишлатилади. Соқийномада ҳам улар шоирнинг ҳаётини хулосаларини ифода этган.

*Ҳар не эл қилди талаб, мен топтим,
Барчадин силкиб этак, кўз ёптим* [7; 503].

Хуллас, Навоийнинг ранг-баранг шеърини асарлари орасида соқийнома ҳаётини, қахрамонларининг маълум бир тарихий давр ва замонга мансуб-

лиги, воқеа-ҳодисаларнинг ёрқин акс эттирилиши билан ажралиб туради. У қахрамон шахсияти, руҳий ва фикрий дунёси, шунингдек тарихий муҳитда тутган мавқеини белгилашда ўзига хос манба ҳамдир. Шу сабабли, Навоий соқийномасининг поэтик хусусиятлари, образлар силсиласини атрофлича тадқиқ этиш ўзбек мумтоз шеърининг имкониятлари ва ғоявий-бадиий хусусиятларини янада кенгроқ ўрганишга, шунингдек, миллат ўтмиши, маданияти, бадиий завқи, руҳонияти ва урф-одатларини чуқурроқ билишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. III жилд. – Тошкент: Фан, 1984. – 532 б.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. IV жилд. – Тошкент: Фан, 1984. – 498 б.
3. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2002. – 680 б.
4. Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 100 б.
5. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 284 б.
6. Исҳоқов Ё. Иштиқоқ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №4. – Б. 31-34.
7. Навоий, Алишер. МАТ. 20 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – 614 б.
8. Сажжодий Ж. С. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 х. – 1762 б.
9. Суфиев Ш.З. Жанровые особенности “Саки-наме” Зухури Туршизи // Иран-наме, 2011. – № 4. – С. 74-95.
10. Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 370 б.
11. Улудоғ С. Тасаввуф истилоҳлари луғати. – Истанбул, 1995. – 448 б.
12. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 392 б.



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИДА ЖАНРЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИ ВА СИНТЕЗАЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРАККАБ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР

Нигора Абибуллаевна АЛИСУЛТОНОВА

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Анджон давлат педагогика институти

Анджон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада адиб асарларида жанрлар стилизацияси ва синтезацияси билан боғлиқ мураккаб фольклоризмлар афсона, ривоят, эртақ, қўшиқ мисолида очиб берилган.

Таянч сўзлар: мураккаб фольклоризмлар, аналитик, стилизация, синтезлашган фольклоризмлар, манкурт.

СЛОЖНЫЕ ФОЛЬКЛОРИЗМЫ, СВЯЗАННЫЕ СО СТИЛИЗАЦИЕЙ И СИНТЕЗОМ ЖАНРОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЧИНГИЗА КЎТМАТОВА

Нигора Абибуллаевна АЛИСУЛТОНОВА

Доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Анджонский государственный педагогический институт

Анджон, Узбекистан

Аннотация

Сложные фольклоризмы, связанные со стилизацией и синтезом жанров в произведениях Чингиза Айтматова на примере легенд, повестей, сказок и песен.

Ключевые слова: сложные фольклоризмы, аналитический, стилизованный, синтезированные фольклоризмы, манкурт.

Чингиз Айтматов ижодида учрай- диган фольклоризмларнинг мураккаб фольклоризмлар типига аналитик, стилизация, синтезлашган фольклоризмлар кирази. Аналитик фольклоризмлар фольклорга оид мотив ёки сюжетнинг ёзувчининг ғоявий ниятини юзага чиқариш мақсадида бадий асар композициясида келтириш бўлиб, унинг фольклоризмларнинг бошқа типидан асосий фарқи "... асарнинг бадий тўқимаси, унинг етакчи ғояси билан органик бирикиб кета олмаслиги жихатдан

характерланади".

Стилизицион фольклоризмлар "... асосан, фольклор материалларининг ҳам ғоявий, ҳам мазмуний жихатларига тўлиқ таянган ҳолда уларни янги шаклда қайтадан ишлов бериш туфайли юзага келади" [4]. Яъни ижодкор фольклорга хос образ, мотив, жанр, ритм кабиларни стилизация қилиш орқали ўз асарини яратади. Фольклоршунос олим И.Ёрматов эса стилизицион фольклоризмларни прогрессив ва регрессив стилизациялар сифатида икки турга бўлиб ўрганади ва

“... фольклор мотивларига ижодкор эркин ёндашиб, уни тўлиқ қайта ишласа, бундай стилизация прогрессив стилизация, агар фольклор материалининг шакли кенгайтирилиб, унинг ғояси айнан берилса, регрессив стилизация...” [3] саналишини таъкидлайди.

Синтезлашган фольклоризмлар эса афсона, ривоят, халқ эртаги ва қиссалари сюжети ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиб, ёзувчи яратган сюжетга бириктирилиб, сингиб кетиши” [5] бўлиб, бу ҳам ёзувчининг ғоявий-бадий мақсади ифодасига хизмат қилади.

Ч.Айтматов асарларида адибнинг ўзига хос бадий услуби намоён бўлади. Хусусан, реал ҳаётини воқеалар тасвири билан турли-туман ривоят ва афсоналар, эртақлар мазмунини қўшиб, чатиштириб юбориш адиб асарларига хос муҳим хусусиятлардан бири сифатида кузатилади.

Чингиз Айтматовнинг жуда кўп асарларида қайсидир бир афсона, ривоят ёхуд эртақ мазмунини сингдирилган. Айниқса, адибнинг “Оқ кема” қиссасида келтирилган “Шохдор она буғи” ҳақидаги эртақ, “Соҳил ёқалаб чопаетган Олапар” асаридаги сув париси – “Буюк она балиқ” афсонаси, “Асрга татиғулик кун” романидаги Сариўзак ёки Она байит қабристон афсонаси ҳамда манқуртлаштириш тўғрисидаги ривоят алоҳида эътиборни тортади. Шулар орасида ўтган замонда Сариўзакни босиб олган жунжангларнинг асирга тушган жангчиларни беҳад шафқатсизлик билан манқуртга айлантериши ҳақидаги ривоят ниҳоятда таъсирчандир. “Асрга татиғулик кун” романи сюжетида ўзига хос маҳорат билан сингдириб, синтезлаштириб юборилган бу ривоятда айтилишича, жунжанглар асирга тушган жангчиларнинг бир қисмини бошқа ўлкаларга қул қилиб сотишаркан. Бу қулларнинг омади келиб бир кун эмас, бир кун озодликка чиқиш эҳтимоли бўлиши мумкин. Аммо манқуртга айлантеририлганлари то ўлгунча қулликка

гирифтор бўларкан. Яъни асир жангчилар орасидан саралаб олинган бир қисм бақувватлари манқуртга айлантеририлган. Манқуртга айлантеририш учун эса ёш йигитларнинг сочини охиригача олишган. Қассоблар туяни сўйиб, терининг қалин қисми – бўйин терисини ажратиб, бўлакларга бўлиб, ёпишқоқ терини шу заҳотиёқ кал бошга кийдиришган. Сўнгра уни жазирама чўлда қуёш тиғи остида қолдиришган. Бир оз вақт ўтиб, асирнинг бошида янги сочлар чиқа бошлаган, лекин нозик соч толалари туянинг қалин терисини ёриб чиқолмай, мияга томон ўсиб, бошда ниҳоятда қаттиқ оғриқ ҳосил қилган. Бундай қийноққа дучор бўлган қул даҳшатли азобга дош бера олмай ўлиб кетар ёки хотирасидан ажралиб, манқуртга айланар экан. Фақат биргина найман волидаси – ривоятларда Найман она номи билан машҳур бўлиб кетган аёлгина ўз ўғлининг аччиқ қисмати билан мураса қила олмайди. У йўловчилардан номаълум бир манқурт ҳақида эшитиб қолади ва Оқмоя номли туясига миниб, ўша манқурт томон шошилади. У бир кўришдаёқ ўз боласини танийди. Аммо манқурт қилинган ўғил онасини танимайди. Онаси уни чақирсада, қайрилиб қарамайди. Шунда она ўғлига қуёш, худо ва ўзи тўғрисида тўқилган машҳур марсияни куйлайди:

Тулибин келиб искаган,

Бўтаси ўлган бўз мояман.

Қўшиқ мазмунини шундайки, боласи ўлган туя сут бермай қўймасин учун ўлик бўталоғининг терисига сомон тиқиб, она туяга кўрсатишган. Шунда ҳайвоннинг меҳри товланиб, елинига сут келган. Найман онанинг ўғли Жўломон ҳам худди ўша жонсиз бўталоқдек эди. Она бунга чидолмай, унга шундай нидо қилади: “Тулпорим, қийноқлардан майиб-мажруҳ бўлган ақл-идрокинга мангу тун чойшаби ёпилаётганда, хотиранг ришталари зўрлик билан юлиб-ситиб олиниб, ўтган умринг билан сени боғлаб турувчи халқалардан

жон талвасасида ўзингни ҳарён уриб она нигоҳини, ёз кунлари қирғоғида сен ўйнаб юрган тоғ жилғасининг шовиллашини унутаётганингда, шуурингни парчалаб, хотирангдан ўз номингни, отангинг номини ўчириб ташлаётганларида, атрофингдаги сен билан униб-ўсган одамларнинг чехралари сўнаётганда ва сенга уялиб, ийманиб табассум қилаётган маҳбубангнинг жамоли қоронғулашаётганда, хотирасизлик жарига қулар экансан, ўз вужудида ҳомила пайдо этишга журъат этиб ва шу мудҳиш кун учун сени ёруғ дунёга таваллуд топтирган онайи зорингга лаънатлар ёғдиргандирсан”.

Лекин бундай гаплар манқуртга асло таъсир қилмайди. У хўжайини кўлига тутқазиб кетган камон билан ўз онасини отиб ўлдиради. Она ўлгач, унинг бошидаги оқ рўмоли қушчага айланиб, онасининг сўзларини такрорлайди: “Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Эслаб кўр! Отинг нима? Отангинг оти – Дўнанбой, Дўнанбой!”

Демак, адиб асарида келтирилган Найман онанинг манқуртга айланган ўғлига уч маротаба бориб, уч маротаба қайта-қайта исмини Жўломон эканлигини, отаси Дўнанбой эканлигини уқтириши бежиз эмас эди. Онанинг манқуртга айланган ўғлидан камон ўқи сайилиб ўлиши кимнинг ҳам тушига кирибди дейсиз? Бундай қиёматга чидамаган ер билан кўк ҳам балким онанинг яхши умидлар ила бошига солиб чиққан рўмолини қушга айлантириб юборди гўё. Ҳаттоки қуш ҳам бир маротаба эмас, икки маротаба эмас, уч маротаба эмас етти маротаба Дўнонбай деб такрорлашида етти отага ишора эканлигидир.

“Оқ кема” қиссасида келтирилган “Шохдор она буғи” ҳақидаги афсона ҳам ғоятда таъсирчандир. Лекин уни адиб эртак деб келтирган. Ҳатто қиссанинг иккинчи номини ҳам “Эртакдан сўнг” деб номлаган. Аслида қисса таркибидан

синтезлаштирилган фольклоризм сифатида ўрин олган “Шохдор она буғи” ҳақидаги ҳикоя қирғиз халқининг келиб чиқиши тўғрисидаги афсонадир. Қисса бош қаҳрамонлари: кўпни кўрган Мўмин чол билан унинг суюкли невараси – бола. Адиб боланинг исмини атай келтирмаган. Бу билан унинг ҳаётга келиб ҳеч нарса кўрмай, ҳеч нарсага эришмай, орзу-истаклари ушалмай, изсиз, ном-нишонсиз кетганлигига ишора қилади. Фақатгина шу болакайнинг “икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда”.

Эртакларининг бирида қирғизлар буғи авлодидан эканлиги, улар бош она – Шохдор она буғидан тарқалгани, кароматли Шохдор она буғи эса қирғизларга тирикликда ҳам, ўлганда ҳам дўстликни васият қилиб қолдиргани ҳақида сўз юритилса, иккинчисида боланинг отаси оқ кемада ишлаши, у қачондир шу кема билан келиши, бола балиққа айланиб кема томон сузиб бориши, балиққа айланган бўлса-да, афти ўзидай, лекин оёқларининг ўрнини сузгичлар эгаллаши тўғрисида гап борарди. Шундай қилиб, бола доимо ўз хаёлот дунёсида яшарди.

Қиссани таржима қилган Асил Рашидов фикрича, Шохдор она буғи бирданига уч маънони ифодалайди. Биринчидан, у ҳам табиий ҳаёт, яъни табиат ҳодисасидир; иккинчидан, у халқ эртагининг афсонавий қаҳрамони; учинчидан, у халқ эстетик идеалининг бир ифодасидир, яъни нафосат ва гўзаллик рамзидир. Дарҳақиқат, буғи ҳам инсонлар каби она табиатнинг бир фарзанди, унинг бир қисми. Ана шу жонивор халқ эртагининг ўлмас қаҳрамони сифатида танланиб, эзгулик ва нафосат рамзи сифатида талқин қилинган. Табиатнинг бу беозор жонивори образи воситасида ҳамда у иштирок этган эртак сюжети ва ғояси мисолида “Оқ

кема” қиссасида бугунги кишиларнинг яшаш тарзига, табиатга ва бир-бирига муносабатларидаги камчиликларга ишора қилинган.

Қирғиз халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш “Шохдор она буғи” эртаги бадий синтези асосида яратилган “Оқ кема” қиссасида бош қахрамон сифатида танланган қалбан пок, беғубор туйғулар эгаси, мурғак бола образи инсонларни ўйга толдириб, эзгулик сари чорлайди. Чунки бола ҳар бир ишдан эзгулик излайди. Ҳеч кимга ёмонлик тиламайдиган қалби Ўразқулдек “ҳўкизтабиат” инсонга ҳам яхшилик тилайди. Унинг учун бола Шохдор она буғидан илтижо қилиб фарзанд сўрайди: “Шохдор она буғи, Бекей холага шохингда бешик олиб кел. Сендан ўтиниб сўрайман, уларга бешик олиб кел. Уларда ҳам фарзанд бўлсин,” ўзи бўлса сув юзасидан Шохдор она буғи томон югургилаб кетди... У ҳамма вақт Шохдор она буғига ялиниб-ёлворарди. “Сен шохингда бешик олиб кел, шундай қилгинки, бобомиз йиғламасин, шундай қилгинки, Ўразқул амаки Бекей холани урмасин, шундай қилгинки, уларда фарзанд туғилсин. Мен ҳаммаларини севаман...” [1;56].

Парчадан кўриниб турибдики, бола тинчликни, эзгуликни иштайди. Гўёки Шохдор она буғи Бекей хола билан Ўразқулга бешик олиб келса ва Оллоҳ уларга фарзанд ато қилса, уларнинг оиласида тинчлик бўлади. Бобосини ҳеч ким хафа қилмайди.

Хуллас, Шохдор она буғи қирғиз қавмини сақлаб қолгани учун афсонавийлаштирилган ва табаррук, муқаддас ҳайвон даражасида ардоқланиб келинади. Шунинг учун унга озор етказиш, ўлдириш гуноҳ ҳисобланади.

Чингиз Айтматов “Оқ кема” қиссасида қирғиз халқининг асосчиси сифатида она буғини кўрсатган бўлса, “Соҳил ёқалаб чопаётган Олапар” асарида Она балиқни нивх қабиласининг асосчиси сифатида

талкин қилган. Шу қиссада яна Олапар қояси ҳақидаги афсона ҳам келтирилган. Унга кўра, Олапар қояси соҳилида яна уч қоя бўлган. Биринчи қоянинг “Олапар” деб номланишига сабаб, у олисдан қараганда соҳил бўйлаб чопаётган каттакон олапар итни эслатар эди. Унинг ёнбағирларидаги турли-туман буталари қора ва кўкиш тус берса, ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам бошидан қори аримайдиган қисми шалпайган каттакон қулоққа ўхшарди. Қолган уч қоя эса Буюк Она Балиқ сийнаси бўлиб, улар “Кичик сийна”, “Ўрта сийна” деб номланган.

Бундан анча йиллар илгари Олапар қояси соҳилида уч ака-ука яшаган экан. Тўнғичи жуда илдам бўлиб, тепаликларга югуриб чиқадиган, истаган ёғига бир зумда етиб борадиган чаққон йигит экан. У буғибоқар қизига уйланиб, ҳисобсиз буғиларга эга бўлибди ва тундра ерларига кетибди. Кенжа ўғил мерган ва изтопар йигит экан. У ўрмончининг қизига уйланиб, тайга томонларга кўчиб кетибди ва овчилик билан кун кечирибди. Ўртанча ўғил эса оқсоқ бўлиб туғилган экан. У на чопағон ва на мерган экан. Шунинг учун ҳам ҳеч ким унга қизини бермабди. У шу мовий денгиз бўйида қолиб, балиқчилик билан кун кўрар экан. Бир куни унинг тўрига сув париси илинибди. Йигит уни бир кўришдаёқ севиб қолибди. Афсуски, сув париси уни ташлаб, уйига қайтибди. Шу-шу йигит доимо соҳил бўйида йиғлаб ўтириб, ўша сув парисини кутар экан. Шундай қилиб, қиш, баҳор ўтиб, ёз фасли келибди. Лекин ҳамон йигит Сув парисини қидириб юрар экан. Бир куни соҳил бўйида қип-яланоч, эндигина туғилган чақалоқни кўрибди. Чақалоқ унга: “Дадажон, мен сизнинг ўғлингизман! Мени бу ердан олиб кетинг!” дебди.

Йигит болани ёлғиз боқа бошлабди. Бола тез ўсиб-улғайибди. У жуда ҳам омадли экан. Тез орада жасур ва кучли овчи номини олибди. Бу ерда унга тенг

кела оладиган абжир йигит йўқ экан. Уни ўз қабиласидан бир қизга уйлантиришибди. Шундай қилиб, Сув париси – Она балик авлоди кўпайиб, дунёга тарқалибди. Улар ҳар байрамларида ушбу кўшиқни куйлашар экан:

Қайда сузиб юрибсан, эй Буюк она балиқ,

Сенинг қайноқ пуштингдан мангу ҳаёт бошланган.

Сенинг қайноқ пуштингдан ундик денгиз бўйида,

Сенинг қайноқ барингдир – очунда энг гўзал жой.

“Соҳил ёқалаб чопаётган Олапар” асарида Ўрхон, Кириск, Эмрайн, Милхун, Музлук, Псулк ва бошқалар қатнашган. Ўрхон жамоа оқсоқоли бўлиб, у кўпни кўрган, табиатан меҳрибон, ғамхўр, қабиладошлари учун жонини аямайдиган, сабр-тоқатли чол. Шу боис тирикчилик учун ов қилиш жараёнида у ҳар доим барчага бош бўларди.

Ўрхон чол руҳан денгиздай қудратли бўлишни орзу қилиб, осмондай чексиз хаёллари билан кўпинча денгиз томон ошиқарди. У ўз ҳаётини денгизсиз тасаввур қилолмасди.

Кириск – шу ерда яшовчи оддий бир бола. Уларнинг анъанасига кўра, ҳар бир ёш болани олдиндан овга олиб чиқишади. Айтишади-ку, “Бола – бошдан, ҳунар – ёшдан”. Кириск овга чиқаётганидан жуда хурсанд эди. Ойиси унга янги кийимлар тикиб, овга чиқишига тайёрланган эди. Уларнинг ўйлашича, ҳар бир бола келажак пойдевори, қариялар кўлидан ҳеч иш келмаган вақтда шу бола уларни очликдан сақлаб қолади. Бу – авлоддан-авлодга ўтиб келаётган азалий ҳаёт қонуни. Ҳаёт шу асосга қурилган.

Овга Кириск ва Ўрхондан ташқари Эмрайн ва Милхун ҳам чиқишади. Эмрайн – Кирискнинг отаси. У гавдали, дароз, кенг яғринли серсоқол одам эди. Милхун эса боланинг тоғаси бўлиб, олабирдан келган,

дум-думалоқ ва чайир эди. Унинг иродаси бўш бўлиб, шошқалоқ эди. Шундай қилиб, улар йўлга чиқишди. Кирискнинг қувончи ичига сиғмас эди. Эмрайн ва Милхун эшкак эшишади. Ўрхон эса рулни бошқаради. Ҳамма ўз хаёли билан банд: Ўрхон завқ билан қарар, эл-юрти учун асқотаётганидан хурсанд эди. Лекин шу билан бирга, умри охирлаб бораётгани ва энди қанча қолганини билмай хўрсиниб кўяр эди. Эмрайн боласи билан биринчи марта овга чиққани учун хавотирланаётган эди. Оллоҳдан овлари бароридан келишини сўраётган эди. Милхун эса иложи борича тезроқ яхши ўлжаларни қўлга киритиб уйга қайтиш ниятида эди. Бу ҳар учала одамдан кўра кўпроқ Кириск хурсанд эди. У ҳамма жойга завқ билан қарар, қувончи ичига сиғмас эди. Улар Олапар қоясидан анча узоқлашгач, бола зерика бошлади. Бунинг кўрган зийрак Ўрхон болани саволга олди: “Олапар қаёқда қолди? Агар ўнг томонга қараб сузсак, қаерда қолади?” ва бошқа саволлар билан уни синади, билмаганларини ўргатди. Ва ниҳоят улар Кичик сийнага етиб келишди. У ерда жуда кўп тюленлар бор эди. Эмрайн, Милхун, Кириск қўлларига милтиқ олиб отишади. Тюленни отишда Кириск хатога йўл қўяди. Милхун бир тюленни ўлдирди ва шу заҳотиёқ одатга кўра, унинг жигарини хомлайн ейишди.

Чингиз Айтматов ушбу қаҳрамони орқали бола психологиясидаги энг нозик характер-хусусиятини олган. Чунки ҳамма бола ҳам отасига ҳавас, тақлид қилмайди. Бунинг учун ота, аввало, боласининг меҳрини қозониши, унинг кўнглига ўрни келганда дўст бўлиб, ўрни келганда ота бўлиб кириши керак.

Кирискнинг кўзи бирданига уфқнинг ярмини иккита туташ тилга ўхшаган қуюқ туман пардаси аста-секин қоплаётганига тушди. “..Денгиз ўртасида номаълум, хира нарса муаллақ туриб қолган томондан босиб келарди. Энди у хамирдай кўпчиб,

хеч қандай тап тортмасдан шамол зўри билан қайиқ томонга тўхтовсиз яқинлашиб келар эди”. Бу машъум тунда шафқатсиз тўлқиндан қайиқ писта пўчоғидек чайқалар эди. Қайиқ сувга тўлиб бораётган эди. Шунда Ўрхон бобо Кирикка сув солинган бочкани асраши кераклигини айтди.

Бола эрталаб алаҳсираб қараса, Ўрхон бобо йўқ. У жуда ҳам тушкунликка тушиб, йиғлай бошлади. Эмрайн эса боласини зўрға овутди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Эндиги навбат Милхунга эди. У очлик, ташналик азобига чидолмай, денгиз сувини ичиб кўйди. Милхун ҳам фожеали ўлим топди. Энди навбат Эмраинга келган эди. Бочкадаги сув кам қолган эди. У ўйлади: “...боламнинг яна бир-икки кунлик умри қолди”. Бу сўзлар ота учун жуда оғир эди. У фарзандига қандай яхши кўришини-ю, нега бундай қилаётганини тушунтирмоқчи эди. Лекин тили бормади ва у барча гапларини қалби орқали боласига етказди: “...ҳали оламга келмаганингда сен менда, менинг қонимда, белимда эдинг, шу қон белимдан онангга оқиб ўтди ва сен менга ўхшаш бўлиб дунёга келдинг ва ҳозир ғойиб бўлар эканман, сенда қоламан,

сенинг болаларингнинг болаларида қайта-қайта туғиламан”. Юқоридаги парчада Чингиз Айтматов одам ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги фикрларини очиб берган.

Хуллас, Ўрхон, Милхун ва отаси Эмраиндан ажралгач, шамолу тўлқинлар, юлдузлар ёрдамида уйига қайтади. У шамолни Ўрхон деб, тўлқинни эса Милхун деб номлайди. Эрталабгача унга йўл кўрсатган юлдузга эса Эмрайн деб ном беради ва ушбу кўшиқни тўқийди:

*Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар,
Якка-ёлғиз қайтмоқдаман ёнингга
Бобожоним Ўрхонсиз,
Отажоним Эмраинсиз,
Огажоним Милхунсиз,
Улар қайда қолди, сўрагил мендан
Фақат аввал сув бергил, о сув...*

Кўриб ўтганимиздек, бу қиссада келажак авлодга нисбатан эътиборли бўлиш ва уларни асраб-авайлаш муаммоси ёритилган. Чунки қариялар вафот этади, миллатнинг, элнинг келажаги эса болалар, ёшлар қўлида қолади. Улар ҳам бу анъанани давом эттиришади. Асарнинг якунида ҳам келажакка умид, ишонч акс эттирилган: “...яна янги бир кун бошланмоқда эди”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Айтматов Ч. Оқ кема: қисса. – www.ziyouz.com кутубхонаси.
2. Aytmatov Ch. Sohil yoqalab chopayotgan Olapar: qissa. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1984. – 76 b.
3. Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, Тошкент, 1984. – №3. – Б.33.
4. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология. / Тузувчилар: О. Тўлабоев ва бошқ. – Тошкент: O`zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – 354 б.
5. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – № 4. – Б. 37-45.



НИКОҲ ТҶИИ МАРОСИМИ ФОЛЬКЛОРИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (ЎЗБЕК ВА ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ МИСОЛИДА)

Гулжаҳон Амоновна МАРДОНОВА

Педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек ва жаҳон халқлари никоҳ тўйи маросим фольклори билан боғлиқ жиҳатларнинг ўзига хослиги, келиб чиқиши, табиати ҳамда ўрганилиш методлари борасида назарий қарашлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: никоҳ тўйи, маросим, фольклор, урф-одат, ритуал-мифологик табиат, этник илдиз, метод, жанр, локаль ва ареал хусусият.

ФОЛЬКЛОР СВАДЕБНОГО ОБРЯДА И ЕГО ИЗУЧЕНИЕ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА И ДРУГИХ НАРОДОВ МИРА)

Гулжаҳон Амоновна МАРДОНОВА

Доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Каршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В статье анализируются аспекты, связанные с своеобразием, происхождением, природой фольклора свадебных обрядов узбекского народа и народов мира, а также теоретические взгляды по методике их изучения.

Ключевые слова: свадебная церемония, обряд, фольклор, обычаи, ритуально-мифологическая природа, этнические корни, метод, жанр, локальные и ареальные свойства.

Жаҳон фольклоршунослигида муштарак жанрлар мавжуд бўлиб, улар ғоявий, бадиий-эстетик вазифадошлиги билан умумийлик касб этса-да, аммо ҳар бир халқнинг миллий, руҳий анъаналарига хослиги билан алоҳидаликка эга. Маросим фольклори, айниқса, никоҳ тўйи ва у билан боғлиқ айтим олқиш ва кўшиқлар ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Никоҳ тўйи маросимлари мамлакатимиз, шу жумладан, дунё халқлари тарихида ўзига хос этник хусусиятга эга

бўлиб, муҳим қадриятлардан саналади. Никоҳ тўйи фольклорининг мана шу каби узвий жиҳатлари, ритуал-мифологик табиатини ўрганишда аввало ўзбек ва жаҳон халқларининг тарихий этник илдизларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу муаммони муайян бир минтақа, худуд ёки мамлакат доирасида тадқиқ этиш орқали кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Маълумки, ҳозирги глобаллашув, ахборот алмашувининг тезлашиши

жараёнлари, фан ва техниканинг ғоятда жадал ривожланиши, бир томондан, қўйилган муаммони ўрганишга кенг имконият яратиб, тадқиқот жараёнини осонлаштиради, иккинчи томондан, бу ишда сусткашликка йўл қўйилиши ҳар қайси халқнинг ўз маданияти, тарихи, этник ва лисоний ривожланишини соф ҳолда, ўз аслича сақлаб қолиш учун интилишида бирмунча қийинчилик туғдиради. Сабаби, ҳар бир халқнинг урф-одатлари, тўй ва маросимлари, расм-русм ва анъаналари шу халқнинг бевосита ўзлигини сақлаб қолишга, уларни ривожлантириб соф ҳолда келгуси авлодларга етказишга хизмат қилади.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, анъана ва расм-русмлар дунё мамлакатлари илмий жамоатчилиги, қолаверса, ўзбек олимларининг ҳам тадқиқот объекти бўлиб келган. Никоҳ тўйи маросимлари мавзусида М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, О.Сафаров, С.Давлатов, Ҳ.Исмоилов, Л.Худойкулова, С.А.Соатова, Г.С.Тошева ва бошқа бир қатор фольклоршунос ва этнологларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқотлар мамлакатимизнинг турли вилоятлари кесимида ўрганилган ва улар халқимизнинг бой маросимлари, урф-одат ва анъаналарининг у ёки бу жиҳатларини батафсил таҳлил қилганлар. Хусусан, анъанавий фольклор жанрлари ва ўзбек никоҳ тўйлари тизимининг локаль хусусиятлари тадқиқ этилган. Гарчи никоҳ тўйи маросимлари фольклори борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, уларнинг ареал томони ва қиёсий-типологик нуқтаи назаридан махсус изланишларни талаб этмоқда. Никоҳ тўйлари билан боғлиқ ишларда, асосан, уларнинг локаль – худудий жиҳатларини тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ишлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Фарғона водийси, Ўрта Зарафшон воҳалари кесимида эканлигини

самарали, деб баҳолаш мумкин. Айниқса, ушбу мавзуда проф. О.Сафаров томонидан Бухоро ва Навоий вилоятларидан ёзиб олинган материаллар асосида “Куёв ўтирсин”, “Келин ўтирсин”, “Келин элтиш”, “Куёв элтиш” удумлари фольклори тўғрисида қимматли маълумотлар чоп этирилганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, фольклоршунос олим К.Имомовнинг қадимги никоҳ маросими ва эпос, Ф.Икромхўжаевнинг “Келин салом” кўшиқларини ареал ўрганишининг айрим муаммоларига бағишланган тадқиқотлари эътиборга моликдир.

Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин маданий қадриятларимиз тадқиқотига алоҳида, янгича назар билан чуқурроқ эътибор қаратила бошланди. Хусусан С.Х.Давлатов мамлакатимиз жанубий сарҳади саналган Қашқадарё воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи маросими ва ушбу маросим билан боғлиқ урф-одатларнинг худудга хос жиҳатларини таҳлил қилган.

Худудлар кесимида олиб борилган тадқиқотлар сирасига Н.М.Матқаримованинг Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XX аср ва мустақиллик даври) мавзусидаги тадқиқотини таъкидлаш ўринли.

Хоразм тўй кўшиқларини тадқиқ этган Н.Н.Қуранбоева ўз тадқиқотида воҳа никоҳ тўйи маросими фольклорининг умумўзбек анъаналари билан бир қаторда унинг худудга хос локаль хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлган.

О.О.Исмонова ўзбек тўй маросим фольклорида “Келин салом” жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси)ни таҳлил этган. Унда Ўш вилоятида яшовчи ўзбекларнинг этник тарихи ва маросим фольклорининг ўзига хослиги асослаб берилган. “Келин салом” кўшиқларининг ғоявий-бадий хусусиятлари, мавзу йўналиши, рамз, муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, параллелизм ва умумий формулаларнинг

қўлланиши, шеър тузилиши ва қофия тизими тадқиқ этилган.

Ф.Б.Ҳайитова никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқинини, Л.А.Худойқулова Сурхондарё тўй маросимлари кўшиқлари, Ш.Х.Имомназарова ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти) мавзусидаги тадқиқотларида ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг ёр-ёр, ўлан, олқиш жанрларига доир тадқиқотлар олиб борган.

Олиб борилган илмий тадқиқотларда тўй маросимлари номлари мавзуси алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Ш.М.Нуриллаеванинг тадқиқоти Туркистон қарлуқ тили шеваларида тўй маросими номлари таҳлилига бағишланган. Илмий тадқиқотнинг қиммати шундаки, унда Жанубий Қозоғистонда, аниқроғи, Туркистон шаҳри ва унинг атроф қишлоқлари – Иқон, Қарноқ, Чўрноқ, Сувноқ, Кариз, Ўронғойда қадимдан ўтrockлашиб қолган ўзбекларнинг тўй маросими номлари ўрганилган. Бу эса Ўзбекистон худудида яшовчи ўзбеклар билан Туркистон худудида яшовчи ўзбеклар никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ расм-русумлар, урф-одатларда муайян фарқлар борлигини асослайди.

М.Ш.Муродова “Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида)” мавзуида филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа докторлиги диссертациясини 2018 йили ҳимоя қилган. Тадқиқот ишида ўзбек никоҳ тўйлари фольклорининг ўрганилиш тарихи, мавзудан келиб чиққан ҳолда Ўрта Зарафшон воҳаси аҳолиси никоҳ тўйи маросимининг биринчи босқичига мансуб удумлар фольклори, Ўрта Зарафшон воҳаси ўзбек никоҳ тўйи маросимининг иккинчи босқичига мансуб фольклор жанрлари таҳлил этилган. Никоҳ тўйи маросими фольклорининг анъанавий жанрларидан бири ҳисобланган “ёр-ёр”ларнинг ўзига

хос ижро ўрни, ижро усули ва поэтик хусусиятлари таҳлил этилган. Олима “Бет очар” маросими, “Куёв чақирди” удуми ва “Куёв салом” кўшиқларида куёвни таъриф-тавсиф қилиш орқали уни қиз томон қариндошларга таништириш мақсади кўзланганлигини таъкидлайди. Олима мавзу доирасида тадқиқот қилар экан, ўз олдига қўйган вазифаларни тўлиқ адо этган. Аммо тадқиқотда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим фольклори ҳудудий чегарадан чиқмаган.

Бу мавзуда жаҳон ва рус фольклоршунослари томонидан ҳам қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Т.Г.Басангова қалмоқ маросим лирикаси, З.М.Брусьюко татар халқи оилавий-маиший маросимлари фольклори, О.Н.Дмитриева ёқут халқи тўй кўшиқлари тизими, поэтикаси, лексикаси, М.Г.Матлин Х1Х аср охири ХХ аср бошида рус халқи тўйларида ҳазил-мутоиба, А.-М.Н.Моллаев кўмикларнинг тўй-маросим фольклори, Т.В.Окунева удмурд тўйлари, С.Г.Чохели грузин тўйлари маросимлари ва фольклори масаласини, Ж.М.Юша ХХ1 аср бошларида Хитой тувалари фольклор ва расм-русумлари мавзусини кенг ўрганганлар. Бу тадқиқот ишларининг фольклоршунослик соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси салмоқли. Бироқ уларнинг мавзу доираси тор бўлиб, муайян ҳудуднигина қамраб олган, умумий хулосалар қилинмаган.

Никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ урф-одат, расм-русм, анаъана ва удумлар, кўнгилочар тўй томошалар қадим тарихий илдизларга эга бўлиб, буюк туркшунос олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида никоҳ тўйи билан боғлиқ кўплаб сўзларнинг изоҳини келтиради [14; 214-215]. Шунингдек, аллома “тўй” сўзи тодунд, тоздеі, яъни “тўйинди, тўйди” маъносини беришини таъкидлайди [14;227]. “Агар бу сўзлардан – ун, ді аффикслари олиб ташланса, “тод”, “тоз” асос бўлиб қолади. Шубҳасиз, тод,

тоз “тўй” сўзининг илк формасидир [4; 11].

Масалан, россиялик туркшунос олим С.Е.Маловнинг таъкидлашича, *tod* сўзи “тўй маъносини беради” [7;431]. В.В.Радловнинг фикрича, қозон татарларида *tuı* – сагай, койбаль, качин, чулим, шорс тилларида тос, уйғур тилида тот, усмонли турк ва крим татарларида тўймоқ маъносини англатади [9;1205].

Жаҳон ва рус фольклоршунослари, тилшунослари томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида тўй сўзининг этимологияси билан боғлиқ қимматли фикрлар ҳам диққатга сазовор. Тилшунос олима С.М.Гузиёкова фикрича, русларнинг “свадьба” сўзи – “сватовство” (совчилик, унаштирмоқ) сўзидан олинган. Олиманинг таъкидлашича, адигей тилида “свадьба” сўзи “джэгу” – ўйнамоқ, кечки базм, сайр этмоқ, шоҳона дастурхон маъноларини билдиради [2;12]. Тожик тилшунос олимаси Н.Б.Рахмонованинг таъкидлашича, “свадьба” сўзи – умумэрон тилларида *sur* (сур) сўзидан олинган бўлиб; 1) меҳмондорчилик, базм кечаси; 2) тўй зиёфати, тантанали (дабдабали) базм. Помирнинг вахан, шугнан, рушан, бартанг ва ишкашим тилларида *tuı* маъносини беради [10;14]. Н.Б.Рахмонова бу борада ўз тадқиқот ишида, тўй сўзининг этимологияси қадимги туркий тилда *ton* – шоҳона, хон ташкил этган маъносини билдиради, тожик тилида тўй – 1) чашн – ид – никоҳ тўйи муносабати билан уюштирилган дабдабали базм, расм-русум, удум; 2) бахт ёки тантанали воқеага бағишланган байрам [10;14], деб таъкидлайди.

Тадқиқот ишларини таҳлил қилиш жараёнида қудачилик анъаналари барча халқларда ўз тарихи, қадимий илдизларига эга эканлиги кузатилди. Тарихчи олим А.Г.Абдинованинг таъкидлашича, Доғистон халқлари “тухум” қариндошлар ва қишлоқдошлар, “реже” – қўшни қишлоқ, “еще реже” – худудда яшовчи бошқа

халқлар (Шимолий Кавказ ва Кавказ орти мусулмон халқлари) билан қуда бўлишган [1;12].

Шу ўринда тарихчи олима Т.И.Шараеванинг тадқиқотидаги илмий қарашлар барча халқлар учун аҳамиятли. Олиманинг таъкидлашича, қадимда қалмоқларда бешиқда ётадиган болаларни ҳам қудалашамиз, деб белгилаб қўйишган. Аммо қалмоқлар ота тарафдан етти, саккиз авлод ўтгачгина қуда бўлишга рози бўладилар. XIX–XX асрда қалмоқ оилалари келин танлашда шахсий сифатлари – соғлиғи, меҳнаткашлиғи, тарбияси, оиладаги укуви, қариндошлик алоқалари, авлодида наслий касаллик бўлмаган оила билан қуда бўлишган [13;17].

Дунё халқлари никоҳ тўйларида амал қилинадиган удум ва расм-русумлар бир-биридан фарқланса-да, аммо заминда яхшилик, эзгулик акс этган. Тилшунос Дун Жань фикрича, анъанавий Хитой халқ никоҳ тўйлари қатор урф-одатлар билан бошланган. Тўй олди одатлари: қизнинг ота-онасига совғалар бериш; хабар бериш – (икки тараф “хаётнинг саккиз иероглифи” алмашиш, яъни, қиз ва йигитнинг исм-шарифи, туғилган йили, ойи, куни, соатини билдирган; фол очиш (агар фолда ижобий тахминларайтилса, йигит томон қиз тарафга ёввойи ғоз олиб келган, чунки ёввойи ғоз ёшлар ҳаётида ишонч рамзи бўлган); омад белгиси (йигит тараф қиз томонга муваффақиятли битишув рамзи сифатида совғалар берган, ана шу дақиқадан бошлаб йигит-қиз эр-хотин ҳисобланган; кунини маълум қилиш (куёв тараф оиласи келин тарафга тўй кунини таклифнома бериб билдирган); учрашув (куёв ва келин уйда учрашишган). Тўй куни одатлари: келин ва куёв Осмон ва Ерга таъзим қилишган; никоҳланаётганларнинг чўмилиши – янги ҳаётга тозалик билан қадам қўйишга [5;6] қатъий риоя қилишган.

Айтарли барча халқларда никоҳ тўйи маросимларида магик характерга,

рамзларга эга деб ҳисобланган предметларнинг иштирокига аҳамият қаратилган. Ўзбек халқи никоҳ тўйи қадриятлари тизимида ноннинг иштироки катта аҳамият касб этади. Тўйгача, тўй вақти ва тўйдан кейин бўлиб ўтадиган барча маросимларда ноннинг улуғлиги намоён бўлади. Тадқиқот ишларини таҳлил қилиш жараёнида бу бошқа халқларга ҳам тегишли, деган хулосага келдик. Т.В.Окуневанинг фикрича, удмурдларда тўй куни бўлиб ўтадиган маросим ва урф-одатларда ритуал ҳаракат уйғунлигида нон кесиш одати бажарилади [8;12]. Фольклоршунос Д.Б.Чугаев рус халқида тўй куни айнан нон билан боғлиқ урф-одатлар бўлиб “пирогни синдириш”, “нони еб тугатамиз” (Архангельск), “нон четини кесиш” (Тамбов) одатлари сақланиб қолган [12;10]лигини таъкидлайди. Т.Е.Гревцова ҳам қадимда руслар магия хусусият ва рамзларга эга деган ишонч билан қуш акс этган пишириқлар пиширишгани, бу русларда “печижечки”, украинларда “сова”, белорусларда “гуси” – ғозлар деб аталганини ёзади. Нон воситасида ритуал-магия ҳаракатлар бажарилган. Бу русларда “блогословённый, плакальщик”, украинларда “дивень”, белорусларда “дзел яница” деб аталган [3;11]лигини таъкидлайди. Рус тарихчи олимаси Т.А.Листованинг таъкидлашича, белорусларда тўй куни келин ва куёвникида “каравай” – катта думалоқ бўлка (тўй

нони) пиширилади. У “каравай” урф-одати аталиб, белорус анъанавий никоҳ тўйларида амал қилиб келинган. Олима бу белорус халқининг тўй урф-одатлари тизимида алоҳида элемент ҳисобланишини айтиб ўтади [6;27]. Тарихчи олим Н.Б.Хадирбеков фикрича, Жанубий Доғистондаги барча халқларда тўй куни учта нон, уч жуфт пайпоқ, асал солинган тақсимча ва ҳолва қўйилган махсус патнис – хунча бўлиши шарт. Ана шу патнис билан рақсга тушадилар ва музикачиларга берадилар [11;15].

Жаҳон олимларининг мавзу юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ҳам чекланган доирада олиб борилган, кенг, атрофлича таҳлилга тортилмаганлиги, бу эса фольклоршунослик нуқтаи назаридан ҳали бу йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб бориш кераклигини тақозо этади.

Умуман олганда, никоҳ тўйи маросими фольклорининг ритуал-мифологик табиати турли халқлар – уруғ ва элатларда ранг-баранг ва турли кўринишга эга бўлиб, бевосита ўша халқларнинг эътиқодий қарашлари, дунёқараши ва маиший яшаш шароити билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва маънавий–эстетик муштарақлик касб этиб, бу каби хусусиятлар маросим жанрлари типологияси, уларнинг генезиси ва ўрганилиш усулларини қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш ишларини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдинова А.Г. Реликты домонотеистических верований в семейной обрядности народов Дагестана: XIX – начало XX века: автореферат дис. ...кандидата исторических наук. – Махачкала: Ин-т истории, археологии и этнографии Дагест. науч. центра РАН 2010. – 29 с.

2. Гузиекова С.М. Когнитивно-прагматический аспект лакуарности концепта “Свадьба”: на материале русского и адыгейского языков: автореферат дис. ...кандидата филологических наук. – Майкоп: Адыг. гос. ун-т., 2011. – 23 с.

3. Гревцова Т.Е. Культурная терминология русской свадьбы на восточнославянском фоне: обрядовый хлеб: автореферат дис. ...кандидата филологических наук. – Ростов-на-

Дону: Юж. федер. ун-т., 2016. – 26 с.

4.Джурабаев А. Названия свадебных церемоний в узбекском языке (на материалах андижанской группы говоров): автореф.дисс.на соискание ученой степени канд.филол. наук. – Ташкент: Институт языка и литературы им.А.С.Пушкина АН УзССР, 1971. – 23 с.

5.Дун Ж. Концепт “Свадьба” и свадебная коммуникация в русской и китайской лингвокультурах: автореферат дис. ... кандидата филологических наук. – Волгоград: Волгогр. гос. пед. ун-т., 2009. – 19 с.

6.Листова Т.А. Семейные обряды русско-белорусского пограничья в контексте этнополитической истории. XIX начало XXI в.: автореф дисс.на соискание учёной степени канд.истори.наук. – Москва: Инс-тут этнологии и антропологии им.Н.М.Маклухо-Маклая РАН, 2006, – 41 с.

7.Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – Москва: Наука, 1951. – 431 с.

8.Окунева Т.В. Удмуртская свадьба как текст: автореферат дис. ... кандидата филологических наук. – Казань: Ин-т яз., лит. и искусства им. Г.Ибрагимова АН Респ. Татарстан, 2012. – 23 с.

9.Радлов В.В. Опыт словаря тюрских наречий. Т.3 Ч.1. – Петербург, 1905. – 1141 с.

10.Рахмонова Н.Б. Отражение концепта «Свадьба» в таджикском и памирских языках (на материале прецедентных текстов): автореферат дис. ... кандидата филологических наук. – Душанбе: – МОУ ВПО Российско-Таджикский (славянский) университет, 2019.

11.Хадирбеков Н.Б. Свадебные обряды народов Южного Дагестана в прошлом и настоящем: XIX-XX вв.: автореферат дис. ... кандидата исторических наук. – Махачкала: Ин-т истории, археологии и этнографии Дагест. науч. центра РАН, 2009. – 26 с.

12.Чугаев Д.Б. Лексика русских предсвадебных обрядов: автореферат дис. ... кандидата филологических наук. – Москва: Моск. гос. обл. ун-т., 2008. – 22 с.

13.Шараева Т.И. Обряды жизненного цикла у калмыков: XIX – начало XXI века: автореферат дис. ... кандидата исторических наук. – Москва: Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н.Миклухо-Маклая РАН, 2010. – 25 с.

14.Қошғарий, Махмуд. Девону луғатит турк. Уч жилдлик. I жилд. / Таржимон С.Муталлибов. Нашрга тайёрловчилар А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Фан, 1960. – 357 б.



АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Меҳринисо Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

Умид Қувончбек ўғли АБЖАББАРОВ

магистр

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясида фольклорнинг ўрни, илмий педагогик тадқиқот йўналишлари, адабиёт дарсларида фольклор асарларидан фойдаланишнинг зарурлиги, фольклор асарларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқитишнинг методологик ва дидактик асослари ва талаблари баён этилган.

Таянч сўзлар: ёш авлод, маънавий-ахлоқий тарбия, фольклор, адабиёт дарси.

МЕТОДИЧЕСКИЕ И ДИДАКТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ОБУЧЕНИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЯМ ФОЛЬКЛОР НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРЫ

Меҳринисо Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА

доктора философии по (PhD) филологическим наукам

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

Умид Кувончбек углы АБЖАББАРОВ

магистр

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье описывается роль фольклора в духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения, направления научно-педагогических исследований, необходимость использования фольклорных произведений на уроках литературы, особенности обучения фольклорным произведениям, методические и дидактические основы и требования преподавания.

Ключевые слова: молодое поколение, духовно-нравственное воспитание, фольклор, урок литературы.

Бугунги кунда келажак авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига эътибор бериш, унинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш энг долзарб масала ҳисобланади. Бу масалани амалга оширишнинг бирдан бир йўли – мактабдаги адабиёт дарсларида халқимизнинг узок даврлардан бери ёшларни тарбиялашда кенг қўлланилиб келинаётган халқ оғзаки ижоди намуналарини фойдаланишдир.

Халқ оғзаки ижоди намуналари ўзида ўша халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаларини, таълим-тарбия масалаларини мужассам этиб келган. Фольклор асарларининг қайси жанрини олмайлик, унда таълим-тарбия масаласи етакчи ўринда эканлигини кўриш мумкин.

Оддийгина бир мисол, кундалик ҳаётимиздамақолларданкўпфойдаланамиз. Керак бўлса, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни мақоллар ёрдамида ифода этамиз: «Қари келса ошга, ёш келса ишга» деган мақол билан ёши улуғларни эъзозлаш, уларни хурмат қилиш кераклиги уқтирилади.

Мақол барча халқларнинг оғзаки поэтик ижодида чуқур тарбиявий моҳиятга эга теран фикрни қисқача хажмда, ўзига хос ритмиклик асосида баён этишга мўлжалланган ихчам бадий шакл типларидан биридир. Унда ҳар бир халқнинг дунёқараши, ижтимоий-маданий ҳаёт тарзи, тарихи, географияси, миллий хусусиятлари билан боғлиқ маълумотлар акс этади. [3;141]. Шунинг учун ҳам мақолларни ёшлар онгига сингдириш, улар орқали тарбиялаш муҳим ҳисобланади.

Фольклор асарларидан фойдаланишнинг зарурлиги педагогика фанининг классиклари томонидан ўрганилган ва улар томонидан фойдаланилган. Масалан, чех педагоги Ян Амос Коменский (1633–1670) илмий педагогиканинг асосчиси сифатида «Буюк дидактика» (1633–1638), «Оналар мактаби» (1632) ва бошқа китобларида болаларни фольклор асарлари билан тарбиялаш усулларини

юқори баҳолаган [1;416]. Константин Дмитриевич Ушинский (1824–1871) «Детский мир» (1861), «Родное слово» (1864) номли китобларида ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришда халқ кўшиқлари, топишмоқлар, мақоллар, тез айтишлар ва эртақлардан фойдаланиш кераклигини айтиб ўтган. К.Д.Ушинский шундай дейди: «Энг биринчи тарбиячи – бу халқ. Халқ эртақлари «педагогиканинг ёрқин кўринишидир» [5;300]. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди намуналари ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, миллий мерос сифатида фольклор халқнинг ўтган тарихини билиш учунгина ўқилмасдан, балки ўша халқнинг бугунги вакиллари келажакка тарбиялаш учун ҳам ўқитилади. Чунки бу асарларни ўқитишни тадқиқ этишнинг методологик базаси кўпгина фанлар (фалсафа, педагогика, этнопедагогика, психология, адабиётшунослик, тилшунослик, социология, фольклоршунослик, адабиёт ўқитиш методикаси) билан чамбарчас боғлиқдир.

Одатда илмий педагогик тадқиқот йўналишлари қуйидагича бўлинади: фундаментал; амалий; норматив-ҳуқуқий.

Фундаментал тадқиқотлар республика миқёсида бажарилиб, тадқиқот объекти ва предметларини ҳар томондан ва узок вақт ичида тажрибали олимлар иштирокида амалга оширилади. Натижада, ўрганилаётган илмий масаланинг асосида билим яна бир поғонага кўтарилади.

Амалий йўналишдаги тадқиқотлар аниқланган назарий ва амалий масалаларга йўналтирилади. Илмий педагогик тадқиқотлар педагогика илмининг аниқланган масаласи бўйича махсус даврада ўтказилади. Натижада илмий масалани ечими бўйича аниқланган йўналишлар, методлар, шакллар ва воситалар, бошқача айтганда, янги технологиялар тайёрланади.

Норматив-ҳуқуқий йўналишдаги педагогик тадқиқотлар ўқув режа, ўқув дастур, дарсликлар, услубий кўрсатмалар, ўқитишнинг ва тарбиялашнинг янги формаларини ишлаб чиқишга қаратилади. Натижада илмий масаланинг ечими учун меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар, тўлдиришлар ва қўшимчалар киритилади.

Юқоридаги методологик асосларга таяниб, мактабларда адабиёт ўқитиш методикаси бир қанча методист ва ўқитувчилар томонидан аниқлаштирилган. Улар адабиёт ўқитишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиб, айрим асарларни ўқитиш бўйича аниқ тавсияларни беришган ва уларни мактаб амалиётида текширувдан ўтказишган. Бу каби асарларга халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам киради.

Халқоғзаки ижодинамуналари биринчи навбатда халқнинг педагогик меросидир. Адабиёт дарсларида фольклор асарларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Энг асосий хусусият, фольклор асарлари муаллифининг ноаниқлиги, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда етиб бориши ва айрим қўшимча ва ўзгаришларга учраганлиги, яъни кўп вариантлилигига аҳамият қаратиш лозим.

Иккинчидан, фольклор асарларида мифологик, тотемизм, анимизм ва магик тушунчаларнинг ўрин олиши. Булар орқали «бир кўзли дев», «тилида сўгал, тишида муҳри бор» (қирғизларда) каби қахрамонларни ўйлаб топишган. Айрим одамларнинг айтгани зоя кетмаган, «хосиятли» кучини кўрсатган. «Қарғиши тегди», «тилидан илинди» деган тушунчалар ҳам сўз магияси, сўз қудратига ишонганлигидан келиб чиққан.

Учинчидан, фольклор асарларининг кўпчилигида фантазиянинг кучлилиги аҳамиятли. Ўша даврдаги хаёллар, фантазиялар ҳозирги кунда амалга ошганлигини мисоллар билан тасдиқлаш

мумкин. Масалан, булоқ суви – шифобахш сув, турли хил дардларга даводир. Бу билан халқнинг онги ва тафаккурини изланувчанлик, тадқиқотчилик эгаллаганлигини ҳамда барча касалликлардан сақланишнинг қандай йўллари борлигини излашганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳам кўз очиб юмгунча, хоҳлаган манзилига етиш ҳолатини кузатиш мумкин. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўсиб келаётган ёш авлод эшитиб, ундан тарбия олиб, ақлли, тарбияли, сўзга чечан бўлиш билан бирга тадқиқотчиликка ҳам ўрганади.

Тўртинчидан, халқ оғзаки ижоди намуналарида турғун эпитетларнинг ва такрорларнинг ўрин олиши. «Қадим ўтган замонда» каби турғун муқаддималар, «мурод мақсадига етибди» каби хотималар учрайди. Бу каби асарлардаги энг асосий мазмунни – яхшиликнинг келиши, халқнинг кўп асрлардан бери кутаётган орзу-умидлари, тилаklarининг амалга ошиши ташкил этади. Эртаски эшитган ўспириннинг тасавури, дунё қараши кенгайди. Эртакларнинг деярли барчаси «мурод мақсадига етибди» деб тугайди. Бу билан бола ҳамма нарсанинг ниҳояси фақат яхшилик билан яқун топишини англаб етади. Демак, халқнинг кутгани фақат яхшилик ва бахтли ҳаёт кечириш эканлигига умид қилади ва ишонади.

Бешинидан, халқ эртакларида кал, камбағал, етим бола каби турғун ижобий қахрамонлар, хон, бой каби салбий қахрамонларнинг борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ижобий ва салбий қахрамонлардаги сифат ва иллатларни ўқувчи томонидан фарқлай олишида ўқитувчи муҳим роль ўйнайди. Демак, ўқитувчи мана шу хусусиятларни ҳисобга олиб, уларга маъни бериб, уни ўқувчига етказа олгандагина фольклор асарларини уларнинг онгига тўла тўлиқ муҳрлай олади [4; 23].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фольклор асарларини ўқитишда қуйидаги дидактик принциплар ва талаблар ҳисобга олиниши зарур: оддийдан – мураккабга; табиийлик; илмийлик; назария билан амалиётнинг узвийлиги; комиллик; кўрғазмалилик; тизимлилик; олган билимнинг ҳақиқийлиги, мустаҳкамлиги; жамоавий ва яқка муносабат; тарихийлик; одамийлик.

Бу каби дидактик принципларни ўқитиш жараёнида қўллаш учун адабиёт ўқитувчисига қуйидаги талаблар қўйилади:

фольклор асарларини ҳар бирини тур ва жанр белгиларига қўра ажратиб ўқитиш билангина қутилган натижага эришиш мумкин;

дарсликларда берилган фольклор асарлари, дейлик, дostonлар ўқувчиларнинг ўша дoston бўйича оладиган маълумотларни тўлалигича қамрай олмайди. Шунинг учун ўқитувчи ўша асарларни тўлиқ ўқитишга эришиш керак;

ўқитувчи томонидан дарсликда берилгандан ташқари қўшимча ўқиш учун тавсия қилинган текстлар (парчалари) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши ва уларнинг психологиясига, қизиқишларига таъсир этиши керак;

ўқитувчи халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқитишдан олдин бу жараённинг тарихий йўли, адабиёт ўқитиш методикасидаги эволюцияси ва ҳозирги ўқув дастурлари, дарсликлардаги ҳолатини таҳлил қилиб, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида хулосалар чиқариши керак;

фольклор асарларини яхши ўзлаштириш учун ўқувчи билан ўқитувчининг фаол ҳатти-ҳаракати адабий-назарий таҳлилларни қила олишга, бадий матнни тарих, одоб, тил, расм, мусиқа ва бошқа фанлар билан интеграция қилишга йўналтириши зарур;

фольклор асарларини ўқитиш жараёнида ўқитувчиларнинг энг илғор

тажрибаларини эсга олиш, дарсларда уларни ўринли қўллаш ва ҳозирги кундаги ўқитишнинг замонавий технологияларини фойдаланиш натижа беради.

халқнинг эпик меросини ўқитиш ҳозирги ўқувчиларни халқнинг аввалги даврдаги маънавий-ахлоқий тушунчалари, мифологик, фалсафий ва ижтимоий дунё қарашлари билан таниш бўлганлиги боис уларни ҳозирги одамларнинг этик-эстетик юриш-туриши билан солиштиришга ёрдамлашади.

Демак, халқ оғзаки ижоди намуналари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга келажак авлодни халқимизнинг номоддий меросини асраб-авайлашга ундайди ва уни келаси авлодга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганлиги учун фахр туйғусини шакллантиради. Шундай экан фольклор асарларини ўқитиш ҳам ўз навбатида долзарб аҳамият касб этади.

Фольклор асарларини ўқитишнинг турли хил усул ва йўллари, методологик ва дидактик асосларини ишлаб чиқиш шу йўналиш мутасаддилари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Юқоридаги фикрларимизга хулоса ясаб, қуйида адабиёт дарсларида фольклор асарларини ўқитиш бўйича амалий тавсияларни бериб ўтмоқчимиз.

1) Мактаб ўқув дастурларида халқ оғзаки ижодини ўрганиш учун берилган соат миқдорини кўпайтириш.

2) Мактаб дарсликларига фольклор асарлари текстида учраган айрим сўзларнинг луғати ва асар музминини тушинишга хизмат қиладиган иллюстрацияларни киритиш.

Бу тавсиялар халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштиришига ёрдам беради. Бундан ташқари ўқувчи фольклор асарларини ўрганиш орқали халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, қаҳрамонликлари билан танишадилар, даврлар билан даврларни,

аждодлар билан авлодларни боғлашга ҳаракат қиладилар.

Фольклор асарлари ёш авлодни табиат билан инсоннинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англашга ёрдам беради. Халқ дурдоналарини ўқиш билан эстетик диди ривожланади. Бу орқали яхшилик билан ёмонликни, ҳақгўйлик билан ноҳақликни, одамийлик ва нодонликни ажарата олиш кўникмалари шаклланади.

Фольклор асарлари халқ ҳаётидан олинганлиги боис ўша халқнинг урф-одатлари билан яна бир қарра таништиради. Шунинг билан бирга халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш натижасида

ўқувчилар тарихий ва ижтимоий тажрибаларни авлоддан авлодга етказиш орқали қайсидир маънода, ўзлари ҳам ўша халқ дурдоналарини сақловчи ва кейинги авлодга етказиб бериш вазифасини ҳам бажарадилар.

Шундай экан, фольклор асарларини мактаб дарсликлари дастурига кўпроқ киритиш ҳам маънавий, ҳам тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Уларни ўрганиш келажак авлоднинг маънавий бурчи сифатида ўқувчилар ўртасида ватанпарварлик, халқсеварлик ва миллий гурур каби сифатларини шаклланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коменский, Я.А., Локк Д., Руссо Ж.-Ж., Песталоцци И.Г. Педагогическое наследие. / Сост. В.М.Кларин, А.Н.Джуринский. – Москва: Педагогика, 1989 – 416 с.
2. Masharipova Z. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Toshkent: TDPU, 2007. – 115 b.
3. Сулайманова М.И. Ўзбек ва қирғиз фольклоридатақинчоқлар образлантирилишининг спецификаси: фил. Фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2021. – 162 б
4. Толук эмес орто жана орто мектептер үчүн программа. – Фрунзе: Кыргызмамбас, 1941. – 36 б.
5. Ушинский, К.Д. Соч.: В II т., 1-т. – М.-Ленинград: Наука, 1986. – 300 с.



ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Завқиддин СУВОНОВ

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётини лингвистик экспертиза қилиш тамойиллари ҳақида сўз юритилиб, тилнинг эстетик вазифаси, ўзига хослиги ва мураккаблиги, коммуникатив вазифани ҳам трансформация қилиши каби хусусиятлари ёритилади.

Таянч сўзлар: ўзбек адабиёти, бадий матн, лингвистик экспертиза, тилнинг эстетик вазифаси, тилнинг коммуникатив вазифаси.

ПРИНЦИПЫ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Завқиддин СУВОНОВ

доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются принципы лингвистической экспертизы узбекской литературы. Эстетическая функция языка, при всем ее своеобразии и сложности, безусловно, проявляется непосредственно в художественной речи, преобразуя как коммуникативную функцию, так и в полной мере обслуживая интересы искусства.

Ключевые слова: узбекская литература, художественный текст, лингвистическая экспертиза, эстетическая функция языка, коммуникативная функция языка.

Ҳозирги вақтда лингвистик экспертизада халқаро бадий матнларни таҳлил қилиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бунга икки ижобий омил – глобаллашув, умумий ўсиш ёрдам беради. Бадий тил ва унинг нутқ ва матнда экстремистик мазмунни ифодалаш хусусида Д.Н.Шмелев қуйидагиларни ёзади: “Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин барибир

бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди. Бадий матнларда эса тил ҳамиша айни шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади. Бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўринишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қилади”, дейди.

Бадий асар тилини ўрганишдаги иккинчи, яъни стилистик йўналиш тилнинг худди шу эстетик вазифасини тадқиқ этишга

қаратилади. Айтиш жоизки, тилнинг бадиияти вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни адабий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммо ҳисобланади. Ҳатто асримиз бошида бир қатор тилшунос ва адабиётшунослар бу муаммони илмий асосда ўрганадиган алоҳида фан тури шаклланиши лозимлиги ҳақидаги қарашни илгари сурганлар. Масалан, Б.А.Ларин мана бундай деб ёзган эди: “Эртадир – кечдир, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида тан олинади”.

Бадиий матннинг лингвистик экспертизасида баҳсли матнга объект сифатида қаралади. Баҳсли матнда экспертнинг лингвистик таҳлил тамойиллари қуйидагилар:

Бадиий матннинг формал-семантик талқини тамойили:

ифода (шакл) бирлигида кўриб чиқилган белги ва контекст маъноси;

тилшунослик ёки адабиётшуносликнинг йўналишини аниқлаш шартли принцип;

лисоний белги шаклидан унинг мазмунига ва кейин яна шаклга қайтиш усули;

изчиллик принципи: тил белгисини изоҳлаш белгининг маълум бир хусусиятга тегишлилигига мувофиқ амалга оширилиши;

тил тизимининг даражаси, бу белгининг парадигматик қатордаги ўрни, шунингдек, синтагматика қоидаларига мувофиқлиги;

бадиий матннинг нашр этилган вақтини ҳисобга олган ҳолда ўзбек адабиётининг нуфузли норматив луғатларига таяниш принципи;

тизимли лингвистик маънолар ва контекстуал маъноларни фарқлаш ва мувофиқлаштириш тамойили: луғат ва грамматика билан мустаҳкамланган тил воситаларининг маъносидан келиб чиқиш усули;

контекстли семантик юксалиш ва модификацияларни очиқ бериш;

оғзаки индикатив контекстни ва вазиятни ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш принципи;

нутқ ишига яхлит ёндашиш тамойили: маъно қисми сифатида алоҳида матн компонентини талқин қилиш;

контекстли индекс минимал таркибга боғлиқ матннинг семантик ва модал яхлитлик сифатида бўлиши;

жанрни шартлаш принципи: матн элементининг маъноси маълум бир жанрнинг қонунлари бўйича талқин қилинади.

Коммуникатив-стратегик шартлилик тамойили:

мунозарали матнни таҳлил қилиш муаллифнинг позициясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

унинг нияти, лингвистик ифода воситаларини қасддан танлаб олиш ва уларнинг мурожаати;

нутқ муаллифи ва мурожаат қилувчи, кузатувчи позицияларини фарқлаш, ноаниқлик эҳтимолини таклиф қилиш тамойили;

тил воситаларининг маъноси ва функцияларини турлича талқин қилиш нуқтаи назарлари;

функционаллик принципи: эксперт таҳлили жараёнида муайян вазифаси;

матн компоненти ва маълум бир коммуникатив вазиятга киритилган бутун матн;

адабий тилдан шеваи фарқлаш

тамойили каби.

Экстремизмга қарши курашиш билан боғлиқ ишлар бўйича эксперт амалиётида бадий матнлар тобора кўпроқ тадқиқот объектига айланиб бормоқда: булар насрий матнлар (масалан, “Қир устидаги аёл” романи) ва драматик матнлар (масалан, Холиқ Хурсандовнинг “Ўлдинг, азиз бўлдинг” драмаси (Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театри) ҳамда шеърӣ (шеърлар, кўшиқ матнлари, нашр этилган шеърӣ тўпламлар ва кўшиқ альбомлари ҳамда клиплар шаклида тақдим этилган. Кўпинча, ижтимоӣ тармоқларда жойлаштирилган саҳифалар) матнлар каби.

Бадий асар баъзан экспертлар эътиборига шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тарғиб қилиш, порнографияни тарқатиш ҳамда матнларни лингвистик ёки психолингвистик экспертиза қилиш билан боғлиқ бошқа тоифадаги ишлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган. О.Н.Матвеевнинг фикрича, умуман лингвистик экспертиза билан боғлиқ ҳал этилмаган муаммолар маълум бир объект орқали мураккаблашади. Бунда талқин қилишда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган филологик анъаналар ва тахминлар мавжуд. Муаммо ўрганилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бир қатор саволларни ўз ичига олади. Муаллифнинг бадий асардан фойдаланиши уни жавобгарликдан қутқарадими? Қутқарса, қандай шароитларда? Бадий матннинг лингвистик экспертизаси доирасидаги малакаси унинг филологик талқини анъаналаригами ёки бошқа тахминларга асосланадими? Бадий асар қаҳрамонларини, жумладан муаллифни ҳам реал одамлар билан боғлаш қай даражада мумкин? [2]. Албатта, адабий матнни таҳлил қилишда муаллиф, ҳикоя қилувчи ва персонажни фарқлаш керак.

Ҳикоя биринчи шахс тилидан айтилса ҳам, бу баҳсли гапни муаллифнинг ўзига боғлаш мумкин дегани эмас. Бадий матнга хос бўлган хусусият талқиннинг кўплиги ҳам текширилиши керак бўлган лингвистик экспертизага тўсқинлик қилиши мумкин. Бадий матн таҳлили бўйича мутахассис олдида шу ва бошқа кўплаб саволлар туради.

Экстремистик материалларнинг ҳуқуқӣ аҳамиятли белгилари нифоқ ва адоват кўзғатиш, миллий, ирқӣ, этник, ижтимоӣ белгилари бўйича аниқланган одамлар гуруҳларига нисбатан зўравонлик ҳаракатларига чақириш, эксклюзивлик ва устунликни тарғиб қилиш, терроризмни ёқлаш белгиларидир. О.В.Кукушкина, Ю.А.Сафонова, Т.Н.Секераж томонидан таклиф қилинган Россия Адлия вазирлигининг эксперт марказларида тавсия этилган экстремистик матнларни таҳлил қилиш методологияси матнда учта семантик тузилмани аниқлашга асосланган бўлиб, ундаги маълумот турлари:

● нутқ мавзуси, яъни унга нисбатан оммавий баёнотнинг мақсади;

● ҳар қандай экстремистик маъно барча уч турдаги хусусиятларнинг комбинацияси бўлиб, уларни таҳлил қилишни талаб қилади;

● бу таҳлил принципи одатда адабий матнларга тааллуқлидир ва имтиҳонни тайинлаган орган томонидан қўйилган саволларга жавоб беришга имкон беради. Аммо бадий мулоқотни таҳлил қилишда баъзи қийинчиликлар пайдо бўлади [1].

Янги билим базалари, масалан, бадий матннинг мазмунини ўрганишнинг назарӣ асосларини ишлаб чиқишда экстремизмга қарши курашиш билан боғлиқ ишлар аҳамиятли. Уларни ҳал қилишда асосӣ эксперт вазифалари ажралиб туради. Бунда даъват, тарғиб, зўравонлик таҳдиди, камситиш, ҳақорат, нифоқ, адоват, нафрат кўзғалиши аломатлари тергов ишларида кўрсатилиши зарур.

Ҳозирги кунда миллатнинг маънавий камолотига тўсқинлик қилаётган таҳдидлардан бири бу – “оммавий маданият”. У экстремистик руҳдаги кенг маъноли терминдир. У четдан кириб келаётган миллий ва диний қарашларимизга ёт ғайриахлоқий иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси ҳисобланади.

Оммавий маданият жанридаги бадий асарлар ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарғиб қилаётгани сир эмас. У барча халқларнинг катта бойлиги бўлган ёшларни ўзига жалб қилиб, уларни маънавий қарашларни менсимасликка ва ёш авлодни енгил ҳаётга чақириб, масъулиятсиз руҳда вояга етишига сабабчи бўлмоқда. Қадимда ҳам доимо бузқликни, фахшни, беҳаёликни ҳар хил номлар билан ёқлашга интиладиган, тарғиб қиладиган ахлоқсиз тоифалар бўлган. Бундай бузқликларни эса ислом дини қоралаб келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Ким қайси қавмга ўхшашга интилса, қиёмат кунда ўша қавмдан бўлиб тирилади” [4], деган маънони берадиган ҳадиси шарифлари бор. Исломи дини инсоният ҳаётига таҳдид қиладиган барча ишларни тақиқлаган. Нафс бир ишга одатланса, чегара билмай қолади. Аллоҳ бандаларига шариатни юбориб, нафсни жиловлашни ва унга баъзи ишларда чегара сақлашни буюрган. Агар инсон ушбу чегаралардан ўтиб кетса, ўзи учун жабр қилган ҳисобланади.

Яратган бузқлик ва фахш ишларнинг ҳаром эканини Куръони каримда келтирган: “Албатта, Роббим ошкора ва яширин фахш ишларни ҳаром қилди” [6]. Бу эса ўзбек адабиётидаги баъзи бадий асарларда ўз аксини топган. Аммо бу лавҳалар бадий адабиётда очик тасвирланмаслиги, агар тасвирлангандаям ишоралар билан келтирилиши шарт. Адабиёт тарихи ва жараёнида Чўлпоннинг “Новвой қиз”, Асқад Мухторнинг “Фано

ва бақо” ҳикоялари ҳамда Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини”, Жавлон Жовлиевнинг “Қўркма”, Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” каби романларида баъзи ўринларда очик фахш тасвири кўзга ташланади. Бундай лавҳалар профессионал ёзувчилар томонидан ишоралар, пейзаж тасвири орқали берилдики, бунга мисол тариқасида Ч.Айтматовнинг “Алвидо Гулсари”си ёки бошқа асарларини кўрсатиш мумкин.

Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” романида шундай лавҳа бор: “Ўтирай деса, “хафа қилинмаслиги керак” бўлган киши шу қадар ёқимсиз эдики... У бармоқларининг қалтираётганини сездирмаслик учун қўлларини қовуштириб олганча меҳмоннинг қаршисига келиб тўхтади. Унинг кенг, гўштдор юзи, қават-қават бўлиб осилиб ётган бақбақалари, тугмалари очик кўйлаклари олдида гумбаздек дўппайиб турган қорни ва кўзларидаги одамни ерга урар даражадаги беписанд чорловни кўриб, баданлари жунжикиб кетди. Меҳмон эса ўрnidан туриб, лапанглаб унинг ёнига келди-да, нозик белларидан ушлаб, ичкарига бошлади... Нозима эса жикқа терга тушиб, ҳарсиллаб ётган “бир қоп гўшт”га хушомад қилиб авраш эмас, башарасини ҳам ҳеч қачон кўрмасам, хансирашларини ҳеч қачон эшитмасам, дер эди” [5]. Бу тасвирда қаҳрамон изтиробини ва персонажнинг интим ҳолатини очикланган.

Бадий асарда энг шафқатсиз қотилликларда ҳикоячи ўзига хос эстетикани кўради. У асар қаҳрамонлари ҳаракатларининг уйғунлигига, қотилликни уюштириш қобилиятига қойил қолади. Матнда лирик чекинишлар тарзида тузилган зўравонлик, шафқатсизлик, садизмга бой қотилликларнинг тасвири, оғзаки тажовузкорлик белгиларини ўзида мужассам этган, содир бўлаётган воқеаларга ҳикоячи томонидан билдирилган муносабат ўқувчида бундай

ҳаракатлар содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғояларни шакллантиришга қаратилган. Тоғай Мурод қаламига мансуб “Отамдан қолган далалар” асарида ҳам шундай ўринлар учрайдики, бу ёвузлик ва экстремистик ҳаракатнинг тасвири ўлароқ кўзга ташланади. Ундан ташқари, садизмнинг тарғиби кўзга ташланади:

Шунда, «Сокол» чуйдамдан босди.

Мен шунда-да куч бермадим!

Энди, «Садист» бўйнимни чатаноқлари орасига олиб-олиб бўғди. Кекирдагимга бошмалдоқ босиб-босиб бўғди...

Мен оғзимни каппа-каппа очдим. Ҳир-хир этдим.

«Сокол» кўлрўмол билан тезак олди.

Мисоли палов ошатмишдайин-палов ошатмишдайин оғзимга солди.

Мен ютинмадим – тезагимни оғзимда ушлаб турдим.

«Садист» бошимни чайқаб-чайқаб олди. «Садист» бошимни силтаб-силтаб олди.

Мен шунда-да ютинмадим! «Сокол» ичимга созлаб-созлаб кўрмушт урди!

Ичим шилқ этди!

Ичим тортиди – тезагимни тортиб олди...

— Ош бўлсин! — деди «Садист».

— Ош бўлсин! — деди «Сокол».

— Ўқчияпти... туйилиб қолди-ёв!

— Туйилиб қолса... тўқсон беш чой ичирамиз-да! «Садист» тувакдан бир ҳовуч сийдик олди. Оғзимдан сийдик қуйди...

— Ош бўлсин» [3;159].

Энг шафқатсиз қийноқларда ҳикоячи ўзига тазйиқнинг кулминациясини кўради. У қамоқдагилар ҳаракатларининг уйғунлигига, зўравонликни уюштириш қобилиятига қойил қолади. Бу тасвирда ҳам миллатчилик, ҳам эътиқодий, ҳам жисмоний тажовуз кўзга ташланади. Матнда лирик чекинишлар тарзида тузилган зўравонлик, шафқатсизлик, садизмга бой ҳаракатларнинг тасвири, оғзаки тажовузкорлик белгиларини ўзида мужассам этганига эътибор қаратиш зарур. Содир бўлаётган воқеаларга ҳикоячи томонидан билдирилган салбий муносабат ўқувчида бундай ҳаракатлар нафақат содир бўлиши, балки ғояларнинг шакллантирилиши ҳам ўқувчини хайратга солади. Ахлоқий норма четланганини кўрамиз. Бу эса инсон шаъни, кадр-қиммати камситилишининг бир кўриниши. Матндаги бундай эпизодлар берилиши ёки ўқилиши, ҳеч бўлмаса, ёшга қараб белгиланиши лозим. Бунда +6, +18, +24 ёки +30 тарзида берилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кукушкина О.В., Сафонова Ю.А., Секераж Т.Н. Теоретические и методические основы судебной психолого-лингвистической экспертизы текстов по делам, связанным с противодействием экстремизму. – Москва: ЭКОМ-Публишер, 2011. – 326 с.
2. Матвеева О.Н. Художественный текст как объект лингвистической экспертизы // Юрислингвистика, 2007. – № 8. – С. 370-372.
3. Мурод, Тоғай. Отамдан қолган далалар: роман. www.ziyouz.com.
4. Нарзиев И. Ёт ғоялардан сақланинг: “Оммавий маданият” хатари. <https://sirdaryo-muslim.uz/620/>.
5. Эргашева Ж. Қир устидаги аёл. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 244 б.
6. <https://namaz.today/al-quran/surah-7/ayah-34>



ИЗУЧЕНИЕ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ЯВЛЕНИЙ ВО ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКЕ

Зебо Турабовна МУСИНОВА

доцент

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

dilfuza.toirova@mail.ru

Аннотация

В статье рассмотрена суффиксация в классе имён существительных, которая занимает столь большое место не только потому, что суффиксы и модели в нем наиболее многочисленны и разнообразны. Именно в суффиксации имён существительных лучше всего видны некоторые общие языковые процессы, происходящие в области словообразования.

Ключевые слова: теория, результат, направление, словообразование, структура, лингвистика, морфология, язык, грамматика, категория, результат, класс, разряд, слова, наука и.т.д.

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА СЎЗ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ХОДИСАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Зебо Турабовна МУСИНОВА

доцент

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Самарқанд, Ўзбекистон

dilfuza.toirova@mail.ru

Аннотация

Мақолада кўшимчалар, моделлар кўплиги ва хилма-хиллигининг катта ўрин эгаллаганлиги, от туркуми кўриб чиқилди. Шунингдек сўзларни шакллантириш соҳасида юзага келадиган умумий лингвистик жараёнлар билан боғлиқ бир қатор масалалар акс эттирилади.

Таянч сўзлар: назария, натижа, йўналиш, сўз шаклланиши, тузилиши, тилшунослик, морфология, тил, грамматика, категория, натижа, синф.

Известно, что словарный состав языка непрерывно обновляется, пополняется, приспособляется к потребностям жизни общества и общения между людьми. В соответствии с этими потребностями происходит как изменение значений уже существующих слов, развитие в

них новых значений, так и созданные новых лексических единиц на основе уже существующих. Одним из эффективных способов создания таких лексических единиц является словообразование [6;3].

В лингвистике пока ещё нет единого определения понятия «словообразование».

Так А.С.Смерницкий пишет, что само понятие «словообразование» может трактоваться двояко:

1) Как факт появления нового слова, например, от слова *porte* образуется слово *portier*;

2) Как наличие в языке соответствующего исторического периода словообразовательных типов [4;65].

Известный специалист по французскому словообразованию Э.А.Халифман отмечает, что словообразовательный процесс характеризуется определённым отношением, при котором словообразующая основа представляет собой более простое по структуре, по своему звучанию и значению, и выступает как исходное, новообразованное слово – более сложное по структуре и выступает как производное от него.

В настоящее время внимание языковедов привлекает не только описание способов создания новых слов, но и разработка общей теории словообразования. Результаты, достигнутые в этом направлении, значительны и привели к изменению положения словообразования в ряду лингвистических дисциплин. Далее его полностью относили либо к морфологии, либо к лексикологии или отводили ему промежуточное место между этими двумя отраслями науки о языке.

Словообразование тесно связано и с той и с другой лингвистической дисциплиной. Связь словообразования с морфологией наблюдается в том, что деривация новых слов затрагивает вопросы их строения, т.е. вопросы морфологии. Изучение словообразовательных явлений и процессов не может обходиться без учёта грамматических категорий слов, выступающих как словообразовательная основа. А словообразовательные элементы (аффиксы) обычно являются показателями принадлежности производного слова к определённой части речи.

Словообразование так же тесно связано с лексикологией. Изучение словообразования – это одновременно изучение пополнения словарного состава языка. Кроме того, словообразовательные элементы позволяют выделить группы слов не только по их грамматической принадлежности, но и по лексико-семантическим признакам, по принадлежности к определённым классам и разрядам слов.

Хотя словообразование связано с морфологией, а точнее, с проблемами морфемного состава, она отличается от морфологии, как объектом, так и методом исследования.

Морфология имеет дело со словом, готовой единицей языка, и изучает то, из чего сделано слово. Задача словообразования – определить, как сделано слово.

Рассмотрим взаимоотношение морфологии и словообразования на примерах. Известно, что слово может делиться на основу (*thime*) и окончание (*desinens*). Основа, в свою очередь, может состоять из корня (*radical*), или корня (*affixes*) – префиксов (*prefixes*) и суффиксов (*suffixes*), ср.: *inter-planet-aire*.

Во французском языке очень часто наблюдаются факты совпадения основы с корнем, ср.: *mer, ciel, sol, terre* и т.п.

Французский язык обладает сложной и многообразной системой словообразовательных средств. Для каждой части речи используются определённые, характерные только для неё способы словообразования.

В зависимости от языкового уровня, к которому относятся словообразовательные средства, различают три основных типа словообразования: фонетический, морфологический и семантический. [3;73].

Как отмечает З.Н.Левит словообразование ещё мало изучено, а его значение порой недооценивается. Известный французский лексиколог П.Гиро уделял большое внимание этому вопросу и выделил

среди других лексических структур многочисленные онематопеические (звук-оподражательные) слова. Эти слова, по его мнению, фонетически мотивированы, ибо они воспроизводят, хотя и условно, различные шумы и природные звуки, например крики животных – *coucou*, различные эмоциональные состояния – *chut*, *past* и т.п. Онематопеические слова могут быть первообразными, например, *craquer*, *craquement*. Большинство глаголов, обозначающих крики животных, являются производными: *beler* «блеять», *beugler* «мычать», *caqueter* «кудахтать», *coasser* «квакать», *croasser* «каркать» и т.п.

При своём возникновении всякое знаменательное слово обозначает то или иное понятие, но значение слова и выражаемое в нём понятие на определённом этапе развития языка могут не совпадать. Значение слова в процессе развития языка может расширяться, и тем самым одно и то же слово используется для нескольких понятий. Таким образом, при семантическом словообразовании форма слова не изменяется, изменяется лишь его значение или функция. Например: *voler* – летать, *voler* – красть, *passant* – *le passant* и т.п.

Теперь перейдём к рассмотрению морфологического словообразования. Оно является наиболее важным, продуктивным и многообразным средством создания новых слов. Оно осуществляется с помощью имеющихся в языке морфем – корневых и аффиксальных, а также слов и устойчивых словосочетаний. Корень и аффикс имеют лексическое и грамматическое значение. Их обычно называют морфемами. Морфема – это наименьшая единица языка, обладающая значением. Различают следующие морфемы:

- 1) корневые;
- 2) аффиксальные, словообразовательные (суффиксы, префиксы) и
- 3) словоизменяющие (особые суф-

фиксы, флексии).

Также как и в других языках, во французском языке все слова подразделяются на непроизводные (*non-derivés*) и производные (*derivés*):

maison f → *maisonette* f

triste adj → *attrister* vt

acheter vt → *acheteur*, *euse* m, f

Производные слова отличаются от непроизводных не только по форме, но и по значению. Как правило, непроизводные слова более простые по форме и значению. Очень часто они относятся к разным частям речи. Производные слова соотносятся с непроизводными, и вполне возможно объяснить значение производного, зная, с какими словами его следует соотнести. В свою очередь производное слово может стать производным для другого производного слова, *reel* → *realiser* → *realisation*.

Образование новых слов происходит в каждом языке по определённым свойственным только данному языку словообразовательным моделям, по определённым типам основ, аффиксов и типам связи между ними.

Понятие словообразовательной модели является основным в теории словообразования. Под этим термином понимается закономерное расположение элементов слова (морфем и эквивалентов морфем), которому соответствует обобщенное типовое лексическое значение. М.Д.Степанова даёт следующее определение словообразовательной модели: словообразовательная модель – это стабильная структура, обладающая обобщенным лексико-категориальным значением и способная наполняться лексическим материалом.

Таким образом, словообразовательная модель отражает двойственную природу слова – языкового знака, включающего план выражения (означающее) и план содержания (означаемое). Так, например,

слова *chanteur, danseur, crieur, marcheur* и т.п. объединяются одинаковостью формальной структуры «глагольная корневая морфема + суффикс *eur*», т.е. формулой *rad.verb+eur*, а также общим категориальным значением «производитель действия, выраженного глагольной корневой морфемой» (*un danseur est celui qui danse, un chanteur est celui qui chante* и т.д.)

Во французском языке эти модели могут быть как «народного», так и «книжного» происхождения, а иногда и заимствованными из других языков.

Важно так же отметить, что морфологическое словообразование подразделяется на словообразование синтетическое и аналитическое. Такие производные слова как *chanteur, clairement, tapage*, представляют собой соединение лексических элементов (*chant -, clair -, tap-*) и служебных (*-eur, -ment, -age*) подобно тому как формы слова *chanteur: chantai, chantais, chanterai* и т.п. также состоит из корневых морфем *chant -* и служебных морфем *-er, -ai, -ais, -erai*, которые выражают глагольные категории лица, числа, времени, наклонения и залога. Это и является синтетическим словообразованием.

Модель аналитического словообразования включает соединение раздельно оформленных элементов, например: *avoir lieu, prendre place, par coeur, avec soin, pendant que* т.п. аналитическая лексическая единица является эквивалентом слова, обладает его качествами. [3;76].

Когда говорят о деривации, то имеют в виду прежде всего суффиксальное словопроизводство. Суффиксы служат для образования новых слов на основе уже существующих. Но каковы их более частные функции и одинаковы ли они для всех суффиксов?

Эти вопросы полностью рассмотрены в работе Н.Д. Арутюновой «Очерки по словообразованию в современном

испанском языке». Всем суффиксам свойственна классифицирующая лексико-грамматическая функция: участвуя в создании нового слова, суффикс вводит его в определённый лексико-грамматический класс, определённую часть речи, при этом многие суффиксы переводят основы из одного грамматического класса в другой: *vender-vendeur-vendable* – суффикс *-eur* переводит глагольную основу в класс существительных, суффикс *-able* – в класс прилагательных.

Как правило, суффикс связан с определённой частью речи. Различают суффиксы субстантивные, адъективные, глагольные, наречные. Таким образом, суффикс является одним из показателей принадлежности слова к той или иной части речи. Однако для французского языка характерна общность целого ряда суффиксов для образования существительных и прилагательных (*-aître, -iste* и др.).

Большая часть суффиксов в особенности субстантивных, имеет ещё и вторую функцию, но иного порядка: они группируют слова по семантическому признаку, подводят их под очень обобщенные семантические классы, как, например, деятеля, орудия, действия, места действия и т.д.

Конкретные лексические значения отдельных слов с одним и тем же суффиксом, построенных по одной модели, определяются нормой и могут быть разнообразны и многочисленны, иногда отдаваясь от обобщенного категориального значения.

Эта функция суффиксов имеет большое значение в терминологических подсистемах, в научных классификационных терминологиях. Так, в ботанике, зоологии специальные суффиксы различают род, семейство. Например, в зоологии – *ides* указывает на семейство: *bovides, canides, felides*; *-ines* – на род: *bovines*,

ovines, antilopines. В ботанике суффикс семейства это – *acces*: *composacces*, *goacces*, *orchidacces* и т.д. в химии суффиксы различают вид химических соединений. Например, *chloreux* – хлористый, *chlorique* – хлорноватый, *chlorite* – соль хлористой кислоты. В медицине – различные типы заболеваний (*-ite* – острый воспалительный процесс, *-ose* – хроническое заболевание, *-ome* – опухоль и т.п.).

Однако следует уточнить, что в семантической классификации производных слов, объединении их в семантические классы, участвует не только суффикс, но и основа с её лексико-грамматическими, другими словами, – вся структурная модель. Так, например, суффикс – *erie* служит для образования существительных с различными значениями – качества, действия и его результата, места производства, собирательности. Это зависит от того, к какой части речи принадлежит исходное слово (основа) и каковы его дополнительные категориальные признаки (лицо, предмет). Не маловажную роль играет и лексический разряд основы: *jardin* и *rotme* – существительные предметные,

тем не менее, *jardinier* и *rotmier*, несмотря на общность суффикса, входят в разные семантические классы – имени лица и предмета.

Третьей функцией суффикса можно считать выражение определённого отношения между основой и производным словом. Так из нескольких суффиксов имени лица (*-eur*, *-ier*, *-iste* и т.д.) одни указывают на отношение (активное) лица к действию, другие на отношение к предмету.

Суффиксы могут, не изменяя при этом грамматического класса основы, вносить в её значения модификации «количественного» порядка – придавать ему ослабленный или уменьшительный вид, увеличительный, собирательный характер: *rouge* – *rougeatre*, *pale-palot*, *toussier-toussoter*, *maison-maisonette*, *balle-ballon*, *pausan-paysannerie*.

Суффиксы могут также выражать отношение говорящего к предмету, лицу, действию, уничтожительное, ласковое отношение и т.п. они могут также, свидетельствовать о принадлежности слова к тому или иному стилю речи и лексическому стилю (литературная норма, разговорно-фамильярный стиль, арго).

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ганшина К.А., Петерсон М.Н. Современный французский язык. – Москва: Высшая школа, 1947. – 205 с.
2. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – Москва: Международные отношения, 1977. – 264 б.
3. Левит З.Н. Лексикология французского языка. – Москва: Высшая школа, 1979. – 160 с.
4. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – Москва: Литературы на иностранных языках, 1956. – 269 с.
5. Халифман Э.А., Макеева Т.С., Раевская О.В. Словообразование в современном французском языке. – Москва: Высшая школа, 1979. – 128 с.
6. Штейнберг Н.М. Аффиксальное словообразование во французском языке. Ленинград: Ленинградский ун-т, 1976. – 314 с.



ФЕНОМЕНОЛОГИЯНИНГ ФАЛСАФИЙ, ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА АДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муяссар Йўлдош кизи ТИЛОВОВА

докторант

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада жаҳон адабиётининг етакчи мавзуси бўлган муаллиф ва ўқувчи онги ҳодисаларини таҳлил қилишга қаратилган ўзбек адабиётида феноменологик усулнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: психологизм, адабиёт, психологик таҳлил, онг, руҳият, характер, диалог, мимика, архаизм, неологизм, диалектизм.

ФИЛОСОФСКИЕ, ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФЕНОМЕНОЛОГИИ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ ПРИНЦИПЫ

Муяссар Юлдош кизи ТИЛОВОВА

докторант

Каршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В статье рассматривается развитие теоретико-методологических основ феноменологического метода в узбекской литературе, направленного на анализ феноменов авторского и читательского сознания, лидера мировой литературы.

Ключевые слова: психологизм, литература, психологический анализ, знания, сущность, характер, диалог, архаизм, неологизм, диалектизм.

Сўнги йилларда адабиётшуносликда “феноменал”, “феномен”, “феноменология” ёки “феноменологик метод” каби атамалар қўлланила бошлади. Фанда бирор терминнинг пайдо бўлиши бу ижобий ҳодиса, албатта. Чунки у янгича ёндашув, янги нуқтаи назарни англатади. Шу билан бирга соҳанинг узлуксиз ривожланиши, бойиб боришига хизмат қилади. Айниқса, адабиётдаги тўхтовсиз ҳаракатда бўлган жараён учун “феномен”, “феноменология”, “феноменологик таҳлил” ўзбек адабиётшунослигида янги йўналиш бўлиб,

ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Бу атама билан боғлиқ маълумотлар ўзбек тилида 1976 йили нашрдан чиққан “Философия луғати”да учрайди. Унда “феномен”, “феноменизм” ва “феноменология” атамаларининг луғатга хос умумий қисқача шарҳи келтирилган [1.514]. Бу шарҳлар феноменологиянинг объекти, мақсади, қўлланилиши билан боғлиқ етарлича тасаввурни бермайди. Феноменология ва уни адабиётшунослик методи сифатида қўллаш билан боғлиқ ишлар тугал эмас. Адабиётшунослигимизда қўлланаётган

илмий методлар орасида феноменологик метод деярли учрамайди.

“Феномен” атамаси китобларда, конференция, илмий мақолаларда учрапти. Ҳатто атаманинг шахсларга нисбатан ҳам қўлланилаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу тенденциянинг ривожланиши асосан адабий танқидда феноменологик усулларнинг етишмаётгани билан боғлиқдир. Кўпинча сарлавҳада кўрсатилган “феномен” истилоҳи ўзининг мавжудлиги билан яширин нарсанинг маънолари ва имкониятларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Афсуски, “феноменологик” деб юритилаётган асарларда бу сўз фақат жозибадорлик учун ёзилиб, унинг асосий моҳияти кўпинча тушиб қоляпти. “Адабиёт назариялари” ва “Адабиётшуносликка кириш”да феноменологик методология кўрсатилмаган.

Бадий асар таҳлиliga феноменологик метод доирасида ёндашишдан олдин ушбу истилоҳнинг тарихи, келиб чиқиш ва қўлланилиш шароити ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Аслида, “феноменология” ёки “феноменологик метод” яқинда пайдо бўлган тушунча эмас. Феноменология қадимда ҳам мавжуд эди, аммо бошқа фанлар билан қоришиб кетгани учун алоҳида номланмаган. Феноменология тарихига назар солсак, истилоҳ, дастлаб, адабий термин сифатида эмас, философик луғатларда фалсафий термин сифатида ишлатилганини кўрамиз. Масалан, Россия “Фалсафий атамалар луғати”да “феномен – биз учун мавжуд ҳиссий тафаккур шаклидаги нарсалар бўлиб, “нарсанинг ўзи”дир, унга қарши нарсанинг ҳиссий тафаккурдаги ноаниқ, анланмаган шакли ноумен туради” дея изоҳ келтирилади [3.614]. “Фалсафий энциклопедик луғат”да эса “Феномен – халқ томонидан идрок этилган ҳодисанинг асоси, моҳиятидир. У ноумендан фарқли равишда ҳиссий билиш тажрибасида анланади” деб шарҳланади

[2.717]. Э.Поляков “Ақлий тасаввурларнинг феноменологияси” монографиясида “феномен” сўзига юнончадан келиб чиққан “борлик”, “мавжудлик” ёки “ҳодиса” деб таъриф беради [4.74]. Қадимги юнон фалсафасида бу ҳаракат, ҳодиса дейилади, берилган ҳиссий тажрибадаги нарса тушунилади. Ҳодисага нисбатан сезги, ғоя ва идрокнинг ташқи ёки ички тажрибасида онга берилган нарса сифатида қаралиши назарда тутилади.

“Феномен” сўзини, немис олими Э.Кант қўллаган, Э.Хуссерл унинг назарий асосларини ишлаб чиққан ҳамда фалсафа ва психология ўртасидаги мустақил фан эканини исботлаган. (Хуссерл рус тилидан таржима қилинган адабиётларда Гуссерл деб қўлланган. Аммо у немис файласуфи бўлиб, немис тилида Хуссерл деб ёзилгани учун биз шундай қабул қилдик). Кантнинг фикрига кўра “феномен” ҳодисадир, ҳодиса эса объектдир [5.176]. Яъни нарсанинг онгимизда мавжуд тафаккурда кўринадиган шакли. Объектни ўрганиш учун эса унинг ўзига мурожаат қилиш керак. Чунки объект у анланганидан кейин маълум нарсага айланади. Нрсанинг анланиш жараёнига нисбатан эса интенционалик тушунчасини ишлатамиз. Онгимизда анланилган ҳодисалар феномен бўлса, анланилмаганларини ноумен деб атаймиз. Онгдаги тушуниш ва анлаш жараёнида ноумен феноменга айланиб бораверади. Демак, феномен нарса ва тушунчанинг анланган шакли бўлса, ноумен ҳали идрок этилмаган, тасаввурдан ташқари шаклдир. Феноменологиянинг моҳияти эса “Нрсанинг ўзига қайтиш”дир [5.167]. Чунки объектни ўзидан ташқарида ўрганиб бўлмайди, моҳият унинг ўзида бўлади. Шунинг учун соҳани психология ва фалсафадан алоҳида ажратиб олиб ўрганолмаймиз. Бадий асарни феноменологик шарҳлашда, албатта, фалсафий ва психологик тамойилларга таянамиз. Аммо феноменологик шарҳлаш

узули деярли барча фанга тааллуқлидир. Голланд диншуноси ва дин тарихчиси Пер Чантепи де ла Соусс ўзининг “Динлар тарихи дарслиги” сўзбошида биринчи бўлиб “Дин феноменологияси” атамасини ишлатган [6.197]. Ушбу асарда тарих ва фалсафа ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда феноменологик тадқиқот узули тақлиф этилади.

Феноменологияга нисбатан XVI-II асрларда фалсафа фани негизидаги тушунча деб қаралган. Мустақил фан бўлиб ажралиб чиқмаган. Бу истилоҳнинг дастлаб ким томонидан ишлатилгани билан боғлиқ турли фикрлар мавжуд. Аммо у асосан немис фалсафасидаги тушунча бўлиб, кейинчалик бошқа файласуфларнинг тадқиқотларида пайдо бўлган. “Феноменология” атамасини лотинчадан кириб келганини “Шведенборг ва бошқаларнинг борлиқ ва коинот ҳақидаги фалсафаси” асарида Кристоф Фридрих Этингер айтиб ўтади. Унинг асосий ғояси борлиқ ва материя тўғрисида. Инсондаги онг сезгисини дунёдаги барча рухий нарсаларни тушуниш органи ҳисобланиб, уни борлиқ марказида тасвирлайди. Кейинчалик Иоганн Гейнрих Ламберт “Янги Ораганон” асарида “феноменология” атамасини ишлатади [7.63]. Ламберт ҳам феноменологияни фақат фалсафий тушунча сифатида шарҳлаб, бадий адабиётга тегишли жиҳатлари ҳақида гапирмаган. Унинг айна шу мавзуда Кант билан ёзишмалари ҳам бўлгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ламберт ўз асарида феноменологияни ҳодисаларнинг метафизик жиҳатдан ҳақиқатни тушуниш воситаларини кўрсатиши керак бўлган нарсалар ҳақидаги таълимот сифатида шарҳлайди. Биз номини тилга олган ҳар икки файласуф ҳам феноменологияга қисқагина шарҳ бериб ўтади. Уларнинг фалсафий асарларида бу таълимотнинг бадий адабиётга доир жиҳатлари ҳақида гапирилмайди.

Феноменологиянинг нисбатан мукамал талқини Кант ва Гегель асарларида берилади. Аммо бу мутаффакирлар ҳам асосан фалсафий нуқтаи назардан ёндашган. Бироқ айна ёндашувлар соҳанинг пойдевори бўлган. Феноменологияни учта – Кант, Гегель ва Хуссерл таълимотларига ажратиб ўрганамиз. Улардан Хуссерл таълимотини адабиётшунослик ва бадий асар таҳлилига жорий қилишимиз мумкин ва мутахассилар бунини классик феноменология деб аташади. Гегель “Рух феноменологияси” номли фалсафий асарида инсон онгининг ривожланишини борлиқнинг ўзидан англашга ва тушунтиришга ҳаракат қилади. Онг ривожланиб борар экан, унда янги объектларнинг пайдо бўлишини шарҳлаб ўтади. Гегель келтирган ноклассик таълимот синтез концепциясига таянади. Соддароқ тушунтирилса, тасаввур феноменологиясига. Кант тасаввурнинг яна бир номини тажриба деб атайди. Файласуф материядаги билимларни ҳиссий ва интеллектуал деб иккига ажратади ҳамда уларни ҳодисалар ва объектлар дунёсига бўлади. Ҳодисалар макон ва замонга, объектлар эса ақл категорияларига бўйсунди [8.82]. Аммо ҳар иккисини идрок феноменологияси кузатади, таҳлил қилади. Хуссерл Кантни сезгирлик ва идрокни катъий ажратгани учун бир неча бор танқид қилган бўлса-да, бироқ унинг ғоялари ўзининг классик феноменологиясига асос бўлганини алоҳида эътироф этади.

Хуссерлнинг шогирди М.Хайдеггер ўзининг “Борлиқ ва вақт” фалсафий асарида “феномен”нинг асл маъносига нисбатан “Бу ўзини кўрсатадиган нарсадир. Уни юнонлар ҳам оддийгина борлиқ деб атайдилар. Борлиқ ўзини бизнинг унга қандай ёндашувимизга қараб намоён қилади”. “Ҳодисалар” сўзи борлиқнинг ўзи, ўзида қандай бўлса шундай очиқ маъносини билдириб, кўринишни англатади ва фақат

ташқи кўриниш сифатида намоён бўлади. Феномен мавжудликнинг ўзини кўрсатиб, бизга дуч келиш ҳолатини англатади” дея таърифлайди [9.9]. Агар Хайдеггернинг фикрига асослансак, феноменология билан борлиқ тилини тушуна бошлаймиз, оламдаги нарсалар, ҳодисалар бизга ўз тили билан мурожаат қилади. Дунёни, илм-фан ва унинг предметини ўрганишдан олдин “инсон”ни ўрганиш керак. Материядаги барча нарса инсон мавжудлигига асосланади. Инсоннинг мавжуд бўлиши эса онгга асосланади. Борлиқ шакллари феноменологик ўз-ўзини намоён қилиш шакллари белгилайди, бу нуқтаи назарда “ўзини кўрсатиш” борликда мавжуд бўлишни англатади. Феноменологик усул дунёга илмий қарашдан кўра кўпроқ бадиий қарашга яқиндир. Хайдеггер бундай қарашни “герменевтик феноменология” деб атади [9.19]. Герменевтика – матнларни шарҳлаш бўлса, феноменологик герменевтика – матнни шарҳлаш орқали муаллиф онгига, шахсиятига яқинлашиш ва бу орқали матндаги асл маънони юзага чиқаришдир.

Хуссерлнинг шогирдларидан Роман Энгарден феноменология билан дастлаб И.Кант, кейин Гегель шуғулланганини таъкидлаб, 1900–1901 йилларда бири-биридан мутлақо беҳабар учта асар нашр этилганини ёзади. Эдмунд Хуссерлнинг “Мантикий тадқиқотлар”, Александр Пфендернинг “Васият феноменологияси”, Макс Шелернинг “Трансендентал ва психологик метод” асарлари. Аср бошларида ривожланган феноменологик ҳаракатлар Биринчи жаҳон уруши йилларида тўхтаган бўлса-да, Хуссерл иккинчи йирик асари “Соф феноменология учун ғоялар”ни ёзиб тугатди. Тадқиқотдаги баъзи маълумотлар учун айни китобнинг инглиз тилидаги вариантыга асосландик. Хуссерлнинг вафотидан кейин 1950 йилда унинг ижодий мероси тўпланиб, 11 жилддан иборат “Гуссерлиана” асари нашр этилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам соҳага кўп эътибор қаратилмаган бўлса-да, урушдан кейин Францияда унинг шогирди М.Хайдеггер туфайли феноменология ривожланди.

Эдмунд Хуссерлнинг инглиз тилига таржима қилинган “Соф феноменология ва феноменологик фалсафа ғоялари” асарида “феномен” атамасининг тўла маъноси шарҳланган. “Феноменология назарияси, бошқа барча фанларга нисбатан ягона позицияни тавсифлаш ва фалсафа учун муҳим бўлган фан сифатида намоён этишимиз керак бўлган янги фан бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти табиий фикрлашдан узокдир ва шунинг учун ҳозирги даврга келиб ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда” [10.17]. Хуссерлнинг бу фикрлари узок вақтлардан буён маълум бўлган бошқа фанлар ҳам феноменга тегишли эканини кўрсатади. Биз психологияни рухий ҳодисалар ҳақидаги фан, табиатшуносликни жисмоний ҳодисалар ҳақидаги, геометрияни шаклий ҳодисалар ҳақидаги фан, тарих фанида тарихий ҳодисалар, маданият фанида маданий ҳодисалар тўғрисида гап бориши ва бу фикр қолган барча илмлар учун ҳам амал қилишини кўраимиз. Қайси макон, қайси замон ва қайси фан доирасида ва қандай кўшимча белгиларга эга бўлишидан қатъи назар, ҳодисаларнинг барчаси феноменологияга тааллуқлидир. Барча белгиларга нисбатан эса “феноменон” сўзини қўллаймиз. Ушбу истилоҳни тушуниш ёки феноменологик муносабатни юзага келтириш, акс этириш орқали унинг ўзига хос хусусиятини илмий онгга кўтаришни Хуссерл асосий вазифа этиб белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Р. Философия лугати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – 514 б.
2. Ильичев Л.,Ф. Федосев П.Н. Философский энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1998. – 717 с.
3. Кузнецов В Г. Словарь философских терминов. – Москва: ИНФРА-М, 2005. – 614 с.
4. Поляков С Э. Феноменология психических репрезентаций. – Москва: Питер, 2011. – 74 с.
5. Мотрошиловой В., Руткевича М. История философия. – Москва: Греко-латинский кабинет, 1999. – 176 с.
6. Шантепи де ла Соссе. Учебнику по истории религий. – Москва: Конон, 1996. – 197 с.
7. Bekon F. The new Organon. trans: Jonathan Bennett. Book-1. 2017. – В.63
8. Hegel. Phenomenology of spirit. Trans: Millier V. Oxford university Press, 1977. – P.82
9. Heidegger M. Being and time. Trans: Stambaugh J. London; Harper Torchbooks, 1972 – P.9
10. Husserl E. Ideas pertaining to a pure phenomenological philosophy. Trans: Kertsen. Boston; Lancaster, 1983. – P.17

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ЁР-ЁРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Хулкар Қахрамоновна АЛИҚУЛОВА

катта ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

hulkaraliqulova79@gmail.com

Аннотация

Туркий халқларнинг тўй маросимлари билан боғлиқ “ёр-ёр” кўшиқларининг ўзига хос ижро ўрни, ижро усули, ифода мақсади, поэтик хусусиятлари, тузилиши, қофияланиши таҳлил қилинганда, айнан ўзига хос, ҳамда ўхшаш жиҳатлар мавжуддир. Мақолада ўзбек ва қозоқ ёр-ёр кўшиқлари қиёсий типологик таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: маросим, одат, қофия, поэтик хусусият, қиёсий таҳлил.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УЗБЕКСКИХ И КАЗАХСКИХ НАРОДНЫХ ПЕСЕН “ЁР-ЁР”

Хулкар Қахрамоновна АЛИКУЛОВА

Старший преподаватель

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

hulkaraliqulova79@gmail.com

Аннотация

При анализе своеобразия места исполнения, способа исполнения, цели выражения, поэтических особенностей, структуры, рифмовки песен «ёр-ёр», связанных со свадебными обрядами тюркских народов, выявляются специфические и сходные аспекты. В статье проводится сравнительно-типологический анализ узбекских и казахских песен ёр-ёр.

Ключевые слова: обряд, обычай, рифмовка, поэтический признак, сравнительный анализ.

Туркий халқлар оғзаки ижоди тарихининг илк даврлари ўрганилганда туркийлар номи билан шуҳрат қозонган кўплаб халқларнинг урф-одати, маросими, маданиятига мурожаат қилиш ўринлидир. Чунки бугунги кунда мустақил миллат сифатида шаклланган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, озарбайжон, усмонли турк,

татар, ёкут ва бошқа халқлар қадимги туркийларнинг авлодларидир [1;6].

Шу маънода туркий халқларнинг тўй маросимлари билан боғлиқ оғзаки ижод намуналарида ҳам айнан ўзига хос, ҳамда ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги кўзга ташланади. Айниқса, никоҳ тўйи маросими фольклорнинг анъанавий

жанрларидан бири ҳисобланган “ёр-ёр” кўшиқларининг ўзига хос ижро ўрни, ижро усули, ифода мақсади, поэтик хусусиятлари, тузилиши, қофияланиши таҳлил қилинганда, туркий халқлар оғзаки ижодидаги ўхшаш жиҳатлар яққол кўзга ташланади.

Никоҳ тўйи маросими га оид илк қайдлар XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотут-турк” асарида никоҳ тўйи билан боғлиқ бир қанча сўзларнинг изоҳи келтирилади [11;214-215]. Қолаверса, Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида “ёр-ёр” жанрига шундай таъриф беради: “Яна “чинга” дурким, турк улуси зифоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур боғоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф бахридур ва “ёр-ёр” лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқким, байт:

*Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр
– Ким дамидин тушти ўт жоним аро,
ёр-ёр?*

*Муфтаилун фоъилон муфтаилун
фоъилон*” [5;93].

“Чинга” атамаси “Мухтасар”да ҳам учрайди. Кўринадикки, илми арузда вазни сабаб тилга олинган “чинга” жанри бугун радифи асосида номланмоқда. Халқнинг аксарият ёр-ёрлари бармоқ вазнида, камдан-кам ҳолларда арузда битилганини қайд этиш лозим. Тўй кўшиқларидан бири саналган ёр-ёрларга шундай таъриф берилади: “Қиз узатар кечасида айтиладиган кўшиқлардан бири “ёр-ёр”лардир. “Ёр-ёр” кўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб куйланиши, нақаротлари билан ажралиб туради” [8;38].

Туркий халқлар фольклорини тўплаш, ўрганиш, нашр этишда рус олимларидан Ч.Ч.Валихонов, В.В.Радлов, Н.Ф.Катанов, Н.Н.Пантусовларнинг хизматлари катта бўлган. Уларнинг изланишлари фольклор асарларини тўплаш, нашр

этириш, тартибга солиш, мавзу ва жанр хусусиятини, ижро ўрни, ижро мақсади, ижро жараёнидаги таъсир кучи, ижтимоий-маиший маросимлардаги аҳамиятини ўрганиш билан бир қаторда, илмий тадқиқотларга сабаб бўладиган муаммоларни очиб бериш учун дастлабки пойдевор ҳисобланади.

Ўзбек халқ тўй маросими фольклори жанрлари, удумлари М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, С.Давлатов, Н.Қуронбоева, О.Исмонова, Л.Худойкулова, Ф. Ҳайитова, М.Муродова каби олимлар томонидан ўрганилган. Қолаверса, О.Сафаров, С.Давлатов, О.Исмонова, О.Боқиев, А.Абдурахмоновнинг ўзбек фольклори билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида никоҳ тўйи маросимларидан “ёр-ёр”, “келин салом”, “келин тушди”, “беточар”, “бешик кетти” ва бошқа шу каби оғзаки ижод намуналарининг типологияси, худудий-локал хусусиятлари ўрганилган ва таҳлил этилган. Айнан “Ёр-ёр” кўшиқларининг туркий халқлар фольклори билан алоқадорликда қиёсий типологик таҳлили тўлалигича тадқиқ этилмаганлиги кузатилади.

Ўзбекларда “ёр-ёр”, қозоқларда ва қирғизларда “жар-жар”, афғонларда “ной-ной”, уйғурларда “нахшо”, қорақалпоқларда “хеўжар” деб номланувчи ушбу жанр келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти радиф билан тугалланадиган, халқнинг қалб кўрида яралиб, тилдан тилга, дилдан дилга кўчиб ажодлардан авлодларгача етиб келадиган халқ кўшиғи бўлиб, ўзининг таъсирчанлиги ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли, ҳам байрамона усулда, шодиёна кайфиятдаги ижронинг мужассам этилганлиги билан илмий аҳамиятга эгадир.

Ўзбек ва қозоқ тўй маросимларида “ёр-ёр” кўшиқлари асосан келиннинг янгалари ва дугоналари томонидан айтилган. Олима М.Алавия: “Маросим кўшиқларининг

асосий ижодчилари ва ижрочилари хотин-қизлардир”, деб таъкидлайди [7;5]. Буборада кўпгина фольклоршунос олимларнинг турлича (туркий халқлар мифологиясида аёл илоҳаларнинг етакчилиги) қарашлари мавжуд. Ижро ўрни эса, локал хусусиятга эга бўлиб, баъзида келин қўшни уйдан ота уйига олиб келинаётган вақтда, баъзида келин куёвнинг уйига олиб кетилаётганда куйланган.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар, турли маросимларнинг ташкил этилиши, ўтказилиши ёки баъзи ирим-сиримларнинг амалга оширилиши туркий халқлар орасида бир-бирига яқинлиги ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ёр-ёр қўшиқларининг ижро усули, ўрни, оҳангги, ижрочиларнинг иштироки, локал хусусиятлари, образлар тизими, бадииятида ҳам шундай узвийлик ва ўзига хослик мавжуд. Ўзбек ва қозоқ ёр-ёрларининг қиёсий типологик таҳлилида бу икки халқнинг дунёқараши, уй-кечинмалари, орзу-умидлари, урф-одатларининг якка ўзига хос ҳамда туркийлар қадимий ҳаётига хос жиҳатлари яққол намоён бўлади.

Ўзбекларда ёр-ёрлар айнан аёллар, келин янгалар, келин дугоналар томонидан бўлажак келинни ота уйига олиб келиш пайтида (асосан келин томонда айtilган яъни, қиз узатилаётган куни ўз ота уйдан қариндош ёки қўшни уйда сақланган. Бу маросим баъзи худудларда “Қиз сақланди”, “Қизсоқ”, “Қиз тутилди”, “Қиз мажлиси” деб номланган.) айtilган. Назаримизда, ёр-ёрларда келин томоннинг ҳасратлари, уй-фикрлари, куда-андалар ҳақидаги хавотирлари, келин таърифи ва унинг ота-онаси билан боғлиқ ифодаларнинг устунлиги ижро ўрнини асослайди.

Қалам-қалам қошлари, чизилгандек, ёр-ёр,

Нўхат-нўхат ҳоллари, ёзилгандек, ёр-ёр.

Давлат билан етгайсан, муродинга, ёр-ёр,

Ҳеч ниҳоят бўлмагай авлодинга, ёр-ёр [10;64].

Юқоридаги ёр-ёр мисралари масънавийга ўхшаб жуфт қофияланган (а-а, б-б). Бу ўринда қофия сўзлардан кейин такрорланиб келаётган ёр-ёр сўзлари радиф вазифасини ўтамоқда.

Ушбу тўртликдаги қалам-қалам қош, нўхат-нўхат ҳоллари ёзилгандек – ифодаларига диққатни қаратамиз. Мутахассисларнинг фикрича, туркий халқлар оғзаки ижодида соч ва унинг аналоглари – қил, қош, киприк, соқол, от ёлларининг бўлиқ-қалинлиги ҳосилдорлик рамзи бўлиб, фаровон турмуш ва серпуштликка магик таъсир кўрсатади, деб билинган [3;108]. Инсон танасидаги туғма ҳоллар Умайнинг (Умай гўдақлар ҳомийси, ҳосилдорлик худоси) изи ҳисобланган. Ўзбекларда ҳам хол билан боғлиқ жуда кўп иримлар сақланиб қолган... Халқ лирикасидаги хол поэтик образи ҳам фақат гўзаллик бўлиб қолмай, тарихан ҳосилдорлик, серфарзандлик ғоялари билан боғланади... [3;186]. Кўриниб турибдики, дастлабки икки мисрадаги “қалам-қалам қошлари чизилгандек, ёр-ёр, нўхат-нўхат ҳоллари ёзилгандек, ёр-ёр” каби ифодаларнинг берилишида тақдир билан боғлиқ мифологик қарашлар кўзга ташланади. Қош орқали келиннинг гўзаллиги, балоғатга етганлиги асосланса, холларининг ёзилгандек (хол асосан думалоқ бўлади) деб таърифланиши гўё кутилаётган тақдир унинг пешонасида аввалдан ёзилган эканлигига далолат бермоқда. Кейинги икки мисра бошланғич фикрларни далиллашга хизмат қилмоқда. Яъни, келин янги хонадонда муродига етмоқлиги, сердавлат, серфарзанд бўлмоқлиги қатъий бир ишонч асосида таъкидланмоқда.

Кўриниб турибдики, қадимий мифологик қарашлар, магик инончлар ёр-ёр қўшиқларида ҳам айнан етакчи аҳамият касб этган. Қозоқ халқининг

никоҳ тўйида халқ ҳаётининг анъанасига айланган бир қанча маиший маросимлар ўтказилган. Маросимлар тўйгача, тўй вақти, тўйдан сўнг ўтказилган бўлиб, ҳар бир маросимнинг ўзига хос ўрни ва мавқеи бўлган. Келин ўз овулидан чиқиб, куёвнинг овулига қараб йўл оларкан, келин дугоналаридан бири куёвнинг ота-онасига суюнчи сўраб (“шўйинши сўрап”) келин ҳақида хабар беради. Куёв томон келинни кутиб олмоқ учун йўлга чиқади. Келин куёвнинг овулига келгач, кўшни уйларнинг ҳаммаси келиб, “келин баракали бўлсин”, “болалар бахтли бўлсин” дея қутлашади. Сўнгра, дуо қилиниб, жонлиқ (мол) сўйилади ва “Тўй бошлар” кўшиғи билан тўй бошланади. Келинни бошқа бир ёш келинчак совға – фотиҳа ўқилган товоқдан пат (туркий халқларда қуш ва пат талқини ҳосилдорлик култи билан боғлиқ) билан кутиб олади. Шу жойда тўй эгаларининг розилиги билан ёр-ёр кўшиғи куйланади. Аввал, жар-жар кўшиғини икки гуруҳга бўлиниб куйлашган. Куёв томон кўтаринки кайфиятда куйлашса, келин томондаги аёллар эса ғамгин ижролар қилишади. Йигитлар келиннинг порлоқ келажагига ишора қилсалар, аёллар турмуш қурган қизнинг ҳаёти яхши бўлишидан хавотир билдирадилар. Жар-жар айтишув тарзида куйланади.

Йигитлар:

Алып келген базардан қара нөсер,

Жар-жар-ау!

Қара мақпал сәукеле шашың басар,

Жар-жар-ау!

Мўнда экем қалды деп қам жемеңиз,

Жар-жар-ау!

Жақсы болсаң, қайын атаң орын басар,

Жар-жар-ау,

Янгалар:

Есік алды қарасу майдан болсын,

Жар-жар-ау,

Ақ жүзіңді көрерлік айнам болсын,

Жар-жар-ау,

Қайын атасы бар дейді осы қазақ

Жар-жар-ау,

Айналайын әкемдей қайдан болсын,

Жар-жар-ау [9;96].

Мисраларда келинни юпатиш билан боғлиқ ифодалар кўзга ташланади. Айтишувда ота уйидан ёт уйга бораётган қизнинг қайғуси “қора” сўзи билан поэтик хусусият касб этган. Келиннинг оқ юзли эканлиги, ёруғлик рамзи бўлган “ойна” билан бир қаторда келиши, янги ҳаёт, янги бахт, янги остона ифодаси бўлса ажаб эмас. Ранглар билан боғлиқ рамзий ифодалар ҳам ўзбек, ҳам қозоқ ёр-ёрларида ўзига хос тарзда ифодаланган. Маросим кўшиқларининг тарихий асосларини илмий ўрганган олим А.Мусоқулов, ёр-ёрларда рангларнинг рамзий ифода мақсадини таҳлил этиш билан бир қаторда, кўшиқларда учрайдиган паранжи, ойна, чимилдиқ, даста қошиқ каби буюмларнинг мавжудлиги магик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди [4;42].

Чимилдиқнинг бандида,

Даста қошиқ, ёр-ёр.

Куёв поччам сўрасангиз,

Олтин ошиқ, ёр-ёр [10;55].

Ёки:

Чимиллигинг чип-чинора,

Бўйинг чинора, ёр-ёр.

Бўйгинангга кўз тегмасин,

Олай тумора, ёр-ёр [10;10].

Қозоқчада:

Шымылдығын серпи сал,

Көрсін шешең, жар-жар!

Көздің жасын көл қылып,

Төксін шешең, жар-жар! [9;46].

Намунада чимилдиқ, даста қошиқ, олтин ошиқ, чинор, тумор сўзларининг параллел тарзда келишининг ўзи, халқнинг ижодкорлиги ҳамда янги ҳаётга қадам кўяётган келин-куёвни асраб-авайлаб, магик ҳимоя (чимилдиқ, тумор) воситаларига ишончини далиллайди. Чимилдиқ – келин-куёвнинг магик ҳимоя қилиш, уларнинг бахтли, серфарзанд бўлиши учун ясалган ритуал буюм. Чинор

– узоқ умр, чинордай бўй – гўзаллик рамзи. Гўзал келинга кўз тегмасин деб тумор ясаб беришлик, албатта, кўз магиясига инончни асослайди. Туркий халқлар маросимларида бундай инончларнинг мавжудлиги турли маиший турмушдаги дунёқарашлар билан узвий боғлиқдир.

Тоғда тойчоқ кишнайди,

От бўлдим деб, ёр-ёр.

Уйда келин йиғлайди,

Ёт бўлдим деб, ёр-ёр [6;4].

Йигитнинг куч-қувватга тўлганлиги, оила қуришга тайёрилиги «от» образи орқали ифодаланмоқда. Қўшиқда от образи тойчоқни тоғда (тоғ – куч-қудрат, тоғ – рухларнинг макони, тақдирдан хабар келувчи худуд) кишнаши билан уйғунлашиб, балоғатга етган йигитга ўхшатма этилаётган бўлсада, келиннинг йиғлаши кутилаётган янги ҳаётга нисбатан хавотир ва ҳадикни ифодаламоқда. Гуёки, тойнинг кишнаши бўлажак келиннинг ҳадикларини сезаётгандек, ундан хабар бераётгандек. Фольклоршунос М.Жўраев “Ола от культининг ўзбек эпосидаги излари” мақоласида [2;29] от образининг таҳлилларини беради. Халқ удумига кўра ола отнинг ўйноқлангани яхшилиқдан дарак бермайди. Унинг безовта кишнаши дахшатли фожиадан дарак берган. Кўриниб турибдики, таҳлил жараёнида халқнинг ижродаги руҳий кечинмаси донолик билан куйланган. Бир томонда хурсандчилик, иккинчи томонда қайғу. Ифоданинг ўзига хослиги қадимий қарашлар билан ҳам боғлиқдир.

Туркий халқлар фольклори тарихида от култи жуда муҳим ўрин тутган ва унинг рудиментлари, маиший турмушимизда бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган [3;228]. Фольклоршунос олимлар М.Жўраев, А.Мусоқулов, А.Тилавов, М.Рўзиевалар от образи, от култи билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. От образининг лирик қўшиқларда ҳам мавжудлиги, уларнинг

ўзига хос халқона ифодаси етарлича таҳлил этишни талаб этади.

Қозоқ тўй маросимларида келин куёвнинг уйига оғзи оқ мато билан боғланган отда келтирилади. Бу жараёнда ҳам отнинг маросим билан боғлиқ мифологик излари кўзга ташланади.

Йигитлар:

*Қўлыншақты жасқама –
тай болады, жар-жар.*

*Жалғыз гүлің бақшаға
айналады, жар-жар.*

Қизлар:

*Жігіт деген бұзығың
шалыс басқан, жар-жар.*

*Қызды ауылдың қызығын
алып қашқан, жар-жар [9;50].*

Халқ қўшиқларида халқнинг ўзига хос урф-одатлари, ирим-сиримлари кўзга ташланади. Юқоридаги мисраларда айнан қозоқ халқининг маиший ҳаётига дахлдор жараён кўзга ташланади. Қозоқларда никоҳнинг ўзи икки хил кўринишга эга бўлган. Биринчиси, тўй маросими, унаштириш усулига кўра ўтказиладиган, ундан кейин келин томоннинг “топшириғ”и, “тўй” ёки “келин олиш” маросими ўтказилиши, иккинчиси, маълум сабабларга кўра пайдо бўлган “қашып кету” ёки “алып қашу” йўли билан турмуш қуриш одати. “Қызды ауылдың қызығын, алып қашқан, жар-жар” мисраларида бу одат аниқ намоён бўлмоқда.

Умуман олганда, маросим қўшиқларининг энг бетакрор жанри ҳисобланган ёр-ёрларнинг туркий халқлар оғзаки ижоди тутган ўрни бекиёсдир. Қиёсий таҳлил жараёнида умумийлик ва хусусийликни аниқлаш, илмий хулосалар асосида етарлича баҳолаш, ёр-ёрларни турли аспектларда ўрганиш, бугунги кун фольклоршунослигидан катта изланишлар талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdurahmonov A. Turkiy xalqlar og'zaki ijodi. – Samarqand: 2006.
2. Жўраев М. Ола от култининг ўзбек эпосидаги излари //Адабиёт кўзгуси, 1996. – №2. – Б.29-37.
3. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан. 2010. – 336 б.
4. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти. – Тошкент: 1995. – 268 б.
5. Навоий, Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. 16-жилд. – Тошкент: Фан, 2000. – 329 б.
6. Остонаси тиллодан: Тўй кўшиқлари. /Нашрга тайёрловчилар: М.Мирзаева, А.Мусақулов. – Тошкент: Фан, 1992. – 22 б.
7. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Тўпловчи М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 232 б.
8. Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 288 б.
9. Сағиндықов Е.С. /Қазақтың улттық ойындары. – Алматы, 1991. – 176 б.
10. Тўхлиев Б., Шералиев Э., Алиқулова Ҳ. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ёр-ёрлар. – Тошкент: 2009. – 105 б.
11. Кошғарий, Махмуд. Девону луғатит турк. Уч томлик. Т. I. – Тошкент: Фан, 1960. – 357 б.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



МУНАҚҚИД ВА АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ УМАРАЛИ НОРМАТОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚИРРАЛАРИ

Саодат Махматовна ЭШПУЛАТОВА

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
академик лицейи

Саодат69ешпулатова@gmail.com

Аннотация

Мақолада ўзининг сермахсул ижоди билан ўзбек адабий танқидчилигига муносиб хисса қўшган Умарали Норматовнинг маҳорати, ижоддаги самимийлиги, мунаққид ва ижодкорнинг ижодидаги мақсад, уйғунлик ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: ғоявий салмоқ, тамойил, мезон, тадқиқ, талант, маҳорат, таҳлил.

СВОЕОБРАЗНЫЕ АСПЕКТЫ ТВОРЧЕСТВА КРИТИКА И УЧЕНОГО ЛИТЕРАТУРОВЕДА УМАРАЛИ НОРМАТОВА

Саодат Махматовна ЭШПУЛАТОВА

Преподаватель

Академический лицей Ташкентского государственного
университета узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Саодат69эшпулатова@gmail.com

Аннотация

В статье речь идет о мастерстве Умарали Норматова, внесшего достойный вклад в узбекскую литературную критику, искренности в его книгах, целях и гармонии в творчестве.

Ключевые слова: идейная масса, принцип, критерий, исследование, талант, мастерство, анализ.

Ўзининг самарали ижоди билан Аҳмад”, “Шухрат”, “Талант тарбияси”, ўзбек адабий танқидчилигига катта “Етуклик”, “Ақл ва қалб чироғи”, “Давр хисса қўшган мунаққидлардан бири туйғуси” сингари монография ва адабий Умарали Норматовнинг илк ижоди портретлари билан ўзбек адабий танқиди “Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ тараққиётида муҳим из қолдирди. ва камчиликлари” (1957) мақоласи Хусусан, унинг “Насримиз уфқлари” деган билан бошланган. У ўзининг “Жанр салмоқли монографиясида 60–70-йиллар имкониятлари”, ”Маҳорат сирлари” ҳикоячилиги, қиссачилиги ва романчилиги (М.Қўшжонов билан ҳамкорликда), масалаларининг муҳим қирралари “Насримиз уфқлари”, “Тўзаллик билан тадқиқ қилинади. Жумладан, “Ҳикояда учрашув”, “Насримиз анъаналари”, “Саид ҳаёт нафаси” мақоласида ҳикоячилик

тараққиёти тарихига назар ташланади; ўзбек ҳикоянавислигида далиллаш санъати, муаллифнинг ички дунёси, янги қаҳрамон ва ҳикояда янгилиниш жараёнлари; умуман, жанрий тақомили ҳақида муҳим илмий фикрлар, умумлашма хулосалар илгари сурилади.

Шу мақсадда олим А.Қаҳҳор, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев каби адибларнинг ҳикояларини кенг таҳлил қилади, усул ва услубларини ўзаро қиёслайди [1;273].

“Ҳикоянинг муваффақияти кўп жиҳатдан драматик асосга боғлиқ. Жанр ривожига янгиликлар ҳаётини зиддиятлар ифодасида ҳам намоён бўляпти. Маънавий-ахлоқий масалаларга эътиборнинг ортиши интеллектуализмнинг чуқурлашиши, аналитик тасвирга мойилликнинг кучайиши оқибати бўлса керак, ҳозирги яратилаётган кўпчилик ҳикоялар характернинг руҳий драмаси асосига қурилган. Тўғри, қатор ҳикояларда бир-бирига зид, қарама-қарши ғоялар, майллар, хилма-хил табиатли персонажлар тўқнашади, характер билан муҳит орасидаги зиддият баъзан ғоят кескинлашади, лекин муаллифларни ўша тўқнашувлар жараёни эмас, уларнинг оқибати, шу зиддиятлар туфайли қаҳрамонлар ҳаётида, шахсиятида, руҳиятида юз берган драмалар қизиқтиради” [2;32].

Мунаққиднинг “Етуклик” китоби сўзбошисида адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов у ҳақда шундай дейди: “... Умаралининг йигирма йил ичида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолаларини санайдиган бўлсак, икки юздан ортиқ номни ўз ичига оладиган каттакор рўйхат пайдо бўлади. Булар ичида тақризлар ҳам, обзор мақолалар ҳам, адабий портретлар ҳам, баҳслар ҳам, проблематик мақолалар ҳам бор. Кўринадики, Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида йигирма йиллик фаолияти давомида анча салмоқли иш қилиб қўйибди. Ёзувчилар

назарида ҳам, китобхонлар назарида ҳам муҳим обрў қозониш учун танқидчи билимдон ва теран бўлишдан ташқари, принципіал, ҳалол ва объектив бўлмоғи, адабиётни чин юракдан севмоғи, яъни унинг ютуқлари учун суюниб, қусурлари учун куюниб ёза билмоғи керак. Умаралида шу фазилатларнинг унча-мунчаси мавжуд” [8;6-7].

Суҳбатлар асосида юзага келган “Талант тарбияси” ўзбек танқидчилигида нашр этилган бадиий маҳоратга доир китобларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди: унда танқидчи ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорларнинг ўзлари – турли авлодга мансуб ёзувчилар билан суҳбат олиб боради. Айни вақтда, китобда ёш, истеъдодлар тарбияси, ижоди, умуман, ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ муҳим масалалар таҳлил этилади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан олиб борилган суҳбат мавзуси “талант тарбияси” ҳақида. Танқидчи суҳбатларининг аксариятини мана шу муаммолар бирлаштириб туради. Китобнинг мантиқан “Талант тарбияси” деб номланиши ҳам шундан.

“Умарали ижодидаги менга маъқул фазилатлардан бири ундаги илмий чуқурлик, фикрий теранлик ёхуд ҳозирги расм бўлган ибора билан айтсак, концептуалликдир. Бу ҳам ғоят муҳим фазилат бўлиб, танқидчиликнинг энг катта муаммоларидан бирини тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. “Танқидчи ким? У ҳам адиб, шоир ёки драматург каби ижодкорми ёхуд бошқаларнинг маҳсулини таснифлаб, изоҳлаб берадиган тафсирчими?” деган масала устида кўп замонлардан бери тортишув боради. Кейинги пайтларда “танқидчи – ижодкор” деган фикр тарафдорлари устун кела бошлади. Лекин танқидчининг мустақил ижодкор эканини эътироф этиш билан иш битмайди. Танқидчининг ким бўлиши, биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқ. У ижодкор ҳам бўлиши мумкин, оддий

тафсирчиликдан нарига ўтмаслиги ҳам мумкин. Хўш, танқидчини ижодкор деганимизда нимани тушунамиз? Менимча, даставвал, танқидчининг фикрлашини. Унинг фикрлари янги, теран, умумлаштирувчи бўлмоғи керак. Танқидчи адабиёт баҳонасида адабий жараён ҳақида ҳам, ҳаётдаги тенденциялар ҳақида ҳам фикрлаш иқтидорига эга бўлмоғи керак. Умаралининг кўпгина мақолалари шу жиҳати билан қимматли – уларда мунаққид фактлар асир бўлиб қолмайди, адабий ҳодисалар ортидан бормайди, балки ҳар гал адабий ривожимиз учун муҳим бўлган йирик-йирик масалаларни ўртага ташлайди, ҳар гал адабий ҳодисаларга бирон оригинал нуқтаи назардан қараб, жуда чуқур ва салмоқли хулосаларга келади” [8;245].

“Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан то олтмишинчи йилларнинг бошларигача Умарали Норматов ўз истеъдодининг шаклланиш жараёнини бошидан кечирди, жуда кўп мақолалар, тақризлар битиб, ўзининг мустақил фикрловчи, ўзига хос таҳлил услубини яратаётган изланувчан, ҳаракатчан, заҳматкаш ижодкор эканлигини исботлади... Матёқуб Қўшжонов билан Озод Шарафиддиновларнинг содик, ишончли издоши, ўринбосари сифатида майдонга отилиб чиқди. Буни у “Жанр имкониятлари”, “Насримиз уфқлари”, “Насримиз анъаналари”, “Тўзаллик билан учрашув”, “Талант тарбияси” каби китобларида, Саид Аҳмад, Шухрат ижодига бағишланган рисоаларида исботламоқда... Яна шунисини англайсизки, у ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам кўпинча кадрли фазилатларни излайди, асарларнинг ёруғ, нурли саҳифаларини таҳлил этишга куч-қудрати, вақти, имкониятларини аямайди [6;240-241].

“Умарали Норматов олди-қочди, майда-чуйда гаплар юзасидан баҳслашмайди, фақат муҳим принципиал масалаларни ҳал

қилиш бўйича “жанг” қилишга ишқивоздир. Ишқивоз деганимизнинг боиси шундаки, у йўқ ердан чанг чиқариш учун уринмайди, зарурат бўлган тақдирда чин қалбдан самимий мунозарага ўзини бахш этади... У ҳам инсон, ҳам танқидчи сифатида ҳар хил объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра баъзан қалбида, онгу тафаккурида жонланиб, мавж уриб турган фикрларнинг бир қисмини ошкор қилиб, бир қисмини имо-ишора тарзида ифодалаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас... Умарали Норматов баҳслари яна шуниси билан диққатимизни жалб қиладики, улар бевосита ижодий жараён, адабий ҳаёт билан боғланиб, кенг ўқувчилар оммасини маънавий жиҳатдан юксалтириш вазифасига табиий равишда уланиб кетади” [6; 243-246], деб фикрини янада кучайтиради Н.Худойберганов.

Мунаққид янги асарнинг яратилиш жараёнини муттасил ва тизимли равишда кузатиб боради. “Умарали Норматовнинг адабий танқидчи сифатида муҳим фазилати унинг адабий жараёнга фаол аралашishiдир, ундаги янгиликлардан самимий қувониши ва адабиётимиз тараққиёти учун астойдил қайғуришидир” [4;276], деб таъкидлайди адабиётшунос олим С.Мамажонов.

XX аср ўзбек насри ривожига улкан ҳисса қўшган, сўзни тежаб ишлатиб, лекин унда кенг маъно сингдирадиган ёзувчи, етук носир Абдулла Қаҳҳор ижодини кўпгина мунаққидлар қаторида У.Норматов ҳам талқин қилди.

“Қаҳҳор табиати, истеъдоди йўналиши жиҳатидан ҳаётдаги, одамлар қисматидаги фожеийликни теран ҳис этадиган адибдир. Унинг энг етук ҳикоялари айни фожеий ҳолат, қисматлар ифодаланган асарлардир. Ҳикояларидаги персонажлар ҳаётдан олинган эпизодлар, лавҳалар гарчи муайян интиҳо, бадий ечим билан яқунланса-да, бундай яқун галдаги фожиалар, кўргуликларнинг дебчаси вазифасини ўтайди. “Бемор”даги

Сотиболди хотинининг ўлими уйқу аралаш аясининг дардига даво тилаган қизалок ва хотини дардига даво қидириб бор будидан жудо бўлган эрнинг янгидан-янги сарсон-саргардонликлари ибтидосидир. “Анор”даги Туробжоннинг охирида жиноятга қўл уриши бу оила бошига тушажак галдаги чигал савдоларнинг бошланишидир. “Ўғри”даги жабрдийда чолнинг нажот излаб мансаб-мартабанинг турли зинапояларида турган юлғичларга дуч келиб, шилиниб, охирида «нажот» топиши – Эгамберди пахтафурушнинг ҳимматига сазовор бўлиши, бу ҳиммат эса келгусида юз беражак аввалгилардан-да оғирроқ талончиликнинг ўзгинасидир. “Даҳшат” ҳикоясида Унсиннинг “тириклар гўристонини” бўлган Олимбек додхо хонадонидан қутулиш йўлидаги мислсиз жасорати қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайди, бироқ қаҳрамон ўлими додхо хонадонини издан чиқаради, талотумларга гирифтор этади. «Асрор бобо»даги чол билан кампирнинг жангда ҳалок бўлган ўғли ҳақидаги совуқ хабарни бир-бирларини аяб сир тутишлари, чексиз дард-алам, қалб изтиробларини ичга ютишлари – бир умр давом этадиган фожианинг аломат кўриниши – бадиий ихтиросидир.

Хуллас, одамлар турмушидан олинган эпизодларда, лавҳаларда улар ҳаётига, қисматида дахлдор фожий моҳиятни кўриш, теран ҳис этиш, персонажлар характери ва қисматини уларнинг руҳияти ифодаси орқали ёрқин бадиий деталлар воситасида гавдалантириш Қаҳҳор ҳикоянавислик санъатининг энг муҳим жиҳатларидир” [9].

Профессор Умарали Норматов “Қаҳҳорни англаш машаққати” китобида “Сароб” романи ҳақида билдириладиган фикрларга муносабат билдиради. Муаллиф “Сароб” ҳақида 30-йиллардан бошлаб билдириладиган танқидий фикрга – бош қаҳрамон ўтли-шудли замон кишиси эмаслигига ўз қарашини ифодалайди:

“Жангари қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак.

Ҳар ҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфий раҳбарларни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал, холис реалист савқи табиий сажия орқали беихтиёр англаган.

Эҳтимол, бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айтиш, айни ўша кезларда бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканлигини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхшиси бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас” [5; 159-160].

Умарали Норматовнинг асарларни янгича талқин қилиши ўқувчида катта кизиқиш уйғотади.

“Умарали Норматов бадиий ижод “мўъжизалари” қандай мазмун ва салмоқ касб этишини жуда яхши билади, фақат улкан, такрорланмас истеъдод жасорати, матонати мевалари тарзида туғилган ҳар жиҳатдан етук асарлар кашфиёт даражасига кўтарилса, улар танқидчиларга чексиз қувонч бағишлашини чуқур англайди, ҳис қилади, сезади. Шунинг учун кўп ҳолларда адабиётимизнинг ҳозирги даврдаги тараққиётининг бош йўналишини беҳато аниқлайди, бош йўналишга бориб қўшиладиган поэтик, насрий ҳамда драматик асарларни умуман олганда тўғри кўрсатади... “Қалб инқилоби” китобида мунаққидга хос мана шундай фазилатлар яққол намоён бўлган. Унда истеъдодли ёзувчиларимизнинг баракали изланишлари, эришган самарали натижалари тўғрисида алоҳида фахр, ғурур туйғулари билан мулоҳаза юритилади, мавжуд камчиликларга қарши муросасиз курашиш зарурлиги алоҳида таъкидланади [7; 165-166], деб ёзган эди мунаққид

Норбой Худойберганов.

Бундан ташқари мунаққид Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев ва бошқа таниқли проза усталарининг ҳамда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов каби шеърят дарғаларининг ҳам асарларини таҳлил қилиб, холисона баҳолаган. Ёзувчи

Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров ва Шукур Холмирзаевлар билан адабий суҳбатлар олиб борган. Хулоса шуки, бу теран ижод намуналари адабий танқидчилигимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назаров Б., Расулов А., Аҳмедова Ш, Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012. – 396 б.
2. Норматов У. Насримиз уфқлари. — Тошкент: Ғафур Ғулом, 1974. – 208 б.
3. Норматов У. Етуклик: мақолалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1982. – 366 б.
4. Мамажонов С. Теранлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1989. – 192 б.
5. Расулов А. Танқид. Талқин. Баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.
6. Худойберганов Н. Сени ўйлайман, замондош. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1983. – 296 б.
7. Худойберганов Н. Ишонч. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1988. – 248 б.
8. Шарафиддинов О. Домлалар. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 288 б.
9. <https://fayllar.org/abdulla-qahhor-hayoti-va-ijodi-haqida.html>



Ўзбекистон
Milliy axborot
agentligi



УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚОНАЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛАР ТАЛҚИНИ

Фируза Нормуратовна БУРИЕВА

Ассистент-ўқитувчи

мустақил изланувчи

Ўзбекистон-Финландия институти

Самарқанд, Ўзбекистон

feruzaburiyeva79@mail.ru

Аннотация

Мақолада шоир Усмон Азим шеъриятининг халқ тилига яқинлигини юзага чиқарувчи бадий санъат турлари, лексик воситалар тадқиқ этилган. Тил бирликларининг шоир ижодидаги ўзига хосликлари, ижодкорнинг анъанавийлик ва новаторлигининг намоён бўлиши ўз аксини топади.

Таянч сўзлар: афсона, достон, талмех, халқона тил, анъанавийлик, эпик қолип, туркум шеърлар, анъанавий бошланма.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ НАРОДНОСТИ И ГЕРОЕВ В ПОЭЗИИ УСМАНА АЗИМА

Фируза Нормуратовна БУРИЕВА

Ассистент преподаватель

независимый исследователь

Узбекско-финский институт

Самарканд, Узбекистан

feruzaburiyeva79@mail.ru

Аннотация

В статье исследуются виды искусства и лексические средства, создающие близость поэзии поэта Усмана Азима к народному языку. Отражены особенности языковых единиц в творчестве поэта, выражение художественной традиционности и новаторства.

Ключевые слова: легендарный эпос, талмех, древний язык, традиция, эпическая форма, поэменный ряд, традиционное начало.

Адабиётшунослик тарихидан маълумки, ҳеч бир давр адабиёти ёки ҳеч бир миллат адабиёти ўз-ўзича, бошқа бир адабиётнинг таъсирисиз пайдо бўлмади, ривожланмади. Мумтоз адабиёт халқ оғзаки ижодидан, янги ўзбек адабиёти халқ оғзаки ижоди билан биргаликда мумтоз адабиётдан озикланади. Шунингдек,

ўзбек адабиётига бошқа халқлар адабиётларининг таъсирини ҳам назарда тутадиган бўлсак, унинг шаклан ва мавзу жиҳатдан ривожланиши алоҳида тадқиқот мавзулари бўлади. Лекин адабиётнинг мўжизавий кучи шундаки, ҳар қандай ташқи ва ички таъсирларга қарамасдан ҳар бир давр адабиёти ўзгача ижод намунаси

ўлароқ бадий сўз санъати сифатида вужудга келади.

Ушбу мўъжаз тадқиқотда адабиёт учун туганмас манба бўлиб яшаётган халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган асарларнинг, ҳажман йирик ва кичик жанрларнинг, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари тақдирларининг етмишинчи йиллар авлодига мансуб бўлган бетакрор шоир Усмон Азим ижодидаги талқини, унинг илҳомига таъсири хусусида сўз юритамиз. Шу ўринда асосли савол туғилади. “Нега айнан етмишинчи йиллар адабиёти тадқиқ объекти қилиб олинди?” Маълумки, бизнинг ота-боболаримиз ҳали водий ва воҳалари гуллаб-яшнамаган пайтлардан, ҳали чўлу саҳроларига ариқлар етиб бормасларидан, ҳали юртларида золим хонлар ҳукмронлик қилиб ўғиллари қул, гўзал қизлари чўри этилган пайтлардан ватанига қаттиқ меҳр қўйганлар. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди жанрларининг етакчи мавзуси ҳам ватанпарварлик, уни душманлардан ҳимоя қилиш; ҳар қандай қаҳрамонлик юрт учун, она ватан учун, миллий ғурур учун бўлган. Бунга македониялик юнон ёзувчиси Полиен (мил. II аср)нинг “Ҳарбий хийлалар” асари орқали етиб келган “Широқ”, Ҳеродот (мил авв. 484-425)нинг “Тарих” китоби орқали етиб келган “Тумарис” афсоналари, “Алпомиш” достони, “Гулдурсун” каби кўплаб асарларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Биз қуйида сўз юритмоқчи бўлган давр адабиёти намояндалари ижодида ранг-баранг мавзулар кўлами қатида энг кўп тилга олинган мавзу ватан, юрт тақдири, қайғуси етакчилик қилади. Бу ўринда адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги ўзбек шеърляти” монографиясида келтирилган “70-йиллар авлоди ижодида Ватан мавзуси етакчи ўрин тутди. Шу жиҳати билан бу авлодни ўзидан олдинги адабий муҳит вакиллари бошлаб берган анъананинг давомчиси ўлароқ тушуниш

мумкин. Айни чоғда, унда мавзунинг талқини салафларидан ўзгачароқ. Менга қолса, бу авлоднинг Ватанга муҳаббати оғриқлироқ деган бўлардим” деган фикрлари асослидир. Шунинг учун бу даврда ижод этган шоирлар ижоди халқимизнинг миллий ўзлиги, тарихи билан муштарак ўрганилгани мақсадга мувофиқдир.

Усмон Азим ижоди тадқиқи жараёнида кўринадики, унинг шеърлятида халқ оғзаки ижоди таъсири сезилиб турган туркум шеърляри (“Бахшиёна”)дан ташқари айнан афсона ва дoston сюжети асос бўлган кўпгина асарлари мавжудлиги эътиборга молик. Шунингдек, кўпгина шеърларда руҳий ҳолат чизгиларини ифодалашда халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари билан боғлиқ воқеаларга ишоралар учрайди. Бунда шоир мумтоз адабиёт анъаналарининг давомчиси сифатида ҳам кўринади — кўп ҳолларда талмеҳ санъатини моҳирлик билан кўллайди. Шоирнинг “Дарс” шеърляда шундай мисра мавжуд.

*Ва эшитдим ернинг тағида
Дупур-дупур елиб келар от.*

*Мен Алпомиш беҳол ётибман,
Шошиб келар Қоражон – Ҳаёт!*

Бу мисраларда лирик қаҳрамоннинг ҳаётсевар эканлиги Алпомиш ва Қоражон ўртасидаги дўстликка қиёсланиб яққол ифодаланапти.

Халқ оғзаки ижоди нафақат ўзининг кўламдорлиги, мавзулар хилма-хиллиги, образларининг бетакрорлиги билан, балки тилининг ўзига хос соддалиги, айрим жанрларининг (масалан, эртак, дoston каби) таркибида учровчи анъанавий бошланма ва тугалланмалари, эпик қолиплари билан жозибадордир. Ҳозирги замон шоирлари ҳам халқоналикни ифодалаш учун ғоявий мақсадларидан келиб чиқиб ўз услубларидан чекинмаган ҳолда халқ оҳанглирида асарлар яратишган. Масалан, Усмон Азим ижодидаги “Бойсун ҳақида ғамгин баллада ёки қайтмайдиган хотира

хакида шеър” шеърида шундай мисралар мавжуд:

...Тилларимда эртак бўлдинг сен:

“Бор экан-да,

Йўқ экан.

Оч экан-да,

Тўқ экан.

Кўрдим,

кездим,

Бойсундай жой

Бу оламда йўқ экан”.

Шеърда эртаклардаги анъанавий бошлангани кўллаш орқали шоир ўз юртини эртаклардаги афсонавий ўлкалар сафига кўшади ҳамда бу оламда бундай юрт якто эканлигини таъкидлайди ва асосий ғоя – ватанпарварлик мисралар қатига жо бўлади. Яна шеърхон шоирдаги туғилиб ўсган юртига муҳаббат ҳисси унинг бола пайтларидан кўнглида пайдо бўлганини ҳис этади: шу юртда эртаклар эшитиб ўсиб улғайган. Шеърда бундай мисралар берилмаган бўлса-да, англиниши қийин бўлмайди. Худди шундай усулда, халқ оғзаки ижоди анъналаридан фойдаланган ҳолда ёзилган шеър шоир Хуршид Давронда ҳам учрайди. Унинг “Шубҳа” деб номланган шеъри шундай сатрлар билан бошланади

Бор экан-да, йўқ экан,

Оч экан-да тўқ экан.

Қадим-қадим замонда

Узоқ-яқин томонда

Улкан қаср бор экан

Унга олам тор экан.

Шу давр адабиётига мансуб, масалан, Хуршид Даврон ижодидаги халқоналик кўп жиҳатлари билан Усмон Азим ижодига ўхшаса-да, ундан фарқли уларок шоирда воқеабандлик, дидактика устунлик қилади. Айтиш мумкинки, шоир Усмон Азим учун халқ ижодиётига мурожаат қилиш ўз ҳис-туйғуларини ифода этиш учун шакл вазифасини ўтаса, Хуршид Даврон учун шеърнинг маълум бир тарбиявий аҳамиятга моликлигини таъминлашга

восита бўлган. Юқорида парча берилган шеърда ҳам инсоннинг ишончи рамзий маънода қасрга ўхшатилади, ҳамда унга кириб қолган кўрсичқон –шубҳа қандай оқибатларга сабаб бўлиши воқеабандлик асосида тасвирлаб берилади. Шунингдек, мазкур шеър мазмунига инсоннинг салбий иллат бўлган гумондорлик ҳисларидан йироқ юришига даъват бор. Турли халқлар адабиётларига назар ташласак, халқ ижодиёти таъсирида ижод қилиб ўз услубига эга бўлган кўплаб машҳур шоир ва адиблар борлигига амин бўламиз. Туркман шоири Махтумқули, қозоқ шоири Абай каби. Биз ижоди ҳақида сўз юритаётган шоир Усмон Азим ҳам халқ ижодиёти таъсирида туркум шеър ва дostonлар яратди. Чунки ижодидаги асосий мавзу ватанпарварлик, ўзликни англаш бўлган шоир шеърляти учун асосий манба тарих ва оғзаки ижод бўлди. Дostonчилик мактаблари илдизлари қадим замонларга бориб тақалган Сурхондарёда туғилган ҳар қандай ижодкорга бу таъсир этмасдан қолмайди. Шунингдек, Усмон Азим ижодида ҳам “Бахшиёна” туркумига кирувчи шеър ва дostonлар унинг адабиётга кириб келган илк даврларидан ижодиётда асосий ўрин эгаллади. Унинг бу туркумга кирувчи ижод намуналарини таҳлил этар эканмиз, аввало, уларнинг катта қисми “Алпомиш” дostonининг шеърлий талқини эканлиги эътиборимизни тортади. “Дарс” шеърлида “Алпомиш қалмоққа кетадиган бўлди”, “Фонус” шеърлида “Қалмоқда ётган Алпомишни энаси Кунтуғмишбека шундай чорлаган экан”, “Алпомишнинг отаси Бойбўрига берган насихатлардан”, “Ойбарчиннинг Алпомиш билан ғойибона қилган суҳбати бу туруп”, “Ёдгорнинг Ултонтоз жаллодларига айтганлари” каби. Лекин халқ бисотидаги бебаҳо бойлик ҳисобланмиш “Алпомиш” дostonи айни сюжет сақланган ҳолда шоир ижодида янгидан сайқал топди. Асли қаҳрамонлик дostonи бўлган ушбу дostonга шоир

шууридаги дард – ватанга муҳаббат сингиб кетди. Шоирнинг “Дарс” тўпламидан жой олган “Алпомиш қалмоққа кетадиган бўлди” достонидаги Барчин ва Алпомиш хайрлашув суҳбатида шундай мисралар ўрин олган:

*Сени зор кутарман дилпора
Ҳижронда ошиқлар бечора,
Айтиб кет, султоним, фарзандинг –
Қай сўзни эшитсин илк бора...
...Оламда кўп эрур ибора,
Бир сўз бор оғриқдан иборат.
У – Ватан! Барчиним, у – Ватан!
Боламга “Ватан” де илк бора...*

Шоирнинг юқорида номи келтирилган асари насрий, шеърий қисмларга бўлиниши, шеърий қисмлар вазни энгил-бармоқнинг $3+3+3=9$ вазнида эканлиги асар айнан халқ достонлари шаклида бўлишини таъминлаган. Фақат асар барча бадиий унсурлари: тили, қисқа сюжети, образлари, композиция қурилиши билан кучли ғоя-ватанпарварликни ифодалашга хизмат қилади. Ушбу мисралар шоирнинг ўз тилидан эмас, балки халқнинг севимли қаҳрамони Алпомиш тилидан ифодаланганлиги айтилган мақсадга мувофиқликни таъминлаган. Шоирнинг “Бахшиёна” туркумидан жой олган достонлар аксарият халқ достонлари тузилишида. Ҳатто берилган насрий қисмлар ҳам луғатига кўра бахшилар нутқи сифатида тасаввур уйотади. Фақат асосий фарқ уларда ғоявийликнинг кучли ифодаланганлиги, композицион тузилиши пухта ишланганлиги билан улардан фарқланади ва бу туркум асарларнинг тарбиявий аҳамиятини юзага келтиради. Юқоридаги фикрларга яна бир мисол келтирамиз, Шоирнинг “Фонус” шеърий тўпламидан ўрин олган “Қалмоқда чоҳда ётган Алпомишни энаси Кунтуғмишбека шундай чорлаган экан” деб бошланувчи шеърда шундай мисралар бор:

*Юрт чақирса келишинг,
Аниқ эди-ку Алпон...*

Шунингдек, шоирнинг яна бир шеърдан куйидаги парчани келтирамиз:

*Шамоллар гувуллаб ўтар бетиним,
Бошида булутлар қотган беуйқу.
Хира кўзларини узмай уфқдан
Донишманд чолгина йўлга термилар
Ва айлар башорат; “Уни уйқудан
Уйғота олади фақат болалар”.*

Шеърда бепоён далада ухлаб (вафот етиб!) ётган Алпомиш бизнинг ўтмишдаги мард, ботир, ватанпарвар аждодларимиз тимсоли бўлса, уни уйғота оладиган болалар аждодларга муносиб бўлган авлодлар тимсоли сифатида берилади. Шу ўринда ҳақли равишда яна айтишимиз мумкинки, шеърда ёш авлодни миллий ғурур, ватанпарварликка чорлов каби дидактик қарашлар мавжуд.

Халқ оғзаки ижодида туркум асардан асарга кўчиб юрувчи халқ дилидаги гапларни ифода этадиган ижобий ва салбий қаҳрамонларанчагина. Масалан, эртақларда ялмоғиз, латифаларда афанди каби мана шундай анъанадан илҳомланиб айрим шоир ва ёзувчиларимиз халқ қалбига яқин, уларга севимли бўла оладиган образлар яратишган. Масалан, Эркин Воҳидовнинг Матмуса образи бунга ёрқин мисолдир. Шунингдек, Усмон Азимнинг бахшиёна туркумидаги бир қанча асарларида Элбек бахши образи учрайди. Аслида, бахшилар қадимдан халқ ишонган, ҳурмат қилган кишилар бўлганлар. Уларнинг бундай мавқе эгаллашларига сабаб ҳар доим халқ манфаатларини ҳимоя этиб келган доно, оқил ва жасур инсонлар бўлганлигидадир. Биз шоирнинг “Дарс” (1986), «Узун тун», (1994), “Фонус” (2010), “Жимлик” каби бир қатор тўпламларидан жой олган бахшиёна туркумидаги асарлари, “Элбек бахшида чиройли нима деб сўраганларида...”, “Ҳеч ким ёвга бош эгмади...”, “Элбек бахши Алпомиш орзу қиладиган йигитлар даврасида...”, “Элбек бахши пулдан бошқа дарди йўқ, орасида марди йўқ уч-тўрт бойваччанинг даврасида...”, “Элбек бахши

шогирди Эломонга...”, “Элбек бахши бир камбағалнинг тўйини гуриллатиб...” каби жумлалар билан бошланувчи дostonлари билан танишар эканмиз, бу образ халқ бахшилари образининг типик намунаси эканлигини кўрамыз. Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам рост сўзловчи, жасоратли, ватанпарвар, ҳозиржавоб, шунингдек, ўзбек миллатига хос бўлган барча буюк фазилатларни ўзида мужассам қилган – танти, мард, ўрни келганда андишали ўзбек куйчиси образи. Масалан, шоирнинг “Дарс” тўлампидан ўрин олган дostonдаги ушбу парча Элбек бахши образини кўз ўнгимизда яққол намоён этади. “Элбек бахшидан “Нима энг чиройли?”, “Нима энг ёмон?”, “Нима энг кўп йиғлатди?” деб сўраганларида шундай дебди:

Энг чиройли жасоратдир,

Энг ёмони хиёнатдир,

Жон чиққунча йиғлайверинг,

Ўлдирсалар диёнатни...

Шунингдек, Элбек бахши тилидан айтилган айрим парчаларда халқ тилида ишлатиладиган сўз ва иборалар ҳам шундай қўлланиладики, айни шу сўзлар бу образнинг бироз чапанитоб инсон эканлигини ҳам кўрсатадики, бу ҳам халқимизга хос бўлган феъл-атвордир. Масалан, шоирнинг “Жимлик” тўлампидан ўрин олган “Элбек бахши пулдан бошқа дарди йўқ, орасида марди йўқ уч-тўрт бойваччанинг даврасида...” деб бошланувчи дostonида бойваччалар Элбек бахшига қафасдаги беданага атаб куйлашини сўраганда Элбек бахши ўзининг ҳам қафасда эканлигини ушбу беданага қиёслайди, шеърнинг давомини айнан келтирамыз.

“...Ҳаммамизнинг олдимизда “қафас-даман” деб туришингни қара”, деб қолишибди. Шунда Элбек бахши “Ўзларинг кўймадиларинг”, деб дўмбирасини “рости келди”да чалиб мана бундай деган экан:

Шоир зоти азал-охир хор бўлама.

Хор бўлса ҳам, худойимга жўр бўлама.

*Сизлар билан нодонликда ўтган куним,
Нодон бойлар, қафас бўлмай, гўр
бўлама.*

Шоир Усмон Азимнинг халқ дostonлари шаклида яратилган “Бахшиёна” туркумидаги дostonлари халқона содда тили билан айнан халқ дostonларига ўхшаса-да, уларда шоирнинг айни услуби кўриниб туради. Зеро, шоир шеърлятида ҳам туйғулар қанчалик жўшқин, пўртанали бўлса-да, шоир жимжимадор, мураккаб сўз ва ибораларни аксарият ҳолларда ишлатмайди. Барчага тушунарли сўзлар шундай қўлланиладики, оқибатда юракнинг тўрига етиб боради. Фикрларимиз далили сифатида шоирнинг “Узун тун” (2009) шеърй тўлампидан ўрин олган “Элбек бахши бир камбағалнинг тўйини гуриллатиб...” деб бошланувчи дostonидаги куйидаги парчани келтириб ўтамыз:

“Элбек бахши:

–Ахир, бир очилиш бахти бор,

Бошоқдай янчилиш бахти бор.

Согинчдан хазондай тўкилиб,

Кўз ёшдай сочилиш бахти бор –

Мен шундай бахтиёр бўлай ҳамиша.

Кўриниб турибдики, чуқур лиризм билан суғорилган ушбу мисраларда бирорта мураккаб ёки сўзлашув услубида қўлланмайдиган сўз учрамайди. Шунингдек, шеърй санъатлардан ҳам фақат ўхшатиш (бошоқдай, хазондай, кўз ёшдай) маҳорат билан қўлланилганки, туйғулар қалбга етиб бориши учун чинлик ва дардмандликнинг ўзиёқ етарли эканлигини англаймыз. Яна бир мисол келтирамыз:

“Элбек бахши: Юракни тингламоқ бахти бор,

Қайғуни илғамоқ бахти бор.

Кечани шўр бошга ёпиниб,

Кўринмай йиғламоқ бахти бор –

Мен шундай бахтиёр бўлай ҳамиша.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, шоир “Бахшиёна” туркумига кирувчи шеър ва

достонларида тилини атайлаб халқ тилига яқин қилган. Лекин юқоридаги мисралар ҳақида бундай деб бўлмайди. Зеро, бунда мавзу ишқ ҳамда шоир қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, инжа ҳисларини халқона сўзлар билан тасвирлай олмасди. Мисралардаги “юрakни тингламоқ”, “қайғуни илғамоқ”, “кечани шўр бошга ёпиниб”, “қўринмай йиғламоқ”, деярли ҳар бир мисрада учровчи шоирона топилмалар ушбу мисраларнинг

бадий юксаклигини таъминлайди. Демак, шоир “Бахшиёна” туркумидаги достонлари билан халқ тили ва ёзма шеърият бадииятини бирлаштирган ҳолда ўзига хос жозибадор санъат намуналарини яратди. Шоирнинг “Бахшиёна” туркумига кирувчи ҳамда халқона оҳангларда яратилган бошқа асарларида ҳам яна бир қанча образларни учратамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азим, Усмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 433 б.
2. Азим, Усмон. Дарс. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 128 б.
3. Хотамов Н., Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 361 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – 608 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 10 жилд. ШАРҚ – ҚИЗИЛҚУМ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 656 б.
6. O`zbek adiblari. – Toshkent: G`fur Gulom, 2016. – 280 б.
7. <https://tafakkur.net/asarlar/usmon-azim>
8. https://kitobxon.com/oz/yozuvchi/azim_usmon



ИСАЖОН СУЛТОН АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ПРЕЦЕДЕНТ МАТНЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилноза Муҳиддиновна НАСРИЕВА

Таянч докторант

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

dilnozasriyeva0412@gmail.com

Аннотация

Мақолада прецедент матнларнинг бадий асардаги ўрни, хусусан, маҳоратли адиб Исажон Султон бадий матнида лингвопоэтик ва лингвокультурологик восита сифатида қўлланганлиги, прецедентлик ва интертекстуалликнинг ўзаро муносабати, уларнинг матнлараро муносабатдаги роли, бадий аҳамияти ҳақида фикр билдирилган.

Таянч сўзлар: бадий асар, тил, маданият, лингвопоэтика, лингвокультурология, интертекстуаллик, прецедент, прецедент бирлик, интерматн, ассоциация

ЛИНГВИСТИКО-ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЕЦЕДЕНТНЫХ ТЕКСТОВ ИСПОЛЬЗОВАННЫХ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ИСАДЖОНА СУЛТАНА

Дилноза Муҳиддиновна НАСРИЕВА

Базовый докторант

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

dilnozasriyeva0412@gmail.com

Аннотация

В статье комментируется роль прецедентных текстов в художественных произведениях, в частности, использование их в качестве лингвопоэтического и лингвокультурного средства в художественном тексте искусного писателя Исаджона Султана, взаимодействие прецедента и интертекстуальности, их роль в интертекстуальных отношениях, и их художественное значение.

Ключевые слова: художественное произведение, язык, культура, лингвопоэтика, лингвокультурология, интертекстуальность, прецедент, прецедентная единица, интертекст, ассоциация.

Бадиий асар тилининг замонавий воситаларига келсалар, тилшунослар тил тилшунослик ва адабиётшуносликда воситалари таҳлилидан мазмунга қараб турли аспектда ўрганилиши энг жадал борадилар. Демак, объект умумий бўлган ривожланаётган соҳалардан бири саналади. ҳолда уни ўрганиш йўналиши ва мақсади Адабиётшунослар асар мазмунидан тил турличадир [6;8]. Кейинги йилларда бадиий

матннинг лингвомаданиятшунослик тадқиқ объекти сифатида олинishi тилшуноснинг бутун бир асарни лингвистик нуқтаи назардан чуқурроқ тушуниш ва таҳлил қилиш маҳсулигина бўлиб қолмай, ўзбек тилшунослигининг дунё замонавий лингвистикаси билан ҳамқадам ривожланаётганлигидан далолат беради. Бадиий матн тилнинг олий сатҳи бўлиш билан бирга маданиятнинг мавжудлик шакли, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташув нуқтаси саналади. Бу нуқтада муайян тилнинг бор бўй бастия-ю таровати “маданият кўзгуси”да намоён бўлади. Маданиятда эса миллатнинг тил бойликлари, унинг хулқ-атвори, расм-русумлари умуман, маданий-маънавий мероси мужассам.

Тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокултурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири прецедент бирликлардир. Дунё тилшунослигида айни бирликларга етарлича таъриф ва тасниф берилган. Ўзбек тилшунослигида тилшунос Д.Худойберганова прецедент бирликлар ҳақида тўхталар экан, прецедент термини дастлаб Й.Н.Карауловнинг рус тилида эълон қилинган мақоласида қўлланганини қайд этади [5;87]. Рус тилшунослигида муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган нутқ фаолиятида қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар деб қайд этилишини таъкидлайди [5;87]. Олима рус тилшунослигида прецедент бирликлар тадқиқ этилган ишларда Инжил матнлари, мифлар, халқ кўшиқлари, эртақлар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машхур шахслар номи прецедент бирлик сифатида қайд этилганлигини, шунга кўра бундай бирликларнинг прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент

матнлар каби турлари ажратилишини ҳам айтади [5;88]. Ҳар қандай бадиий матн матнлараро муносабатга киришмас экан, унинг эстетик, эмоционал ва экспрессив имкониятлари тўлиғича ифодаланмайди. Француз тилшуноси Р.Барт фикрича, матн табиатан бирор нарса орқали ҳаракатланиши керак, масалан, бирор асар орқали [1;415]. Исажон Султон аксарият асарларида прецедент матнлардан унумли фойдаланганки, китобхон бевосита Марказий Осиёнинг қомусий олимларини, пайғамбарлар тарихини, қадим диний ривоятларни эсга олишга, хотирасида қайта тиклашга, беназир ижодкорларнинг миллий-маданий, маънавий-маърифий қарашларини “ишора, иқтибос ва эслатма” матнлар орқали тафаккур қилишга мажбур бўлади. Прецедент матнларни жаҳон тилшунослари ҳам (Р.Барт, Н.Орлова) ўзбек тилшунослари ҳам (Д.Худойберганова, М.Ўлдошев талқинига таяниб) [4] интертекст, деб атайдилар. Муайян матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллиги эканлигини М.Ўлдошев докторлик диссертациясида қайд этади ва яна профессор М.Қурбонова билан ҳаммуаллифликдаги “Матн тилшунослиги” китобида бадиий матнни таҳлил қилиш тамойилларини белгилар экан, бешинчи тамойил сифатида бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларини аниқлаш тамойилини санайди. Ушбу тамойилга кўра матн ичида қўлланилган ўзга кўринишларни (назира, тақлид, нақл, ҳадис, ривоят, мифлар, афсоналар, дидактемалар, у ёки бу ижодкорнинг асари ёки парчаси каби) аниқлаш ва уларнинг асар мазмуни билан қай даражада уйғунлиги бадиий мазмун ифодасидаги ўрни, асосий матн билан лисоний ва семантик боғланишидаги муҳим ҳолатлар ҳақида фикр юритиш муҳимлигини таъкидлайди [7;50]. Демак, ҳар қандай ўзга кўринишли матнлар асосий

матнга сингиб, аралашиб кетган, бир вақтнинг ўзида лингвистик белги сифатида матнга ҳам, воқеликка ҳам дахлдор ҳодиса саналади.

Исажон Султоннинг “Озод” ва “Генетик” романларида прецедент матнлар муаллифнинг ниятига қараб, ёзувчи фикрини далиллаш мақсадида турли мазмун ва кўринишларда учрайди. Адиб прецедент бирликларни маданий белги сифатида қўллайдики, асарларини ўқиган китобхон бевосита ёзувчи тили ва услубининг лисоний имкониятларини намоён этган ўзбек миллий маданиятига хос хусусиятларни теран англайди. В.Красних прецедент матнларни ижтимоий, миллий ҳамда универсал турларига ажратиш фикрини илгари сурган [5;89]. Исажон Султон романларида прецедент матнларнинг миллий ва универсал турларига бевосита ва билвосита мурожаат қилинган. Жумладан, “Озод” романида 45 ўринда, “Генетик” романида эса 20 ўринда Ўрта Осиё қомусий олимлари асарларидан, битиктошлар матнидан, шунингдек ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодидан иқтибослар келтирилган, пайғамбарлар ва саҳобалар ҳақидаги ривоятларга ишора қилинган. Нух алайҳиссалом ривояти, Иброҳим Адҳам ривояти, “Ирқ битиги”, “Ачур битиги”, “Билга Тўнюк битиги”, Олтинкўл битиги, Билга Хоқон битиклари, Ўрхун Энасой битиклари, “Учун Кулуг Тириг битиги”, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Жалололдин Румий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Б.Машраб, Шайх Нажмиддин Кубро, Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Муҳаммад Дўст, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Тилак Жўра, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо, Раҳимжон Раҳмат ва б. Айтиш мумкинки, прецедент матнларни лингвопоэтик ва лингвомаданий восита сифатида қўллаш,

матннинг бадиий идрокини бойитади ва уни янада ҳажмли, ёрқинроқ қилади, шиддатли ассоциатив алоқаларни амалга оширишга ҳисса қўшади. Бизнингча, (тилшунос олимларимизнинг назарий қарашларига таяниб) айтиш таҳлил қилаётган романларимиздаги адиб қўллаган интерматн кўринишлари интертекстуал (прецедент)ликни ҳосил қилувчи восита сифатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Табиатига кўра:

- а) миллий интерматн (маълум тил эгаси учун таниш ва тушунарли);
- б) универсал интерматн (барча тил эгалари учун таниш ва тушунарли).

Мурожаат турига кўра:

- а) бевосита мурожаат (ўзгарган ва ўзгармаган интерматн);
- б) билвосита мурожаат (ишорали ва эслатма интерматн).

Назарий маълумотларимизнинг амалий тасдиғи сифатида романларда учраган баъзи интерматн (прецедент матн)ларни таҳлил қиламиз. Исажон Султоннинг “Генетик” романи — элнинг олис-яқин қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган, замонавий илмлар ёрдамида ўз халқининг теран илдизларига разм солган бир йигитнинг ўй-фикрларидан ҳикоя қилади. Адиб асарни “Ирқ битиги”дан олинган парча билан бошлайди: “Тонг ота бошлади, сўнг унинг изидан ер юзи ёришди. Сўнг куёш чиқди, ҳамма ёқ ёруғ бўлди. Эр йигит эмаклар борди, Тангрига йўлиқди...”. Берилган матн универсал интерматн турига мансуб бўлиб, ижодкор бевосита (тўғридан тўғри) қадимги “Ирқ битиги”га мурожаат қилиб, матнни ўзгаришсиз келтирган. Эр йигит тимсолига кўзи тушган китобхон хотирасида битиктошлар билан боғлиқ ассоциация тикланади, кўз ўнгида тарих жонланади.

“...Тангри таолонинг “Ботаётган юлдуз билан қасам” қавлига мувофиқ, фалак осмонида юлдузлар айланиши, чиқиб-ботиши жадвалларини туздим.

Бу ишни авлодларга ибрат ва фойдалар бўлсин учун қилдим...” [3; 112]. Ушбу парча УПМ (универсал преседент матн) сифатида асосий матнга киритилган. Зеро, ҳар қандай матн матнлараро муносабат туфайли мавжуддир. Эътибор қаратсак, ҳар қандай ПМ нинг қандайдир таянч сўзи бўладики, жамият вакилларининг нутқида “бегона” бўлмайди, таъбир жоиз бўлса, мунтазам равишда долзарб бўлиб туради, шу сабабдан, ҳар қандай ўқувчи-китобхон шу таянч сўз орқали матн мазмунини хотирасида тиклаб, авлодлар меросини эсга олади. Юлдуз, жадвал сўзлари калит сўз, ҳаракатлантирувчи сўз вазифасида келганлиги, хаёлимизда ўз-ўзидан астроном, фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбекни гавдалантиради. Ёзувчининг мураккаб тузилишга ва қадим миллий анъаналаримизнинг янгича талқинига бағишланган “Озод” романи вояга етиб келаётган бир ўспириннинг маъно ва ҳикмат дунёларига қадам қўйиши ва ўзлигини англаб етиши ҳақида сўзлайди. Адиб ушбу романда айнан миллий прецедент матнлардан бевосита ва билвосита, насрий ҳамда назмий фойдаланган. Рустилшуноси Л.И. Гришаева таъкидлашича, ҳар бир матн – маълум бир турга мансублигидан ва вазифавий-услубий ўзгарувчанлигидан қатъи назар – оғзаки ва оғзаки бўлмаган (эшитиш, визуал, кинестетик) бир-бири билан узвий боғлиқ маълумотларнинг тартибли тўпламидир. Шунинг учун ҳар бир матнни тегишли, миллий ўзига хос концептуал ва оламнинг лисоний манзарасидан маълум бир парча сифатида ўйлаш мумкин [2]. Айтиш мумкинки, бадиий асарга муаллиф хоҳиши билан киритилган ҳар қандай микроматнлар ОЛМнинг бир қисми, бир зарраси кўринишида ўқувчи томонидан тушунилади, идрок қилинади.

...-Ҳа, Учёнғоқ томонда эканда, – деди кўр киши. – Эшитдим, эшитдим... У ерда қоя лабида бир туп наъматак бўлар

эди, шамолда чайқалиб ўсар эди...ҳалиям туриптими?

- У бир бекнинг наъматаги эди, – деди кўр.

- Ҳалиям чайқалиб турган бўлса керак, ўша ёққа ўтиб қолсанг, хабар олиб қўярсан. Айтмоқчи, йўлингда бир мажнунтолни ҳам кўрасан, у оддий толлардан эмас, тинмай кўз ёши тўккани тўккан. Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда, савобга зор бўлсалар ажабмас [7;159].

Келтирилган парчада ёзувчи кимларга ишора қиляпти, матн орқали кимларни эслаяпти? Ушбу матн табиатига кўра миллий, мурожаат турига кўра билвосита мурожаат саналади. Ёзувчи эслатма, ишора ёки калит сўзлардан моҳирона фойдаланган. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Наъматак” шеъри ҳамда Миртемирнинг “Бетоблигимда” шеъридан, шоирлар яшаган тузум чекловларидан хабардор миллат фарзанди (айниқса адабиёт ихлосманди)га бу манзара жуда таниш. Аммо Ойбек ва Миртемирлар ижод қилган давр руҳиятини ҳис қилмаган ўқувчи эса қоя лабидаги бир туп наъматакнинг чайқалишини, йўлда ўсган мажнунтолни табиатнинг бир мўжизаси деб қарайди. Ижодкор услубий восита сифатида метафорани ҳам қўллаб “мажнунтолни йиғлатади”.

...Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда савобга зор бўлсалар ажабмас... Ушбу жумлада матннинг прагмалингвистик ва лингвокультурологик хусусияти намоён бўлган. Ёзувчи III шахс олмошини қўллаш орқали, аслида Миртемир ва Ойбекка ишора қилаётганлиги прагмалингвистик моҳият бўлса, “ўтганларнинг дуо талаблиги”ни нафақат эслатиш балки дуо қилиб қўйиш лингвомаданий хусусиятдир. Умуман олганда айтиш контекстдаги “бекнинг наъматаги” ва “мажнунтол” сўзлари матндан хабардор китобхон лисоний онгида муайян бирликлар билан боғлиқ муносабат орқали ассоциатив маънони

юзага келтиради. “Озод” романида ёзувчи Ҳамид Олимжон мисраларидан ҳам ПМ сифатида фойдаланади:

...Лоладан-у бахтдан яна кимлардир хабар берадилар. Ҳар баҳор келганида қирдаги биртуп ўрик оппоқ бўлиб гуллайди. Кўклам элимга Дилором бўлиб, гул очиб-кўркланиб кириб келади. Қаршисига бораман-у, ундан “Бахтинг борми?” деб шивирлаб сўрайман.

Кимдир жавоб беради:

Юзларимни силаб-сийпалаб,

Бахтинг бор, деб эсади еллар

Этган каби гўё бир талаб,

Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар

[7;192].

Муаллиф ўзбекнинг “бахтни куйловчи шоири” битган ушбу кадрдон мисраларни матнга сингдириш баробарида асар қахрамони Озодга излаб чиққан лола-ю, тўкинлик рамзи Ҳумо қуши ҳақидаги хабарларни етказиш ниятини бевосита, ўзгармаган, миллий интерматн орқали амалга оширган. Исажон Султон ПМ сифатида ҳадис ва ривоятларга ҳам мурожаат қилади. Жумладан, “Озод” романида Озод отасининг кетмон билан

ишлаётган ҳолатига назар солар экан, ўйга толиб, ота-онанинг табарруклиги ҳақидаги кексалардан эшитган ўғитларини бир-бир эсга олади:

...Эй ўғлон, онангга, онангга, онангга ундан кейин отангга яхшилик қил!... [7; 193]. Бадий матнда ҳадисларнинг ПМ (миллий, бевосита, ўзгармаган) сифатида келтирилиши асарнинг таъсирчанлигини, ифодавийлигини, ўқувчининг ижтимоий ҳаётга ҳиссий муносабатини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифнинг бизнинг тушунчамиздаги ПМлардан ўринли фойдаланиши, биринчидан, ёзувчининг матнлараро композиция яратиш усулини, лисоний имкониятлардан “жонли нутқ” ярата олиш маҳоратини, теран тафаккури ва миллий дунёқарашининг ўзига хослигини таъминласа; иккинчидан, асар ўқишлилигини ошириб, тил ва адабиёт ихлосмандларининг дунёқарашини бойитади, беихтиёр уларни бошқа асарларни ҳам варақлаб кўришга мажбур этади; учинчидан, бир вақтнинг ўзида китобхонни ҳам адабий-бадий, ҳам диний-фалсафий мушоҳада қилишга мажбурлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Барт Р. От произведения к тексту: Избранные работы: Семиотика. Поэтика. – Москва: Прогресс, 1994. – 415 с.
2. Гришаева Л.И. Арминий, Барбаросса, ведьмы с Брокена и другие: немецкий язык и культура через призму немецких прецедентных текстов. – Воронеж: ВГУ, 1998. – 145 с.
3. Исажон, Султон. Генетик. – Тошкент: Янги асар авлоди, 2018. – 382 б.
4. Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: филол.фан. докт...дисс. – Тошкент: 2009. – 220 б.
5. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 135 б.
6. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Бухоро, 1990. – 87 б.
7. Qurbonova M., Yo'ldoshev M. Matn tilshunosligi. – Toshkent: Universitet, 2014. – 50 в.



СУРХОН АДАБИЙ МУҲИТИ ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ АНЪАНАЛАРИ

Юлдуз Ўктамовна ҲАЙИТОВА

тадқиқотчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Сурхондарёлик шоирларнинг мумтоз адабий анъаналарга қандай муносабат билдирганлари таҳлил қилинган. Мазкур муаммо Раъно Узоқова, Шафоат Термизий, Мирзо Кенжабек каби истеъдодли ижодкорларнинг асарлари мисолида ўрганилган.

Таянч сўзлар: адабий муҳит, ғазал, аруз вазни, рубоий, тахмис, мухаммас, жанр.

ТРАДИЦИИ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ТВОРЧЕСТВЕ ПОЭТОВ СУРХАНСКОЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЫ

Юлдуз Уктамовна ХАЙИТОВА

Исследователь

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется, как сурхандарьинские поэты откликнулись на классические литературные традиции. Эта проблема исследуется на примере творчества таких талантливых мастеров пера, как Рано Узокова, Шафоат Рахматилло Термизи, Мирзо Кенжабек.

Ключевые слово: адабий муҳит, ғазал, аруз вазни, рубоий, тахмис, мухаммас, жанр.

XX асрнинг талотўплари ва йигирманчи йилларнинг шиддатли воқеалари аруз вазнининг имкониятларини камайтирди, араб ёзувидан лотин ёзувига ўтилиши эса арузни шеърятимиздан тобора сиқиб чиқарди, аммо аруз вазни бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Чархий, Собир Абдулла ва Гафур Гуломлар бу эски вазннинг яшашига имкон бердилар.

Ўтган асрнинг охириги чорагида Э.Воҳидов ва А.Ориповнинг ғазалда ижод қилишлари бу кўхна вазннинг имкониятларини оширди. Сурхон адабий

муҳитининг замонавий ижодкорлари ҳам мазкур вазнда ўз имкониятларини синаб кўрмоқдалар ва бу ҳамон давом этмоқда. Сурхондарёлик шоирлар мазкур вазнда ғазал ва тахмис боғлаш ҳамда рубоий жанрида ижод қилиш анъанасини давом эттирмоқдалар.

Тахмис мухаммас номи билан аталган жанрдир. Мухаммаснинг айрим намуналари XII аср охирида форс адабиётида пайдо бўлган, сўнгра туркий адабиётда жанр сифатида шухрат қозонган. XIV асрга келиб мухаммас форс ва туркий адабиётда жуда

кенг тарқалган оммавий жанрга айланган. Албатта, мухаммасларнинг қуйидаги турлари мавжуд: мустақил мухаммаслар; бирор шоир ёки ўз ғазалига боғланган тахмислар.

Сурхон адабий муҳитининг XX асрдаги замонавий шеърлятида мумтоз адабий анъаналаримизга илк бор қўл уриб, бу борада салмоқли натижага эришган шоира Раъно Узоқовадир. Шоира шеърлятга кириб келган 30-йилларнинг охирида ҳали ғазалнинг шукуҳи сўнмаган, одамларнинг қалбидан ўчмаган эди. Бу даврдаги эски мадраса таълимини олган зиёлилар, жадид ижодкорларининг таъсирида шеърлятга кириб келган ёшлар бу кўҳна вазннинг тафти билан яшаётган эдилар.

Раъно Узоқова ижодида 12 та ғазал, 2 та тўртлик бўлиб, улар шоиранинг иқтидори ҳақида маълум бир тасаввур бера олади. Ўзбек мумтоз адабиётида асосан 7 байтли ғазаллар машҳур бўлиб келган бўлса-да, шоира 5-6 байтли ғазалларни кўпроқ ёзган ва бир ғазали 7 байтли, бир ғазали 9 байтlidir. Шоиранинг ғазаллари анъанавий ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган бўлиб, асосан урушдан қайтмаган ёри вафодори, фарзандининг отасига бағишланган десак хато бўлмайди.

Масалан, “Қайдадир” радифли ғазал шундай фикр юритишимизга имкон беради:

*Кўкни тутган турналар, айтингчи,
жоним қайдадир?*

*Ифтихорим, шавкатим ҳам
меҳрибоним қайдадир?*

*Ёр юрган кўчаларда изларам ҳар дам
висол,*

*Дилда ором бергувчи қоши камоним
қайдадир?*

*Қайдадир ул қадди шамшод, лаблари
гунчагинам?*

*Ёвни яқсон айлаган ул қаҳрамоним
қайдадир? [6;419.]*

Раъно Узоқова жадид адабиётида мардикорларга бағишланган ғазаллардаги

каби “қаҳрамоним” сифатлашини қўллайди. Бундай сифатлаш Сидқийнинг “Рабо(т) чилар келиши” китобидаги “Ситамдийда рабо(т)чилар келиши” деб номланган 90 сатрлик манзумани эслатади. Унда шоир савол беради, “рабо(т)чи” жавоб беради:

*Берди бир қўлга чирогоу ёна бир қўлга
темур,*

*Ер тагига ушбу ҳолат бирла кирдук
биз гаюр.*

*Баъзимизга берди гурзи, мисни тобсанг,
мунда ур,*

*Ер таги намноку танлар ожиз ўлди
мисли мўр,*

*Айтингиз табрик этиб: “Эй қаҳрамон,
хуш келдингиз” [9].*

Ғазалнинг биринчи банди турналарга хитоб билан бошланган эди, охириги байти ҳам шу тариқа яқунланади:

*Турналар, эй турналар бир-бир кезиб,
айланг дарак,*

*Келтиринг тездан хабар, жону
жаҳоним қайдадир? [6]*

Шоиранинг худди шу руҳдаги ғазалларидан бири “Садоқат” деб номланади.

*Кўкрагимда отди тонглар ёр сени
кўрган кеча,*

*Рашик этарди ҳатто сунбул кокилим
ўрган кеча.*

деб бошланган ғазал:

*Минг балоларга дучор этсин сенинг
доғинг мени,*

*Ўзганинг шавқида кўксим талпиниб
урган кеча.*

*Бир нигоҳингга садага айлайин минг
бир жонни,*

*Бош эгай, Раъно, нигор ҳижрон тунинг
сурган кеча [6].*

тарзида муҳаббатга бир қасам, қасида тарзида жаранглайди.

Улуғ Навоидан тортиб, то жадид ижодкорларигача “сабоға”, “боди сабоға” мурожаат қилган эдилар. Шоира эса илк бора “турналар”га мурожаат қилиб, ўз

“ёри жони”дан хабар олиб келишларини сўрайди. Ўзига хос бадий топилма яратади.

Сурхонлик ижодкорлардан Шафоат Раҳматулла Термизий ҳам ўтмишдош салафлари изидан бориб, улуғ Навоий ва Чўлпон ғазалига тахмис боғлашга жазм этган ва буни удалай олган.

Шафоат Раҳматулла Термизий ижодида учта тахмис мавжуд. Иккитаси улуғ Навоийнинг машхур ғазалларига боғланган. Маълумки, Алишер Навоий ижоди барча давр ижодкорлари учун тажриба ва ибрат майдони бўлиб келган. Шу жумладан Шафоат Раҳматулла Термизийни ҳам улуғ шоирнинг машхур ғазаллари ўзига жалб қилади ва уларга тахмис боғлашга аҳд қилади.

Улуғ Навоийдан сўнг орадан беш асрга яқин вақт ўтди. XX аср бошига келиб туркий шеърятда Чўлпон отлиғ бир шоир шеърят осмонида порлади. Масалан, Шафоат Раҳматулла Термизий тахмис боғлаган ғазаллардан бири Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” ғазалидир. Бу ғазал ҳақида мутахассислар ҳар хил фикр билдирганлар. Аммо энг аниқ ва маъқул фикрни немис олимаси Ингеборг Балдауф айтган: “Чўлпон ўзининг мухторият ҳақидаги орзуларини ифодалаш учун қайта-қайта сўфиёна истиораларга мурожаат қилди. “Қаландар ишқи” шеърини у Мусулмон шарқи халқларининг қурултойи муносабати билан 1920 йилда олис Боку шаҳрида яратди. Мухторият вакиллари бу қурултойга катта умид боғлаган эдилар. Чўлпон бу умидларнинг пучга чиққанини, “Ленинча миллий сиёсат” ғалаба қозонганини аниқ билган. Қуйидаги мисраларда сўфиёна истиоравийлик ва “инқилобий” нур истиораси ҳамда шоирнинг исми, яъни “Чўлпон-тонг юлдузи” кўшилиб, маълум маънода астрономик мета-метафорика (истиоравийлик)ни ташкил этган:

Қаландардек юриб дунёни кездим,

топмайин ёрни,

Яна қулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,

Куёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Ушбу мисраларда яширинган ишоралар қуйидаги “тушунарли матн”да намоён бўлади: “Мен сиёсий мақсади бошқаларга “хаёл” бўлиб туюлган киши сифатида Бокуга бордим, аммо интилган нарсамга эриша олмадим. Мен янги, яхшироқ бир воқелик тонги отаётганини эълон қилмоқчи эдим, аммо бошқа бир куёш, Октябр инқилоби куёши менинг куёшимдан илгарироқ чикди ва у мени ерга тикади” (Чўлпон 1938 йилда отилган) [1; 53].

Шафоат Раҳматулла Термизий ёзган “Чўлпон ғазалига мухаммас” (Қаландар ишқи) олти банддан иборат бўлиб, Чўлпон ифодалаган туйғуларга ҳамоҳанг ва уни тўлдиришга хизмат қилади.

Биринчи банд шундай бошланади:

На хуш дамлар эди бир кун севги шаробин тотдим-ку,

Ки саҳро чечагин, чаман булбулларин уйғотдим-ку,

Ишқ кайвани субҳу шомин қоним бирла бўётдим-ку,

Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлим йўқотдим-ку,

Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку [5;29].

Мазкур бандда Шафоат Термизий “бўятмоқ” феълени “бўётдим-ку” тарзида қўлагани мазкур ҳаракатнинг узоқ давом этганини ифодалаб, тахмисга ўзгача оҳор бағишлаган ва унинг таъсирчанлигини оширган.

Тахмиснинг иккинчи банди жуда муҳим бўлиб, у биринчи банддаги туйғулар ифодасини юксакроқ чўққига кўтарилишига хизмат қилади. Чўлпоннинг:

Қарашма денгизин кўрдим на нозлик

тўлқини бордир,

*Ҳалокат бўлгусин билмай қулочни
катта отдим-ку,*

*мисраларига Шафоат Раҳматулла
Термизий қуйидаги сатрларни қўшади:*

*Нигоҳлар куйдирар мисли елдишим
ёлқини бордир,*

*Сочлар қора фаввораким дилором
салқини бордир.*

*Хиромларда, гамзаларда таннозлик
талқини бордир,*

каби сатрлари Чўлпон байтларини
тўлдиришга хизмат қилган.

Карашма денгизи ёрнинг карашмалари
каби охир-оқибат ошиқни ҳалок қилади.
Чўлпон мазкур байтларда жамиятдаги
талотўплар, ҳаётдаги ҳалокатларни
назарда тутган. Шафоат шоир Чўлпоннинг
“карашма денгизи”, “нозлик тўлқини”
каби сўз ва ибораларига “елдишим
ёлқини”, “дилором салқини”, “таннозлик
талқини” каби сўз ва бирикмаларни
йўлдош қилади. Чўлпон карашма сўзини
денгиз билан қўшиб “карашма денгизи”
дер экан, бу ерда чинакам маъшуканинг
нозу истиғносини эмас, балки социалистик
жамиятдаги алдовнинг кучини, унинг жуда
чуқурлигини ифодаламоқчи бўлади.

Мазкур тахмиснинг бешинчи банди
жуда муҳим бўлиб, у тугалланадиган охирги
банддан олдин келади ва гўёки шоирнинг
фикрларига, туйғуларига хотима ясашга
тайёргарлик жараёнини ифодалайди:

*Баайни Мажнун янглиг элдин бездим
топмайин ёрни,*

*Наволар бирлаким бағримни эдим
топмайин ёрни.*

*Ки качкулни белга боғларни сездим,
топмайин ёрни,*

*Қаландардек юриб дунёни кездим,
топмайин ёрни,*

*Яна кулбамга қайғулар, аламлар бир-ла
қайтдим-ку.*

Немис файласуфи Зигмунд Фрейднинг
“ботиний шуур” ёки “подсознание”
тушунчасига кўра, дунёни иқтисодий

муносабатлар эмас, балки “жинсий
майллар”, “жинсий қониқиш”, “шаҳвоний
истак” бошқаради [7].

Бу ғарбда “либидо”, эрон ва араб
адабиётида “маҳрамона шеърият”, бизда
эса, соддагина қилиб “ишқ-муҳаббат
лирикаси”, рус адабиётида эса “интимная
лирика” тушунчаси билан ифодаланади.
Фрейднинг фикрича, шаҳвоний муродига
эришган кишининг руҳий қуввати ошади.
У ҳар қандай ишга қодир бўлади.

Қалби ишқ-муҳаббат билан тўлган
Фарҳод ўз муҳаббати Ширинга етиша
олмагач, қайнаб турган бу ғайратини бошқа
ўзанга буради ва тошни тешиб, халқ учун сув
чиқаради. Мажнун эса бундай қилмайди.
Ўз маҳбубасига етиша олмагач, ғамлари
ва қайғулари билан қолади ва охир-оқибат
жинни, телбага айланади. Чўлпоннинг
лирик қаҳрамони ҳам охир-оқибат
қаландар либосини кияди ва ўз қайғулари
билан абадий қолади. Чўлпоннинг мазкур
лирик қаҳрамони қаландарга шўролар
жамияти ободончилик билан шуғулланиш,
ўз кучини намоён қилишга имкон ҳам
бермайди. Бешинчи банддаги Чўлпон ва
Шафоат шоир байтлари бизга шундай
талқинлар қилиш имконини беради.

Ва ниҳоят сўнгги мақтаъ бандга келдик:

*Шафоати ишқ аришида мен ҳам султон
эдим, дўстлар,*

*Ҳусн пайғамбарларига асҳоб, чилтан
эдим, дўстлар.*

*Зулайҳоларга Юсуфдек тенгсиз ўлпон
эдим, дўстлар,*

*Муҳаббат осмонда гўзал Чўлпон
эдим, дўстлар,*

*Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга
ботдим-ку [5;29].*

Ва ниҳоят, ўша олмон олимаси айтган
финалга етиб келдик. Қуёшнинг нурига
тоқат қилолмай ерга ботиш бу Чўлпон ва
чўлпонларнинг “отилиши” бўлиб, шоир
жадид зиёлиларининг ҳалокатини башорат
қилгандай таассурот қолдиради. Шафоат
Раҳматулла Термизийнинг “султон”,

“чилтон”, “ўлпон” каби сўзларни радиф сифатида танлаши “Чўлпон” радифини тўлдиришга хизмат қилган.

Устоз шоир Шафоат Раҳматулла Термизий изидан бориб, мумтоз адабиёт анъаналарини изчил давом эттириб келаётган шоирларимиздан бири Мирзо Кенжабекдир.

Исломиё билимлар соҳиби, шайх Мирзо Кенжабек ўзбек шеърлятида диний-тасаввуфий оҳангни ХХI асрда янгилаган бир шоир сифатида ўзига хос ўринга эга. Алишер Навоий номи ва ижоди ҳар бир замон шоири учун тажриба ва илҳом манбаи бўлиб келган. Мирзо Кенжабек ҳам ўзини улўф Навоийнинг бир кичик шогирди санайди ва замонавий ўзбек шеърлятида мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақият билан давом эттираётган шоирлардан.

Мусаммат Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётлида кўп асрлик тараққийт тарихига эга бўлган шеър навларидан биридир. Мусамматнинг жанр сифатида шаклланиши, қўллана бошлаши ХI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади [3]. Назарий жиҳатдан мусаммат илк бор ХI асрнинг кўзга кўринган шеършуносларидан Умар Родуёнийнинг «Таржимон ул-балоға» асарида асосланади [8].

Тахмис мухаммас номи билан аталган жанрдир. Мухаммаснинг айрим намуналари ХII аср охирида форс адабиётлида пайдо бўлган, сўнгра туркий адабиётлида жанр сифатида шуҳрат қозонган. ХIV асрга келиб мухаммас форс ва туркий адабиётлида кенг тарқалган оммавий жанрга айланган.

“Мумтоз шеърлят анъана тилида сўзлаш санъати эди. Бир неча асрлар мобайнида бадий ижодни бошқарган, унга ҳукмронлик қилиб келган анъанавийлик қонуниятлари эса оригинал асарлар қатори, тақлидчилик, нусхакашлик ва яқрангликнинг адабиётлида мавқе топишига ҳам имкон берган. Шунга қарамасдан,

анъанавийлик-улўф йўл ва буюк санъат мактаби” дир.

Шоир улўф Навоийнинг “Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок...” ғазалига, “Доимо расми муҳаббат бор эмиш” ғазалига, “Гулшаниндин елдек, эй раъно ниҳол, Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол” радифли ғазалига мусаддас, Бобурнинг “Ўзни кўнгул айш ила тутмоқ керак, бизни унутқонни унутмоқ керак” байти билан бошланадиган машҳур ғазалига мухаммас боғлаган. Шунингдек, шоир мумтоз адабиётимиз анъаналари изидан бориб, “ҳасби ҳол” ҳам ёзган. Кўрганимиздек, шоир тахмис, рубоий, мусаддас ва ҳасби ҳол ёзиб, ўз салафларига содиқ издошлигини намоён этган.

Маълумки, сўфийлар ўз ғояларини халққа осонроқ етказиш учун қулай жанр бўлган рубоийдан фойдаланганлар. Мирзо Кенжабек ижодида рубоийнинг энг сара намуналари мавжуд бўлиб, улар сон жиҳатидан ҳам салмоқли ва 52 тани ташкил этади.

Тасаввуф аҳли учун рубоий жуда ихчам, қулай ва фалсафий қарашларини ифодалашга мос жанр бўлгани учун ҳам Мирзо Кенжабек юқорида қайд этганимиздек, бу қадим жанрда ўз имкониятларини кўпроқ синаб кўрган. Шоир мустақилликдан сўнг ўз фаолиятини диний-маърифий ва илмий йўналишга буриб, бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, мумтоз адабиётлида мавжуд бўлган пандомуз, ҳикматомуз, ҳадислар мағзини ўзида сингдирган ғояларга бой рубоийлар ижод қилмоқда. Масалан:

*Куёш, изга қайтдинг шом чоғларидан,
Дуо чиққач Набий дудоқларидан,
Қанчалар бахтлисан, эй ой ёрилдинг
Аллоҳ Расулининг бармоқларидан* [2;163].

Замонавий шеърлятда диний-маърифий оҳанглар мавзусини тадқиқ қилган С.Раимова ҳам Мирзо Кенжабек

шеъриятидаги мазкур оҳанглари таъкид қилиб шундай таъкидлайди. “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти намуналари моҳият-эътибори билан эркин бадиий тафаккурнинг куртак ёзиш палласидаги бадиий дурдоналаридир. Бу даврда шеърият ўз ўзанига қайтди. Лирик қахрамон руҳиятида озод тафаккурнинг бўй кўрсатиши ижодкорнинг эркин фикрлаётганидан далолат эди” [4;44].

*Асл заввос бўлсанг, дурни кўргайсан,
Соф бўлсанг, кетар чоғхурни кўргайсан.
Ҳамма ёқ зулмат деб шиқоят қилма,
Ўзингда нур бўлса, нурни кўргайсан...*

Ушбу хайёмона рубоийнинг асл ғояси буюк файласуфларимизнинг “Гурбат излаганга гурбатдир дунё, Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, Ким нени изласа топгай бегумон, Иллат излаганга иллатдир

дунё” мисраларидан таркиб топган машҳур сатрлари билан ҳамоҳангдир [4; 55].

Гарчи Мирзо Кенжабек бугун катта шеъриятни тарк этган бўлса-да, фаолияти ва ижодини монографик планда ўрганишга эҳтиёж бор. Айниқса, Сурхон адабий муҳити ижодкорлари анъаналарини ўзбек адабиёти аренасида, катта сахнада изчил давом эттирган шоир XX аср ўзбек адабиётида алоҳида из қолдиргани билан кадрлидир.

Сурхон адабий муҳити шоирлари ўз салафлари ижодига нафақат ҳурмат ва муҳаббат, балки улар ижодига издошлик қилиб, уларнинг адабий анъаналарини бугунги замонавий шеъриятдамуваффақият билан давом эттираётганликлари эътиборга молик ҳодисадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ингеборг, Балдауф . XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 72 б.
2. Кенжабек, Мирзо. Хушхабар. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 163 б.
3. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976. – 69 б.
4. Раимова С.З. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида диний-маърифий мавзунинг бадиий талқини: Фил. Фан. бўйича (PhD) фал. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент: 2021. – 126 б.
5. Термизий, Шафоат Раҳматулла. Озод сўз. Сайланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 320 б.
6. Узоқова Р. Бахт кўшиғи. Сайланма. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2016. – 112 б.
7. Фрейд, Зигмунд. О либидо. Ижтимоий тармоқ. MyBook.
8. Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2000.
9. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 156 б.
10. Ҳаққул, Иброҳим. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари // (Адабиётшунос Э.Очилов билан суҳбат) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – №2. – Б.59.



ЎРХУН-ЭНАСОЙ БИТИКЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ ТАКТИК АМАЛИЁТЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ ТЕРМИНЛАР

Маъруфжон Мансур ўғли ДУСТМУРОДОВ

мустақил изланувчиси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Тошкент, Ўзбекистон

maruf_dust@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада битиктошлардаги ҳарбий тактик амалиётларни англатувчи айрим терминлар семантик-функционал ва этимологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: терминология, ҳарбий терминлар, Ўрхун-Энасой битиктошлари, Турк хоқонлиги.

ТЕРМИНЫ, ОТНОСЯЩИЕСЯ К НАЗВАНИЯМ БОЕВОГО ОРУЖИЯ В ОРХУНСКО-ЕНЕСИЙСКИХ НАДПИСЯХ

Маъруфжон Мансур оғли ДУСТМУРОДОВ

независимый исследователь

Государственный институт искусства и культуры Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

maruf_dust@mail.ru

Аннотация

В данной статье некоторые термины, обозначающие военно-тактические действия в надписях, исследуются с семантико-функциональной и этимологической точки зрения.

Ключевые слова: терминология, военные термины, Орхунско-Енесейские надписи, Тюркские каганства.

Ўзбекистонда ҳукумат томонидан аждодлардан мерос бўлиб қолган турли моддиймаънавий ёдгорликларни тадқиқ этиш ишларини қўллабқувватлаш, теран илдизи қадим мозийга бориб тақаладиган ўзбек тилининг мавқеини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқи қайд этилган фикрни

далиллайди. “Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши”га аъзо бўлди. Бу ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади” [1]. Туркий халқларнинг муштарак тарихида илк ўрта асрларнинг дастлабки даврларида ҳукм сурган, шонли

Ўтмишнинг таркибий қисми бўлмиш Турк хоқонлиги Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Осиё халқлари ўзаро яқинлашув, чуқур интеграциялашув жараёнларини бошдан кечириш билан биргаликда, давлатчилик анъаналарини янада мукамаллаштиришга интилаётган бир паллада, мазкур минтақанинг улкан қисмини ўзида бирлаштирган Турк хоқонлигининг ҳарбий, сиёсий, маъмурий, қолаверса, ижтимоий ҳаётини ўзида акс эттирган битиклардаги терминлар тизимини атрофлича ёритиш долзарб масалалардан саналади.

Битиктошлардаги тактик амалиётларни англатувчи истилоҳларга *yegci* – “йўл бошловчи”, *ab* – “қўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ”, *tašiq* – “юришга, сафарга чиқмоқ” *qon* – “қўнмоқ, тўхтамоқ, муайян жойда ерлашмоқ”, *täiril* – “тўпланмоқ, йиғилмоқ”, *sülä* – “қўшин тортмоқ, сафарга чиқмоқ”; *qabsa* – “ўрамоқ, қамамоқ, камал қилмоқ”, *qamša* – “ҳаракатга келмоқ, кўзғалмоқ”, *buz* = (бузмоқ, хароб қилмоқ, енгмоқ; тарқа(т)моқ), *ičik* = (таслим бўлмоқ, тобе бўлмоқ), *sänč* = (енгмоқ, лашкар тортмоқ; найзаламоқ), *sünjüş* (жанг қилмоқ; жанг), *täg* = (хужум қилмоқ), шунингдек, *sülät* = (лашкар юбормоқ), *bas* = (босмоқ, йўқ қилмоқ), *yorit* = (лашкар тортмоқ), *ält* = (лашкар элтмоқ, қўшин юбормоқ), *ölür* = (ўлдирмоқ), *yabrıt* = (душманни) толдирмоқ, мағлуб этмоқ, тинкасини қуритмоқ), *yok qıl* = (душман лашкарини йўқ қил(моқ)), *sänčil* = (енгилмоқ), *sü äbdä* (қўшин қароргоҳда), *sü bög* = (қўшин тўпламоқ), *kon* = (қўшин қўнмоқ, ерлашмоқ), *qur* = (қўшинни ҳаракатга келтирмоқ), *sün* = (қўшин енгилмоқ), *täiril* = (аскар ёки қўшин йиғилмоқ), *sü tašiq* = (қўшин сафарга чиқмоқ), *čärgäš* = (аскар саф тортмоқ) каби термин ва бирикмаларни киритиш мумкин.

“Жанг қилмоқ, лашкар тортмоқ, ўлдирмоқ” ва “жанг, уруш” маъноларидаги *sünjüş* истилоҳи Билга хоқон, Тўнжук,

Мўюн Чур битикларида фаол қўлланган: “*Bolučuda sünjüşdümüz*” [2; 127]; “*qanı süsi tärilmiş, sünjüşdümüz, sančdımız, qanın olürtimiz*” [2; 75]; “*Ayuda äki uluy sünjüş sünjüşdüm, süsin buzdum*” [2; 129]. Битикларда *sünjüş* – “жанг” 13 марта, *sünjüş* = – “жанг қилмоқ” эса 62 марта қайд этилган. Ҳар икки истилоҳ феъл-исм омоним шаклида “Девону луғотит турк”да қайд этилган [17;365-399]. Масалан, *sü čärgäš* = – “*ikki sü čärgäšti* – икки тўда аскар саф тортишди” [16;243-9]; *sü sün* = – қўшин енгил(моқ): *sü sindi* – қўшин енгилди [4; 29]; *sü bög* = – қўшин тўпла(моқ): “*bäg süsin bögdı* – бек аскарини тўплади” [5; 19]; *sü qur* = – қўшинни ҳаракатга келтириш: “*qan süsin kurdı* – хон қўшинини ҳаракатга келтирли” [4; 643]. *Sünjüş* = учун *sü(η)* – асос, -(ü)š “Девону луғағтит турк”га кўра, қадимги туркий тилдаги биргалик нисбат аффиксидир. -(ü)š аффикси ҳозирги ўзбек тилида ҳам биргалик нисбат қўшимчаси сифатида -(и)ш шаклида мавжуд. Сўзнинг асоси бўлмиш *sünj* = феъл қадимги туркий битиклардан фақат Қизил Чираа битигида тилга олинади: “*qolım alp uçun bir äriğ oq birlä sünjdim* – Қўлим кучли бўлганидан бир одамни ўқ билан урдим”. “Лексема XI асрдан кейин деярли истеъмолдан чиқиб кетган” [8; 212]. *Sünj* = сўзининг “жанг; қўшин” маъноларидаги *sü* лексемасидан шакланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Хулосашуки, *sünjüş* = ҳозирги ўзбек тилидаги уруш (ҳозир от деб қараладиган уруш сўзи уриш = феълидан ажралган) сўзи кабидир. Яъни *ur* = “куч ишлатиб жазоламоқ” (феъл), уриш (уруш) – кимнидир жазолаш (от ёки феъл); *sü* “жанг, лашкар, жанг қил” (от ёки феъл) *sünjüş* = “жанг қилмоқ”, *sünjüş* “жанг” (от). Маълумки, бундай сўзлар туркологияда исм-феъл омонимияси ёки синкрет лексемалар, деб юритилади.

Битиклар матнида кенг қўлланган *buz* = термини “ўлдирмоқ, бузмоқ, хароб қилмоқ, енгмоқ; тарқа(т)моқ” маъноларини ифодалаган: “*Anı yanyır Türği Yaryun*

költä buzdımız” [2; 108]. Шунингдек, битиклардаги *sü buz*= бирикмаси “қўшини буздим – енгдим, лашкарини мағлуб этдим” маъноларида қўлланилади: “*Ayuda äki uluḡ süñüṣ süñüṣdüm, süsin buzdum*” [2; 129]. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (ЎТИЛ)да бузмоқ сўзининг 13 маънони ифодалаши, гарчи лексеманинг қадимги туркий тилдаги “енгмоқ, мағлуб этмоқ” семаси кўрсатилмаган бўлса-да, бироқ ушбу сема унинг бирламчи, яъни “парчалаб ёки қўпориб, ағдариб йўқ қилмоқ; ишдан чиқармоқ, яроқсиз ҳолга келтирмоқ; вайрон қилмоқ, емирмоқ” маъносида муайян даражада инъикосини топган [10; 63]. Битикларда “таслим бўлмоқ, қарам бўлмоқ, қўшилмоқ” маъноларида ишлатилган *içik*= истилоҳи кўзга ташланади: “*Qanīñin qodur içikdiñ, içikduk üçün täñri “öl” tämiṣ*” [2; 71]. Ушбу лексема ҳозирги ўзбек тилида “муштоқ бўлмоқ, хаддан ортиқ соғинмоқ” маъносини касб этган [11; 250].

Битиктошлардаги соф туркий *sänç*= термини асосан “найза ёки тиғли курул билан яраламоқ ёки ўлдирмоқ, енгмоқ, хужум қилмоқ” маъноларида ишлатилган: “*toquz ärän sančdi, orduḡ bärmädi*” [23; 111]. “*qanī süsi tərilmṣ, süñüṣdümüz, sančdimiz, qanīñ olürtimiz*” [2; 75]. *sänç*= қайд этилган маъносида эски туркий тилда ҳам қўлланишда қолган [6; 483]. Ушбу истилоҳ ҳозирги бир қанча туркий тилларда сақланиб қолган, чунончи, қозоқчада *шанс*, татарча *ченч*, бошқирда *сенс*. Туркия туркчасида XX асрга қадар қўлланган. Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-алам” асаарида *sänç*= “тиқмоқ, сукмоқ, ботирмоқ; уриб ўтказмоқ” маъноларида акс этган [10; 276]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида санчмоқ қўйидаги маънолар касб этган.

1. Учи ўткир нарсани куч билан босиб ёки зарб билан уриб киргизмоқ; сукмоқ, тикмоқ, ботирмоқ.
2. Қадамоқ, тақамоқ.
3. Бирор нарса санчилгандек, ўқтин-ўқтин оғримоқ.
4. кўчма Аччиқ гап билан узиб олмоқ, чақмоқ [12; 342]. Семантик

тахлил лексеманинг битиклардаги ҳарбий ҳаракатни англатувчи маъноси ҳозирги ўзбек тилида сақланганлигини кўрсатади. Маълумки, бир қанча манбаларда учи тиғли ялов санжоқ дейилиши кўзга ташланади. Асли *sänç*дан ясалган ва санжоқ деб номланувчи ушбу детални англатган ушбу сўзнинг ясалиш асоси ва ясалмасидаги ўзаро маъно боғлиқлигини сезиш қийин эмас. Чунончи, кейинги даврда Усмонлиларда бейлар томонидан идора этилган вилоятдан кичик маъмурий бирлигининг санжоқ деб аталишида учи тиғли яловнинг – санжоқнинг ҳукмдорлик аломати эканлиги етакчи роль ўйнаган бўлиши керак. Қолаверса, айрим ҳужжатлардаги Санжар (санчар: санчар – санчувчи; енгилмас) антропоними ҳам ушбу сўз билан алоқадор бўлса ажаб эмас. “Хужум қилмоқ” маъносини билдирган *täg*= истилоҳи битикларда фаол қўлланган: “*sü tägisintä yätinč ärig qiliçladī*” [2; 110]; “*Tabḡaç, bärdänäyin täg*” [2; 72]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тегмоқ феъл-лексемаси бир қанча потенциал семалар касб этган [23; 342].

Битикларга кўра *yärçi* истилоҳи муайян ҳудуд жўғрофиясини яхши биладиган шахсга нисбатан қўлланилган: “*Yärçi tilädim, çolgi Az äri bultum*” [2; 74]. Шунингдек, Кул Тегин битигида бир ўринда *yorçī* истилоҳи учрайдики, бу ерда ушбу сўз “йўлбошчи” маъносидадир: “*Oñ tutuḡ yorçin yaraḡliḡliḡin tutdi*” – Ўнг тутуқ йўлбошчисини яроғли қўли билан тутди [2; 108]; *yorçī* Хитой саркардасининг номи деб ҳам тахмин қилинади [2; 90]. Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзни “моҳир йўлбошловчи” деб изоҳлайди [23; 118]. Бизнингча икки битигдаги *yärçi* // *yorçī* терминлари айнан бир сўзнинг турли вариантлари бўлса керак. Термин уер сўзига қадимги туркий тилда ҳам шахс от ясовчи -*çi* аффиксини қўшиш орқали ясалган.

“Қўшин қароргоҳи, ўрдугоҳ, лашкаргоҳ” маъноси Ўрхун битикларида

баъзан “тураржой, уй” семасини ифодалаган *âb* лексемасига юклатилган: “*sü âbdä ârti*” [2; 128]. Эски туркий тил обидаларида *ev* “уй, хонадон” маъноларини англлатган. *tašiq* (= <*taš* = “тошмоқ”) деривати “сафарга чикмоқ” маъносини англлатган: “*yaziña oguzgaru sü taşikdimiz*” [2; 104]. Черикнинг юриш чоғида дам олиш учун тўхташ жараёни *qon* = феъл истилоҳи билан англашилган: “*süsi târilip kälti. Qadîrqañ ujšda qon ... yaqîña, yäriñäru, subîñaru qontî*” [2; 128]. Қадим ва яқин тарихда сафарга отланган кўшинлар дам олиш учун кулай ерда қароргоҳ тиккан, яъни «қўнган». *qon* = сўзининг дастлабки (бирламчи) “ўтирмоқ, жойлашмоқ” маъноси кушларнинг кўниш жараёнини англлатган [6; 455]. “чериг, кўшин йиғил(моқ)” маъносини ифодалашда “йиғмоқ, тўпламоқ” семасини англлатган *târ* = сўздан ясалган *târil* = истилоҳи қўлланган: *yazîda on tümæn sü târilti, târ*” [2; 76]. *târil* = деривати англлатган маъно эски туркий тилда *yüyl* = лексемаси билан ифодаланган [6; 265]. *qabsa* =, *qabša* = ясалмаси “ёпирилиб, бирикиб лашкар солмоқ” маъносида ишлатилган: “*üçägün qabsap sülälîm*” [2; 74]. Ушбу бирикмадаги *qabsab* сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги “қовушиб” феълнинг тарихий кўриниши саналади. Таҳлилга тортилган лексемани “Девону луғотит турк”да “ўрамоқ, куршамоқ” маъносида қайд этилган *qarsa* = деривати билан чалкаштирмаслик керак.

Битиклардаги *ic* ўзаги билан шаклланган бир нечта терминлар борки, булар *icrä* “махфий маълумот, сиёсий марказ”; *icräki* “саройга оид; сиёсий марказ” маъноларини англлатувчи

истилоҳлар бўлиб, Кўк турк, Уйғур ва Энасой ёзувларида мавжуд. “*ulayu buyruq ... ic buyruqi Bäg Kul*” [2; 132]; “*icräki bädüzçig qti*” [2; 132]; “*Tabyaç qağanîñ icräki bädizçig it(t) i*” [2; 72]. Тўньюқук битигида қуйидаги гап бор: “*apa tarqanaru icrä sab idmiş*” [2; 76]. Гапда *icrä* ҳарбий термин сифатида юқоридаги фикрларнинг давоми ўлароқ, ҳарбий сирни ифодаламоқда. Маҳмуд Кошғарий *ic* сўзини “ҳар бир нарсанинг ичи” деб изоҳлайди [13; 71-19]. Ўзбек тилида *ic* сўзи “бирор кимнинг ёки бирор нарсанинг ўртаси ва ичи”ни билдиради [11; 248]. Ж.Клаусон *icrä* дериватини “яширин ва жисмоний бўлмаган ақлий жараён” тарзида изоҳлайди [4; 17]. Маҳмуд Кошғарий луғатида икки ўринда тилга олинган *icik* = – “таслим бўлмоқ”, “қарши тарафдаги душман кўшинига қўшилмоқ” семемаси билан юқорида таҳлил этилган истилоҳларга ўзакдошдир [13].

Хуллас, қадимги туркийларда ҳарбий терминлар тизими қандай шаклланганлигини, уларнинг келиб чиқиши, у ёки бу лавозим қандай вазифани бажарганлигини, умуман соҳа терминларининг семантик-функционал ва этимологик жиҳатларини аниқлаш қадимги туркларнинг давлатчилик анъаналарини, қолаверса, ҳозирги туркий тилларнинг ҳарбий терминологияси эволюциясини янада ойдинлаштиради. Бунда Ўрхун-Энасой битиктошлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу тошбитиклар дастлабки ёзма хужжатлар сифатида туркийларнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаётидаги илк намуналардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқи. <https://uza.uz/uz/posts/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbek-tiliga-davlat-tilima-o-21-10-2019>

2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 166 б.

3. Бартольд В. В. Древнетюркские надписи и арабские источники // Сочинения, V. – Москва: Наука, 1968. – 311.
4. Бобоёров Ғ., Ғарбий турк хоқонлигининг давлат тизими: тарих фанлари док. дис. – Тошкент, 2012. – 380 б.
5. Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007. – 498 б.
6. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969.
7. Кляшторный С.Г. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии. Археология и этнография Монголии // С.Г.Кляшторный, В.А.Лившиц. – Новосибирск: Наука, 1978.
8. Курганов А.М. Ғарбий терминларнинг ишлатилиши ва улардаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари //Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2018. – № 4 (23). – Б.77
9. Шевчук В.Н. Военно-терминологическая система в статике и динамике: Дис. д-ра филол. наук. – Москва, 1985. – 488 с.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I. – 671 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. II. – 671 б.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. III. – 687 б.
13. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғотит-турк) /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. 3 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1961.
14. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғотит-турк) /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. 3 томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1962.
15. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғотит-турк) /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. 3 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1962. – 463 б.
16. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972.
17. Divanü Lügat-it Türk Tercümesi. Cilt I-IV. Çev. B. Atalay, TDK yayınları: 521–524. – Ankara, 1985.
18. Erhan Aydın: Orhon yazıtları, Bilge kültür sanat: İstanbul 2019. Б. 99.
19. Gabain A. von. Eski Türkçenin Grameri. Türkçe çev. M. Akalın. – Ankara: TTK, 1988. – 313 s.
20. Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. Çeviri E. Kayaoğlu, D. Banoğlu. – İstanbul, 2006. – 640 s. S. 21.
21. Saffet Yılmaz. Eski Türk Runik Harfli Metinlerdeki Askerî ve Siyasî Terimler ile Unvan Niteleyicilerin Özbek Türkçesindeki İzleri. International Journal of Humanities and Education. 260-296 s.
22. Şirin Hatice: Kül Tigin yazıtı – notlar. Bilge kültür sanat. İstanbul. 2015. 258 s.
23. Şirin, H. (2006), “Eski Türkçede Bazı Unvanların Yapısı Üzerine”, Bilig 39, 219- 238 s.
24. Таşaғил А. Гök-Түрклер. – Ankara, 1996. – 97 s.



ЎЗБЕК ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ АССОЦИАТИВ ТАЛҚИНИ

Омонулла Ибрафилевич БАЙЖИГИТОВ

мустақил тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

omonullabayjigitov@gmail.com

Аннотация

Мақолада инсон когнитив онг остида лисоний захира сифатида сақланувчи ҳамда муайян бир нутқий вазиятга нисбатан муносабатини жонли, таъсирли ва эмоционал-экспрессив ифодалаш учун хизмат қилувчи фразеологик бирликларнинг этносларга кўра фарқланиши ҳамда турлича ассоцияланиши ўзбек тилидаги лингвокультурологик фразеологизм мисоллари ва уларнинг таҳлили орқали очиб берилди.

Таянч сўзлар: лингвокультурологик “из”, ассоциатив талқин, фразама семантикаси, лингвокреатив тафаккур, таҳлил, талқин.

АССОЦИАТИВНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ УЗБЕКСКОЙ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

Омонулла Ибрафилевич БАЙЖИГИТОВ

независимый исследователь

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

omonullabayjigitov@gmail.com

Аннотация

В статье фразеологизмы, которые сохраняются в качестве языкового резерва в познавательном сознании человека и служат для яркого, действенного и эмоционально-экспрессивного выражения своего отношения к конкретной речевой ситуации, дифференцируются и соотносятся по-разному в зависимости от этнических групп с примерами лингвокультурологии.

Ключевые слова: лингвокультурный «след», ассоциативная интерпретация, фразовая семантика, лингвотворческое мышление, анализ, интерпретация.

Лингвокультурология борасида сал- жамият ҳақидаги ахборотларини мада-
моқли тадқиқотларни амалга оширган ний-миллий призма орқали етказди,
В.А.Маслованинг таъкидлашича, шу халқ дунёқарашининг характерли
фразеологизмлар тўғридан-тўғри ёки хусусиятларини кўрсатади, айна вақтда,
ассоциатив тарзда у ёки бу халқнинг дунё, унинг дунёқарашини ҳам белгилайди [3].

Инсоннинг ўз она тилига яқинлик туйғуси ҳар бир тилда образли тафаккурнинг тақдорланмас ассоцияларининг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Лингвокультурологик фразеологизмларнинг ассоциатив таҳлили орқали турғун фразеологик бирикмаларда сақланиб қолган ноодатий яширин ҳолатдаги маданий унсурлар очилиши, кузатилиши, ёритилиши мумкин. Дарҳақиқат, фраземалар семантикасининг ҳам бошқа бир қатор этномаданий матнлар қатори фақат махсус таҳлил орқали маданий маънолари аниқланиши мумкин, чунки фраземаларнинг ички маъноси юзага келишида, шаклланишида маданий, миллий образларнинг асос бўлиши исбот талаб этмайдиган ҳодисадир.

Ўзбек тили фраземаларининг миллий-маданий ўзига хослиги, биринчидан, ўзбекларнинг лингвокреатив тафаккур юритиш хусусияти билан, иккинчидан, идрок этилаётган дунёни этнолингвистик томондан ўзига хос интерпретация қилиниши даражаси билан, учинчидан, онгимиздаги мавжуд ҳаётий зарур объектларнинг мазмун-моҳияти, мақоми аҳамиятлилиги билан изоҳланади. Дарвоқе, кун сайин инсон ҳаётида қатор маданий қадриятларнинг ортиб бориши натижасида уларни тартибга солиш ва категорияларга ажратиш ҳамда вербал ифодалашга эҳтиёж туғилади.

Ўзбек тили фразеологик захирасининг шаклланишида лингвокультурологик “из”ларни топономик компонентли географик жой номлари, топонимлар, макондаги наботот турлари билан боғлиқ фраземалар, макондаги ҳайвонот, паррандалар билан боғлиқ бўлган фраземалар; миллий-маданий ҳаёт билан боғлиқ миллий кийимлар, миллий таомлар, урф-одатлар, байрам-тантаналар, миллий-диний қадриятлар билан боғлиқ фраземалар ҳамда миллатга хос ахлоқ-одоб қадриятларини ифодаловчи диний туйғу

ва тушунчалар, маросимлар билан боғлиқ фразеологизмлар таркибида таҳлил қилиш мумкин.

Тилдаги фраземаларнинг шаклланишида топономик лексиканинг иштироки нафақат тил семантик захирасини янги тушунчалар билан бойитиб боради, балки тарихий маълумот сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, бирор жойнинг узоқ эмаслигини билдириш мақсадида водийда “Аҳмоққа Қува бир тош” дейилса, Тошкентда “Аҳмоққа Тўйтепа бир тош” ибораси ишлатилади. Ёки “Асакаси кетадими?” – нимани йўқотади, маъносида, “Онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ” – адабини бериб қўймоқ, “Пуф деса Бухорога учади” – омонатгина мазмунидаги ибораларида Қува, Тўйтепа, Асака, Учқўрғон, Бухоро топонимлари ўзбек тилида янги фраземалар шаклланишига асос бўлган. Ёки қуйидаги: сўраб-сўраб Маккани топибди, боғи эрам, дўзахнинг эшиги очилди, тоғни урса талқон қилади, суянган тоғи, ишонган боғи, бировга чуқур қазимоқ, ўрмонга ўт кетса, хўл-у, курук баравар ёнади, игна билан қудук қазимоқ, асфаласофилинга равона бўлмоқ, Арши аёло каби ибораларда макон билан боғлиқ бўлган турли жой номлари иштирокидаги фраземалар ўзбек тили фразеологик “дунёси”нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда сезиларли аҳамият касб этади.

Наботот дунёси билан боғлиқ ҳолда юзага келган фраземаларнинг шаклланишида ўзбек халқи яшаб турган макондаги ўсимликлар, мевали дарахтлар ва улар билан боғлиқ бўлган турли топонимлар ўзига хос фраземаларнинг вужудга келишида катта роль ўйнайди. Улар ифодалаётган маъно-мазмунларнинг кўлами анча кенг бўлиб, тилда ўзига хос янги фразеологик маъноларни шакллантиради. “Данагидан мағзи ширин” иборасининг шаклланишига эътибор беринг: бир томондан, жуда осон, содда ўхшатиш, яъни данакнинг қаттиқлиги,

мағзининг юмшоқ ва ширинлиги орқали ифодаланувчини, қиёсий фразеологик маънони ўзбек халқига мансуб инсонгина тўлиқ ҳис этиши мумкин. Ана шундай миллий колорит билан суғорилган фраземалар сирасига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин: Узумини енг-у, боғини суриштирманг, чиллаки чиллақини кўриб чумак уради, олма пиш, оғзимга туш, гул тиконсиз бўлмас, кимнингдир қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ, кимнидир бошида ёнғоқ чакмоқ, дархтнинг бўшини курт ейди, писта пўчоғига жо қилмоқ, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, бодом қовоқ, кўзининг пахтаси чиқиб кетмоқ, шолғомдай қизармоқ, қоқи баҳоси ва ҳоказо.

Макондаги ҳайвонот, паррандалар номлари асосида пайдо бўлган зооним компонентли фраземалар.

Бундай фраземалар нафақат бизнинг ҳудудда яшовчи ҳайвонлар номлари билан, балки бошқа ҳудудларда яшовчи ҳайвонлар феъл-атворларининг метафорик кўчимлари орқали ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолат бир қатор халқларда ўхшаш фраземаларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлади. Яна бир ўзбек тилидаги зоокомпонентли фразема “ит-мушук бўлиб яшамоқ” ибораси эр-хотиннинг уруш-жанжал, келишмовчилик билан ҳаёт кечириши мазмунини англатади.

Ўзбек хонадонларида эчки ва қўй ҳайвонлари боқилгани ва улар билан боғлиқ бир қанча фраземалар келиб чиққанлигини кўриш мумкин: эчкидай сакрамоқ; пахтадан эчки ўтсин, жўхоридан – туя; шафтолидан боғ қилма, эчкидан – мол, эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси; ёки ювош, беозор инсонларни тасвирлашда, “қўй” зоонимидан фойдаланилади: қўйдай ювош, қўй оғзидан чўп олмаган каби иборалар қўлланилади. Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романида мана бундай диалог бор.

— Бунақа келиннинг боридан йўғи. Ўғлимга ижроқўмларнинг қизини олиб бераман.

— Ҳа, – деди Умматали, – қўй оғзидан чўп олмаган ўғлингга тегаман деб у ёғи Хоразм, бу ёғи Тошкент тарафлардаги ижроқўмларнинг қизлари сочларини тараб, йўлига кўз тикиб ўтиришибди [1].

Шу билан бирга бир қатор фраземалар мавжудки, улар тилда ички ва ташқи муҳит таъсирида юзага келган олам манзарасини ифодалаш мақсадида шаклланган: сичқоннинг ини минг танга; қўйни бўрига топширмоқ; бир ўқ билан икки қуённи урмоқ; итдай оч қолмоқ; ит қунига тушмоқ; хўкиздай кучли; отдай бақувват; ўғри зағизғон; сувга тушган мушукдай; пашшадай қирилмоқ; мусичадай беозор; қари тулки; хўроз қичқирмай; товуқ мия; қуён юрак; туянинг думи ерга текканда; хўкиз туққанда; аҳволига маймунлар йиғлайди; ўғри мушукка ўхшаб пойламоқ; ўзини парвонадай чироққа урмоқ; эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ; эшакка дўлана таққандай; қарқуноқдан булбул чиққан; илоннинг ёғини ялаган; қўйнида илон сақлаган; думини қисиб қочмоқ ва ҳоказо.

Миллий-маданий ҳаёт билан боғлиқ бўлган фраземалар халқларнинг миллий урф-одатлари, байрам-тантаналари, миллий кийимлар, миллий таомлар каби ўз маданий дунёқарашлари замирида шаклланиб, халқларнинг бундай ўзига хос томонлари ўз тилларида шаклланган фраземалар орқали намоён бўлади, ифодаланади. Ушбу ҳолатлар нафақат тилларнинг ўзига хослиги, балки миллий бетакрорлигини ҳам кўрсатишда исбот талаб қилинмайдиган восита ҳисобланади. Масалан, ўзбек халқининг миллий кийимлари асосида шаклланувчи фраземаларга эътибор қаратинг: дўпписини осмонга отмоқ; дўпписи яримта; иштонсизнинг ҳадиги чўпдан; кўрпангга қараб оёқ узат; бўзчи белбоққа ёлчимас; белинда белбоғинг борми; пайтавасига қурт тушди; пўстагини қоқмоқ; икки оёғини бир этикка тикмоқ; бир ёстиққа бош қўймоқ; бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ; бир ёқадан

бош чиқармоқ, ковушини тўғрилаб қўймоқ ва бошқалар.

Қизиқ мисол тариқасида “Тўнни тескари киймоқ” иборасининг этимологиясига эътибор берсак, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганларидек: тўнни ғазаб отига миниб, муштлашаман деган камбағал тескари кийган. Қон тегса, лой тегса астарга тегсин, йиртилса астар йиртилсин, ямоқ тушса астарга тушсин деб тўнни тескари кийган. Камбағалнинг тўни иккита бўлмаган [2]. Фикримизча, одамнинг усти бошини тескари кийиши, унинг кайфияти билан боғлиқ. Яъни ўнг турган кийимнинг тескари кийилиши, кимнингдир фикрини ўзгартириб қолишига қийинлашган бўлиши мумкин.

Миллий таомларнинг номлари асосида юзага келган фраземалар. Ўзбек халқининг миллий таомлари номлари асосида юзага келган фраземалар адади ҳам анчагина: “аталадан суяк чиқди” ибораси “ноқулай ҳолат юзага келди” маъносини ифодаласа, “сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам” фраземаси “иккаласи ҳам зарар кўрмасин” маъносини англатади. Ушбу фраземанинг Ойбекнинг “Нур қидириб” қиссасида қўлланишига эътибор беринг:

“—Ундан кейин сиз ҳам Муҳаммад Жамолнинг динсизлигини, ташвиқот ишларини фош этиб, қоралаб ёзасиз, аммо шикоятингиз мукамал бўлсин.

— Мукамал, мукамал бўлсин, — деди ёд этиб Тожиддин Қосим. — Сиз ҳам жойида, кабоб ҳам.... Тўғри...” [4].

“Оғзига толқон солмоқ” иборасининг мазмун-моҳияти ҳам миллий сўз “толқон” орқали ифодаланган. Ёки кўпроқ шевада қўлланидиган “мошхўрдага қатиқ бўлмоқ” фраземаси. Ўзбекларнинг таомларидан бўлган “мошхўрда ва қатиқ” сўзлари миллий хусусиятга эга.

.....
Қуйидаги бир қатор фраземаларнинг фразеологик хусусиятларига эътибор беринг: арзон гўштнинг шўрваси татимас;

қулоғининг тагида шавла қайнатмоқ; қулоғига лағмон илмоқ; нон урсин!; нони яримта; ёғ тушса ялағудай; қалампир чайнабди; оғзида қатиқ ивитмоқ; ҳамирдан қил суғургандай; патир ушатмоқ; ҳолвани ҳаким ер, калтакни етим; она сути оғзида; сиркаси сув кўтармас; айрон ош бўлмас, нодон бош бўлмас; дон олишмоқ; юраги (бағри, жигари) кабоб бўлмоқ; тайёр ошга бақовул; яхши инсон ош устига ва бошқалар.

Миллий урф-одат ҳамда байрам-тантаналар асосида юзага келган фраземалар ҳам тилда фаол ишлатилади: бай очмоқ; бай қилмоқ; бай пули; чилла ўтирмоқ; чилласи чиқди; ота кўрди; нон еди; куёв чақирди; қиз тўйи; суннат тўйи; тўйдан олдин ноғора чалмоқ; бир ёстикқа бош қўймоқ; иштаҳаси карнай, ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи; аравангни торт.

Ойбекнинг “Нур қидириб” қиссасидан: “... Қарз оз эмас, кун сайин ошиб кетяпти. Судхўрнинг иштаҳаси карнай, судхўрдан инсоф кутиш тошдан мой сиқиб чиқариш билан барабар” [4].

Қарғишлар – оғзингдан чиқиб ёққанга ёпишсин; оғзингдан шамол учирсин; нафасинг ўчсин, косанг оқармасин.

Бошқа урф-одатлар билан боғлиқ фраземалар – уй тор бўлса ҳам, кўнгил кенг; уйда турса сасир ошим, бировга берсам эссиз ошим; тегирмончи деб кўсани уйғотмоқ; қош қўяман деб кўз чиқармоқ; мум тишламоқ; қўғирчоқ қилиб ўйнатмоқ; аза тутмоқ; қизим сенга айтаман, келиним сен эшит; аравани қуруқ олиб қочмоқ; келин кўрмоқ; келинни келганда кўр, сепини ёйганда.

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида “Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билакузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби заргарлар тўқиб чиқарган олтин, кумуш безакларга ғоят ўч эди, бундай қимматбаҳо буюмлардан кути-кути йиққан... Ҳар ҳайит уч кунгина

ясаниб-тусаниб, оғирлиги тахминан бир пудга етадиган ҳалиги безакларини тақиб, унча мунча бой оила қизларини оёқ учи билан кўрсатиб, томоша қилар “келин кўриш”га юрар эди” [5].

Диний қадриятлар асосида юзага келган фраземалар.

Бундай фраземаларнинг бошқа фраземалардан фарқли ўзига хослигини, алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчидан, аксарият диний фраземалар араб, форс тилларидан ўзлашган лексик birlikлар асосида юзага келган бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тили фразеологик захирасида тўлақонли birlik сифатида ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ жараёнида қўлланиб келинади. Масалан, соҳиби каромат – каромат эгаси [8]; фарзи айн – ҳар ким ўзи адо этиши керак бўлган амаллар (намоз, рўза, закот); фарзи кифоя – мукаллафлар жамоасидан қандайдир адади маълум амални бажариб қўйса, бошқалари соқит бўлади, масалан, жаноза намози [8]; номаи аъмол; шайтони лаин; фаҳри коинот каби иборалар. Юқорида таъкидлаганимиздек, араб ва форс тиллари ҳамда ўзбек тили лексикаси кўшилиши натижасида юзага келган ҳолда умумфразеологик маънони шакллантиради, яъни бу ерда оддий лексик маъно ҳақида гап кетмайди, балки уларнинг бирга кўчирилган ва яратган фразеологик маънолар ҳақида гап боради.

Шунингдек, диний тушунчалар, халқнинг дунёқараши орқали юзага келган фраземаларни оғзаки, ёзма нутқда қўлланишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга диний тушунчалар асосида умумхалқ тилида, оғзаки нутқда барча томонидан қўлланиб келинадиган иборалар. Масалан, қиёмат қарз; шукр қилмоқ; даргоҳида қабул қилсин; шак келтирмоқ; шаккоклик қилмоқ; хўжа кўрсинга; оқ фотиҳа; қўлини ҳалолламоқ; хатна қилдирмоқ; жонини жабборга бериб ишламоқ; жаҳаннамга равона қилмоқ; Хизрни йўқласа ҳам бўларкан; фотиҳа

ўқимоқ; қаъда қаримас; тўрт тарафинг қибла; Лукмони ҳаким; лукмаи ҳалол; каломуллоҳ урсин; аза очмоқ; азбаройи Худо; қулоғига азон айтмоқ; сўфи азон айтмасдан; сув йўғида таяммун; таҳорат сингди; уволи тутмоқ; бандалик қилмоқ; боғи эрам кабилар.

Бундан ташқари, ўзбек тилининг диний жанрида, яъни диний адабиёт, рисола ва журналларда ҳамда аксарият диний масалалар билан шуғулланувчи шахслар тилида қўлланидиган фраземалар. Масалан: валлоҳи аълам; аммо баъд; аҳли солиҳ; ё Раззоқ!; риё қилмоқ; руҳи равон; бақо ва фано; дам солмоқ; истиғфор айтмоқ; хатм қилмоқ; фарзи кифоя; фарзи айн; қазо ва қадр; қазо намози; Яъжуж ва Маъжуж; қадаи увло; қарзи ҳасана; Ҳотамул анбиё; хофизи қурро; хомили Қуръон; Ҳажжи бадал; шукри вузъу; калимаи таҳорат; такбири таржима; такбири ташрик; Одам Ато, Момо Ҳаво; малоикаи муқаррабун; илми ладуний; илми адён; илми ғайб; илми қол; бидъий талоқ; биби сешанба; Асмои хусна; Асхоби Суффа; байтул маъмур; байтул муқаддас, байтул ҳаром; Ал-Ҳажарул асвад [8] шулар жумласидан.

Бу каби турғун сўз бирикмаларининг келиб чиқиши, яъни этимологияси ва улар ифодалаётган туйғу-тушунчалар шу қадар ранг-барангки, фикримизча, уларнинг лисоний хусусиятлари, миллий-маданий аҳамияти келгусида алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Биз фраземаларнинг тил бирлиги сифатида баъзи бир хусусиятларини таҳлил қилиш билан чекландик холос.

Тадқиқотимиз жараёнида шу нарса аён бўлдики, бир қатор фраземалар ўзларининг маъноси, мазмун-моҳияти билан ўзбек халқининг турфа ҳаёт тарзини ифодалаш мақсадида яратилган, уларнинг қўлланиш кўлами шу қадар кенгки, бу фраземаларни алоҳида шаклланган гуруҳларга ажратишнинг иложи йўқ. Фраземаларнинг ушбу хусусиятлари уларнинг тил тизимида

тутган ноёб мақомини яна бир бор алоҳида кўрсатиб турибди. Мисолларга эътибор қаратсак: бировнинг бешигини тебратмоқ; танобини тортмоқ; эл оғзига элак тутмоқ; эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ; бош омон бўлса, дўппи топилади; эл назар қилмаса, эшак бозорга ҳам даллол бўлмайсан; боқи беғам; сурнайнингни тортма; отни кўрса оқсайди, сувни кўрса сувсайди; Али хўжа, хўжа Али.

Миллий қадриятлар бу – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, авлоди, ижтимоий қатлами, миллий онги, тили, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ. Бизнинг миллий қадриятларимиз туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё-андиша қабиларнинг устуворлиги билан характерланади. Фразеологизмларнинг халқ менталитети билан боғлиқлигини тадқиқ қилган лингвомаданиятшунослик принципларига асосланади [7]. Лингвокультурологияга оид адабиётларда фразеологизмлар ҳам тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади. Турли миллатларда менталитет ва маданий анъаналарига кўра, фраземалар мулоқат мақсади ва ҳолатига қараб турлича қўлланилади, тушунилади ва коммуникатив мақсадга йўналганлик ноанъанавий тарзда англашилади. Бундан ташқари, муайян мамлакат, географик ҳудудга қараб бир-биридан фарқланади. Фикрларимизнинг исботи ўлароқ қуйида ўзбек халқининг ўзига хослигини кўрсатувчи фраземалардан намуналар келтирамыз: Афросиёбдан қолган, елкаси чопон кўрмаган; тўйдан олдин ноғора чалмоқ; лафзи ҳалол; қулоққа азон айтмоқ; белида белбоғи бор; ола хуржун елкасига тушмоқ; патир ушатмоқ; пайтавасига қурт тушмоқ; ризқини териб емоқ; супрадаги

унга қарамай тандирга ўт қаламоқ; Қўқонда теккан дард; “пуф”деса, Бухорога учадиган; хамир учидан патир; бош омон бўлса дўппи топилар, отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик, тўнини тесқари кийиб олмоқ, имони комил, ихлосини қайтармоқ, ихлос қўймоқ, туя кўрдингми йўқ, тоғни толқон қиладиган, қўлини бигиз қилмоқ, зиғир ёғдай кўнглига урмоқ, дўппи ол деса, калла олмоқ, соясига кўрпача солмоқ, миридан сиригача, онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ, думи хуржунда қабилар [6].

Мазкур фраземаларнинг барчасида ўзбек халқи ишлатадиган кийимлар, буюмлар, миллийликка хос мавҳум тушунчалар ўзбек халқига хос жой номлари қатнашган ва бунда халқнинг ўзига хос фикрлаш тарзи, урф-одати, маданияти акс этган. Шунинг учун инсонларнинг тилидаги ранг-барангликлар халқ маданиятининг, кечинмаларининг турфа хиллигини кўрсатиб беради. Юқоридаги мисоллар миллийликни ифодалайдиган сўзлар орқали ўзбек халқи фразеологиясининг ўзига хос фраземаси ҳисобланса, қуйидаги фраземаларга маълум бир сўз орқали эмас, бутунлигича менталликни акс эттирадиган фразеология сифатида қаралади. Жумладан, кўзи қиймайди, бир ёқадан бош чиқармоқ, оғиз солмоқ, маслаҳатни бир ерга қўймоқ, бети чидамаслик, бир жон-у, бир тан бўлмоқ, бети шувут бўлмоқ, бел олишмоқ, етти букланиб, йўл бўлсин, нон ушатмоқ, кўзи тириклигида, тили бормаслик, эп билмаслик, эп кўрмаслик, юзи ерга қаради, юлдузлари тўғри келмоқ, юраги ачишди, ўз ёғига ўзи қовурилмоқ, ўзини ўзи еб қўймоқ, ўтқазгани жой тополмаслик, қулинг ўргилсин, киндик қони тўкилган, елкаси ерга тегмаган, қулоғини тишлаб қўйган қаби бир нечта фразеологизмларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ahmad, Said. Ufq. – Toshkent: Sano-standart, 2019. – 679 b.
2. Vohidov, Erkin. So‘z latofati. – Toshkent: O‘zbekiston, 2014. – 152 b.
3. Mahnudov N., Odilov Y. So‘z ma’no taraqqiyotida ziddiyat: o‘zbek tili enantiosemitik so‘zlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: Akademnashr, 2014. – 172 b.
4. Ойбек М.Т. Нур қидириб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 336 б.
5. Oybek. Qutlug‘ qon. – Toshkent: Yangiyul poligraph service, 2019. – 190 b.
6. Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 1978. – 407 b.
7. Teshaboyeva D. Ommaviy axborot vositalari tilning nutq madaniyati aspektida tadqiqi: Filol.fanlari d-ri...diss.avtoref. – Toshkent, 2012. – 52 b.
8. Умархўжа, Мухторхон Эшон. Диний атамалар ва иборалар: қисқача оммабоп изоҳли луғат. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2016. – 146 б.

UZA

O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



РУС ТИЛИГА КАЛЬКА АСОСИДА ЎЗЛАШГАН АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ИМЛОСИ

Бобир Исан ўғли МАХАММАДОВ

мустақил тадқиқотчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

махаммадовуз@gmail.com

Аннотация

Мақолада мобиль иловаларда фойдаланилган терминларнинг калька жараёни асосида тўғридан-тўғри таржима қилиниши, калька жараёни бўйича тилшунос олимларнинг маълумотлари ҳамда барча мобиль иловалардаги терминларнинг таърифлари берилган.

Таянч сўзлар: содда ва мураккаб бирикмалар, калька, ярим калька, лексик аралашув, лексик-семантика, морфологик усул, комбинацион, префикс, постфикс бирикмалар.

СТРУКТУРА И НАПИСАНИЕ ТЕРМИНОВ МОБИЛЬНЫХ ПРИЛОЖЕНИЙ ОПЕРАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ АНДРОИД, АДАПТИРОВАННЫХ К РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА ОСНОВЕ КАЛКИ

Бобир Исан углы МАХАММАДОВ

независимый исследователь

Навоийский государственный

педагогический институт

Навоий, Узбекистан

махаммадовуз@gmail.com

Аннотация

В статье представлен прямой перевод терминов, используемых в мобильных приложениях на основе процесса кальки, информация от лингвистов о процессе кальки и определения всех терминов мобильных приложений.

Ключевые слова: простые и сложные слова, калька, полукалька, лексический процесс, лексико-семантический процесс, морфологический метод, комбинация, префикс, постфикс слова.

Бошқа тил луғавий бирлигидан рус лексикасига воситалар орқали нусха кўчириш (сўзма-сўз таржима қилиш) натижасида юзага келган сўз, атама ёки бирикмаларга нисбатан калька тушунчасидан фойдаланилади. “Калька” атамаси французчада “кўчириш” деган

маънони англатади. Калькалаш натижасида рус тилига янги сўзлар, иборалар ва уларнинг янги маънолари кириб келади. Калькалаш натижасида юзага келган сўзларни лексикология ёки этимология бўлимларида ўрганиш мумкин.

Рус тилида калькалашга XVI-

II асрда мурожаат қилинган бўлиб, бу ходиса Н.М.Карамзиннинг Ш.Боннега рус тилининг бойлиги ва хорижий китобларнинг рус тилига таржимаси бўйича ёзган мактубида учрайди. Шу орқали, ушбу рус тарихчиси ва адабиётчиси рус тилига четдан ўзлашган сўз ва унинг тушунчасидаги муаммоларни ва таржимада учрайдиган камчиликларни очиб берган [7;16].

XIX аср охирида Й.К.Грот рус адабиётининг ривожланиш жараёнида турли тиллар билан алоқа натижасида кириб келадиган, олинган сўзларнинг муҳим ўрни мавжудлигини таъкидлаб ўтган. У бошқа тиллардан олинган сўзларни луғат бойлигини оширадиган энг осон усуллардан бири деб ҳисоблайди. Бошқа тиллардан олинган сўзларни Й.К.Грот 3 хил усулда таснифлаб чиқади:

1) четдан олинган сўзларни ўзгаришсиз қабул қилиш (айнан олиш): библия, солдат, протест;

2) рус тилига мослаштириш: церковь, футляр, тарелка;

3) сўзларни таржима қилиш ва сўз ясаш орқали: благославлять, трогательный.

Юқоридаги таҳлил орқали Й.К.Грот охирги тур орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексикаларда калькалаш мавжудлигини тушуниб етади ва четдан ўзлашиш жараёнидан ажратади ҳамда таржима билан солиштиради [3].

Шундан сўнг, калькалаш жараёнига XX асрда фаол қизиқиш бошланади. XX асрнинг биринчи ўн йиллигида чет эл лингвистлари томонидан ҳам шу соҳа бўйича анча илмий ишлар олиб борилади. Калька атамасини Ш.Баллининг “Traite de stylistique française” илмий ишида учратиш мумкин. Олимнинг дастлабки фикрларига кўра, калька бўйича илмий изланишлар энди бошланганини ва ҳали тилдаги мустақил кўринишининг аниқ эмаслигини таъкидлаган. Ўрганиш жараёнида у бошқа тиллардаги сўз ва ибораларни сўзма-сўз

таржима қилиш натижаси калька эканини тушуниб етади.

Олимлар калькалаш ва унинг айнан ўзлашиш жараёнларидаги умумий ўхшашликларни таҳлил қила туриб, икки тушунчага нисбатан чегара қўймасликни таъкидлашади. Улар фақатгина тузилиш жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиши мумкин, лекин луғат бойлигини тўлдириш учун бир хил муҳим ўрин тутаяди.

Ш.Баллининг ишини кейинчалик К.Сандфельд-Енсен 1912 йилда давом эттириб, ўзининг бир мақоласида калькалаш жараёнини кўриб чиқади ва унинг яқинлигидан келиб чиқиб, унга тилга таъсир қилувчи шакллардан бири сифатида қарайди. Ш.Баллидан фарқли жиҳати, у калькалаш жараёнидаги асосий ўринни таржимага беради.

Бу фикр бошқа тилшунос олимларнинг ҳам диққатини ўзига тортишига қарамай К.Сандфельд-Енсен калькалаш жараёнидаги қисмларга аниқ таъриф бермайди, лекин уларнинг маъно англатиши учун бир неча терминларни ишлатади: лингвистик калька, таржима қилинган олинма сўзлар, калькаланган иборалар.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида барча тилшунос олимларни вужудга келган калька тушунчасининг атамалари хавотирга солиб қўяди. Илмий адабиётларда ушбу жараённинг турли таърифлари келтириб ўтилган, лекин барча тилшунос олимлар ўзларининг фикрларига кўра ушбу тушунчани таърифлаганлар.

Калька жараёни бўйича муаммоларнинг ечимлари Б.Унбегауна ва Э.Бак томонидан олиб борилган илмий ишларга бориб тақалади. Сабаби, бу икки тилшунос олим бу жараён бўйича аниқ фикр айтиб ўтган. Хусусан, Б.Унбегаун калька ва тўғридан-тўғридан ўзлашган сўзларни бир-биридан қуйидагича фарқлайди: Ўзлашган сўзлар – товуш ва шакл биров ўзгариши орқали сўзларнинг кириб келиши, калькалашда эса маъно орқали ўзлашади, ташқи шакли

эса ўзлашган тилга тегишли бўлади. Шу тарихи, у калькани ўзлашган сўзларнинг ички шакли сифатида ажратади ва айнан олинган сўзлардан фарқи ва ўхшашликларини ажратиб беради.

Бундан ташқари, Б.Унбегаун фикрича, калькалани жароғи икки тилликда намоён бўлади ва бу ҳодиса тилнинг маданий қатламига боғлиқ бўлиб, агар ушбу қатлам адабий тилнинг ривожланишида ўрин эгалласа, калькалани ҳам кейинчалик илмий характерга эга бўла бошлайди.

Б.Унбегаун калькалани славян тилларида алоҳида кузатиб туриб, чех, славян, хорват ва лужичан тиллари немис тилидан калькалани натижасида юзага келган деган хулосага келади. Сабаби, немис тили бу давлатларда кўп қўлланилганлиги, славян тилларининг немис тили билан тузилиши жиҳатдан яқинлиги, кўп йиллар давомида бу давлатлар немис ва австрия давлати таркибида бўлганлиги ҳамда улар юқори табақа вакилларининг кўпчилиги таълимни Венада олганлиги юқоридаги фикрга яққол исбот бўлади. Барча фикрларни жамлаган ҳолда Б.Унбегаун калькалани жароғига таъсир қилувчи 3 та – географик, лингвистик ва тарихий омилни санаб ўтади.

Э.Бак эса айнан олинган сўз, четдан ўзлашган сўзлар ва калькаларни уларнинг мустақил қўлланилиши жиҳатидан бири-бирдан фарқлайди: таржима қилинган калька бошқа тилдан ўзлашган сўзга боғлиқ бўлади, айнан шу четдан ўзлашган сўз калька учун шакл ҳосил қилишга

ёрдани беради. Шу орқали, Э.Бак калька жароғини 3 гуруҳга бўлади:

1. Асрлар оша афсоналарда учрайдиган сўзлар. Унинг айтишича, бундай сўзлар мустақил юзага келмайди. Шу сабабли, калькаланган ҳисобланади.

2. Мазмуни “халқ руҳи” билан белгиланмаган сўзлар. Бундай сўзлар мустақил тарзда бошқа тил таъсирисиз кейинроқ пайдо бўлиши мумкин.

3. Бошқасининг таъсиридан мустақил равишда пайдо бўлиши эҳтимол тутилган сўзлар.

Бу икки тилшунос олимлар қатори В.В.Виноградов ҳам калька бўйича бир нечта мулоҳазани илгари сурган. Айниқса, бу олим калька тарзида тилга кириб келган сўзларнинг морфологик структурасига эътибор қаратади ва М.Сменсковскийнинг “Ака-ука Лихуда” асаридаги грек ва славян тилларининг лексик ва семантик тузилишининг умумий ўхшашликларини таҳлил қилиб чиқади. Масалан, “евангелие – благовестие” бундай умумий таржимага асосланган шакли В.Виноградов морфологик калька деб атади.

Шундай қилиб, XIX асрнинг бошларида бошланган калька бўйича ўрганишлар, XX асрнинг ўттизинчи йилларига келиб аниқ кўринишга келади [7].

Тилшунос олимлар бир тўхтамга келиб олгандан сўнг калька жароғи турларга ажратила бошланди. Э.Фориан ўзининг [8] мақоласида Й.Обарани қарашларини асос қилган ҳолда калькаланининг асосий тур ва гуруҳларга ажратганини таҳлил қилди.



1-расм.

Калька бўйича тушунчалар пайдо бўлганидан сўнг калькаланиш атамасига турли мустақил қарашлар юзага келган ва Э.Фориан калькаланиш жараёнига қуйидагича таъриф берган:

Калькаланиш жараёни бу: лексик аралашув ҳодисаси; олинма сўзларнинг бир тури; икки тилли субъектларда амалга ошадиган жараён; асосида бошқа тилдан ўзлашган сўздан ташкил топиш.

Бундан ташқари, ушбу тадқиқотчи Земскийнинг калька бўйича “Калька ўзлашган сўзлардан камроқ учрайдиган сўзлардир. Кўринмас душман ва уйга кириб келадиган ҳеч кимга аён бўлмаган ўғри” деган таърифни ҳам келтириб ўтган.

Илмий веб-сайтлардан бирида калькаларнинг 4 хил тури мавжудлиги маълумот сифатида бериб ўтилган. Улар: ясама сўзлар, семантик, иборавий ва ярим калькалар. Ясама сўзли калька рус тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзларга ясовчи қўшимча қўшиш натижасида юзага келган сўзлардир. Революция – переворот. Ясама сўзли калькаланиш рус тилидаги илмий терминлар луғатининг бойишига хизмат қилган (дизайнер, юриспруденция, геология, астрономия) [10].

Шу билан бирга, калькалар ясама сўзли, четдан келган сўзларнинг ҳар бир морфемаси орқали вужудга келади. Ясама сўзли калькалар кўп морфемали (камида битта аффиксал морфема) сўзлардан иборат бўлиши мумкин. Шунга кўра, ясама сўзли калька таркиби ва асоси таржима қилинган бўлади. Масалан, download – скачивать (асоси: скачать), Search engine – поисковая система, flatscreen – плоский экран, mobile phone – мобильный телефон.

Ясама сўзли ярим калькада сўзларнинг бир қисми таржима қилинган бўлади, бундай ҳолатлар кўпинча ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма сўзларда учрайди. Масалан, cooking show – кулинарное шоу, soundcard – звуковая карта, virtualize – создавать виртуальную среду.

Семантик калька – янги маъно берувчи сўз ҳисобланиб, янги маъно метафорик ё метонимик ёки омонимлик, синонимлик, антоним ҳодисаси орқали сўзлар калькаланиши натижасида юзга келади. Масалан, to burn – “сжечь, сжигать, записывать диск с данными”, ёки shut down – “закрывать, закрыться”, лекин семантик калькаланишда “выключать компьютер” маъносидан фойдаланилади. Яна бир мисол tiger – “хайвон” маъносидан ташқари, “быстроразвивающаяся страна” маъносидан ҳам ишлатилади” [5].

Мазкур тадқиқот ишининг рус тилига калька асосида ўзлашган АОТМИ терминларининг структураси ва имлоси бўлимидаги калька жараёни ҳамда жараён ҳақидаги олимлар фикри ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Тадқиқот ишида ўрганилаётган мавзу мобиль илова терминларидир. Yandex.taxi, raume, google chrome, telegram мобиль иловаларида учрайдиган калькаланган терминлар тахлили, яъни уларнинг тузилиши ва имлоси кўриб чиқилиши муҳим жиҳат ҳисобланади.

Мобиль иловаларда учрайдиган терминларнинг тузилиши тахлил қилинганда, иловаларда учрайдиган терминларнинг кўпчилиги бирикмали шаклда қўлланиши кузатилади. Рус тилида термин структураси (тузилиши) бўйича турли назариялар мавжуд, улардан бири – ҳар икки тилда ҳам терминлар тузилиши жиҳатидан содда, қўшма, жуфт ва бирикмали бўлиши мумкинлиги айтилган. Масалан, ўзбек тилида: тўлдирувчи, аниқловчи (содда), гултож, тожбарг (қўшма), шох-шабба (жуфт), квадрат уялаб экиш (бирикмали). Рус тилида скальпель, префикс (содда), конеплод, азотобактерин (қўшма), киловатт-час, норд-сот (жуфт), квадратно – гнездовой посев (бирикмали) каби [1].

Рус тилшунослари томонидан терминларнинг структураси бўйича

фикрлар жамланганда Шведова, В.Виноградов, Т.Волынец каби олимлар томонидан илгари сурилган тушунчалар келиб чиқади. В.Виноградов атамалар ясалишининг 4 усулини кўрсатиб берган: морфологик усул; морфологик-синтактик усул; лексик-синтактик усул; лексик-семантик усул.

Терминларнинг структураси билан боғлиқ тушунчани Т.Волынецнинг ўқув қўлланмасида учратиш мумкин. Хусусан, морфологик усулда атамалар ясалишининг ўзи бир неча турларга бўлинган ва шулар орасида атамаларнинг тузилиши келиб чиқади. Улар: 1. Суффиксли. 2. Префиксли. 3. Постфиксал. 4. Комбинацион. 5. Сложные ёки сложение. 6. Универбация [2;5-10].

Н.ЮШведова эса ўқув қўлланмасида атамаларнинг тузилиши тўғрисида куйидагича мулоҳаза юритади [9;122-123]:

Асослар оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Битта ўзакли морфдан ташкил топган асос оддий ҳисобланади. Бир неча ўзакли морфлардан ташкил топган асос мураккабдир.

Оддий морфеманинг таркибида ҳам бир нечта кўшимчалар мавжуд. Жумладан, асосий ўзаколдида жойлашадиганаффиксал морфлар, булар префикс саналади, оддий ва флекция усулидаги ўзаклардан кейин қўлланиладиган кўшимча – бу суффикс дейилади.

Мураккаб атамалар иккита кўшимчалари мавжуд бўлмаган сўзларнинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Бундан ташқари рус тилида иккита сўз орасига префикс ва суффиксларни қўшиш мумкин. Масалан, лесозаготовки сўзини таҳлил қиладиган бўлсак, лес – ва заготовки – содда сўзлар ҳисобланади ҳамда улардан заготовки сўзининг асоси готов бўлиб, унга за – олд (префикси) ва к орқа (суффикс) қўшилган ҳолатда ясалган. Шунингдек, кўшма сўзларда яна бир ҳолат борки, иккита қўшилган асослари орасида келадиган кўшимча бу интерфикс кўшимча

дейилади. Юқорида таҳлил қилинган “лесозаготовки” сўзидаги интерфикс кўшимча – о ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда П.А.Лекант ҳам сўзларнинг тузилишига кўра турларини 2 турга (содда ва мураккаб) бўлиб ўрганади [4]. Шу орада жуфт ва такрор сўзлар бўйича гап борганда, улар мураккаб сўзлар қаторига кириб сўз ясалиши учун хизмат қиладиган воситалардан бири сифатида қаралади.

Дастлабки telegram мобиль иловасидаги калька асосида таржима қилинган фойдаланувчи интерфейсидаги терминлардан бири бу Поиск – search термини бўлиб, ушбу атама содда ясама бўлиб, олд кўшимча ва асосдан таркиб топган. Семантик калька тарзида ўзлашган. Сабаби, “поиск” атамаси рус тилида турли мақсадларда, масалан, творческий, инженерный, архивный, научно-исследовательские поиски тарзида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Добавить аккаунт – add account ярим калькали термин бўлиб, икки компонентли бирикма ҳисобланади ва бир атама иккинчи атамага тобеланиб келиш хусусиятини сақлаб қолган ва ушбу атамалар ажратиб ёзиладиган бирикмадир.

Худди шунга ўхшаш telegram мобиль иловасининг каскад менюсида учрайдиган бирикма терминлар орасида new group – создать группу, new channel – создать канал, people nearby – люди рядом каби бирикмалар ҳам икки компонентли бирикма ҳисобланади. Булар орасида кўп компонентли бирикма ҳам мавжуд, масалан, new secret chat – создать секретный чат уч компонентли бирикма бўлиб, фразеологик калька турига мансублигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Calls – звонки, settings – настройки каби сўзлар ҳам калька ҳисобланади. Сабаби, “звонки” ва “настройки” атамаси содда ясама атамалар сирасига кириб, улар сўз ясовчи кўшимчалар қўшилиши

натижасида таржима қилинмоқда.

Мобиль илованинг ички (созламалар) менюсидаги дастурий восита терминлари орасида notification and sounds – уведомления и звуки, privacy and security – конфиденциальность, data and storage – данные и память, chat settings – настройки чатов, devices – устройство каби атамаларнинг барчаси калька усулида таржима қилинган.

Кўриб турганимиздек, telegram мобиль иловасида қўлланилган терминларнинг деярли барчаси инглиз тилидан рус тилига бирикма сифатида таржима қилинган бўлиб, калькаланишнинг ясама сўзли кўп морфемага эга атамаларидан таркиб топган.

Навбатдаги google chrome мобиль иловасининг терминлари таҳлил қилинганда, каскад менюсидаги терминлар орасида new tab – новая вкладка, new tab incognito – новая вкладка инкогнито, downloads – скачанные файлы, bookmarks – закладки, recent tabs – недавные вкладки каби атамаларнинг барчаси ясама сўзли бир ва бир нечта компонентли бирикмалардан таркиб топган. Имлода фойдаланилиши эса рус тилида охириги қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ўзгараверади.

Ички созламалар менюсидаги дастурий терминлар ўрганилганда ҳам 90 фоиз атамалар калька асосида таржима қилинган ҳамда ўзлашган деб ҳисобласа бўлади. Бундай атамаларнинг аксарияти мураккаб бирикмали атамалар ҳисобланади. Жумладан, search engine – поисковая система, payment methods – способы оплаты, addresses and more – адреса и другие данные, privacy and security – конфиденциальность и безопасность, safety check – проверка безопасности, homepage – главная страница, site settings – настройки сайтов каби терминлар бунга яққол мисол бўла олади.

Юқорида таҳлил қилинган икки мобиль иловадаги бирикмали атамаларнинг

аксарияти калька жараёни асосида ўзлашган атамалар қаторига киришига гувоҳ бўлдик, кейинги мобиль илова рус тили дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган яндекс такси мобиль иловасининг терминлари ўрганилган.

Эътибор берсак, иловада фойдаланилган буйруқ берувчи атамалар бирикма тарзида келтирилган бўлиб, калька асосида таржима қилинган атамалар ҳисобланади. Жумладан, фойдаланувчи интерфейсидаги асосий менюда change address – “изменить адрес” тарзида таржима қилинган бирикмани учратиш мумкин ва бу бирикма калька усулида таржима қилинган бирикмалардан биридир. Бирикманинг бир қисми ясама сўзли бўлиб, икки компонентли ярим калька ҳисобланади. Имлода рус тили грамматик қоидага бўйсунган ҳолда род ва падежларга кўра сўнгги қўшимчалари ўзгариши мумкин.

Delivery – доставка атамасини ҳам калька асосида ўзлашган деса бўлади, сабаби, “доставка” атамаси рус тилида содда ясама сўзли компонент бўлиб, префиксал ва суффиксал усулда ясалган атама ҳисобланади. Ушбу атаманинг ўзаги “ставить” бўлиб, олди ва орқа ясовчилар қўшилишидан инглизча атаманинг таржимаси сифатида танлаб олиниб, дастурда қўлланилган.

Шу билан бирга мобиль илова рус дастурчилари томонидан ишлаб чиқилгани боис кўпинча рус тили фойдаланувчиларига мўлжалланган бўлиб, айрим иборалар инглиз тилига таржима қилинмаган, аксинча рус тилидан инглиз тилига мослаштирилган. Мисол тариқасида, Get a ride fast – Быстро найти своё такси тарзида таржима қилинган ва ушбу бирикма инглиз тилидан рус тилига айнан сўзма-сўз таржима қилинмаган.

Мобиль илованинг каскал менюсидаги дастурий восита терминларини таҳлил қилганимизда ҳам аксарият ҳолларда калька асосида таржима қилинган

атамаларни учратамиз. Масалан, become a driver – стать водителем бирикмаси маъно кўчиш орқали ўзлашган бирикма ҳисобланади. Сабаби, become a driver асл маъноси ҳайдовчи касбини эгаллаганларга нисбатан қўлланилади, лекин ушбу дастурда эса кўриб турганимиздек, яндекс такси компанияси билан ишлаш истагида бўлган ҳайдовчиларга нисбатан шундай хизмат тури ишга туширилган.

Support – служба поддержки ушбу ҳолатда бир атаманинг бошқа маъносини хизмат тури сифатида дастурга жойлаштирилган. Support атамаси таржимада ҳам от ҳам феъл сўз туркумига мансуб ва таржимада иккита атамадан ташкил топган бирикма орқали ушбу атама таржима қилинган. Албатта, бу жараёнда ҳам иккала компонент ясалган атамалардан таркиб топган ва семантик калька асосида таржима қилинган бирикма ҳисобланади.

Яндекс.такси мобиль иловасининг ички соғламалар менюсидаги дастурий атамалар таҳлил қилинганда қуйидаги атамалар калька асосида ўзлашганининг гувоҳи бўламиз, жумладан, app language – язык приложения бирикмаси икки морфемали тўлиқ калька асосида таржима қилинган. Имлога келадиган бўлсак, приложения атамаси охири я ҳарфи билан тугаганлиги сабабли, женский род сифатида рус тили қўлланилади, агар приложение тарзида берилса, средний род тарзида қўлланилиши мумкин, бу ҳолат албатта ушбу атамадан олдин ёки кейин келадиган сўзларга боғлиқ.

“New features – новые функции, рекомендуемые поездки – recommended rides, partner programs – партнёрские программы” каби атамаларнинг барчаси калька асосида ўзлашган бирикмалар бўлиб, эътибор берсак ҳар бири таржима қилинган атамада ясовчи қўшимча қўшилиши кузатилмоқда. Ҳатто рус дастури бўлсада, инглизча сўзма-сўз таржимага амал қилган ҳолда атамалар ва бирикмалар ўзлашиши

ҳолати юз бермоқда.

Тадқиқот ишида ўрганилаётган сўнги мобиль иловалардан бири, ўзбекистонлик дастурчилар томонидан фойдаланишга топширилган PAYME мобиль иловаси. Мазкур мобиль илованинг ҳам менюларидаги турли терминлари таҳлил қилинганда, берилган терминларнинг кўпчилиги калька жараёни асосида ўзлашган атамалардан фойдаланилган, шунингдек, бирикмали (рус тилида бирикма фраза деб аталади) характерга эга атамалардан фойдаланилган. Фойдаланувчи интерфейсидаги бирикмалардан бири Transfer funds – перевести средства – тўлиқ калька асосида таржима қилинган. Тузилиши жиҳатидан иккала атама ҳам содда сўзлардан таркиб топган. Мазкур бирикмадаги асосий атама “перевести” ҳисобланади ва “средства” атамаси жараёни бажаришга ёрдам беради. Бирикма тарзида қўлланилгани учун ушбу атамалар ажратиб ёзилади. “Средства” атамаси луғатларда “средство” тарзида нейтрал жинсли бирикмалар билан ишлатилиши берилади ва охириги қўшимча (окончание)га қараб унинг қайси жинсга хослигини ажратиб олишимиз мумкин [6].

Request money – Зарпосить средства – ушбу бирикмада money сўзининг атамаси таржимаси сифатида средства атамасидан фойдаланилган. Бу атамалар ҳам бирикма ҳосил қилган бўлиб, икки компонентли содда сўзлардан ташкил топган. Имлода иккала атама ҳам ажратиб ёзилади. Берилган бирикма билан средство атамасининг навбатдаги маъноси очиб берилган.

Cash flow – мониторинг – бу ҳолатда бирикмали атама яқка маъно англатувчи сўзга таржима қилинган. “Мониторинг” атамасининг ўзи рус тилига бошқа тилдан кириб келган. У молиявий атама бўлиб, содда ясама сўз ҳисобланади. Талаффузда мониторинг атамасидаги о ҳарфи а тарзида айтилади, лекин имлода о ҳарфининг ўзи

колади.

Add home – добавить дом – калька асосида таржима қилинган бирикма бўлиб, бу ҳолатда дом кўп маъноли сўз тарзида қўлланилган. Тузилиши жиҳатдан иккита содда атамадан ташкил топган мураккаб бирикма.

Share – поделиться – содда ясама сўз бўлиб, таркибида олд қўшимча (префикс) ва “окончание” каби қўшимчалар мавжуд ҳамда мазкур атама охиридаги қўшимчасига кўра аёлларга хос сўзлар билан бирга қўшилиб келади.

Таъкидлаш жоизки, мобиль иловаларда фойдаланилаётган терминларнинг аксарияти мураккаб бирикмалардан ташкил топган, бунинг асосий сабаби эса улардаги бажарилаётган амаллар. Табиий ҳолат мобиль иловада қўлланилган атамаларни бир сўз билан бирор амал бажариш учун ишлатиш қийин. Кўпчилик мобиль иловалар инглиз тилида яратилаётгани, ушбу тилдаги биттагина

атама ҳам амал бажартириш учун қўллаш мумкин бўлгани сабабли, уларни бошқа тилга таржима қилганда улар бирикма шаклида қўлланилишга мажбур ва бу эса, ўз навбатида, тилшунослик учун бир қатор тўсиқларни келтириб чиқаради. Бундай атамалар на содда, на қўшма сўзлар қаторига киради ҳамда шунинг натижасида бирикма ҳосил қилади. Бу тиллардаги сўзларнинг структураси ўзгартирилишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса ўрнида, ўрганиш жараёнида рус тилидаги сўзларнинг структураси бўйича қарашлар турлича бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Лекин пировард натижада, рус тилида терминларнинг тузилиши содда ва мураккаб сўзлардан ташкил топганлиги борасида яқдил қарорга келинди. Мобиль иловалардаги терминларни тадқиқ қилиш жараёнида эса ҳақиқатан ҳам, уларда фойдаланилган терминларнинг аксарияти содда ва мураккаб бирикмали терминлар эканлиги аниқ исботини топди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизов О., Сафаев А., Жамолхонов Х. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси (фонетика, лексика, морфология ва синтаксис): ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986 – 246 б.
2. Вольнец Т. Современный русский язык способы словообразования. – Минск: Белорусский государственный университет, 2003. – 29 с.
3. Грот Я.К. Филологические разыскания: Материалы для слов., грамматики и истории рус. яз. – СПб.: 2-е Отд-ние Акад. наук, 1873. – 668 с.
4. Лекант П.А. Современный русский-литературный язык. – Москва: Высшая школа, 2001. – 163 с.
5. Мальцева Д. Калькирование как метод образования неологизмов современного немецкого языка // Молодой учёный, 2015. – №4(84). – С. 782-785.
6. Ожегов С.И. Словар русского языка. – Москва: Наука, 1990. – 758 с.
7. Прямухина С.А. Структорно-семантическая калькирования в лексической системе русского языка: автореф. канд. фил. н. – Москва: Московский областной государственный университет, 2018. – 26 с.
8. Фориан Е. Калькирование как способ номинации в русском языке на переломе XX и XXI столетий // Debreceni Egyetem, Szlavisztikai Intézet, Debrecen, Pf. 53, H-4010 – 2008

– Volume 53: Issue: 2, 319-335 cc

9. Шведова Н.Ю. Русская грамматика. Том I. (Фонетика, Фонология, Ударение, Морфология, Словообразования. – Москва: Наука, 1980. – 792 с.

10. https://bstudy.net/732464/literatura/kalkirovanie_tipu_narodnaya_etimologiya

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ФАЛСАФА

АБУ ХОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ҚАРАШЛАРИДА ҚАЛБНИНГ АХЛОҚИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Иномжон Абобакир ўғли АСАТУЛЛОЕВ

доцент

фалсафа фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Шарқ фалсафасида қалб тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг тадрижий такомиллашуви таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қалб, жон, рух, рухий қувват, инсон қалби, маънавий-рухий олам, рухият, фалсафий антропология.

ПРАВСТВЕННО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВО ВЗГЛЯДАХ АБУ ХОМИДА ГАЗЗОЛИ

Иномжон Абобакир углы АСАТУЛЛОЕВ

доцент

доктор философии (PhD) по философским наукам

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется постепенное развитие философских взглядов на душу в восточной философии.

Ключевые слова: сердце, душа, дух, духовная сила, душа человека, духовный мир, психика, философская антропология.

Инсон қалби ҳозирги кун фалсафасининг етарли даражада ўрганилма-ган масаласидир. Тасаввуф таълимотининг бир қатор намояндлари инсонни ҳар томонлама ўрганиб, унинг маънавий-рухий покланиши, баркамоллиги ҳақида ўз қарашларини баён этганлар. Нажмиддин Кубро қалбни луғавий маънода бирор нарсанинг шакл ва маъно жихатидан ўртаси, истилоҳий маънода эса, чап кўкракнинг пастидаги гўшт парчаси, деб ҳисоблайди ва шу асосга

кўра, у рухнинг манбаи ҳисобланади. Ибн Арабий эса қалбни нафс билан рух орасида жой олган жавҳарга ўхшатади [4;46]. Ғаззолий инсонни англашда асосий тушунча қалб, деб ҳисоблайди. Шу учун, қалб сезги орқали ҳис қилинмайдиган маъноларни идрок қилиши билан ўзга аъзолардан фарқлидир [2;44], деб ёзади.

Ғаззолий асарларида қалб тушунчаси икки хил маънода ишлатилган. Булардан биринчиси, мушт шаклидаги моддий юрак. Кўкракнинг чап тарафида бўлган

бу юрак қоннинг омбори ва насосидир. Аллома таъкидига кўра, моддий қалбнинг шакли ва кўринишини шарҳлаш табибларнинг иши. Унинг диний-илмий мақсадга тегишли жойи ҳам йўқ. Чунки, шаклга эга бўлган қалб ҳайвонларда ва ўликларда ҳам мавжуд. Шу сабабли, у қадрсиз бир бўлак гўшт холос, деб зоҳир кўз билан кўриладиган барча нарсани олами шаҳодат, дейди ва қалбнинг ҳақиқати ушбу оламдан эмаслиги ҳамда қалб шаҳодат оламида ғариб ва мусофирлигини таъкидлайди.

Иккинчиси, бу юрак билан алоқаси ва боғлиқлиги бор деб қабул қилинган маънавий қалб. Бу қалб руҳ дейилади. Бу қалб инсоннинг ҳақиқати [5;97]. Руҳоний қалбнинг жисмоний қалбга боғлиқлиги аразнинг, яъни шакл-рангларнинг жисмларга, сифатларнинг сифатланувчиларга, бирор асбоб ишлатувчининг ўша асбобга, бир ерга ўрнашган кишининг ўша ўринга боғлиқлигига ўхшайди. Демак, Ғаззолий қалбни маънавий борлик бўлсада, моддий юрак билан боғлиқ маънода тушунган. Ғаззолийнинг қалб тўғрисидаги қарашлари билан Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб тўғрисидаги қарашлари ўртасида уйғунлик мавжуд. Нақшбандия таълимотида ҳам қалб масаласи Ғаззолий қарашлари сингари икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бир гўшт пораси бўлса, иккинчиси, раббоний руҳ деб аталадиган қалб [1;98].

Ғаззолий қалбни икки хил маънода таҳлил қилган вақтда муомала илми

нуқтаи-назаридан унинг моҳият-ҳақиқатини эмас, балки васф ва ҳолларини англашишга эътибор қаратади [3;5]. Шунингдек, у қалбни англашдан кўпчилик инсонларнинг ақл-идроки уни фаҳмлашдан ожиз эканлигини айтиб, олимлар ичида кўп хатолар келиб чиқишининг асосий сабаби нафс, руҳ

(жон), қалб ва ақл тушунчаларининг маъноларини, чегараларини, номланиш сабабларини билмасликдадир, деб кўрсатади.

Ғаззолий руҳни ҳам икки маънода қўллайди. Биринчиси – кўзга кўринмас жисм, унинг манбаи юракнинг бўшлиғидир. Иккинчиси – у инсондаги билувчи илоҳий неъмат. Нафс тушунчасини ҳам икки маънода изоҳлайди. Биринчиси – ғазаб ва шаҳват қувватини жамловчи маъно. Иккинчиси – илоҳий неъмат. Ақл тушунчасининг ҳар хил маъноларда ишлатилишини айтиб, қалбнинг ҳолларини англашда ақл маъноларидан иккитасидан фойдаланади. Улардан биринчиси – ўрни қалб бўлган илм сифати. Иккинчиси – илоҳий неъмат бўлган қалбнинг ўзи. Демак, жисмоний юрак, жисмоний руҳ, шаҳвоний нафс ва илм тушунчаларининг иккинчи маъноси бир хил бўлиб, бу тушунчаларнинг ҳаммаси бешинчи маънонинг устида бирлашади. Маъно бешта, тушунча эса тўртта ва ҳар бири икки хил маънода қўлланилади.

Ғаззолий инсон руҳларини уч синфга бўлади: Ориф руҳ, ибодат этадиган руҳ ва зоҳид руҳ. Аллома наздида, бу уч руҳни бир ерга кетирган кимса камол оламига юксалган бўлади.

Ғаззолий қалбни бутун инсон танасини бошқаришини ва бу бошқаришга ёрдам берувчи қувватларни аскарлар тушунчаси билан изоҳлайди. Аскарларни иккига бўлиб, кўз билан кўрса бўладиган аскарларга қўл, оёқ, кўз, кулоқ ва тилни, кўз билан эмас фақат басиратла кўриладиган қалб аскарларига ирода, қудрат ва идрокни киритади. Инсоннинг ҳақиқати бўлган қалб, бу аскар ва жиҳозларга муҳтож. Чунки, унинг асосий мақсади бўлган илм ва амал булар соясида адо этилади. Ғаззолий қалб аскарларини жамлаб, ҳаммасини уч синфга бўлади: Ирода, қудрат, илм ва идрок.

Ғаззолий бу ботиний аскарларнинг

хар бири билан зохирий аскарлари ҳам борлигини, улар ёғ, гўшт, пай, қон ва суяклардан таркиб топган аъзолар эканлигини айтади. Бу зохирий аскарлар ботиний аскарлар учун асбоб вази-фасини бажаради. Чунки, ушлаш бармоқлар билан, кўриш эса кўз билан амалга ошади.

Ғаззолий идрок этувчи аскарларни ҳам икки қисмга бўлади: Биринчиси, “зохирий манзилга ўрнашган – эшитиш, кўриш, ҳидлаш, татиш ва ушлашдан иборат сезги аъзолари. Иккинчиси, ботиний манзилга ўрнашганлари – мия бўшлиқлари. Улар бешта бўлиб – ҳиссиёт, хаёлот, фикрлаш, эслаш ва ёдлаш [3;12].

Инсон қалбининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритар экан Ғаззолий инсоннинг ҳайвондан фарқи, унинг қалби илм ва ирода билан хосланганлигида деб кўрсатади. Ҳақиқатан, шахват, ғазаб, зохирий ва ботиний ҳиссиётлар ҳайвонларда ҳам бор. Инсоннинг инсонлиги эса, унинг қалбига хос нарсалар бўлганлиги учун. Инсоннинг шарафли эканлигига хос нарса бу – илм ва ирода. Ғаззолий илмни – дунёвий ва ухровий ишларни ҳамда ақлий ҳақиқатларни билишдир, деб тушунтиради. Булар ҳис этиш билан билинмайди ва ҳайвонлар бунда инсонларга шерик бўлолмайди. Нафақат диний ва дунёвий илм, балки зарур бўлган ҳар бир илм ақлга хосдир.

Иродани Ғаззолий, ҳар бир инсон ишнинг оқибатини билиб, ундаги тўғри йўлни топиши ва ана шу ишнинг фойдали томонига, унга керакли нарса учун ўзида бир хоҳишнинг намоён бўлиши, деб тушунтиради. Ана шу сабабли, мутафаккир ишларнинг оқибатини билувчи ақл яратилиб, аъзоларни ақлнинг ҳукми тақозо қиладиган нарсаларга йўллайдиган ирода яратилмаганида ақлнинг ҳукми албатта зое кетган бўлар эди, деб ёзади.

Мутафаккир инсоннинг тўрт унсур бирлашмасидан майдонга келганлигини,

харинсондашутўртаслданбирқоришиқлик борлигини айтади. Демак, инсонда ҳам инсоний, ҳам шайтоний, ҳам ҳайвоний сифатлар тўпланган. Шу ҳолда ҳар бир инсон ўз ишларини мувоқабат этмоғи лозим. Мутафаккир қай бир инсон барча имкониятларида илм ва амалга ёрдам сўраб ишлатса, албатта у ўзини фаришталарга ўхшатиши ва уларга қўшилмоққа ҳақлидир, деб ҳисоблайди. У фаришта ва раббоний деб исмланмоққа ҳам лойиқдир. Аммо, ким ўз имкониятини бадани ором оладиган лаззатларга сарфласа, ҳайвонлардек фақат ейишнинг ўзи билан қифояланса, ҳайвонлар йўлининг энг пастига тушиб қолади. Натижада ҳўкизга ўхшаб аниқ тентакка ёки тўнғизга ўхшаб очкўзга айланади ёки бўлмаса, ит ва мушукка ўхшаб қаттол зиёнкорга ёки туяга ўхшаб аразчига ёки йўлбарсга ўхшаб мутақаббирга ёки тулқига ўхшаб алдоқчига айланади. Ёки буларни ҳаммасини жамлаб, шайтон сифатли инсон бўлади.

Мутафаккир қалбнинг юксаклигини илм ва қудрат сабаби билан боғлайди. Қалбнинг ички томонидан жисмлар олами учун беш дарвоза ва малакут оламига туйнук очик, дейди. Қалбни ички тарафидан малакут оламига туйнук очик эканлигини икки хил йўл билан асослайди. 1. Туш кўриш. Инсон уйқуга кетса сезгилар йўли боғланади, руҳ эса ўз жойида огоҳлик билан туради. 2. Инсонларда ажойиб камёб ҳодисалар, илҳом ёрдамида, демак, бу сезги ва ҳис ёрдами билан эмас, балки ғайб оламидан қалбга етган шуъладир.

Ғаззолий қалбнинг малакут оламига очилиши туш кўриш ва инсон вафоти билан эмас, балки уйғоқ вақтида ҳам риёзат ёрдамида, қалбини ғазаб ва шахватдан, ёмон хулқлардан поклаб, улардан тийилса ҳамда нафсини синдириб, хилватда бўлса, унга малакут олами очилишини таъкидлайди. Бундан кўринадики, қалбнинг очилиши фақат пайғамбарларга хос эмас. Балки ҳар бир инсон қалбининг яратилишида

ушбу хусусият мавжуд.

Ғаззолийнинг қалбга доир қарашларида қалбни муҳофаза қилишнинг беш асоси мавжуд эканлиги кўрсатилади:

Аллоҳ инсон қалбида кечганларидан тамомила воқиф бўлишини ифода этиши;

қалб Аллоҳнинг назаргоҳи эканлиги;

қалб бир бошлиқ каби, бошқа аъзолар унга тобе эканлиги. Агар қалб тўғри йўлда бўлса, бошқа аъзолар ҳам тўғри йўлдалиги. Модомики, бутун аъзоларнинг тўғрилиги қалбга боғлиқ экан, у ҳолда уни ислоҳ этиш керак.

қалб ичида гўзал бир ёруғлик бор хазина эканлиги. Бахт-саодатга васила бўлган ақл, инсонни қадри борлик бўлишини таъминлаган басират, холис ният, инсонни бошқа махлуқотдан шарафли қилган хилма-хил илмлар ва фазилатлар хазинада бўлган ёруғликлар жамланмаси эканлиги;

қалбнинг ҳолини тушуниш. Унда бошқа аъзода бўлмаган беш хусу-сиятни кўриш.

Биринчи хусусият: душман доимо қалбга ҳужум ҳолатида эканлигини билиши.

Иккинчи хусусият: қалб кўп машғул бир аъзо эканлиги. Чунки, инсон яхшилиқни севадиган ақл ва ёмонликни севадиган ҳавойи нафс орасида тўқнашади. Демак, қалб – стратегик бир нуқта. Стратегик нуқталар ҳолатига аҳамият бериш лозим.

Учинчи хусусият: қалб, турли хил балолар тўпланадиган бир ер эканлигини билиши.

Тўртинчи хусусият: қалбнинг маънавий хасталиклари қўл билан тути-либ, кўз билан кўрилмаганлиги учун даволаш қийин бўлиб, буни узун муддат тарбия этмоқ кераклиги.

Бешинчи хусусият: қалб ҳолдан-ҳолга ўтиб, ўзгарувчан эканлиги [6].

Ғаззолий қалб сифатларининг камолотини ва унинг ҳар хил касалликлардан холи бўлишини диний

илмлар билан бўлишини айтиб, қалб уларга муҳтож бўлиб турган вақтда, ақлий илмнинг ўзи уни саломат бўлишига етарли эмаслиги, гўё ақл баданнинг соғлом бўлиш ҳолатини мунтазам тутиб туришга етарли бўлмай, табиблар ёрдамига, дориларни ва махсус даволарни билишга муҳтож бўлганидек, ақлнинг ўзи ҳам бу нарсаларга йўл топа олмаслигини таъкидлайди.

Мана шу ўринда фикрларни уч тоифага ажратади.

1. Ёмонликка чақирувчи фикрлар. Бунинг васваса экани аниқ.

2. Яхшилиқка чақирувчи фикрлар, бунинг илҳом эканлигига шубҳа йўқ.

3. Шубҳали фикрлар. Бунинг ақл ёки ҳавойи нафс томонидан эканлиги аниқ билинмайди. Буларнинг яхши-ёмонини ажратиш олиш жуда қийин.

Ғаззолий қалбни ёмон сифатлардан химоя қилишни фарзи айн деб таъкидлайди ва қалбни кўрғонга, ёмон сифатларни эса ҳавойи нафсга қиёслайди.

Уни кўрғонга киритмаслик учун унинг эшикларини кўриклаш лозим. Мутафаккир бу эшикларни куйидагича кўрсатади: ғазаб ва шаҳват; ҳасад ва очкўзлик; овқатни тўйиб ейиш; кийимлар ва ҳовли-жой билан зийнатланишни яхши кўриш; таъма қилиш; шошқалоқлик; бахиллик ва камбағалликдан кўрқиш; инсонга нисбатан ёмон гумон қилиш.

Буларнинг барчаси инсоннинг ҳалокатига сабаб бўлувчи сифатлардир.

Ғаззолий ўз қарашларида қалбнинг яхшилиқ ва ёмонлик ўртасидаги беқарорлигига кўра, учга ажратади.

1. Мусаффо қалб.

2. Булғанган қалб.

3. Ўзгарувчан қалб.

Ғаззолий инсоннинг камолотини қалб покланиши билан боғлаб, ўз қарашларида қалб ҳоли, ҳаёти, ҳақиқатлари, камолотга етиш сир-асрорлари тўғрисида кенг баҳс юритган. Буюк олимнинг қалбга доир фикр-мулоҳазалари қалб ва билим тўғрисидаги

тасаввурларни ниҳоятда кенгайтиради. Иккинчидан, қалб тарбияси йўлларини ўргатади. Бу эса комил инсон тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, инсонни бутун борлиқнинг гултожи, сарвари, олий хилқат бўлишига имкон берадиган неъмат бу – қалб. Юрак эса инсон вужудидаги гўшт парчаси бўлиб, ҳайвонларда ва ўликларда ҳам бор. Қалб юрак билан

боғланган бўлсада, руҳоний борлиқ ва фақат инсонларга хос. Қалбнинг камолоти тана ва унинг аъзоларига боғлиқ. Шунинг учун улардан тўғри фойдаланиш зарур. Қалб бутун инсон танасини бошқаради. Бу бошқаришга ёрдам берувчи қувватларни Ғаззолий аскар тушунчаси билан изоҳлаб, уларни зоҳирий ва ботиний қисмга ажратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. — Бухоро: Фалсафа ва Ҳуқуқ институти, 2009. — 98 б.
2. Ғаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
3. Ғаззолий, Имом Муҳаммад. Ихёу улумиддин. Қўлёзма. 3-жилд. — Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номи-даги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 462. — 5 б.
4. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. — Бухоро: Бухоро, 2000. — 46 б.
5. Imâm Gazzâlî. Bidâyetü'l-hidâye (Yol Gidenlerin Kılavuzu ve Arayanların Bahçesi). İstanbul: Hikmet Neşriyat, 2004. — Б. 97.
6. Imâm Gazzâlî. Minhâcü'l-âbidîn (Âbidler Yolu). İstanbul: Yayıncılık Matbaası, 1976. — Б. 92-93.



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Нумонжон Урмонович УРИНБОЕВ

доцент

фалсафа фанлари номзоди

Фарғона вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази

Фарғона, Ўзбекистон

numonjon.urinboev@mail.ru

Аннотация

Мақолада турмуш тарзи, барқарор тараққиёт, турмуш стили, маънавий ҳаёт масалаларига асосий эътибор қаратилган ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва у билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: турмуш тарзи, жамият, тараққиёт, устуворлик, принцип, ҳаёт, генофон, соғлом фикр, мутафаккир, стратегия, стил, инсонийлик, тамойил.

ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ

Нумонжон Урмонович УРИНБОЕВ

доцент

кандидат философских наук

Национальный центр повышения квалификации педагогов по новым методикам Ферганской области

Фергана, Узбекистан

numonjon.urinboev@mail.ru

Аннотация

В настоящей статье основное внимание уделяется образу жизни, стабильному развитию, стилю жизни, вопросам духовной жизни. Раскрывается их важное значение в настоящее время, в целом вопросы человека и связанные с ним проблемы.

Ключевые слова: образ жизни, общество, прогресс, приоритет, принцип, жизнь, генофонд, здоровый мысль, мыслитель, стратегия, стиль, человечность, принцип.

Жамият тараққиётида соғлом турмуш тарзининг бош тамойили маънавият бўлиб, у халқнинг ҳаёт соҳасига ёт ғоя ва принципларнинг кириб келишига йўл қўймайди. Соғлом турмуш тарзи жамиятни соғломлаштириш узлуксиз жараён эканлигини инобатга олиб, миллат генофонини сақлаб қолишга хизмат қилади. Шу маънода соғлом турмуш тарзи муҳим ижтимоий-фалсафий маънони ифодалаган

ҳолда жамият ҳаётий фаолиятининг барча жараёнлари ва бўғинларини қамраб олади.

Жамиятда соғлом турмуш тарзининг стратегик мақсади, давлат ва жамият ривожланиш босқичларининг асоси ҳақидаги дастлабки қарашлар Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида ўз ифодасини топган. Абу Наср Форобий ўзининг «Инсон аъзолари ҳақида»ги рисоласида: «Тиб хунарининг объекти инсон танаси

ва унинг аъзолари вазифаси эса вужудни соғлом ҳолда сақлаш ҳамда касаликлардан қутқаришдан иборат», дейди. Бу билан соғлом турмуш тарзини силлогизм шакли асосида очиб беришга ҳаракат қилади.

Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси ва тўғри, оқилона овқатланиш масалаларига катта аҳамият беради. Унинг бу соҳадаги ғоялари ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. У саломатликни сақлашда бадантарбиянинг барча ёшдаги кишилар учун зарур эканлигини таъкидлаш билан бир қаторда инсонтанасигаташқи омилларнинг таъсири масаласига ҳам катта аҳамият беради. Ибн Сино баъзи касалликларнинг сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкинлигига ҳам асосий эътиборини қаратади.

Марказий Осиёлик буюк мутафаккирлар соғлом фикрли инсонлар жамияти бўлиши учун ҳар бир муайян шахс салоҳиятини юксалтириш, бунга улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали эришилиши мумкинлиги ҳақида фикр ва тасаввурга эга бўлишган. Жадид мутафаккирларидан Абдурауф Фитрат Туркистонни озод кўришни истаб, бунинг учун ҳар бир туркистонлик соғлом фикрли бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Мутафаккир фикрича, ҳар жиҳатдан соғлом бўлган оила етиштирган фарзандларгина миллатни юксакка кўтара олиши, уни истибдоддан қутқаришини айтади. “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму-тан, ақл ва ахлоқдир” [8;60] деб ўз фикрини баён этади.

Файласуф олим Эрих Фромм ҳам инсон ҳаётини соғломлаштириш заруратининг маънавий жиҳатларига ўз муносабатини билдиради. Жумладан, “Инсон учун ўзининг хусусий ҳаёти ва яшаш санъатидан бошқа ҳамма нарса ўта муҳим ҳодиса ҳисобланади. У ўзидан бошқа ҳамма нарса учун яшайди. Ҳолбуки, ахлоқ яшаш санъати борасида комилликка эришиш

учун зарур бўлган меъёрлар мажмуидан иборат экан, ахлоқий тамойиллар ҳаёт табиатига, хусусан, инсоний мавжудлик табиатига мос бўлиши лозим. Ҳар қандай ҳаёт – табиатининг умумий тамойили сифатида ўз хусусий мавжудлигини асраш ва барқарор этишдан иборатдир” [7;33], дейди у. Бу эса соғлом турмуш тарзини жорий қилиш билан инсон ўз табиатини жамият манфаатларига мослай олиши мумкинлигини ифода этади.

Маълумки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида, соғлом турмуш тарзини тизимли равишда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ миллий турмуш тарзимизни истиқлолга эришганимиздан кейинги даврда ўтмиш асоратларидан халос этиш, соғломлаштириш ва янада такомиллаштириш масаласига бағишланган диссертация тадқиқотлари етарли эмас. Шу билан бирга, турмуш тарзини механик эмас, балки мураккаб ўзгаришларни кечириб турадиган эҳтиётли жараён сифатида олиб ўрганилган тадқиқотлар ҳам аслида йўқ даражада. Турмуш тарзини диалектик ўрганилганда, унинг кечишида янгилик билан эскилик, боқимандалик билан ташаббускорлик, маънавият билан маънавиятсизлик, догматик тафаккур билан эркин тафаккур, фаоллик билан хафсаласизлик каби зиддиятли жиҳатларнинг ўзаро муносабати кўзга ташланади. Бу ерда тоталитаризм даврида шаклланган ва кишиларнинг онг-идрокида чуқур ўрнашиб қолган салбий тамойилларнинг асоратини сезмаслик мумкин эмас.

Бундан ташқари, миллий турмуш соҳасига диний-экстремистик ғояларни сингдиришга бўлаётган турли интилишлар мавжудлигини ҳам асло эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Буларнинг барчаси турмуш тарзимизни чинакам миллий кадриятлар, бунёдкор ғоялар негизида соғломлаштириш ва такомиллаштиришни,

бошқача айтганда, миллий менталитетимизга хос оқилона турмуш тарзини барқарорлаштириш жараёнларини эркин миллий ғоя тамойиллари асосида ривожлантириб боришни тақозо этади. Бу объектив жараённинг қонуниятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг ривожланиш истиқболларини ёритиш ва белгилаш бугунги куннинг энг долзарб мавзуи ҳисобланади.

Масаланинг юқорида тилга олинган жиҳатларини ўз тадқиқотимизга асос қилиб олган ҳолда «турмуш тарзи» тушунчасини икки хил, бир томондан, соф маиший, кундалик онг даражасида, иккинчи томондан, ижтимоий-фалсафий маънода идрок этилиши кераклигини таъкидлаймиз.

Демак, «турмуш тарзи» жамият, ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг реал ҳаётий фаолиятини бутун ранг-баранглиги ва кўлами билан чуқур ифодаладиган ва умумлаштирадиган тушунчадир. Турмуш тарзи бу индивиднинг хусусиятлари ва социо-маданий омиллар билан шартланадиган ҳаётий фаолият шаклидир. Соғлом турмуш тарзи эса барча даражадаги, яъни жисмоний, руҳий, маънавий, шу билан бирга ташқи муҳит, борлиқ билан уйғунлашиш ҳолатидир.

Миллий давлатчилигимизда миллий истиқлол ғояси ва ҳаракатлар стратегиясининг асосий тамойиллари ўзбекона миллий турмуш тарзини тушуниш билан боғлиқ муаммоларни янада долзарб қилиб кўйди. «Бугун биз янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак. Бошқача қилиб айтганда, буларнинг барчаси янгича кадриятлар ва

демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этаётган (Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!) адолатли жамият талабларига жавоб берадиган муносабатлар бўлмоғи керак», деб таъкидлайди юртбошимиз Ш.Мирзиёев.

Юқоридаги фикрлар бугунги кунда жамиятимизда қарор топаётган янгича мезонлар, яшаш тамойиллари, миллий мафқуранинг ҳаётийлиги, миллий турмуш тарзимизнинг табиатини ўзида гавдалантира олиши, унинг руҳиятига мос бўлиши керак, деган концептуал хулосани беради. Бошқа томондан, турмуш тарзи қандайдир яшаш тамойилларининг шунчаки мажмуи эмас, шу билан бирга ҳамisha ички қонуниятлар, зиддият ва кутбларнинг ўзаро алоқасини тақозо этадиган мураккаб жараён ҳамдир. Шу туфайли шаклланаётган ҳар қандай эҳтиёж ва тамойиллар мана шу майдонда синовдан ўтади, мукаммаллашади, ёки аксинча, инкор этилади.

Демак, турмуш тарзини диалектик жараён сифатида тушуниш унинг табиати ва моҳиятини тўғри белгилашга олиб келади. Миллий турмуш тарзи ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида турган халқнинг иқтисодий, маҳаллий-худудий ташкил топиши, руҳий олами ва ўз-ўзини англаб етиши, бошқа миллат-элатлардан фарқланадиган ўзига хос ҳаёти, унинг ранг-баранг шакллари, ижтимоий ривож топганлик фаолиятини акс этдиради.

Миллий турмуш тарзи жараёнининг чуқурлашиб ва мазмунан бойиб бориши объектив социал омиллар билан боғлангандир. Булар орасида муносиб турмуш шароитини юзага келтириш алоҳида ўрин тутди. Миллий мустақиллик мафқурасининг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат экан, бунда халқнинг турмуш даражасини ошириш, фаровон ҳаётини таъминлаш асосий

вазифа эканлиги ўз-ўзидан равшан. Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида янги Ўзбекистонни ва Учинчи ренессанс пойдеворини барпо қилиш, амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари, миллий тараққиётимизнинг истиқболлари тўғрисида атрофлича фикр юритилади. Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятни ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”, деб таъкидлайди.

Биз бу йўлда ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Турмуш тарзининг миллий табиатини аниқлаш бир қатор муаммолар билан боғланган. Илмий адабиётларда, айниқса собиқ совет даврида чоп этилган асарларда, турмуш тарзининг миллийлик элементлари тўғрисида жуда кўп фикрлар билдирилган. Моҳиятан миллий ҳодиса ҳисобланган турмуш тарзи ҳодисасига аслида миллийликнинг айрим жиҳатлари сунъий равишда ёпиштирилиб фақат расмий томондангина миллий белгиларнинг мавҳум совет-социалистик турмуш тарзи таркибида мавжуд бўлиб туриши ҳақида фикрлар билдирилди, асосий эътибор эса интернационалланиш жараёнига қаратилиб миллийлик расман қайд этиларди, холос.

Турмуш тарзи, энг аввало, кишиларнинг

яхлит ҳаётий фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўладиган мураккаб ҳодисадир. Турмуш тарзи нафақат умумий муҳитда фаолият кўрсатадиган кишилар хулқ-атворидаги ранг-барангликнинг моҳиятини, уни фаол ўзлаштиришнинг ижтимоий табиатини ифодалайди, шу билан бирга уни ўзгартириш шакли, усули ҳамдир. Тадқиқотчи В.Л.Абушенконинг фикрича, субъектлар ўз ҳаёт фаолиятидаги типик жиҳатларни бу жараёнда индивидуаллаштириб қолмайди, шу билан бирга индивидуалликнинг ўзини ҳам тўла маънода типиклаштиради.

Миллий мустақиллик туфайли турмуш тарзини илмий таҳлил этиш ва ўрганиш масаласи долзарб мавзуга айланди. Чунки миллий мустақилликни амалга оширишдан кўзда тутилган асл мақсад – халқимизнинг тарихий-миллий қадриятлари, анъаналарига суянган ҳолда уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш асосида ўзимизга хос ва мос турмуш тарзини таркиб топтириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида маънавий миллий тараққиётимизни белгиловчи омилга айланди. Бу нарса турмуш тарзи масалаларини илмий тадқиқ этишда ҳам устивор аҳамият касб этди. Ушбу даврда амалга оширилган тадқиқотларда миллий турмуш тарзи тизимида маънавий, оилавий муносабатлар, маданиятнинг тарбиявий аҳамияти каби масалаларни ёритишга алоҳида эътибор берилди. Бу жиҳатдан Э.Юсупов, Ҳ.Пўлатов, М.Хайруллаев, А.Валиев, С.Шермухамедов, Қ.Хоназаров, И.Жабборов, Ў.Абилов, И.Каримов, Н.Маматов, Қ.Назаров, С.Отмуротов, И.Саифназаров, Ю.Шодиметов, М.Холматова, У.Қорабоев каби олимларнинг тадқиқотларини тилга олиш мумкин.

Баъзи тадқиқотларда турмуш тарзи фаолиятнинг комплекс турларини ифодаловчи социал ҳодиса сифатида

этирофэтилади, бунга кўракишилар турли-туман меъёрлар, мезонлар, ғоялар билан боғлиқ муносабатларни шакллантиради ва эҳтиёжларни қондиради. Табиийки, бу ерда турмуш тарзи структурасига ҳаётий қадриятлар, меъёрлар ва ғоялар киритилади.

Турмуш тарзининг миллий мазмуни, ёки умуман миллий турмуш тарзи тўғрисида фикр юритилганда, фикримизча, муайян ижтимоий таркиби ҳамда ёшига қараб бўлинадиган қатламларга хос муайян бирликлар учун хос бўлган «ҳаёт стили», «ҳаёт манераси», «хулқ-атворнинг миллий стилистикаси» каби тушунчаларнинг мазмунини ёритиш зарур. Албатта, бу тушунчалар муайян миллат, этник бирлик вакилларига хос хулқ-атворнинг тарихий заминлари, ўзига хос дастурлари, қоида ва ижтимоий аҳамиятли «андоза»ларининг турмуш тарзидан ўрин олишини назарда тутлади. Бу ерда гап, албатта, кишилар ҳаётининг миллий стили тўғрисида бормокда.

Адабиётларда «турмуш стили» атамаси кўпинча турмуш тарзи намоён бўлиши ва тараққиётига хос кўп хиллик билан боғлаб тавсифланади. «Турмуш стили»ни бундай изохлаш умумий ва яхлитроқ тушунча бўлган «турмуш тарзи»ни бир қадар тўлдиришга хизмат қилади. Миллий турмуш тарзини тадқиқ этишда бу категория янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Уни тарихан таркиб топган ва халқнинг турмуш тарзидан ўрин олган ахлоқий қадриятга эга категория деб ҳисоблаш мумкин.

Шарқ фалсафаси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, инсоннинг жисмоний ва маънавий ҳолати ўртасидаги мутаносибликнинг сақланиши муҳим тамойил саналган. Буюк «Авесто»да баён қилинган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган шарқона донишмандлик инсоннинг турмуш тарзи мазмун-моҳиятини тушуниши ҳамда уни ташкил этишида асосий тамойил вазифасини ўтаганига

гувоҳ бўламиз. Бундай мутаносиблик нафақат Шарқ, айти Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ҳам баён қилинганини кўришимиз мумкин. Масалан, қадимги туркий ёдгорлик ва ёдномаларда, халқ оғзаки ижодиёти намуналарида, тасаввуф фалсафаси, жадилизм қадриятлари тизимида турмуш тарзининг асл белгилари акс этганлиги ўз-ўзидан равшан. Ижтимоий-тарихий тараққиёт туфайли, айниқса кейинги асрларда инсоният турмуш тарзи таркибига кучли тасир этувчи турли хил омил ва воситалар кириб келди. Айнан, электр, телевидение, ҳозирги замон транспорти, компьютер техникаси, интернет каби ижтимоий-техникавий кашфиётлар унинг табиатини бутунлай ўзгартириб юборди, дейишга ҳақлимиз. Шу билан бирга инсон фаолияти, ҳаётий муҳитининг табиий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида чуқур номутаносибликлар ҳам юзага кела бошлади.

Булар оқибатида турмуш тарзи субъекти бўлган инсон онгида чуқур сифат ўзгаришлари юзага келди. Авваллари у айти бир вақтнинг ўзида турли неъматларни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмол қилувчи мавқени эгаллаган бўлса, эндиликда унинг бу функцияларида кескин табақаланиш юз берди. Ушбу ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар унинг ҳаёти, соғломлиги, турмуш тарзига нисбатан муносабатларида ҳам муайян ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Илмий-техникавий ютуқлар инсоннинг табиий ва ижтимоий ишлаб чиқариш муҳити соҳасидаги ўзгаришларга мослашиш имкониятларини қисқартирмади. Аксинча, ишлаб чиқариш нечоғлиқ автоматлаштирилиб, инсоннинг яшаш шароити ундан қанчалик баҳраманд бўла бормасин, унинг ҳаёти, яшаш шароити, айниқса организмнинг ҳимоя кучлари шунчалик зўриқишга дучор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда биринчи

навбатда, одамларнинг ҳаётга муносабати, инсон руҳининг таъсирчанлик қобилиятига янгиликнинг моҳиятини тушуниб, асосланиш, иккинчи томондан, шунга мос унинг афзаллигига ишонч ҳосил қила ҳолда таъсир воситаларини қўллаш тақозо олишларига эришиш муҳим маънавий қилинади. омил ҳисобланади. Бунда, бир томондан,

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2021. — 457 б.
2. Комилов Н. Тасаввуф: биринчи китоб. — Тошкент: Мовороуннаҳр, 2009. — 448 б.
3. Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. — Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. — 134 б.
4. Сино, Абу Али. Тиб қонунлари. 3-жилдлик. 1-жилд. /Тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев. — Тошкент: А.Қодирӣ, 1992. — 136 б.
5. Уринбоев Н. Соғлом турмуш тарзи. — Фарғона: Фарғона, 2009. — 106 б.
6. Фитрат А. Оила. — Тошкент: Маънавият, 1998.
7. Фромм Э. Человек для себя. — Минск: Харвест, 2004.
8. Хайруллаев М. М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. — Тошкент, 1963.
9. Курбонова М.О. Мустақиллик даври дostonлари лингвопоэтикаси. — Фарғона: Классик, 2021. — 151 б.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ФИЛОСОФИЯ КАК ИСТОРИЯ ФИЛОСОФИИ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ ИСТОРИКО-ФИЛОСОФСКОЙ НАУКИ

Рахмат Рахманович КАРИМОВ

профессор

кандидат философских наук

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Рауф Рустамович БЕКБАЕВ

преподаватель

Ташкентский международный университет образования

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье авторы анализируют современное состояние историко-философского процесса в контексте современных механизмов развития философии и междисциплинарных направлений. Обозначена роль и место в данном дискурсе сравнительной и межкультурной философии. Смоделированы главные векторы современной историко-философской науки.

Ключевые слова: история, философия, история философии, наука, культура, цивилизация.

ФАЛСАФА – ФАЛСАФА ТАРИХИ СИФАТИДА: ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФА ТАРИХИ ФАНИ МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Рахмат Рахманович КАРИМОВ

профессор

фалсафа фанлари номзоди

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Рауф Рустамович БЕКБАЕВ

ўқитувчи

Тошкент халқаро таълим университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада фалсафий-тарихий жараённинг замонавий ҳолати фалсафа ва фанлараро йўналишларнинг ривожини контекстида таҳлил қилинган ва ушбу дискурсдаги қиёсий ва маданиятлараро фалсафанинг роли ва ўрни белгилаб берилган. Замонавий фалсафа тарихи фанининг асосий векторлари моделлаштирилган.

Таянч сўзлар: тарих, фалсафа, фалсафа тарихи, фан, маданият, цивилизация.

Философская наука современности претерпевает ряд важных, качественных изменений, поскольку глобальные тенденции развития ставят перед философским знанием совершенно новые проблемы, ранее не имевшие место в социальном развитии. Так, сепарация других наук от философии на первый взгляд привела к «нищете философии», сужению либо вовсе растворению того круга проблем, которые она рассматривает. И такой поверхностный подход к проблематике понимания современной философии результирует неверное представление о её действительном состоянии, ибо в ней формируются новые подходы и направления, которые развиваются сообразно современному состоянию человеческой культуры. Основу всего этого составляет историческая база философии, её опыт, который приобретает новую трансформацию исходя из меняющихся потребностей социума, культуры и цивилизации. Потому современную философию следует прежде всего понимать, как историю философии и такая трактовка является актуальной тенденцией мировой философии.

«Философия как история философии» – данное выражение использовано В.В.Соколовым для наименования одной из своих фундаментальных работ, в которой философ отмечает, что «философия – весьма древний и нелегкий для понимания компонент духовной, интеллектуальной культуры человечества» [1; 3]. Помимо этого, он пишет, что «уяснение же философской проблематики совершенно невозможно без знаний всей её предшествующей истории» [1; 3]. История философии, как указывал М.Геру, лишь недавно стала серьёзной философской проблемой и разрешение этой проблемы осложняется тем, что мы сталкиваемся с двумя уровнями рефлексии – философской и исторической [6; 563]. Соответственно этому для подлинного

понимания философской мысли той или иной эпохи необходимо погружение в её исторический контекст. В связи с этим Р.Уотсон подчеркивает, что «история философии как история – это дисциплина, в которой философские учения, принципы и аргументы философов представлены, проанализированы и раскрыты в исторических контекстах их времени» [10; 525]. И для того, чтобы историко-философская наука была «длящейся» дисциплиной, по мнению Уотсона, необходимо, чтобы она отвечала на следующие вопросы [10; 525]:

«1. Учитывая интеллектуальную среду и речевую культуру эпохи, что имеет в виду тот или иной философ?

2. Является ли его мысль завершённой или нет?

3. Насколько обоснована его позиция?

4. В контексте своей эпохи, что бы он мог изменить для того, чтобы избежать тех или иных ошибок?

5. Как восприняли его позицию современники?»

Здесь мы наблюдаем, что историко-философская наука пересекается и с такой наукой, как герменевтика, основоположник которой – Ф.Шлейермахер называл её также «искусством понимания», а «искусство может развивать свои правила только из некоей положительной формулы, а она есть «историческое и интуитивное (пророческое) объективное и субъективное воссоздание данной речи»... Воссоздать объективно исторически – значит понять, как ведёт себя речь внутри языкового целого и значение, заключенное в речи как созданию языка» [3; 63]. В этой связи интересно то, что Г.Хэтфилд акцентирует внимание на необходимости контекстуально-ориентированного подхода в изучении философии прошлого [7; 82]. Следовательно, мы можем сказать, что методология истории философии есть также методология герменевтики, что вкупе

позволяет нам также говорить об истории философии как об особом искусстве, ибо вне текста и его интерпретации не существует философской мысли как таковой.

Важным замечанием Р.Уостона также является то, что «история философии также является философией в той мере, в какой она вносит свой вклад в непрерывность философских исследований» [10; 526]. Действительно, то или иное философское, да и всякое социально-гуманитарное исследование неразрывно связано со своей теоретико-методологической базой, которая складывается именно из истории философии, поскольку история всякой науки есть история философии. Важно понимать и то, что современная историко-философская наука не стоит на месте, так как в ней формируются новые направления, одной из которых мы можем назвать философскую компаративистику, которая определяется прежде всего, как «область историко-философских изысканий, предметом которой является сопоставление различных уровней иерархии (понятия, доктрины, системы) философского наследия Запада и Востока» [2; 5]. Компаративистика в философии направлена на сравнительное исследование восточного и западного типа философствований как в их историческом, так и современном ракурсе, что непосредственно связано с таким феноменом, как культура. Попытка понять другую культуру непосредственно связана с необходимостью изучения её истории. Через это же мы приходим к сравнительному исследованию различных философий. М.Махди отмечает, что в компаративной философии большинство работ связаны с пояснением сходств и различий, а также противоречий между различными философиями и, как правило, сравнительное философское исследование имеет три условия [8; 25]:

«1) должны быть сопоставлены две

философии, которые отличаются с точки зрения принципов;


2) должен быть найден общий язык этих двух философий, чтобы понять их принципы;

3) поняв их основы и принципы, следует понять и их цели».

Из этого М.Махди заключает, что сравнительная философия – это не только история философии, в которой излагаются и сравниваются взгляды философов, но и такой тип философствования, в котором исследователь погружается в основу той или иной мысли. Именно тогда сравнительная философия означает сравнение своей философии в целом с другой философией или даже с историей философии. Из этого же формируется диалог между философами и их философией [8; 26]. Важно отметить, что феномен диалога культур оказывается центральным для компаративистики и на основе этого кросс-культурного поворота на базе сравнительной философии формируется межкультурная философия, которая сегодня представляет собой самостоятельное направление историко-философской мысли и вообще философской науки в целом.

Межкультурная философия, по замечанию К.Глой, является относительно молодой дисциплиной, поскольку появилась она только в 80-90-е годы XX века в немецкоязычных университетах [5; 67]. Цель межкультурной философии – установление диалога и взаимопонимания между разнообразными культурами, поскольку их мирное сосуществование есть необходимость сегодняшнего дня. Для межкультурного типа философствования культуры различаются между собой в самых разных аспектах от образа мышления и действия до политических, социальных и религиозных отношений. Здесь философская мысль отвергает возможность универсализации мышления и признает необходимость плюрализма

в интеркультурных исследованиях. Истинный диалог культур возможен лишь при сохранении культурного многообразия, признания отличия другой культуры от своей, её права на это отличие. Однако здесь следует понимать фундаментальное отличие межкультурного диалога и межкультурной коммуникации. В рамках философии базу межкультурной коммуникации можно наблюдать в теории коммуникативного дискурса Ю.Хабермаса. Однако, по мнению К.Глой, данная теория хоть и предполагает равенство возможностей для всех участников дискурса, тем не менее она полагается при этом на идентичные коммуникативные, констативные, репрезентативные и регулирующие речевые акты, которые принадлежат западной логике [5; 68]. И, таким образом, межкультурная коммуникация оказывается куда более узким феноменом, нежели межкультурный диалог, который в рамках интеркультурности перерастает в полилог культур. Э.Джордж обращает внимание на то, что «полилог – это процедура в межкультурной программе истории философии и систематической философии, который сегодня представляет собой императив» [4; 56]. Понятие «полилога культур» в межкультурную философию введено одним из её основоположников – Ф.М.Виммером, который презентует данное понятие при помощи следующей схемы [11; 29]:



Видно, что в данной схеме межкультурный полилог имеет

многовекторный характер, он связывает представителей разных культур между собой, создаёт условия толерантного равенства культур. Из всего этого следует, что межкультурная философия выходит за рамки компарации, поскольку она уже не только сопоставляет культуры, но и ищет пути их взаимодействия.

В рамках современной историко-философской науки мы также наблюдаем пересечение данной науки и с другими дисциплинами. Так, М.Мартынюк и другие авторы замечают, что «историко-философская составляющая является фундаментальным аналитическим методом исследования образовательного пространства» [9; 83]. По мнению авторов, «для понимания перспектив образования необходимо и осознание общих мировоззренческих принципов, и философия образования – это тот элемент, благодаря которому образовательные стратегии (краткосрочные, долгосрочные или существующие) приобретают общий знаменатель с реалиями социокультурного пространства. Однако в то же время классического инструментария философии недостаточного для прогнозирования оптимальных путей развития сфера образования. Потому следует обращаться и к историко-философскому анализу эволюции образовательной среды» [9; 90]. Исследователи также заключают, что «взаимодействие между историей философии и философией образования следует использовать для прогнозирования развития образования и определения эффективных и востребованных образовательных тенденций в краткосрочной перспективе» [9; 90] и, таким образом, через пересечение истории философии и философии образования наблюдается взаимосвязь с науками об образовании. На этом примере мы можем говорить о том, что современная история философии как наука также носит и

междисциплинарный характер.

Современная историко-философская наука выходит на новые горизонты. В ней формируются как собственно философские, так и междисциплинарные направления исследований. В рамках методологического аспекта сегодняшней истории философии мы можем сказать о её герменевтической тенденции, ибо понимание прошлого результирует необходимость его интерпретации. Помимо этого, актуализируется тенденция к сравнительным и межкультурным философским исследованиям, что соприкасает философию с такими науками, как культурология, история, антропология, социология, а также с кросс-культурными исследованиями. Также в рамках истории философии мы наблюдаем обращение и к различным феноменам социальной жизни, среди которых можно назвать

феномен образования, что непосредственно связывает философию с науками об образовании, то есть всем пластом педагогических наук. Видна тенденция к междисциплинарности в истории философии, что позволяет философии в целом вобрать в предмет своих изысканий широкий спектр различных явлений и процессов. Следовательно, современная философия не может характеризоваться через фразу, применённую К.Марксом – «нищета философии», поскольку несмотря на обособление от философии многих наук, тем не менее объективная действительность в самых её разнообразных проявлениях продолжает оставаться в центре философского дискурса через обращение к истории человеческой культуры. Потому современная философия есть именно история философии.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Соколов В.В. Философия как история философии. – Москва: Академический проект, 2010. – 843 с.
2. Торчинов Е.А., Корнеев М.Я. Хайдеггер и восточная философия: поиски взаимодополнительности культур. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургского философского об-ва, 2001. – 324 с.
3. Шлейермахер Ф. Герменевтика. – Санкт-Петербург: Европейский Дом, 2004. – 242 с.
4. George E. Interculturality: Some Philosophical Musings // What is Intercultural Philosophy (ed. by W.Sweet). / Washington: The Council for Research in Values and Philosophy, 2014. – P.67-80.
5. Gloy K. The Project of Intercultural Philosophy // Proceedings of the XXIII World Congress of Philosophy. 2018, Vol. 8. – P.67-75.
6. Gueroult M. The History of Philosophy as a Philosophical Problem // The Monist. 1969. Vol. 53. No. 4. – P.563-587.
7. Hatfield G. The History of Philosophy as Philosophy // Analytic Philosophy and History of Philosophy. – Oxford: Oxford University Press, 2005. - P. 82-128.
8. Mahdi M. What is Comparative Philosophy? // Journal of Philosophical Theological Research. 2015. Vol. 16. Issue 4. – P.25-42
9. Martyniuk M., Kyrylenko K., Krymets L., Makhometa T. & Madi H. The Relationship of

the Philosophy of Education and the History of Philosophy: A Forecast of Educational Trends 2022-2024. // Wisdom. 2022. Special Issue 4(3). – P. 83–91.

10. Watson R.A. What is the History of Philosophy and Why is it Important? // Journal of the History of Philosophy. 2002. Vol. 40. No. 4. – P.525-528.

11. Wimmer F.M. Essays on Intercultural Philosophy. – Chennai-Madras: Satya Nilayam 2002. – 134 p.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ФИЛОСОФИИ

Шодмон Файзуллаевич ДЖУРАЕВ

преподаватель

Бухарский Государственный университет

Бухара, Узбекистан

Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ

преподаватель

Бухарский Государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье речь идет о том, что в философии находят свое отображение изменения во всех сферах общественной жизни, охватываются философские аспекты различных идей, отражаются изменения в развитии различных идей, общественно-философские результаты научных открытий современной философии.

Ключевые слова: модернизм, антология, гносеология, философия, новое мышление, информационное общество, этика, эстетика, логика, история, культура.

НАЗАРИЙ ФАЛСАФАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Шодмон Файзуллаевич ЖЎРАЕВ

ўқитувчи

Бухоро Давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ

ўқитувчи

Бухоро Давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада назарий фалсафанинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришларни акс эттириши, турли ғояларнинг фалсафий хусусиятларини қамраб олиши ҳамда турли ғоялар ривожланишидаги ўзгаришларни ифодалашини, ҳозирги фалсафанинг илмий кашфиётларнинг ижтимоий-фалсафий натижаларини ҳам акс эттириши ёритилади.

Таянч сўзлар: модернизм, антология, гносеология, фалсафа, янгича тафаккур, ахборот жамияти, этика, эстетика, мантиқ, тарих, маданият.

Философия как социальная система образования всегда в состоянии изменения и развития. В этом процессе философия имеет свои специфичные формы развития. Первичная и основная форма этого процесса является теоретическая система развития. Начало формирования этой системы тесно связано с историческими типами мировоззрения. Здесь можно выделить мифологический,

религиозный, философский и научный тип мировоззрения [1;77]. Если учесть время возникновения мифологических элементов мировоззрения, тогда можно сказать что, первые зачатки философии появляется в эпоху архаизма. А это могло происходить только на основе простых знаний и опытов. В знаниях человека первобытного общества первичными были непосредственные практические навыки. Накопление практических навыков требовало упорядочивание их как систему теоретических знаний. В результате этого происходит процесс формирования отдельных систем знаний как система теоретического познания мира. Постепенное слияние теоретических знаний и практических навыков приводит к образованию науки в определенных сферах жизни человека, в том числе и в сфере философского познания этого мира.

Философия, как наука - это практика и познавательная деятельность человека, которая прошел реальный жизненный путь. По сравнению с другими теоретическими знаниями специфика теоретической философии имеет свои отличительные черты. Их можно проследит в следующих направлениях:

- незаметность этого процесса;
- медленная течения этого процесса;
- обусловленность этого процесса и.т.д.

Теоретическая философия направлена на исследование сущности и закономерности диалектической связи мира. Главное в этом анализ фактов, выявление законов и прогнозирование процессов и явлений. Теория философии это высшая форма научного знания о закономерностях и внутренней сущности явлений и предметов. Структура теоретической философии состоит из следующих элементов:

- основа теорий;
- законы, категории, понятия и связь между ними;
- система выводов и доказательств;
- система научных

терминологий; - система интерпретации; - основы научных утверждений; - практические перспективы теоретических основ.

Вместе с этим развития теоретических знаний носит периодичный характер. Каждый период развития человечества оставляет своеобразный отпечаток знаний и опытов в системе науки философии. Это прослеживается в следующих системах философских знаний:

- представления тотемизма, анимизма, фетишизма и магии в мировоззрениях первобытного человека;

- натурфилософия, космогония, простая онтология, простая диалектика пифагорейцев, элеатов, гераклитов, софистов, платоников, перипатетиков, атомистов, кинистов, эпикурийцев, стоиков;

- идеи теоцентризма, теодицеи, креационизма, провиденциализма, сотериологизма, ревелационизма, схоластики, традиционализма, экзегетики, догматики и эсхатологии в средневековья;

- идеи гуманизма философии Ренессанса;

- идеи просветительства и прогресса эпохи Просвещения;

- фундаментальные идеи немецкой классической философии;

- радикальные идеи (диалектический и исторический материализм) философия марксизма;

- антагонистические идеи (философские идеи системы социализма и идеи антикоммунизма и антисоветизма запада) философии XX века;

- многополярные идеи современной философии.

В этом плане нам более всего интересен теоретическое развитие философии второй половины XX и начало XXI века.

Вторая половина XX века – это особый период развития не только философии, но и многих других сфер

науки, культуры, производства и техники. Это процесс глобального изменения нашей цивилизации. Оно прослеживается в следующих направлениях развития философии:

- философия глобальной сети на основе развития информационной технологии;

- философия новой антропологии на основе развития генетики человека;

- философия нового познания на основе развития системы искусственного интеллекта, микробиологии, астрофизики, электроники, генной инженерии;

- философия новой логики на основе развития многовариантной функциональной системы электроники и вычислительной техники;

- философия новой эстетики на основе распада традиционных систем и развития новых подходов (подходы нового постмодернизма, сюрреализма и поп культуры) в этой сфере;

- философия новой психологии на основе развития философии духа и системы профессиональной психологии;

- философия предназначения человека в жизни на основе развития теории экзистенциализма и распространения идеи фатализма;

- философия новой морали на основе изменения и развитии традиционных моральных основ человечества и формировании новой морали в странах западной цивилизации;

- философия перспективного прогнозирования на основе развития футуристических идей;

- философия познания ноосферы на основе открытия многомерности системы существования мира;

- философия технического развития на основе применения новых физических и химических элементов, материалов и нанотехнологий в производстве;

- философия новой педагогики на основе перехода к новым педагогическим

технологиям;

- новая философия на основе открытия новых законов мира (законы вне гравитации земли, законы формирования и изменения космических объектов, законы изменения человеческой психики)

Развития теоретической философии современного мира – это в некотором роде переход на новую платформу осмысления мира, человека и их взаимоотношений. Эти три основы теоретической философии имеют свои специфичные черты изменений.

Изменение мира в основном происходит в результате деятельности человека. Процессы развития мира протекает в следующих направлениях:

- Развития производства (современная развития техники основана на нано технологии и на технике новых материалов и технологий (например: стеллз технология, ГМО технология. и.т.д);

- Развития техники (развития электроники, робототехники, коммуникационных технологий и.т.д);

- Развития науки (развития новых направлений в естественных, технических, медицинских и гуманитарных сферах науки);

- Развития литературы (развития литературы научно - фантастического, гуманитарного и религиозно мистического характера);

- Развития искусства (появление новых направлений в театре, кино, музыки и.т.д.)

Все это имеют большое влияние на мировоззрение и психику современного человека.

Вместе с этим в результате деятельности человека возникают некоторые проблемы техногенного и экологического характера.

Современный мир сильно подвержен потребительскому и техническому влиянию человека. Быстрая развития современного производства и торговли привели к резкому росту потребности энергоресурсам, масштабному уничтожению лесных

массивов, разным техногенным проблемам разрушающие экологические системы, засорению атмосферы и космоса.

Все перечисленные проблемы имеют постоянный характер. Параллельно с этим есть ещё и сезонные проблемы цикличного характера (засуха, пожары, снегопады, ливни, потопа, штормы, ураганы).

Кроме этого есть ещё много социальных проблем связанные с деятельностью человека в этом мире. Их можно группировать в следующем порядке: демографические проблемы постоянного характера; возникновение разных болезней лабораторного происхождения; низкий уровень жизни и нищета; постоянная голодания части населения; угроза международного терроризма; угроза ядерной войны; угроза разных опасных идеологических течений; угроза коррупции и местничества; угроза беззакония и несправедливости и.т.д. [1;120-121].

Все эти проблемы имеют очень сильную влиянию на мировоззрении современного человека и на отношения окружающего его мира. А это и есть основа изменения современной философии. Конечны результат - заключения этих изменений имеет следующую формулировку: «Чем легче жизнь, тем больше проблем в этой жизни».

Конец XX – начало XXI века ознаменуется формированием новой философии развития в мире. Новая философия развития характеризуется качественно новым подходом к проблемам развития общества. В конце прошлого века это прослеживается в переходе от научно - технического подхода к информационно – техническому подходу в вопросах развития общества.

В начале нового века процесс информационно – технического развития превратился в тенденцию глобального характера. Информационные технологии

превратились в локомотив развития передового общества. В результате этого сформировались общества с качественно новыми отношениями (отношения между слоями населения занятого информационными и техническими производствами), которые требует новых философских и социальных исследований.

Начало теоретической философии прежде всего связано с вопросами формирования и развития мировоззрения человека. Компоненты мировоззрения (мироощущение, мирозерцания, мировидения, миропонимания) и уровни (чувственный, рациональный) мировоззрения во многом определяет особенности мышления современного человека. Это похоже на «комнату кривых зеркал» в парке отдыха. Там из – за неровности поверхности зеркала образ человека на нем отражается неправильно получается. Сейчас из – за неправильности мировоззрения часто прослеживается неправильная система мышления у людей. Это неправильность мышления человека обычно происходит от субъективных подходов (они связаны с нервными, психофизиологическими перенапряжениями у отдельно взятого человека) людей к проблемам внешнего окружающего их мира. Это одно из особенностей философии современного мира.

Формы мировоззрения (мифология, религия, наука, философия) также влияет на особенности развития современной философии. Сегодня можно проследит более возрастающий интерес к древней мифологии и на основе их интерпретации создание новых научно – популярных произведений. В свою очередь это привело к появлению новых мифов волшебного, космогонического, зооморфного, антропоморфного и мистического характера. Основная идейная направления новых современных

мифов обычно связаны с основами деятельности необыкновенного человека, разных мутантов и необыкновенных волшебников. В этих мифах часто прослеживаются изменения пространства (многомерные миры) и времени (путешествия во времени). Параллельно с этим в обществе продолжается элементы веры к старым традиционным мифам. Некоторые из них актуальны и на новом веке развития человечества. Например «Миф о Сиявуше» в Бухаре. Начало культа Сиявуша относится к древним традициям зороастризма. По народным поверьям во время охоты иранский царевич Сиявуш заблудился и попал на территорию Туран, где правил царь Афрасиаб. Его встретили как уважаемого гостя. Сиявуш влюбляется и женится на дочери царя Афрасиаба. У Афрасиаба были две визири; Пирон и Гарсеваз. Пирон был сторонником дружбы с Ираном, но Гарсеваз был против этого. А Сиявуш начал строить крепость на месте современного Бухарского Арка. После долгих коварных козней Гарсеваз и по его предложению царь Афрасиаб приказывает убить Сиявуша. На месте убийства, где пролилась кровь Сиявуша выросла Дерево Жизни.

Каждый год в ночь 21 марта до захода солнца именно под этим деревом «ради души Сиявуша» мужчины пожертвовали красного петуха. Это был началом нового дня – Навруза и означал воскрешение природы. Здесь образ Сиявуша это образ умирающего и воскрешающего мира – природы (как образ жертвы Осириса в Древнем Египте и образ жертвы Христа в христианстве).

В Бухаре есть обычай «полный котел» (приготовление пищи с курятиной во время праздника Навруз), который связан с жертвоприношением во имя Сиявуша.

У узбеков есть национальный головной убор – тюбетейка, который также в некоторой черте отражает культ

Сиявуша. Узоры (четыре птичьи крыла наверху и декор бойницы стены по бокам) является символом жертвоприношения и защитой населения Бухары. Возникая в древние времена культ Сиявуша сначала переходит в обычай праздника Навруза, потом в праздничную еду народа и в конце превращается в символ национальной одежды этого же народа в современном мире. Эволюция образа Сиявуша составляет специфичную историческую цепь в виде «невинная жертва – древний культ – праздничный обычай – священная еда – национальная одежда» [2]. Здесь ярко проявляется связь времен в развитие философских мыслей.

Таких примеров в истории философии очень много. Например на Западе (у греков) есть легенда «О Ласточке». По этой легенде жена Фракийского (территория современной Болгарии) царя просит своего мужа, чтобы он привел её сестру из Аттики (центральной часть древней Греции). После долгих уговоров царь соглашается с просьбой своей жены. Он едет в Аттику. Но падчерица не хотела оставлять одинокого отца. Отец тоже не хочет отпустить свою дочь одиноко на дальнюю дорогу. Но просьба старшей дочери заставляет отца подчиниться к её воле. С болью в сердце он отпускает свою младшую дочь. Но царь Фракии не привел девушку к своей жене. Он её спрятал в чашу лесов и хотел обладать ею. На это девушка не дала своё согласия и царь держит её в плену. А жене сказал, что она не хотела ехать к сестре своей. Жена царя чувствует что – то не ладное. В день праздника Урожая она выходит в поле и начинает искать сестру. На вопрос как найти сестру, охотники из леса сказали ей, что царь в лесном доме своем держит какую – то девушку. Жена царя знала об этом доме и она тайно освободила свою сестру. Сестре она сказала, что она сама будет мстит за это подлость своего мужа. Придя во дворец она спрятала сестру

за занавеску в комнате царя. А сама убила своего малолетнего сына от царя и приготовила пищу от него. Эту ужасную еду она поднесла мужу. Царь попробовал и сказал, что еда очень вкусная и хотел поделится этим со своим сыном. Тогда жена сказала, что сын в нем. Когда царь понял в чем дела, он замахнулся мечом на жену. В этот момент чтобы оградит сестру от удара меча падчерица вышла из тайника и лезвия меча вертикально прошла по лицу девушки. От испуга она крикнула и превратилась в ласточку. Капли крови падали на её груд. По этому ласточка беспокойна, она хочет сказать что – то и на груди у некоторых есть красное пятно [3].

Эта легенда о святости семейных отношений. Если человека предает семью, он как – то убивает своих детей. Этот поступок равна к убийству любимого ребенка. В современном мир, где всюду разрушается традиционные семейные узы эта легенда является более чем актуальна.

Две примеры из мифологии указывают их актуальности и в наши дни. А это и есть из важных особенностей современной философии, которые связаны с мифологией.

Другая форма мировоззрения – религия и её гуманистические идеи также является актуальным в современном мире. Религия как средство духовной анестезии во время утраты близкого человека, трудных жизненных ситуациях и в очень сложных проблемах человека. Она сначала успокаивает, потом даёт духовную силу и привлекает к конкретным действиям по решению определенной проблемы. Пока есть утрата близких людей и пока есть разные трудные ситуации и проблемы, будет и религия. Но современная религия более и более принимает научные оттенки. Можно сказать, что современная религия в некотором смысле это «научная религия». В этом и кроется положительные особенности философии в вопросах религии современного мира.

Но есть люди, которые отошли от научности и просвещенности религии. Он попали в сети фанатизма и фундаментализма. А это уже негативная черта религиозно – философских идей современного мира. Сейчас эта проблема из локального превратилась в глобальное. Самое опасное она охватывает душу молодых людей.

В начале нового века прослеживается новый уровень развития религии. На основе научно – технологической революции прослеживается резкое расширения религиозного мировоззрения человека. Религия из земной системы мировоззрения постепенно превращается в систему космического мировоззрения – земная религия постепенно переходит в космическую религию. В перспективы развития мы можем ещё раз удостоверится в этом.

Наука как форма мировоззрения отражает все изменения в развитии общества. История развития науки показывает, что чем больше науки и техники в обществе тем лучше, интересны и легко жизнь человека в обществе. Чем больше развития других наук тем больше и ярче развития философии в этом обществе. Колорит философских идей будет очень богатым и каждая краска в нем служит для развития самого человека. Передовые научные исследования и методы обогащает фактическую базу философских идей. Особенности этого процесса прослеживаются в расширение знаний следующих философских направлениях:

- расширения знаний в сфере бытия на основе новых данных в физике, астрономии, океанологии, геологии, палеонтологии и обществоведения;

- на основе передовых методологических основ в философии прослеживается расширение методов диалектики по сравнению метафизических методов. Ярким примером этого может быть

теория флуктуации в философии [4].

- в современном мире мы можем проследить рост потенциала познания человека. Этот процесс идет в трех направлениях (в сфере естественных, технических и гуманитарных наук). В естественных науках примером может быть прочтение генома человека [5], создание панацеи от онкологии, сенсационные антропологические находки в Кении, Танзании [6], Альпах, Иране и Центральной Азии, палеонтологические находки в Центральной Азии и Сибири, геологические месторождения в Венесуэле, Алжире, Иране, России и в США [7] и т.д.

В технических науках создание новых полимеров, огнеупорных составов, передовых материалов и техники на основе нано технологий, а также создание аппаратов гиперзвука [8].

В гуманитарных науках мы видим преобладание исследования в сферах источниковедения, археологии, этнографии, геральдики, нумизматики и эпиграфики. Это связано с ростом самосознания народов, которые достигли национальной независимости. Параллельно с этим мы видим, что идеи национальной независимости трансформируются в идеи сепаратизма [9], национализма [10] и фашизма.

Развития науки и технологии в современном мире продолжает расширять рамки познавательной деятельности человека.

Следующим важным фактором определяющим особенности современной философии является изменение в сфере культуры. В этой сфере происходит очень много изменений и их можно будет в следующем порядке:

- в изобразительном искусстве мы видим продолжение авангарда (произведения Филонова, Шагала, Пикассо), футуризма (произведения Малевича, Пикассо, Матисса), модернизма

(произведения Кандинского, Мондриани), сюрреализма (произведения Бохса, С. Дали), а также постмодернизма (произведения Бойса, Куннелиса). В результате развития фото и видео техники прослеживается некоторый упадок в сфере изобразительного искусства. Во второй половине XX века и в начале нового века в произведениях прослеживается какой – то пессимизм, бессмысленность и своего рода абстрактность. В изобразительном искусстве на основе сферы портрета формируется новая «продвинутая элитарная» направления с разными яркими красками [11];

- в архитектуре появляется «гигантомания», «неоромантизма» и «новой готики». Параллельно с этим мы видим распространение новых стройматериалов с высокой прочностью. Здесь также как и в изобразительном искусстве мы видим распространение новых красок и облицовочных материалов. В архитектуре нового века преобладает больших крупных стеклянных фасадов с внешней стороны и чистая прагматичность с внутренней стороны здания. В этой сфере мы видим разделение архитектуры на монументальное, элитное и народное. В некоторых местах появляется сюрреалистические здания с глубоким философским подтекстом [12];

- если в сфере театра мы видим какой – то упадок и то в сфере кино мы видим большой скачок развития. В сфере театра на Западе и в странах СНГ в основном доминирует школы Станиславского и Рей Бредбери. Параллельно с этим выделяется специфичные школы Китая, Индии, Японии, Южной Кореи, Турции и Латинской Америки. Последние три центры театра и кино отличается «студийной работой». Если на Западе, в основном в США в фильмах преобладает сценарий на основе фантастики, ужаса, войны, то на Востоке преобладает романтические мотивы (в

основном в Индии). Параллельно с этими были и центры чистого реализма (Франция, Италия, Россия). В фильмах больше и больше прослеживается энвайрментизм (кадры большого пространства), хеппининга (победный финал) и перформенса (кадры неординарного действия). Сильные философские мысли мы видим в фильмах Ф.Бондарчука (Война и мир), А.Пачино (Крестный отец), Р.Капур (Бродяга), Ш.Аббасова (Ты не сирота). Но в конце XX и в начале нового века прослеживается распространение элементов «поп культуры» в сфере театра и кино. Широко распространяются мотивы связанные с насилием, наркоманией и эротикой. Особенно в фильмах США и Европы. А это привело к творческому упадку в этих сферах и разложению духовности молодежи не только в этих странах, но во всем мире. Погоня за большими деньгами разрушила традиционные основы искусства театра и кино. Распространение сети Интернета ещё больше усугубили эту проблему. В Интернете широко распространились фильмы частных студий с сомнительными кадрами. А это ещё больше отрывала молодого поколения от настоящего искусства театра и кино. В результате этого у молодого поколения прослеживается рост интереса к наркомании, насилию, эгоизму и эротике. Это в большом масштабе разрушает основы традиционной воспитания [13];

- В сфере музыки наряду с величайшими произведениями Энрико Морриконе, Пол Марриот, Шарл Азнаур, Таривердиева, Шнитке, Шостаковича широко распространяется музыка и песни Мадонны, Сабрины, Фредди, Майкла Джексона, Бритни Спирс, Леди Гага, которые негативно влияли на духовности молодых людей. Особенно разрушительным был распространение тяжелого рока среди молодых людей. Эта музыка направлена на непосредственное

разрушение психики человека. А появление РЕПа ещё больше спровоцирует бессмысленность и безвкукусность в музыке и песенном жанре искусства. В результате этого мы видим разрушение основ нравственного и эстетического воспитания [15];

- в литературе тоже происходит изменения влияющие на философские аспекты воспитания молодого поколения. Во второй половине XX в развитии мировой литературе возникли философски глубокие и психологически яркие произведения Г.Маркеса, Ф.Искандера, А.Несина, В.Мейя, А.Азимова, Е.Анджевского, А.Камью, Ч.Айтматова, Р.Гамзатова и других великих писателей и поэтов. Наряду с ними появляется негативная произведения (в смысле воспитания) С.Кинга, Д.Фаулза, Х.Борхеса и других писателей Запада. Если в первой группе произведений освещены идеи гуманизма, прогресса и созидания, то второй группе произведений преобладает идеи ухода от реальности, пессимизма и без духовности. Негативные явления в обществе, в литературе и музыке привели к возникновению движения Хиппи в Европе и Сиентизма в США.

Во второй половине XX века советской литературе происходит разлом между принципами социалистической реальностью и критического взгляда на литературе. В результате этого появляется новая подпольная система печати «Самиздат». В этой печати обычно печатали произведения запрещенных в обществе писателей. Параллельно с этим появляется движения диссидентов. Из известных писателей диссидентов этого времени можно выделить А.Солженицына и И.Бродского. В конце прошлого века в русской литературе прослеживается переход из фундаментально классической литературы к литературе легкого жанра. Эта тенденция охватывала все пространства республик бывшего союза [16].

Что касается непосредственно философии, как формы мировоззрения в этот период развития общества в нем прослеживаются следующие изменения:

- постепенный распад идейной системы марксизма и ленинизма. Здесь особенно ярко проявляется кризис идеи Исторического материализма. Развития политических и общественных изменений в социалистическом лагере мира конца 1980 – х годов показала несостоятельности финальной части «формационной теории» (построение коммунизма) исторического материализма. На Западе на месте этой теории более распространяется «теория пост индустриализма» и рыночного общества на восточной части социалистического лагеря [17];

- различные направления экзистенциализма (философский, религиозный, социальный) принимает более амбивалентные черты. В результате этого прослеживается их некоторое смещение между собой (особенно в вопросах «философии жизни») [18];

- в результате начала «моральной релаксации» со второй половины 1960 – х прослеживается начало формирования «философии нового поколения» или «философии раскрепощения» - философия свободной жизни [19];

- на основе астрофизических изменений в вопросах бытия прослеживается расширение границы знаний о

пространстве и времени. Ярким примером этого является физические – технические опыты в коллайдерах Швейцарии и России [20], космическая одиссея системы «Вояджер» [21] и другие научные открытия этого периода;

- в изучение сферы «философии человека» особенное место занимает закрытие научные исследования по программе «Ультра X» и «Сигнал». В этих исследованиях изучали внутренние физические, психологические и духовные возможности человека, которые расширили горизонты знания в этой области;

- в сфере «философии глобальных проблем» этого периода можно проследить сдвиги в сторону «нового экологического мышления». Экологические проблемы (проблема глобального потепления, проблема Веллингтон – Окинавы, Амазонки, Сахары, Арала, Байкала и другие), техногенные проблемы (проблемы парникового газа, проблема безопасности ядерной энергетики, проблема производственных и бытовых отходов), социальные проблемы (нищета, бедность, нарушения права и свободы человека), политические проблемы (проблема международного терроризма, угроза ядерной войны и борьба за энергоресурсы) [22] привели к началу формированию «нового экономического мышления» - к более осторожному подходу в решениях о этих проблем.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Учебно – методологический комплекс по предмету Философия. –Бухара: Бухара, 2020.
2. <https://www.advantour.com/rus/uzbekistan/legends/ark.htm>
3. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

8. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
11. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
12. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
13. <https://www.google.com/search....>
14. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
15. <https://infourok.ru/muzika-vtoroy-polovini-veka-1351426.html>
16. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
17. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
18. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
19. <http://council.gov.ru/services/discussions/blogs/57213>
20. <https://nica.jinr.ru/ru/#:~:text=NICA>
21. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
22. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ТАРИХ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

Хусан Эшмўминович ХОЛМЎМИНОВ

доцент

тарих фанлари номзоди
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида шаҳарсозлик жараёнлари, бунда аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи ҳамда миллий-этник таркиби масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: урбанизация, шаҳарсозлик жараёнлари, аҳоли демографияси, аҳоли ижтимоий турмуш тарзи, урбанизация жараёнларининг демографик жараёнларга таъсири.

О НАЦИОНАЛЬНО-ЭТНИЧЕСКОМ СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ ЮЖНЫХ ОБЛАСТЕЙ УЗБЕКИСТАНА (КОНЕЦ XIX ВЕКА – НАЧАЛО XX ВЕКА)

Хусан Эшмуминович ХОЛМУМИНОВ

доцент

Кандидат исторических наук
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье освещаются процессы градостроительства в южных районах Узбекистана в конце XIX века - начале XX века, а также вопросы об образе жизни населения в этих процессах, и его национально-этническом составе.

Ключевые слова: урбанизация, процессы градостроительства, демография населения, образ жизни населения, влияние процессов урбанизации на демографические процессы.

Ўзбекистон жанубий воҳаларининг – XX аср бошларида Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик жараёнлари билан боғлиқ жанубий ҳудудларида урбанизация ижтимоий-иқтисодий жараёнларни илмий жараёнлари ўзига хос аҳамият касб этган. тадбиқ этиш ҳамда шаҳарлар аҳолисининг Бу даврда жанубий воҳалардаги ўзига хос сиёсий жараёнлар ҳамда ҳукмрон сони ва миллий таркибини ўрганиш муҳим хос сиёсий жараёнлар ҳамда ҳукмрон ҳисобланади. Маълумки, XIX аср охири тузумнинг мустамлакачилик сиёсати

натижасида демографик жараёнларда ҳам ўзгаришлар юз берган. Яъни турли миллат вакилларининг кўчирилиши натижасида воҳаларнинг маъмурий марказларида аҳоли ва миллий таркиб ҳамда турли қавмлар сонининг ортишига сабаб бўлган. Бу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги Бойсун, Шеробод, Денов, Шаҳрисабз, Қарши ҳамда Китоб шаҳарлари ижтимоий ҳаёти ва тараққиётида ўзига хос бир муҳим босқичларни кузатиш мумкин [17;96]. Таъкидлаш жоизки, бу даврда воҳалардаги урбанизация жараёнларининг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий вазифалари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳамда ундаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини тадқиқ этиш масаласи муҳим ҳисобланади. Ушбу даврдаги урбанизация жараёнлари тарихи ёзма тарихий манбалардан ташқари, мустамлака сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ҳамда унга гувоҳ бўлган рус ҳарбийлари, амалдорлари, олимлари ҳамда тарихчилари томонидан ёзилган ва яратилган тарихий асарлар, хотиралар, эсдаликлар, ҳисоботларда ҳам ўзига хос тарзда келтириб ўтилган [3;147].

XX аср бошларига келиб Қашқадарё ҳамда Сурхондарё воҳаларидаги шаҳарларда ҳам аҳоли сони ва миллий таркиби ортиб борган. Бундай ҳолатлар албатта мавжуд тузумнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланиб, аҳолини кўчириш жараёнлари бунда муҳим рол ўйнаган. Жанубий воҳаларда урбанизация жараёнларининг фаол кечиши эндиликда катта шаҳарларда аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини таъминлашда турли муаммоли ҳолатларни келтириб чиқарган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланган.

Бухоро амирлиги жанубий ҳудудларидаги бекликларда демографик жараёнларда аҳоли сони ҳамда миллий таркибининг хилма-хиллиги даражаси айниқса, энг йирик шаҳарларда ўзига

хос тарзда бўлган. Жумладан Қашқадарё воҳасидаги Бехбудий шаҳрида ўзбеклар – 11705, тожиклар – 138, араблар – 136 кишини ташкил этиб, жами аҳоли сони – 11979 нафарни ташкил этган. Маъмурий марказлар ҳисобланган Ғузор шаҳрида ўзбеклар – 850 кишини, Шаҳрисабзда – 9755, Китоб шаҳрида – 3217, Чирокчи шаҳрида – 561, Яккабоғ шаҳрида – 1296 кишини ташкил этган [1;157].

Келтирилган маълумотларга кўра Қашқадарёвоҳасида аҳолининг демографик жойлашувида асосан кўпчилик аҳоли вакиллари қишлоқ жойларда истиқомат қилганлиги маълум бўлади. Жанубий воҳалардаги урбанизация жараёнлари Қашқадарёда ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу воҳада XX аср бошларида аҳоли миллий таркибида ўзбеклар – 186459 кишини, тожиклар – 20438, туркманлар – 3152, қozoқлар – 730, араблар–732, яҳудийлар – 1011 кишини ташкил этиб, воҳада умумий аҳоли сони – 219111 [14;83] кишини ташкил этган.

Жанубий ҳудудлардаги шаҳарларда Қарши, Китоб, Яккабоғ, Чирокчи ва Ғузор бекликлари аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил этиб, улар турли хил уруғлардан иборат бўлган [12;62]. Жумладан, Ғузор беклиги ҳудудларида ўзбеклар – 36505 кишини, Шаҳрисабзда ўзбеклар – 70700, тожиклар – 1400, туркманлар – 132, яҳудийлар – 111 кишини ташкил этиб, жами аҳоли сони 82100 нафарни ташкил этган. Қашқадарё воҳаси аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар 159075 кишини ташкил этган бўлса, тожиклар – 20300, туркманлар – 3020, қozoқлар – 730, араблар – 7185 нафар бўлиб, воҳанинг жами аҳоли сони 190310 [6;57] нафарни ташкил этган. Ушбу даврда аҳолининг демографик жараёнларига назар ташласак, бунда миллий таркибнинг ортиб бориши фаол кечганлигини кўриш мумкин.

Жумладан Қашқадарё воҳасидаги бекликлар ҳудудларида турли қавмлар

истиқомат қилиб, улардан катағонлар – 1510, қовчинлар – 3815, қипчоқлар – 700, хитойлар – 470, жузлар – 910, манғитлар – 3108, миришкорлар – 90, саройлар – 5160, хўжалар – 975 кишини ташкил этган [17;38].

Қаршишаҳриатрофидакарвонсаройлар ҳамда катта бозорлар мавжуд бўлиб аҳоли сони ҳам қарийб ўн мингдан ортиқни ташкил этган. Шунингдек, аҳолининг миллий таркибида ҳам турли миллат вакиллари истиқомат қилганлигини кўриш мумкин.. Аҳоли гавжумлиги, ўзаро савдо алоқаларининг яхши йўлга қўйилганлиги боис, шаҳарнинг меъморий қурилиши ҳам муҳим ўрин тутган. Манбаларда келтирилишича Қарши шаҳри қурилиши асосан шарқона услубдаги пахса уйлардан ташкил топган бўлиб, шаҳарни шимоли-ғарбий томондан хандак билан ўралган мустаҳкам тупроқ кўрғон ўраб олган. Шаҳарда асосан мевали дарахтлар ўстирилган, боғлар кўпайтирилган, терак дарахти кўпроқ экилган. Шаҳарни Қашқадарё сув билан таъминлаб, шаҳар ичидаги боғлар, экинзорлар асосан дарё суви билан суғорилган. Бозорларда асосан савдо марказлари ва расталар кўплаб қурилиб, Қаровултепа карвонсаройи шаҳарнинг савдо таъминотида муҳим роль ўйнаган.

Қашқадарё воҳасида истиқомат қилаётган энг катта уруғлардан бири кўнғиротлар бўлиб, биргина Ғузур уездида улар 20615 кишини ташкил этган. Қашқадарё воҳасидаги аҳоли хусусида рус шарқшунос олимларининг келтирган маълумотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан рус этнограф олимаси О.А.Сухареванинг келтирган маълумотида кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Қарши шаҳрида 2–3 мингтагача хонадон бўлиб, унинг ҳар бирида 5–6 нафар киши истиқомат қилиб, жами 15–18 минг атрофида аҳоли яшаган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига

кўра Қарши шаҳрида 3007 та хўжалик (4062 оила) истиқомат қилган бўлиб, аҳолининг умумий сони 15198 нафарни ташкил қилган. Аҳоли миллий таркибида ўзбеклар 11267 кишини ташкил қилган бўлса, бошқа миллат вакиллари рус, украин тожик ва бошқалар 3097 киши [12;44]дан иборат бўлган.

XX аср бошларида жанубий воҳалар ҳудудларида аҳоли демографик жараёнлари, ижтимоий маданий турмуш шароитларида бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжуд бўлган. Тарихий манбаларга кўра, 1921-1922 йилларда воҳанинг Шеробод, Бойсун, Денов ва Термиз район марказларида дастлабки мактабдар – таълим муассасалари ташкил этила бошлаган [9;73]. Бу даврда туман марказларининг кўплаб қишлоқларида, жумладан Жиндибулоқ, Хидиршо, Янгибозор ҳамда Култепа қишлоқлари ҳудудларида ҳам аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида дастлабки мактаблар ташкил этила бошлади [10;113].

Маълумотларга кўра, бу даврда Сурхондарё воҳасида жами 202.976 нафар аҳоли истиқомат қилган, шулардан 16.543 нафари шаҳар аҳолиси бўлиб, 8,9 фоизни, қишлоқ аҳолиси 169.890 нафар (48.613 хўжалик), яъни 91,2 фоизни ташкил қилган [4;254].

Қишлоқ маҳаллаларида ўзбеклар 84,4 фоиз, тожиклар 11, араблар 3,2 фоиз ва бошқа миллат вакиллари 2,1 фоиз бўлган; шаҳарларда яшовчи аҳолининг 96,3 фоизини ўзбеклар, 0,8 фоизини – тожиклар, 0,4 фоизини – араблар ва 0,3 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил қилган. Шунингдек, Сурхондарё воҳаси 3 та шаҳар (туман-марказ)дан иборат бўлиб, Шерободда – 3151, Термизда – 10121, Бойсунда – 3271 нафар аҳоли истиқомат қилган [5;134].

Аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, бу даврда Сурхондарё округида

39,263 аҳоли хўжаликлари мавжуд бўлиб, улардан қарийб 75.6 фоизи – ўзбек аҳоли хўжаликлари, 19.6 фоизи – тожик миллатига мансуб, 2 фоизи – туркман миллатига мансуб ҳамда 1.9 фоизи бошқа миллат вакилларига мансуб аҳоли хўжалиklarини ташкил этган [11;52].

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб жанубий воҳаларда йирик шаҳарлар – Гузор, Шеробод, Ҳисор, Денов, Бойсун каби шаҳарларда аҳоли сони ортиб борган. Бухоро амирлиги жами аҳолисининг 57 фоизини ўзбеклар ташкил этиб, шаҳарлар аҳолисининг ҳам кўпчилиги ўзбеклардан иборат бўлган. Қашқадарё ва Сурхондарё худудларида ўзбек қабилаларининг катта қисми ўтроқ ҳаёт тарзига эга бўлиб, кўчманчилик билан кун кечирувчи уруғлар кўпроқ дашт ва чўл худудларида жойлашган эди [15;245].

Маълумки, XX аср бошларида Россия ҳукуматининг махсус топшириғига асосан, Россия-Афғонистон чегараларини назорат қилиш масалалари алоҳида кўриб чиқилган. Яъни, жанубий воҳалардаги бекликлардаги аҳоли хўжаликлари, экин майдонлари, аҳоли манзиллари бўйича рўйхатга олиш тадбирлари амалга оширилган. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан кўзланган мақсад, чегаралар бўйича хариталар тузиш, аҳоли миллий таркибини ҳисобга олиш, солиқлар йиғиш масаласи бўлган. Собик шўро ҳукумати томонидан 1924 йили Ўрта Осиёда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Унинг натижасида районлаштириш комиссияси худудий маъмурий чегаралаштириш харитасини тузди. Шу асосда демографик жараёнлар бўйича аҳолини маъмурий-худудий жойлаштириш ҳам амалга оширилди [2;37].

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия иқтисодиётининг манфаатларини ҳисобга олиб, Закаспий темир йўлининг қурилиши Рус-Бухоро савдо-сотик ишларининг ривожланишига имконият яратди. Бу даврда жанубий воҳалардаги

Қарши, Шеробод, Денов, Шаҳрисабз, Бойсун шаҳарларида аҳоли сони орта бошлаган. Шунингдек, аҳолининг миллий таркиби ҳам ортиб бориб, бу ерда европа миллатига мансуб аҳоли вакиллари ҳам салмоқли ўринларни ташкил этган. Бу даврда русийзабон аҳолининг кўчиб келиши натижасида Термиз, Янги Бухоро, Сарой, Чоржўй шаҳарларида маҳаллий аҳоли билан бирга, русийзабон аҳолининг сони ҳам ошиб борди. Демографик жараёнларда жанубий воҳаларда истиқомат қилаётган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан аҳоли рўйхатига доир маълумотларда келтирилишича XX аср бошларида жанубий воҳалардан Шаҳрисабз беклигида 150 минг аҳоли яшаган, аҳоли даромади ўртача 45000 рублни ташкил этиб, олинган даромад асосан деҳқончилик ҳисобидан бўлган. Шунингдек, Китоб беклигида 100 минг аҳоли бўлиб, аҳоли даромади 75,500 рублни ташкил этган, асосий хўжалик юритиш шакли деҳқончилик ҳисобидан бўлган. Шеробод беклиги аҳолиси 75 минг киши бўлиб, аҳоли даромади 50,000 рублни ташкил этган, хўжалик юритиш деҳқончилик ҳисобидан амалга оширилган. Умуман, бу даврда Қашқадарё воҳасида 500 минг, Сурхондарёнинг қуйи қисмида 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган. XIX аср охири – XX аср бошларида жанубий худудларда жойлашган бекликларда, яъни Шаҳрисабзда 150 минг, Китобда 100 минг, Яккабоғда 20 минг, Чироқчида 30 минг, Шерободда 75 минг, Деновда 23 минг 523, Бойсунда 28 минг аҳоли истиқомат қилган ва ушбу аҳоли таркибида турли миллат вакиллари ҳам салмоқли ўринларни ташкил этган [13;114].

Бу даврда жанубий воҳаларда истиқомат қилаётган ҳамда кўчириб келтирилган аҳолининг ижтимоий турмуш даражасида кўплаб муаммолар бўлган. Яъни бу даврда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш, тиббий хизмат масалалари

хам анча оғир аҳволда бўлган. Тиббиёт соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида дастлабки тиббиёт мактаблари ташкил этилса-да, уларда таълим беришда маҳаллий аҳоли вакилларида кўра, бошқа миллат вакиллари кўпроқ имтиёзларга эга бўлган. Тиббиёт мактабларида таълим олган маҳаллий миллат вакилларида кўпчилиги тил билан боғлиқ муаммолар сабабли ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Натижада тиббий ходимлар билан таъминланиш масалаларида янада кўпроқ муаммоли ҳолатлар кузатилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Сурхондарё вилоятида дастлабки шифохона 10 ўринли бўлиб, 1924 йил май ойида ташкил этилган. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, клуб, ҳаммом, кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилмаган. Хўжаликларда истиқомат қилаётган аҳоли яқин атрофида мактаблар бўлмаганлиги сабабли, мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълим олишларига деярли шароит яратилмаган [7;24].

Бу даврда жанубий воҳаларда истиқомат қилаётган аҳоли вакилларида ижтимоий турмуш шароитларидаги муаммолардан бири аҳоли хўжаликлари

электрлаштириш масаласи бўлиб ҳисобланган. Электр энергиясига бўлган талаб кучайганлиги боис дастлаб ҳарбий бўлинмалар, шаҳар ва туманлардаги милиция бўлинмалари таъминланди. Фақатгина 1926 йилдан Сурхондарё округнинг айрим туманларига дизель билан ишлайдиган двигателлар олиб келина бошлади. Турли ижтимоий муассасалар ҳамда аҳолини тўла электр энергияси билан таъминлаш учун эса кўп маблағлар талаб этилганлиги боис бу борадаги муаммолар узоқ вақтларгача ўз ечимини топа олмаган [16;93].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жанубий воҳалар шаҳарларида аҳоли сони, миллий таркибининг ортиши ҳолатлари кузатилса-да, аммо уларнинг ижтимоий турмуш даражаси, кўпроқ қишлоқ ҳудудларида анча оғирлигича қолган. Жумладан ушбу ҳудудларда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларнинг турмуш тарзида демографик жараёнларни ҳисобга олиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда тиббий хизматни ташкил этиш ишларига етарли эътибор қаратилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бўриев.О. Усмонов М. XIX аср охири – XX аср бошларида Қашқадарё воҳасида этносларнинг жойлашуви тарихидан /Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари: ЎзМУ археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Янги нашр, 2010. – Б 153.

2.Зарубин И.И. Список народности Туркестанского края //Труды сопредельных сан, 1925. – №9. – С.37.

3.Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 124 б.

4.Материалы всесоюзной переписи населения 1926 г. В Узбекской ССР. Вып.1. Поселенные итоги. – Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1927. –254 с.

5.Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн.1. Ч.1. Бухара. – Ташкент, 1926. – 134 с.

6.Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. – 53 б.

7. Раупов Ш., Дўсбоев А. Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 85 ёшда. – Термиз, 2009. – 24 б.
8. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958. – 118 с.
9. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. /Х.Бердиев, Х.Эрматов таҳрири остида. – Тошкент: Нур, 1991. – 73 б.
10. Сурхондарё вилояти Давлат Архиви, 77 жамғарма, 2 рўйхат, 19-иш, 113-варақ.
11. Сурхондарё вилояти Давлат Архиви Ф-86 жамғарма, 1-рўйхат, 5630-йиғма жилд, 52-варақ
12. Туркистон Чор Россияси мустанлакачилиги даврида: Ўзбекистонинг янги тарихи. Т.1. – Тошкент, 2000. – 44 б.
13. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чоррахасида. – Тошкент: О'қитувчи, 2005. – 114 б.
14. Ўзбекистон Миллий Архиви Р-837-жамғарма, 3-рўйхат, 162-иш, 93-варақ.
15. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон: халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007.
16. Ўзбекистон Миллий Архиви Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-иш, 93-варақ
17. Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 96 б.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ХИВА ХОНЛИГИ СИЁСИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Маъруфжон ҚАЮМОВ

тарих фанлари номзоди

Наманган муҳандислик технология институти

Наманган, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Хива хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин 1873 йил 12 августда улар ўртасида 18 банддан иборат “Тинчлик шартномаси” (Гандамиён сулҳи)нинг тузилиши ва бу сулҳ шартномасига биноан хонлик империяга қарам давлатга айланиб қолганлиги тарихий фактлар асосида таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Хива хонлиги, Россия империяси, Саид Мухаммад Раҳимхон “Тинчлик шартномаси” (Гандамиён сулҳи), савдо-сотик, рус ҳукумати, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли, кемасозлик, Матниёз девонбеги, ер майдони, мудофаа.

ЛИКВИДАЦИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

Маъруфжон ҚАЮМОВ

Кандидат исторических наук

Наманганский институт инженерных технологий

Наманган, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется 18-пунктный «Мирный договор» (Гандамианский договор), заключенный между ними 12 августа 1873 г., после завоевания Хивинского ханства Российской империей, и тот факт, что ханство стало зависимым государством империи на основе этого мирного соглашения.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Российская империя, Саид Мухаммад Рахимхан «Мирный договор» (Гандамианский договор), торговля, русское правление, оседлое и кочевое население, кораблестроение, Матнияз деванбеги, поле, оборона.

Хива хонлиги сиёсий тузуми феодал монархиядан иборат мустақил давлат эди. XIX аср 70 йилларининг бошларида Россия Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигини бўйсундирганидан сўнг босқинчилик сиёсатини Хива хонлигига нисбатан давом эттирди.

Кауфман бошчилигидаги катта тажрибага эга бўлган хамда замонавий

қуролланган рус кўшинлари жиддий қаршилиқка учрамасдан Хива хонлигини босиб олдилар.

Хива хонлиги ҳукмрон доиралари босқинчилар билан бўлган урушда мамлакат мудофаасини уюштиришга бутунлай лаёқатсиз эканликларини кўрсатдилар. Россия армиясига қарши зарба бериш учун катта имкониятларга эга

бўла туриб, улардан фойдалана олмадилар. Кўп адабиётларда Хива хонлигининг мағлубиятга учраши сабаби қилиб, унинг ҳарбий кўшинининг қолоқлигида деб кўрсатилади. Тўғри, Хива хонлиги армияси рус кўшинларига нисбатан жуда ёмон қуролланган эди, бироқ, химоячиларнинг айрим соҳалардаги имкониятлари рус кўшинлари-ни-ки-дан юқори эди.

Айрим амалдорлар мамлакат учун оғир вазиятда юрт манфаатларидан кўра ўзларининг шахсий манфаатларини устун қўйдилар. Ўзларига топширилган вазифаларга масъулиятсизларча муносабатда бўлдилар. Хонликда босқинчиларга қарши жанг қилишга астойдил киришган кучлар ҳам кўп эди. Аммо, уларни ягона кучга бирлаштириб, уюшган мудофаани ташкил этадиган саркардалар бўлмади. Амалдорлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар, қатъиятсизлик, ўзбошимчаликлар мамлакат мудофаасига катта зарар етказди. Ҳарбий бошлиқларнинг қатъиятсизлиги оқибатида бир қанча шаҳарлар душманга жангсиз таслим бўлдилар.

Уруш ҳаракатлари тамом бўлгач, Россия ва Хива ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Гарчи мазкур шартнома «Тинчлик шартномаси» деб номланса-да, аслида у икки тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида тузилган шартнома бўлмай, балки қурол кучи билан ғолиб келган Россия томонидан хонликни мустамлакага айлантириш ҳақидаги ҳужжат эди. Бутун мамлакати ҳудуди рус кўшинлари томонидан эгалланган Саид Муҳаммад Раҳимхон II Кауфманнинг барча талабларини бажаришга, ўзини Россия императорининг содиқ хизматкори деб тан олишга мажбур бўлди. «Тинчлик шартномаси» га 1873 йил 12 августда рус кўшинларининг Гандимиён боғидаги манзилгоҳида Россия томонидан Кауфман, Хива хонлиги томонидан Саид Муҳаммад Раҳимхон имзо чекдилар [6].

18 банддан иборат мазкур шартномага

кўра, Хива хонлиги ўзининг сиёсий-иқтисодий мустақиллигини йўқотди. Шартноманинг биринчи бандига биноан Саид Муҳаммад Раҳимхон Россия подшосининг вассали деб эълон қилинди. Россия ҳукуматининг Хива хонлигини давлат сифатида тугатмай, хонлик ҳукуматини сақлаб қолишдан мақсади, ўзининг босқинчилик сиёсатини яшириш ва бошқа томондан эса агар хонлик Россия таркибига қўшиб олинса, унинг ҳудуди кичиклиги, иқтисодий жихатдан заифлиги боис бу ерда сақланиши лозим бўлган маъмурият, ҳарбий кўшинга сарфланадиган маблағлар ва бошқа сарф-харажатлар ўзини оқламайди, деган фикрда эдилар. Россия ҳукмрон доиралари Хива хонлигида ўзларига содиқ, кучли маҳаллий ҳукуматни сақлаб, уни империя манфаатлари учун хизмат қилдиришни режалаштирган эдилар [7]. Шунингдек, биринчи бандда хон бошқа давлатлар билан Россия ҳукуматининг руҳсатсиз ҳар қандай алоқа ўрнатишдан воз кечиши белгиланди. Хива хони кўшни давлатлар билан мустақил дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқидан ҳам бутунлай маҳрум этилди.

Шартноманинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи бандлари Хива хонлигининг янги чегараларини белгилашга доир эди. Учинчи бандга кўра хонликнинг Амударёнинг ўнг томонидаги ерлари ўша ерда яшаётган барча ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси билан бирга Россия таркибига ўтди. Бу билан хонлик умумий ер майдонининг ярмидан кўпроғидан, яъни 76 минг кв.км. еридан маҳрум бўлди. Ўзида ҳаммаси бўлиб 62.237,2 кв.км ер майдони қолди [3;38]. Бу томондаги ерларнинг аввалги эгаларига Амударёнинг чап соҳилидан ер ажратиб бериш мажбуриятини хон ўз зиммасига олди. Масалан, Матниёз девонбегининг боғи ва унинг атрофидаги ерларга русларнинг ҳарбий истехкоми қуришга қарор қилинганди. Хон унга

ўша микдордаги ерни Амударёнинг чап соҳилидан ажратиб беради [8]. Тўртинчи бандда Россия императорининг хоҳишига биноан Хива хонлигининг Амударё ўнг соҳилидаги ерларининг бир қисми, яъни, Мишоқлидан то Кўгартлигача бўлган ерлари Бухоро амирлиги ихтиёрига берилиши белгилаб қўйилди. Бу билан Россия ҳукумати икки қўшни давлат, Бухоро ва Хива ўртасига низо солишни мақсад қилиб қўйган эди. Чунки кейинчалик бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар яхшиланса, Россиянинг хукмронлигига хавф туғдириши мумкин эди. Бу ерларни Бухоро амирлигига берилишини изохлаб Кауфман шундай ёзади: «Амударёнинг ўнг соҳилидаги Мишоқлидан Кўгартлигача бўлган ерларни қўшиб олишимизнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ. Мен бу ерларни Бухоро амири ихтиёрига берсак, биз учун қулай ва адолатдан бўлади деган фикрдаман, биз тарафдан қилинган бундай инъом Хива хонлигига қарши юришимизда сидқидилдан кўрсатган ёрдами учун Бухоро амирига мукофот бўлади ва унда биз ҳақимизда яхши таассурот уйғотади» [9]. Шу билан бирга Россия ҳукумати бу худуддан ўтган савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни Бухоро амирлиги зиммасига юклашни ҳам кўзда тутганди. «Биз бу ерларни Бухоро амирига бериб, Амударё ҳавзасидаги Россия учун зарур бўлган савдо йўллари хавфсизлигини таъминлашда барча мажбурият ва жавобгарликни унинг зиммасига юклаймиз», деб ёзган эди полковник Глуховский [10].

Бешинчи банд Амударёда кемалар қатновига тегишли бўлиб, рус ҳукуматининг руҳсатисиз Хива ва Бухоро кемаларининг сузиши тақиқланди. Бу билан рус кемаларининг Амударёда танҳо хукмронлиги ўрнатилди. «Биржевые ведомости» газетаси бу ҳақида шундай ёзади: «Шартноманинг бу банди келажакда савдо-сотик бутунлай руслар

қўлига ўтишини таъминлайди. Дарё бир неча йиллардан сўнг карвон йўлларининг ўрнини эгаллайди ва темир йўллар қурилган тақдирда ҳам асосий савдо алоқалари Амударё орқали амалга оширилади»

Олтинчи бандга биноан, Амударёнинг чап соҳилида руслар ўзлари учун қулай ва зарур деб ҳисоблаган жойларда кемалар тўхтайдиган бандаргоҳлар қуриш ҳуқуқига эга эдилар. Улар хавфсизлигини таъминлаш хонлик ҳукумати зиммасига юкланди. Еттинчи банддан ўн учинчи бандгача савдо-сотик ва бошқа иқтисодий масалалар белгиланган эди. Бу бандларга кўра, хонликнинг иқтисодий қарамлиги рус савдогарлари ҳамда саноатчиларининг устунлиги ва имтиёзларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоғи керак эди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб рус савдогарларига хонликда бир қанча имтиёзлар берилди. Хива хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқлари рус савдогарлари учун очик деб эълон қилинди. Бутун хонлик бўйлаб рус савдогарлари ва карвонлари эркин юриш ва маҳаллий ҳукуматнинг алоҳида хомийлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Рус савдо карвонлари ва омборлари хавфсизлигини таъминлаш ҳам хонлик ҳукумати зиммасига юкланди. Хонлик худудида савдо қилувчи рус савдогарлари закот ва бошқа турли хил савдо мажбуриятларидан озод қилинган эди. Хонлик худуди орқали бошқа давлатларга мол олиб ўтувчи Россия фуқаролари ҳам бож тўловларидан озод қилингандилар. Шунингдек, рус савдогарлари хонликнинг барча шаҳарларида ўзларининг ишончли вакилларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Хива хонлигида рус савдогарлари учун Бухоро амирлигидан ҳам кенгроқ имтиёзлар берилган эди. Бухоро амирлигида рус савдогарлари 2 фоиз бож тўлар эдилар [11].

Россия фуқаролари Хива хонлигида кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Россия савдогарларига Хива

хонлигида катта имтиёзлар берилиб, улар билан хонлик маҳаллий савдогарлари ўртасида нотенг рақобат муҳити вужудга келтирилди. Натижада Хива хонлигининг ташқи савдоси аста-секин рус савдогарлари қўлига ўтди. Маҳаллий савдогарларнинг кўпчилиги уларнинг хонликдаги вакили бўлиб қолганди. Шартноманинг алоҳида эътиборга молик ўн тўртинчи ва ўн бешинчи бандларида Россия фуқароларининг хиваликларустидан қилган шикоят хонлик ҳукумати томонидан зудлик билан кўриб чиқилиб, шикоятчи фойдасига ҳал этилиши белгилаб қўйилди. Рус фуқаролари хонлик ҳудудида жиноят содир этган тақдирда қозилар уларни жавобгарликка тортишга ҳақли эмасдилар. Бунинг натижасида кўп ҳолларда, хонликда яшовчи рус фуқаролари жиноят содир этганда, маҳаллий беклар бирон-бир чора кўришга ожиз қолардилар. Ўн олтинчи банд Хива хонлигининг қарам давлатга айланиб, сиёсий мустақиллигини бутунлай йўқотганлигини айниқса, ўзида яққол намоён этган бўлиб, унда: «агар рус фуқароларидан жиноят содир этган бирор киши Хива хонлиги ҳудудига яширинса, уни хонлик ҳукумати ушлаб, яқин орадаги рус маъмурияти ихтиёрига топшириши» қатъий белгилаб қўйилди [12]. Шартноманинг ўн саккизинчи банди Россияга Хива хонлиги тўлаши лозим бўлган икки миллион икки юз минг сўм товон пули масаласига тааллуқли эди. Хива хонлиги бундай катта миқдордаги маблағни бирданига тўлаш имкониятига эга бўлмаганлиги боис уни йилига 5 фоиз қўшимчаси билан йигирма йил мобайнида тўлайдиган бўлди.

«Тинчлик шартномаси»га биноан Хива хонлиги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жихатдан Россияга қарам давлатга айланди. Мазкур шартномада Хива хонлиги ҳуқуқлари Россиянинг Бухоро амирлигини тобеъ мамлакатга айлантирувчи ана шундай шартномага нисбатан бир мунча кўпроқ чекланган эди. Хива хонлигининг сиёсий

ҳуқуқлари кескин тарзда Россия томонидан чекланганлигини юқори лавозимли рус амалдорлари ҳам алоҳида ғурур билан таъкидлаганлар. Бош штаб капитани В.Гиршфельд ва Амударё бўлими бошлиғи М.Галкин бу ҳақда шундай ёзади: «1873 йилдаги шартномага биноан хонликда биз хўжайинмиз, хон эса фақатгина рус подшоси фармонларини итоаткор бажарувчидир... 1873 йилги шартнома бизнинг фуқароларга хонликда кўчмас мулкка эгалик қилиш имкониятларини беради. Хиваликларнинг қайиқлари ҳатто чегарадаги Амударёда рус ҳукуматининг руҳсатисиз суза олмайдилар.

1873 йилги шартнома билан империя ва рус халқининг куч-қудратини намоён этувчи Россия ва Хива ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилди. Хонга Ўрта Осиёдаги рус ҳукумати назорати остида Хива халқини фақатгина ички бошқарув ҳуқуқи қолдирилди» [1;26]. Хива хонининг фаолиятини назорат қилиш хонликнинг Амударё ўнг соҳилидаги Россияга ўтган ҳудудида 1873 йил ташкил этилган Амударё округи бошлиғига топширилди. Амударё округининг маркази катта ҳарбий қисм, қурол-яроғ омборлари жойлашган Петро-Александровск истеҳкоми (ҳозирги Тўрткўл шаҳри) эди. 1874 йилдан Амударё округи Амударё бўлими деб номланди. Бўлим бошлиғи лавозимига ҳарбийлардан Туркистон генерал-губернаторининг тавсияси билан шахсан император томонидан тайинланган. Унга фон Кауфманнинг 1873 йил 12 августдаги кўрсатмасига биноан кенг ҳуқуқлар берилди. Мазкур кўрсатмада шундай дейилади: «Хонликнинг ички ишлари ҳақида биз доимо хабардор бўлишимиз ва иштирок этишимиз лозим. Сиз... маҳаллий шароит ва вазиятга қараб иш тутинг» [4;300].

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомга биноан Амударё бўлими бошлиғи маъмурий бошқарув

ишлари бўйича Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига бўйсунса-да, бошқа уезд бошлиқларига нисбатан катта ҳуқуқларга эга эди. У бўлимдаги ҳарбий кўшин қўмондони бўлиб, ҳарбий соҳада тўғридан-тўғри Туркистон генерал-губнаторига бўйсунган [2;108]. Шунингдек, Амударё бўлими бошлиғи Россиянинг Хива хонлигидаги дипломатик вакили ҳисобланган. Хива хони Россия билан алоқаларни фақат Амударё бўлими бошлиғи орқали олиб борган. Хива хонлигининг ички ишларига оид бирон-бир масала Амударё бўлими бошлиғининг руҳсатисиз ҳал этилмаган.

Россия ўзига қарам бошқа ўлкаларга нисбатан Хива хонлигида алоҳида мустамлакачилик сиёсатини юритган. Хонликнинг бутун иқтисоди, халқи ва унинг меҳнати, бойликлари, маблағлари мустабид давлат манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилди. Бунга ўн саккиз банддан иборат «Тинчлик шартномаси»нинг ўнтаси Россия ишбилармонларига бағишланган ҳамда рус савдогарларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини таъминлашга хизмат қилган.

Хива хонлиги Россиянинг Ўрта Осиёдаги бошқа мустамлакалари қатори унинг саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорга айлана борди. Катта имтиёзларга эга бўлган рус савдогарлари хонликда ўз фаолиятларини кенгайтирдилар. Хива хонлиги шаҳарларида кўплаб савдо фирмаларининг ваколатхоналари очилди.

Улар Хива бозорларини Россияда тайёрланган саноат маҳсулотлари билан тўлдириб ташладилар. Бу эса маҳаллий хунармандлар ва косиблар тайёрлаган маҳсулотлар бозорини касод қилди. Қадимдан ривожланиб келган хунармандчиликнинг бир қанча турлари – тўқимачилик, ёғ тайёрлаш, металл буюмлар ясаш, косибчилик, ипакчилик оғир аҳволга тушиб қолди. Айниқса, хонликка рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба

берди. Маҳаллий газламалар рақобатга дош беролмай, ички ва ташқи бозордан тобора сиқиб чиқарилди. Маҳаллий хунармандлар Россия саноат маҳсулотлари билан рақобат қилиш учун ўз маҳсулотларини тайёрлашда арзон ва сифатсиз хомашёдан фойдалана бошладилар. Бу эса улар тайёрлаган маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Натижада хонликнинг кўплаб хунармандлари Россиянинг нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлари рақобатига бардош беролмай, ишлаб чиқаришни қисқартиришга ёки касбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Кўплаб хунармандлар хонавайрон бўлиб, қашшоқликка юз тутдилар. Уларнинг бир қисми мардикорлик қилишган бўлса, қолганлари завод-фабрикаларнинг ёлланма ишчиларига айландилар.

Хива хонлигига катта миқдорда Россия саноат маҳсулотлари кириб келиши билан бир қаторда, хонлик шаҳарларида рус ишбилармонлари томонидан саноат корхоналари қурила бошланди. Мустамлакачилар хонликда саноатни ривожлантириш ниятида эмасдилар, улар бундан манфаатдор ҳам бўлмаганлар. Россия маъмурлари хонликда хомашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса хонликка тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун улар томонидан қурилган корхоналар хомашёга дастлабки ишлов берувчи бўлиб, асосан пахта тозалаш, ёғ заводларидан иборат эди.

Россиянинг ҳукмрон доиралари Хива хонлигини фақат рус саноат моллари сотиладиган бозорга айлантириш учун ҳаракат қила бошладилар. 1895 йил 1 январдан Хива хонлиги Бухоро амирлиги билан биргаликда Россия бож тизимига киритилди. Россия подшоси томонидан имзоланган Хива хонлигини Россия бож тизимига киритиш қоидаларига биноан хонликка келтирилаётган чет эл моллари

божхона постлари орқали бож тўлаб олиб ўтилиши лозим эди. Бож тўламай яширинча олиб ўтилган моллар кўлга тушган тақдирда ноқонуний деб топиб, мусодара этиш белгилаб қўйилди [5;49].

1895 йил Хива хонлигининг Афғонистон ва Эрон билан ўтган чегараларига божхона постлари жойлаштирилди. Хива хонлигининг Россия бож тизимига киритилиши натижасида бу ерга хориждан зарур маҳсулотлар келиши кескин қисқарди.

Божхона тизимидаги ўзгаришлар биринчи навбатда хонлик аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. 1895 йилдан кейин хонлик аҳолиси кўп миқдорда истеъмол қиладиган, фақат четдан келтириладиган чой ва бошқа маҳсулотлар нархи Хива бозорларида бир неча баробар ошиб кетди. Аҳоли ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни қиммат нархларда сотиб олишга мажбур бўлди. Хива хонлигининг Россия бож тизимига киритилиб, унинг ички бозорига айланиши Хива ҳукумати хазинасига ҳам жиддий зарар етказди. Чунки, Хива хонлиги ҳудуди орқали аввалдан жуда фаол амалга оширилган транзит маҳсулот олиб ўтиш ҳам кескин қисқариб кетди. Натижада хон улардан олинадиган бождан келадиган даромаддан ҳам маҳрум бўлди. Шунингдек, Хива савдогарларининг аҳволи ҳам оғирлашди. Сабаби, улар четдан хонликка мол олиб келганликлари учун ҳам хон хазинасига, ҳам рус божхонасига бож тўлардилар. Рус савдогарлари эса закотдан озод этилган бўлиб, анча имтиёзга эга эдилар. Бундан фойдаланган рус савдогарлари хонликнинг ташқи савдосини ўз қўлларига олдилар.

Россия ҳукуматининг Хива хонлиги иқтисодини ўз манфаатларига хизмат қилишга бўйсундириш мақсадида амалга оширган ишларидан яна бири пул соҳасида бўлди. Хива хонлиги қарам давлатга айланган пайтда пул зарб қилиш

ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган эди. XIX аср охирларига келиб Хива хонлигида фаолият олиб бораётган рус савдо-сотик доиралари Россия ҳукуматига хонликдаги маҳаллий пулларни рус пул бирликлари билан алмаштиришни таклиф қилиб бир неча бор мурожаат қилдилар [13].

Рус ҳукумати ўз фуқаролари манфаатини кўзлаб хонликнинг мустақил пул тизимини тугатган ҳолда рус пулларини жорий қилиш чора-тадбирларини кўрди. Энг аввало муомаладаги Хива пулларини қисқартириш ва муомаладан бутунлай чиқариш ниятида товон пулини тангада тўлашни талаб қилди. 1893 йил Хива хонига Россия ҳукуматининг руҳсатисиз танга зарб қилиш тақиқлаб қўйилди.

Хива хонлигининг Россияга қарам давлатга айланиши хонлик аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. «Тинчлик шартнома» сида кўрсатилган икки миллион икки юз минг сўмлик товон пули оддий халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Худудининг катта қисмидан ажраб, хазинага тушадиган даромади камайган Хива хони солиқларни ошириб борди. Аввалдан мавжуд бўлган солиқ ва мажбуриятларга янгилари қўшилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XVI-II-XIX асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ўртасида мунтазам давом этиб келган ўзаро низолар охир оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулни янада чуқурлаштириб юборди. Россия ҳукумати Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш давомида ва айниқса, ўрнатгандан сўнг аёвсиз талончилик сиёсатини олиб борди. Хонликнинг моддий ва маданий бойликларини талаб, зўрлик билан тортиб олди. Мамлакатнинг бутун иқтисоди Россия манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилди. Хива хонлиги Россия саноат корхоналари учун хомашё етказиб

берувчи ўлкага ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо-сотик ана шу асосида ташкил қилинди. Хонлик аҳолисини қолоқликда, ҳуқуқсизликда сақлаб, унинг миллий, сиёсий ҳуқуқлари топталди.

Россия ва Хива ҳукуматлари ўртасида тузилган сулҳ шартномасига биноан хонлик империяга қарам давлатга айланди. Хива

хонлиги аввалги мавқеини йўқотди. Хива хонлиги иқтисодини Россия манфаатларига бўйсундирилганлиги оқибатида хонлик аҳолиси ахволи оғирлашди. Рус саноат маҳсулотларининг кириб келиши маҳаллий хунармандларни хонавайрон қилди. Айниқса, сулҳ шартномасида белгиланган товон пули оддий халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиршфельд В., Галкин М. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. ч. II. – Ташкент: Составлено капитаном Ген-Штаба Гиршфельдам, переработанное начальником Амударьинского отдела генерал-майором Галкином, 1903. – 214 с.
2. История Узбекской ССР. Т. II. – Тошкент: Фан, 1968. – 664 с.
3. Садыков. А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX – начале XX вв. – Ташкент: ТашГУ, 1965. – 115 с.
4. Терентьев М. История завоевания Средней Азии... Т. II. – Санкт-Петербург, 1906. – 946 с.
5. Тухтаметов. Т.Г. Россия и Хива в конце XIX начале XX вв. – Москва: Наука, 1969. – 141 с.
6. ЎзР МА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 7-иш, 6-варақ.
7. ЎзР МА, И-1-фонд, 57-рўйхат, 90-варақ.
8. ЎзР МА, И-1-фонд, 29-рўйхат, 89-иш, 86-варақ.
9. ЎзР МА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 198-варақ.
10. ЎзР МА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 98-варақ.
11. ЎзР МА, И-2 - фонд, 2-рўйхат, 377- иш, 15-варақ.
12. ЎзР МА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 7-иш, 5-варақ.
13. ЎзР МА, И-2-фонд, 1-рўйхат, 204-иш, 1-варақ; И-2-фонд, 1-рўйхат, 291-иш, 99-варақ.



ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СОБИҚ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШИДА СИЁСИЙ МАКТАБЛАР ВА ТЎГАРАКЛАРНИНГ ЎРНИ

Қувончбек Азаматович ПУЛАТОВ

ўқитувчи

Фарғона Давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада собиқ совет ҳокимиятининг тарғибот ва ташвиқот соҳасида кадрлар тайёрлашида сиёсий мактаблар ва тўғарақларнинг ўрни ва аксарият кадрларни айнан шу масканларда қайта ўқитиш орқали тайёрлангани ҳамда унинг салбий оқибатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлари: собиқ совет ҳокимияти, сиёсий мактаблар, марказий комитет, коммунистик партия, пропаганда, курслар.

ВАЖНАЯ РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКИХ ШКОЛ И КРУЖКОВ В ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРОПАГАНДЫ И АГИТАЦИИ ПОСТСОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Қувончбек Азаматович ПУЛАТОВ

преподаватель

Ферганский Государственный университет

Фергана, Узбекистон

Аннотация

В статье анализируется роль политических школ и кружков в подготовке кадров в сфере пропаганды и агитации постсоветской власти, а также подготовка основных кадров именно в этих учреждениях, и их отрицательные последствия.

Ключевые слова: постсоветская власть, политические школы, центральный комитет, коммунистическая партия, пропаганда, курсы.

Мустабид, собиқ совет тузуми даврида тарғибот ва ташвиқот ишлари тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, бу ўша давр, тузум сиёсатини омма онгига сингдиришга хизмат қилган.

Мазкур жараёнда пропаганда ва агитация курслари ҳамда семинарлари муҳим роль ўйнаган. Курсларнинг мақсади – марксизм-ленинизм назариясини ва собиқ совет тузумининг

асоси бўлган коммунистик партиянинг сиёсатини чуқур ўрганишда тарғибот, ташвиқотчиларга ёрдам кўрсатишдан, мактаблар, тўғарақлар ва семинарлар иши юзасидан уларга йўриқнома беришдан иборат эди. Пропагандист кадрларни танлаш ва тайёрлаш ишларини ҳар томонлама яхшилаш Сталин вафотидан кейин катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ёз даврида пропагандистларни қайта

тайёрлаш курслари ташкил этиш – ана шу йўлдаги муҳим тадбирларнинг бири ҳисобланган. Бундай курслар барча республика, ўлкаларда ташкил этилган. Мактаб, тўғарак ва семинарларнинг раҳбарлари, партия кечки мактабларининг ўқитувчилари ҳамда пропагандистлар семинарларининг раҳбарлари бу курсларда ўқиб чиққан. Курсларни ташкил этишдан мақсад – марксизм-ленинизм назариясини, совет тузумининг ҳаётий негизи бўлган коммунистлар партиясининг сиёсатини пухта ўрганишда пропагандистларга ёрдам бериш ҳамда мактаб, тўғарак ва семинарларнинг иш амалиётига доир масалалар юзасидан уларга йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат бўлган. Бу курслар пропагандистларни маҳаллий партия ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида галдаги вазифалари билан таништириши керак эди.

1953 йилда собиқ коммунистик партиянинг XIX съезидан сўнг жойлардаги партия ташкилотлари кадрларнинг малакасини оширишга қаратилган ишларни кучайтириб юборган. Масалан, Наманган область (вилоят) Поп район (туман) партия ташкилоти коммунистлар ҳамда партиясиз активларнинг ғоявий-сиёсий ва назарий билим савияларини оширишга ҳаракат қилган. Районда бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган 50 та сиёсий мактаб ва тўғаракларга 843 киши жалб этилган ҳамда улардан 741 киши белгиланган дастур материалларини ўзлаштириши шарт бўлган.

Пропагандист бу курсларда маҳаллий партия ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифалари билан танишган. Партия ташкилотлари пропагандистлар курсига тингловчиларни пухта танлашлари, кўпроқ малакали лекторларни (маърузачиларни) ва семинар машғулотларининг раҳбарларини партия мактаби, олий ўқув юртларининг марксизм-ленинизм асослари ўқитувчиларидан,

партия комитетларининг лекторлари ва раҳбарҳодимларидан жалб қилишлари шарт бўлиб, курсларда семинар машғулотлари ижодий тарзда олиб борилиши керак эди.

Жойлардаги семинарлар асосан партия бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифасига семинар жойларини аниқлаш, тингловчилар таркибини тузиш ҳамда семинар раҳбарларини тайинлашдан иборат бўлган. Бу жараёнлар одатда, барча ҳудудларда амалга оширилсада, бу вазифалар сиёсий аҳамият касб этсада, бажарилмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, Наманган вилоят Поп тумани партия комитети “пропаганда ва агитация бўлимининг мудирини С. Назаров райондаги кўпгина жойларда, жумладан «Қизил чорва» колхозида (жамоа хўжалигида), «Сталинград» колхозида ҳамда МТСда тингловчилар состави (таркиби) танланмаганлиги ва ўқув жойлари белгиланмаганлигини” ўз ҳисоботида қайд этиб ўтган.

Хусусан, 1953 йил 3 июнда “Правда” газетасида 1952 йилда йўл қўйилган хатоларнинг такрорланмаслигига қаратилган катта мақола эълон қилинган. Ушбу мақолада аввалги йилларда курсларни уюштиришда тингловчилар пухта танланмаганлиги, курсларда партия кечки мактабларининг ўқитувчилари ва пропагандистлар семинарларининг раҳбарларидан оз киши ўқиганлиги, автоном республикаларнинг баъзи партия ташкилотларида тингловчилар билан уларнинг ўз она тилларида машғулот ўткази оладиган партия аъзоларини курсларга қабул қилишга эътибор берилмаганлиги, лекцияларнинг баъзилари қониқарли бўлмаганлиги ҳамда лекцияларда назарий масалалар ижодий тарзда ёритилмаганлиги каби камчиликлар санаб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, мақола муаллифи пропаганда курсларига тингловчиларни пухта танлаб олишни таъминлаш, партия мактабларида

ва олий ўқув юртларида марксизм-ленинизм асосларидан дарс берувчи ўқитувчилар, партия комитетларининг лекторлари ва раҳбар ходимлари орасидан энг малакали лекторларни ва семинар машғулотларининг раҳбарларини танлаб олиш зарурлигини қайд этади. Лекин, бу чақириқларга қарамай 1954 йилда ҳам пропаганда курсларини ташкил этишда камчиликлар учраган. Хусусан, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пахтакор, Қорақишлоқ ва бошқа районларида (туманларида) пропагандист кадрларни танлаш, тарбиялаш ва улар билан ишлаш талабга жавоб бермаган.

Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги пропаганда курслари бир ой давом этиб, июнь ойдан бошланган ва июл ойида тугаган. Масалан, 1953 йилда пропаганда курслари 20 июндан 20 июлгача давом этган бўлса, 1954 йилда ушбу курслар 15 июндан 15 июлгача бўлган даврда бўлиб ўтган. 1953 йилда ушбу курсларга жами 350 киши жалб қилинган. Бундай курслар фақатгина марказий комитет ҳузурида ташкил этилмай, балки ҳудудлардаги партия комитетларида ҳам ташкил этила бошлади. Жумладан, “Ўзбекистон КП Наманган область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудирини А.Нормухаммедов маълумотларига кўра, 1954-1955 йилларда Наманган вилоятида ташкил этилган бир ойлик қайта тайёрлаш курсларида жами 425 киши ўқиган”. Бундан ташқари, 1955 йилда Наманган вилоятидан бўлган 150 га яқин пропагандист Ўзбекистон КП Марказий комитети ва шаҳар партия комитети ҳузуридаги қайта тайёрлаш курсларида ўқиган.

Курсларда лекциялар ғоявий жиҳатдан юксак савияда ўқилиши, назарий масалаларни ижодий тарзда ёритиш намунасини кўрсатиши, амалиёт билан маҳкам боғланиши керак эди. Курслар пропагандистларнинг иш амалиётида учраб турадиган қироатхонлик ва расмиятчилик элементларини йўқотишда уларга ёрдам

бериши лозим эди. Пропагандистларнинг семинар машғулотлари курсларнинг ишида катта ўрин тутган. Бу машғулотлар уларнинг ўрганилаётган фанларни яхши ўзлаштириб олишларига ёрдам берган.

Йилдан-йилга пропаганда соҳасида кадрларни тайёрлаш ишлари яхшиланиб борган. Фактлар шуни кўрсатадики, 1954 йилда 1953 йилдагига қараганда пропаганда ишида айрим муваффақиятларга эришилган. Республика партия ташкилотлари партия пропагандасини яхшилаш, пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялаш ҳамда партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг юксак савияда ўтишини таъминлаш юзасидан бир мунча ишларни кучайтирган.

Наманган вилоят партия комитети пропагандистлар билан ишлашни тубдан яхшилаш мақсадида ўз олдида бир қанча янги вазифалар қўйган ва шу орқали республикада пропаганда соҳасида етакчилигини исботлашга ҳаракат қилган. Жумладан, 1954-1955 ўқув йилининг биринчи ярмида шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида уюштирилган 19 та доимий семинарнинг мунтазам ишлашини таъминлаган. Бундан ташқари, семинар машғулотларининг тематик планлари (жорий режалари) тузилаётган вақтда пропагандистларнинг мавзу юзасидан фикрлари сўралган ва шу асосида пропаганда ва агитация йўналишидаги муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилган. Шунингдек, ушбу курсларда тингловчиларга назарий лекциялар (маърузалар) уюштирилган ҳамда иш тажрибалари алмашилган. Пропагандистларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳамда уларнинг ижодий ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия ташкилотларининг бурчи ҳисобланган. Умуман, ёзлик курслар пропагандист кадрларнинг малакасини оширишга ёрдам берган.

Собиқшўроҳоқимиятининг пропаганда

ва агитация соҳасида кадрлар тайёрлашида сиёсий мактаблар ва тўғараклар муҳим ўрин тутган. Ушбу соҳадаги аксарият кадрлар айнан мана шу сиёсий мактаб ва тўғаракларларда қайта ўқитиш орқали тайёрланган, колхозларда ҳам пропаганда тўғараклари фаолият юритган. Жумалан, Поп районининг “Охунбобоев” номли колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган партия тарихини ўрганиш тўғараги шулар жумласига киради. Шунингдек, мазкур районда пропаганданинг маълум йўналишларига ихтисослаштирилган сиёсий мактаблар ва тўғараклар фаолият юритган. Масалан, ушбу районда 1953 йилда 19 та сиёсий мактаб, 13 та КПСС тарихи қисқа курсини ўрганиш тўғараги, 15 та ушбу курсни ўрганиш юзасидан юқори типдаги тўғарак ҳамда район партия ва совет активлари (фаоллари) учун рус ва ўзбек тилларида сиёсий иқтисодни ўрганиш тўғараклари ташкил қилинган. Бу курсларга жами 698 нафар коммунист ва партиясиз фаоллар жалб қилинган. Мазкур тўғаракларнинг самарали фаолият олиб бориши маърузачиларга боғлиқ эди. Шу сабабли, район партия комитети бу тўғаракларга маърузачи танлашда алоҳида эътибор берган. Хусасан, ушбу тўғаракларга жалб қилинган маърузачиларнинг 50 нафаридан 32 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган.

Наманган вилоят партия ташкилоти партия, совет, хўжалик кадрлари ва ҳамда коммунистларни марксча-ленинча таълимот билан тарбиялашда бир мунча ишлар қилган. Партия учун бу соҳада пропагандист кадрларни тўғри танлаш ва уларни тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Пропагандистлар таркиби 1955 йилда сон жиҳатдан ўсган. Жумладан, Наманган вилоятида олий, тўлиқсиз олий ва ўрта маълумотга эга бўлган 630 пропагандист сиёсий мактаблар, семинар ва тўғаракларга раҳбарлик қилган.

Пропагандистларнинг назарий билимлари ҳамда методик маҳоратларини ошириб боришлари талаб қилинган. Бунда партия марказий комитети қарорига мувофиқ ҳар йили ёз мавсумида ташкил этиладиган бир ойлик қайта тайёрлаш курсларининг роли катта бўлган.

Мазкур даврда пропаганда ва агитация йўналишида кадрлар тайёрлашда бир кунлик ёки қисқа курслар ҳам муҳим ўрин тутган. Вилоят партия комитети ўқув йили бошида пропагандистларнинг бир кунлик семинарини ўтказган. Масалан, 1955 йилда Фарғона вилоят партия ташкилоти пропагандистлар малакасини ошириш мақсадида уларга методик ва назарий жиҳатдан ёрдам бериб бориш учун 51 та жойда семинарлар ташкил этган. Семинар ўқув жараёнлари сиёсий мактаб ва тўғаракларнинг дастурлари асосида тузилган. Пропагандистларнинг семинар машғулотлари асосан партия кутубхоналарида ўтказилган. Бундан асосий мақсад кутубхонадаги адабиётлар ва бошқа материаллардан унумли фойдаланиш бўлган.

Пропагандист кадрлар биланишлашни ҳар томонлама яхшилаш, уларнинг назарий тайёргарлигини ва методик маҳоратини доим такомиллаштириб бориш ҳамда пропагандистларнинг ишида уларга ёрдам бериш—партия ташкилотларининг вазифаси сифатида қайд этилган. Бошқа томондан, баъзи жойларда пропагандистлар билан ишлашга етирли эътибор берилмаган. Хусусан, баъзи мактаб ва тўғараклар яхши тайёрланмаган, малакали раҳбарлар билан таъминланмаган ва пропагандист кадрларни танлашда кўпинча жиддий камчиликларга йўл қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, 1953-1956 йилларда собиқ совет ҳокимияти пропаганда ва агитация соҳасида кадрлар тайёрлашга катта эътибор берди. Бунга асосий сабаб, ушбу даврда сиёсий ҳаётда муайян ўзгаришлар юз берган ва уларни

жамиятга етказиш зарур эди. Собик Ўзбекистон ССРдаги коммунистик партия вакиллари бу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун бир қанча усуллар ишлаб чиқди. Биринчи навбатда улар олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида кечки университетлар ташкил этди. Бироқ, бу усул орқали пропаганда йўналишида кадрлар тайёрлаш узоқ вақтни талаб қилар эди. Шу сабабли, коммунистик партия маъмурлари кадрлар тайёрлаш сиёсатини тарғибот ва ташвиқот

ишлари ёрдамида курслар, тўғараклар ва семинарлар ташкил этиш орқали ташкил этганлар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юқорида таъкидланган ҳолатлар халқимиз бошидан ўтказган қора кечмишлар сифатида тарихда қолади. Демак, учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган Янги Ўзбекистонни дунёга танитишда ҳар биримиз олий даражада хисса қўшиб, ватанпарварлик позициясида собит бўлишимиз юқори аҳамиятга эғалигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Марксизм-ленинизм кечки университетида янги ўқув йили бошланди // Қизил Ўзбекистон, 1953. – № 207.
2. Мирзаев А. Партия маорифининг прорпагандисти // Қизил Ўзбекистон, 1955. – №57.
3. Назиров С. Партия ва комсомол маорифи шохобчаларида ўқишни уюшқоқлик блан бошлаймиз // Қизил Ўзбекистон, 1953 йил 23 сентябрь.
4. Партия ва комсомол маорифи шохобчаларида ўқишни уюшқоқлик блан бошлаймиз // Қизил Ўзбекистон, 1953.
5. Пропагандистларнинг курслари // Қизил Ўзбекистон, 1953. – №130.
6. Сайдахмедов С. Деятельность партийных организаций Средне-азиатских республик по интернациональному и патриотическому воспитанию рабочей молодежи: дисс.канд. ист.наук. – Москва, 1988.
7. Ускоряя шаг реформы (передовая) // Правда, 1989 год 22 ноябрь.
8. Шек Л.К. Деятельность КПСС по интернациональному воспитанию трудящихся в условиях строительства коммунизма (на материалах Узбекской ССР 1959-1975). – Дисс. докт.ист.наук. – Ташкент, 1979.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР МИСОЛИДА

Мансур Янгибаевич БОЙСАРИЕВ

докторант

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси вакилларининг ҳаётидаги ўзгаришлар этнографик тадқиқотлар мисолида таҳлил этилади. Озарбайжонларнинг тураржойлари, таомлари, шунингдек, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Совой” худудида яшовчи озарбайжонлар ҳаётига доир маълумотлар берилди.

Таянч сўзлар: озарбайжон диаспораси, этнография, тураржой, турлук, таомлар, мутфак, матбах, кутоб, левенги, пити, лаваш, сорба.

ИЗМЕНЕНИЯ В ЖИЗНИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ДИАСПОРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ: НА ПРИМЕРЕ ЭТНОГРАФИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Мансур Янгибаевич БОЙСАРИЕВ

докторант

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются изменения в жизни представителей азербайджанской диаспоры в Узбекистане на примере этнографического исследования. В том числе, дана информация о жилище и питании азербайджанцев. Также приводится информация о жизни азербайджанцев, проживающих в селе «Совой» Кургантепинского района Андижанской области.

Ключевые слова: азербайджанская диаспора, этнография, поселения, турлук, пища, мутфак, матбах, кутоб, левенги, пити, лаваш, сорба.

XX аср давомида Ўзбекистонда аҳолининг мураккаб этник таркиби шаклланди. 1918 йилда Туркистонда 70 дан ортиқ турли миллат ва элатлар яшаган бўлса [5], ҳозирги кунда Ўзбекистонда худудида 100 ортиқ миллат ва элатлар мавжуд [4].

миллатларнинг мавжудлиги халқимизнинг турли миллат ва элатлар билан этник алоқаси маҳсули ҳисобланади. Этник жараёнларни ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тарихий тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллаб, миллий маданиятни тадқиқ этишнинг ажаралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка

эришгач, ушбу заминда яшовчи ҳар бир миллат ўзининг миллий, маънавий ва маданий анъана ва урф-одатларини намойиш этишга имконият яратилди. Турли халқларнинг ўз тарихини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамлаб қўйилди. Шундан сўнг бир қатор олимлар, тадқиқотчилар тарихий ватанларидан бошқа, хусусан Ўзбекистонда яшовчи халқларни тадқиқ этиш мақсадида “этник гуруҳлар”, “диаспоралар” шаклида ўрганишлар олиб бордилар. Шундан тадқиқ этилиши зарур бўлган диаспоралардан бир – бу озарбайжонлар ҳисобланади.

Озарбайжонлар (ўзларини озарбайжонлилар, озарилар деб аташади) — Озарбайжоннинг асосий аҳолиси (1990 й.лар ўрталарида 5,8 млн. кишини), ташкил этади. Шунингдек, Эрон (10,430 млн. киши), Россия Федерацияси (336 минг киши), Грузия (307 минг киши), Қозоғистон (90 минг киши), Арманистон ва бошқа мамлакатларда ҳам яшайди. Умумий сони 17,2 млн. киши (1990 й.лар ўрталарида). Озарбайжон тилида сўзлашади. Дини — асосан, шиа, мусулмонлардир [6].

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистон ҳудудида

улар 43 266 нафарни ташкил этган. Яшаш ҳудудлари – Тошкент шаҳри 15 060 нафар, Тошкент вилоятида – 5913, Самарқанд вилоятида – 4939, Навоий вилоятида 4205, Қашқадарё вилоятида – 3000, Бухоро вилоятида – 2144 нафар, Сирдарё вилоятида - 2874, Фарғона вилоятида – 1635, Андижон вилоятида – 1502, Наманган вилоятида – 715, Сурхондарё вилоятида – 979 нафарни, Қорақалпоғистон Республикасида – 300 нафар кишини ташкил этган [7]. Ўзбекистондаги озарбайжонлар ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, моддий ва маънавий маданияти, тураржой, таомларини ўрганиш орқали Ўзбекистон этнографик харитаси

бўйича тарихий билимлар бойийди.

Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси вакилларининг моддий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлардан бири тураржойларидир.

Маълумки, аҳоли тураржойлари тури ва шакли, географик ҳолати, об-ҳаво шароити ва машғулот турига, шунингдек, тупроқ хусусиятлари ва сув захираларига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун турли ҳудудлардан Ўзбекистонга келиб, муқим яшаб қолган турли диаспоралар турмуш тарзи ва ўзининг анъанавий машғулотлари билан маҳаллий аҳолидан фарқ қилган.

XIX ва XX аср бошларида ҳар бир халқнинг ўзига хос анъанавий тураржойлари бўлган. Шаҳарлар, айниқса кўп миллатли бўлиб (Тошкент, Самарқанд, Фарғона ш.), ҳар қил миллат вакиллари ўз диаспораси вакиллари билан яхлит ҳолда яшашга ҳаракат қилган. Бу ҳолат озарбайжон диаспораси вакилларида ҳам учрайди. Буни ҳозирги кунда ҳам Тошкент, Самарқанд, Сирдарё шаҳарларида озарбайжон маҳаллалари мавжудлигидан ҳам кўриш мумкин. Озарбайжонларнинг Ўзбекистонга келишидан олдин тураржой қурилиши, қурилиш ашёлари, режаси, ташқи ва ички кўриниши бошқа халқлар, хусусан маҳаллий аҳолиникидан фарқ қилган.

Қадимги Озарбайжон қишлоқлари кўп қаватли уйлардан иборат эди. Тоғли ҳудудларнинг аҳоли пунктлари кўпинча терассалар кўринишига эга бўлиб, текис тупроқли томлари бўлган. Тош ёки ғиштли уйлар билан бир-бирига жуда яқин қурилган. Уй-жойлар кўчадан баланд тош ёки тош аралаш тупроқли девор билан ўралган. Баъзан бундай қишлоқларнинг кўчалари шу қадар тор эдики, икки чавандоз уларга зўрға сиғган.

Озарбайжоннинг шимоли-шарқий қисмида, асосий Кавказ тоғ тизмаси ва унга туташ тоғ этақларида қадим замонлардан

бери кўп бўлинмали, кўпинча икки қаватли уйларнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар текис лойдан ясалган, томлари ва деворлари хом ғишт ёки тошдан ясалган. Уйнинг биринчи қаватида одатда чорва моллари ва маиший техника сақланган, иккинчисида одамлар яшаган. Баъзан иккинчи қават жабҳаси бироз чуқурлик билан қурилган ёки биринчи қават устига қўшимча соябон ўрнатилган бўлиб, унинг остида мевалар қурилган ёки уй устахонаси учун жиҳозланган.

Озарбайжонлар уйларини камин билан иситишган ва қаттиқ совуқда улар қўшимча темир печ ёки сандал қурган, унинг устига кенг стол ўрнатилган. Ушбу стол мато билан қопланган, унинг остида оёқлар истилган. Одатда, озарбайжонлар полда ухлашган.

Талиш тоғларига туташ минтақаларда, икки қаватли уйлар билан бир қаторда, “турлук уйлар” деб номланган новдалар ва устунлардан ясалган ёғоч уйлар мавжуд эди.

Варташен, Нухинский ва Закатала туманларида, шунингдек катта Кавказнинг жануби-ғарбий ён бағирларида анъанавий уйларни қуриш учун асосий материал майда сомон аралашмасиз хом ғишт бўлиб, бу минтақалардаги тупроқ юқори ёпишқоқлиги билан ажралиб турган, унда жуда кўп ёпишқоқ лой ва алебастр бўлган. Кўпинча бундай уйлар кенг пештоқли баланд томлар билан қопланган бўлиб, уларда мевалар қурилган ва ипак қуртлари етиштирилган.

Озарбайжондаги кўчманчи аҳоли, уларнинг асосий қисми Милско-Қора-Бахскоб даштида яшаган, ёзда турли шакл ва дизайндаги намат чодирларида, совуқ мавсумда эса дугоутларда (ернинг чуқур қисмида жойлашган тўртбурчак ёки думалоқ шаклдаги тупроқли тураржой) яшаган [1].

Ўзбекистон ҳудудига кўпчилиги ХХ асрда кўчиб келган озарбайжонлар туркий

қавм сифатида жуда ўхшаш ҳаёт тарзига дуч келган бўлса ҳам, иқлим ва географик ҳолат таъсирида тураржой қурилишида анъаналар ўзгариб борди. Улар маҳаллий қурилиш хом-ашёлари – сомонли лой, қамиш, ёғочдан тураржойлар қурилишида фойдаланган.

Айниқса, 1950–1960 йилларда бир хил турдаги кўп қаватли монобетон уйлар қурилиши билан шаҳарлардаги тураржойларнинг ўзига ҳослиги йўқолиб борди. Қишлоқ жойларидаги тураржойларда янги элементлар – баланд бетон пойдевор, кўчага қараган катта ойналар, сомон ва қамиш материаллари ўрнида цемент, пишган ғишт, шифер, темир каби маҳсулотлардан фойдаланилган [4].

Тадқиқотимиз давомида Андижон вилояти ҳудудида озарбайжон диаспораси вакиллари этнодемографик харитаси юзасидан дала изланишлари олиб борилди. Жумладан, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Совой” ҳудуди ўрганилди. “Совой” ва собиқ 8-совхоз(жамоа хўжаликлари) лари 1930 йилларда ташкил этилган. “Совой” совхозини ўша вақтларда ўзининг кўп миллатли эканлиги билан характерланади. 1960 йилларда “Совой” совхозидан 25 дан, 8-совхоздан 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшаган. “Совой”да 736 хўжалик, 8-совхоздан 12 хўжалик вакиллари озарбайжонликлар ташкил этган.

1963 йил мартда ташкил этилган “Совой” совхозини 6-бўлимнинг 75 фоизини озарбайжонликлар ташкил этган. Замонавий озарбайжон тураржойлари ўзбек хонадонларидан қурилишидан деярли фарқ қилмайди. Тўртбурчак шаклидаги хонадон ва ҳовлидан иборат. Ҳовлида ўзбеклардан фарқли равишда кенгрок қурилган – молхона, боғ ёки экин учун ердан иборат. Ҳовлидан тандир, ўчоқ жой олган. Боғда асосан гилос, ўрик, ёнғоқ каби мевали дарахтлар экилади.

Хонадонлар икки қисмга: хонадон эгаси ва турмуш ўртоғи билан яшайдиган

ётоқхона ва меҳмонхона ёки уйлантирилган ўғилга ажратилган хонадан иборат бўлади. Тураржойда овқатланиш учун хона – мутфак, матбах деб аталадиган ошхона мавжуд.

Хонадонларнинг ажралмас қисмини гиламлар ташкил этади. Озарбайжон гиламлари анъанавий қўлда бажариладиган тўқимачилик маҳсули бўлиб, тўртбурчак шаклда турли ўлчамларда, зич тузилишли ҳамда тукли ва туксиз, Озарбайжонни тавсифловчи нақшлар акс этган бўлади. Гиламлар полни ёпиш ва уй безаш учун кенг қўлланилади [3].

Улардан, шунингдек, уй жиҳозлари яратиш учун, сумка, от устига ёпинчик, пардалар, кийим ва ҳ.к. яратишда кенг қўлланилади. Гиламжамиятнинг ҳаркунлик ҳаёти ва анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг тутган ўрни, дизайн ва безакларининг чуқур маъносида акс этади. Шу сабабли, озарбайжон қизлари гиламда ўтириб ниятлар қилишади ва Наврўзда анъанавий кўшиқлар куйлашади. Тиббий мақсадлар, тўй маросимлари, бола туғилганида, жаноза ёки намоз ўқиш учун махсус гиламлар тўқилади. Гилам рангли жун, табиий ранг берилган ипак ёки пахта толали ипдан фойдаланиб, горизонтал ёки вертикал тўқув дастгоҳида тўқилади. Гилам тайёрлаш ёки жунсиз қоплам учун турли техникалардан фойдаланиб, тўқувчилар ипни асосий ип атрофида тугун қилиб боғлайдилар.

Озарбайжон гилами бу оилавий удум бўлиб, у тўқувчилик ҳунари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келади. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги озарбайжон тураржойлари замонавий кўринишда бўлса ҳам, муайян анъанавий тураржой қурилиши белгилари сақланиб қолган.

Озарбайжон таомномаси барча халқлар сингари мавсумга қараб, фаслга боғлиқ равишда ва меҳнат фаолиятидан келиб чиқиб тайёрланган. Таомлар икки хил: суюқ ва қуюқ турларга бўлинади.

Замонавий озарбайжон дастурхонида албатта, лаваш (нон), кўкатлар, сутли маҳсулотлар (пишлоқ, бринза) жой олади. Суюқ таомлар: пити, сорба, хаш, атлама, довға, дўлмадан иборат.

Мазали, ҳушбўй ва тўйимли овқатлар фақат «чанаге» ёки «кюпе»да тайёрланган (туркий тилда «хумча» деб аталади).

Суюқ овқатлардан пити қадимдан туркий худудларда тайёрланиб келган. Ҳозир унинг турлари Болкон, Украина, Молдова, Грузияда ҳамда «чанах», «чанахи» ва ҳ.к. номи остида Ўрта Ер денгизи мамлакатларида учрайди. Ушбу таом номининг келиб чиқиши туркий «битди» сўзидан олинган бўлиб, “овқатланиш пайти тугади” деган маънони билдиради. Ушбу таом порцияси шундай тўйимлики, овқатланиб бўлгандан кейин «битди», яъни, бошқа овқатланишнинг ҳеч ҳожати қолмади деб айтилган. Питини тайёрлаш учун қўй (мол) гўшти ўртача катталиқда бўлакчаларга бўлинади, хумчага солинади, тозаланган бутун ёки тўғралган пиёз, ивигилган нўхат ва 4 стакан сув солинади. Туз ва мурч солинмайди. Шўрва тиник бўлиши шарт.

Озарбайжонлар анъанавий нони – “Лаваш” сўзининг келиб чиқиши туркий (буғдой уни) сўзи билан боғлиқ. Сўз товушлари алмашинуви натижасида ҳозирги кундаги лаваш сўзи (лакша-лагша-лавша-лаваш) номи келиб чиққан. Бу миллий нон тури бўлиб, хамиртурушдан тайёрланган.

Яъна бир суюқ таом атлама бўлиб, асосан, кечки баҳор, ёз фаслларида тайёрланади. Атлама сўзи туркийча “чайқатиш”, “аталаш” маъносида бўлиб, бунда асосан қатикқа сув қўшиб, яхшилаб чайқатилади, айрон ҳолига келтирилади. Идишга қатик солинади, қайнаган сувни совутилган ҳолда қатикқа қўшилади ва туз солиб аралаштирилади. Кўкатлар ювиб, майда тўғралгач, айрон қўшилади ва узок вақтгача олиб қўйилади.

Қуюқ таомларга: палов (шоҳона, сузма), кабоблар (тике, лўла, ич, турш) кутоб (гўшти, кўкатли), левенги (балиқли, товукли) киради. Шундай қилиб, озарбайжонларнинг Ўзбекистон заминида ўз тарихий ватанидаги каби ўз урф-одатлари, анъаналарини сақлашга ва ривожлантиришга барча имкониятлар яратиб берилди.

Хулосақилибайтгандатили, маданияти, урф-одат ва анъаналари бир-бирига яқин бўлган ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Озарбайжон халқи урф-одатлари, анъаналари, маданияти башарият маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, бугунги кунда ўзбек халқининг маданий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кобычев В.П. Крестьянское жилище народов Азербайджана в XIX в. // Кавказский этнографический сборник. – Москва: Ленинград, 1962. – 68 с.
2. Муаллиф М.Бойсариевнинг 2021 йил 26-28 июль кунлари Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Совой” қишлоғи “Нафосат”, “Ободон” МФЙда яшовчи озарбайжон миллатига мансуб аҳолидан олинган дала тадқиқот маълумотларидан 7-8 бетлар.
3. Озарбайжоннинг маданий мероси. – Тошкент: Камалак-пресс, 2016. – 192 бет.
4. Савуров М. Современные этнические процессы у национальных групп Узбекистана. – Ташкент: Национальный библиотека Узбекистана имени А.Навои, 2016. – 188 с.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Архив 36-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 12-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 6 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 467 б.
7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий таркиби тўғрисида”ги 01/3-12-17/2-237-сонли хати 2-бет.



ТЕХНИКА

УДК 004.421

ТИМСОЛЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ОММАБОП АЛГОРИТМЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мирзаакбар Хаккулмирзаевич ХУДАЙБЕРДИЕВ

Техника фанлари доктори
профессор

Тошкент ахборот технологиялари университети

Тошкент, Ўзбекистон

mirzaakbarxudoyberdiev@gmail.com

Ойбек Зокирович ҚОРАБОШЕВ

таянч докторант

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни

ривожлантириш илмий-тадқиқот институти

Тошкент, Ўзбекистон

koraboshevoybek@gmail.com

Нурмухаммад Мукумжон ўғли АЛИМҚУЛОВ

таянч докторант

Андижон давлат университети

Тошкент, Ўзбекистон

developeradu@gmail.com

Аннотация

Мақолада тимсолларни аниқлаш масалалари ва усуллари, таниб олиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш тизими учун амалга ошириладиган вазифалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: сунъий интеллект, тимсол, декомпозиция, классификациялаш, кластер таҳлили, таксонлар, таксономия, корреляция.

АНАЛИЗ ПОПУЛЯРНЫХ АЛГОРИТМОВ И МЕТОДОВ РАСПОЗНАВАНИЯ ОБРАЗОВ

Мирзаакбар Хаккулмирзаевич ХУДАЙБЕРДИЕВ

Доктор технических наук
профессор

Ташкентский университет информационных технологий

Ташкент, Узбекистон

mirzaakbarxudoyberdiev@gmail.com

Ойбек Зокирович ҚОРАБОШЕВ

базовый докторант

Научно-исследовательский институт развития цифровых

технологий и искусственного интеллекта

Аннотация

В статье анализируются проблемы и методы распознавания образа. Также в статье анализируются задачи, выполняемые для системы оценки эффективности системы распознавания.

Ключевые слова: искусственный интеллект, образ, декомпозиция, классификация, кластерный анализ, таксоны, таксономия, корреляция.

Жаҳонда сунъий интеллект масалаларини тимсолларни аниқлаш усул ва алгоритмлари ёрдамида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ахборот технологияларининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тимсолларни аниқлаш усуллари ва алгоритмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурияти сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда Республикамизда ҳам замонавий ахборот технологияларини иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига кенг қамровли тадбиқ қилишга, жумладан, ахборотларга рақамли ишлов бериш, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва сунъий интеллект алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ахборотни қайта ишлаш тизими учун тимсол объект ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотлар, жумладан параметрлар ва муносабатлар тўпламидир. Параметрлар – ўлчов тизимлари ёки математик моделлар ёрдамида олинган миқдорий характеристикалар. Агар биз динамик объект ёки жараён билан шуғулланадиган бўлсак, ҳаволалар тимсолнинг ички тузилишини ҳам, унинг хатти-ҳаракатларининг хусусиятларини ҳам тасвирлаши мумкин.

Ҳар қандай таниб олиш алгоритми R мавҳум функционал тизим сифатида ифодаланиши мумкин, уучта компонентдан иборат:

$$R = \{A, S, P\} \quad (1)$$

бу ерда, $A = \{A_k\}$, $k = 1, \dots, K$ - синфлар алифбоси, яъни тимсолларни тарқатиш керак бўлган тоифалар тўплами,

$S = \{S_j\}$, $j = 1, \dots, n$ - белгили луғат, тимсол тавсифини ташкил этувчи белгилар тўплами,

$P = \{p_l\}$, $l = 1, \dots, L$ - қарор қабул қилиш қоидалари тўплами.

Ушбу тизимнинг ишлаши қуйидагича бўлади: тимсол кириш сифатида берилади, - S тўплами элементларининг баъзи конфигурацияси, унга P дан маълум қоидалар кетма-кетлиги қўлланилади, конфигурация натижасида A тўпламининг элементларидан бирига мос келадиган индекс тайинланади. Тизимнинг ишлаш сифати тайинланган тимсол индексининг кутилган натижага қанчалик тез-тез мос келиши билан белгиланади.

A, S компонентлар тизимнинг ахборот қисми, P эса услубий қисмидир. Тимсолларни тавсифлашнинг турли

усуллари учун синф тушунчасининг маъноси ҳар хил бўлиши аниқ. Ўз навбатида, тимсолни тавсифлаш усули таниб олиш объектларининг жисмоний табиатига ва уларга мос келадиган тушунчаларни расмийлаштириш имкониятларига боғлиқ. Қарор қабул қилиш усуллари, албатта, таниб олиш объектларини ифодалаш усули билан ўзаро боғлиқдир. $\Omega_k = \{\varpi_m, m = 1, \dots, M_k\}$ Шунинг учун ҳар қандай таниб олиш тизими тимсол синтези жараёнини, яъни таниб олиш объектлари ва уларнинг синфлари тавсифларини шакллантириш ва тимсол таҳлилини, яъни қарор қабул қилиш жараёнини ўз ичига олади. R тизимининг ахборот компонентлари хусусиятларига кўра, тимсолларни аниқлаш муаммосига учта ёндашув мавжуд: 1) эталон билан таққослаш принципи; 2) кластерлаш принципи; 3) хоссаларнинг умумийлик принципи. Эталон билан таққослаш принципи ҳар бир A_k синфини чекланган эталон тимсоллар тўплами билан боғлаш мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади. Шунинг учун эталон билан таққослаш принципи бошқача тарзда санаб ўтиш принципи деб аталади. Бунда таниб олиш жараёни таниб олувчи ёки алгоритм киритишида олинган тимсолларни A_k синфларининг Ω_k стандартлари билан ўхшашликнинг танланган ўлчови асосида оддий таққослашдан иборат.

Эталон билан таққослаш принципи ҳисоблаш қурилмаларининг имкониятлари жуда чекланган техник таниб олиш тизимларини қуришда пайдо бўлган биринчи ёндашувлардан биридир. Шунга қарамай, у ҳали ҳам, хусусан, аналог ва аналогдан рақамли таниб олиш тизимларида қўлланилади. Ушбу ёндашувнинг кенг тарқалган намунаси чоп этилган шрифтни аниқлашдир. Тематик тасвирни қайта ишлашда у текстураларни таниб олиш ва маълум бир шаклдаги объектларни

таъкидлаш учун ишлатилиши мумкин. Агар белгилар аниқ муносабатларга эга бўлмаган ўлчовлар (параметрлар) тўплами бўлса, у ҳолда тимсол X белги майдонида n ўлчовли вектор сифатида кўрсатилиши мумкин:

$$\bar{X} = \begin{pmatrix} X_1 \\ \vdots \\ X_n \end{pmatrix}$$

Ҳар бир A_k синфи X фазодаги маълум векторлар тўплами билан боғланган. Натижада, белги фазоси кластерлар ёки таксонлар деб аталадиган A_k синфларига мос келадиган ҳудудларга бўлинади. X фазонинг исталган сони бир синфга тўғри келиши мумкин. Бу минтақалар бир-бирига мос келиши мумкин, аммо қарор қабул қилиш методологияси охир-оқибат фазодаги нуктани маълум бир синфга бир маънода белгилашни таъминлаши керак.

Кластерлаш (таксономия) принципи микдорий маълумотларни қайта ишлашнинг турли хил қўлланиладиган соҳаларида, шу жумладан мультиспектрал ва спектр зонал аэрокосмик тасвирларни компьютер таҳлили тизимларида (спектрал белгилар бўйича классификациялаш) кенг қўлланилади.


Хусусиятларнинг умумийлиги принципи асосан тимсол элементлари орасидаги боғланишлардан фойдаланади. Қоида тариқасида, у ҳар бир синфнинг тимсоллар тўплами чекланган микдордаги стандартларнинг ишончли тавсифини олиш учун жуда катта бўлган ҳолларда қўлланилади, аммо чекланган намуналардан синфларнинг етарли микдордаги фарқловчи хусусиятларини аниқлаш мумкин. Очилган хусусиятлар мос модел асосида кодланади ва хотирада баъзи тузилмалар, функциялар ёки муносабатлар кўринишида сақланади.

Таниб олиш жараёнида тимсолнинг зарурий хусусиятларини аниқлаш имконини берадиган схема бўйича тимсол таҳлил қилинади; кейин улар A_k синфлари хоссалари билан таққосланади. Умумлаштирувчи хусусият тимсолни яратиш алгоритмининг ўзи бўлиши мумкин; бу ҳолда тимсоллар синфлари маълум турдаги тузилмаларни яратиш алгоритмлари билан берилади. Таниб олишнинг санаб ўтилган ёндашувлари асосан тимсолларни синтез қилиш жараёнига, яъни маълумотни тақдим этиш усулига - P тизимининг A ва S компонентларига тегишли бўлади.

Тимсолларни таҳлил қилиш усуллари, яъни қарор қабул қилиш қоидалари кўп ҳолларда тимсолларни синтез қилиш усули билан ўзаро боғлиқдир, гарчи кўпинча у ёки бу қарор қабул қилиш аппарати, масалан, статистик, турли хил синтез усуллари билан қўлланилиши мумкин.

Тимсолларни аниқлаш бўйича қарор қабул қилиш методологиясида ҳам учта асосий йўналиш мавжуд: 1) эвристик усуллар; 2) математик усуллар; 3) лингвистик (синтактик) усуллар. Эвристик усуллар таниб олиш тизимини ишлаб чиқувчининг тажрибаси ва сезгисига асосланади. Қоида тариқасида, бу усуллар маълум турдаги таниб олиш муаммоларини ечишга қаратилган ва тимсолларни синтез қилиш усули билан бевосита боғланган. Кўпинча эталон билан таққослаш принципи ва хусусиятларнинг умумийлиги принциpidан фойдаланилганда қўлланилади. Математик усуллар классик математик аппаратлардан фойдаланишга асосланган: чизиқли дастурлаш усуллари, корреляция таҳлили, статистик қарорлар назарияси ва бошқалар. Улар белгилар ўлчовлар (параметрлар) билан ифодаланган ҳолларда қўлланилади ва уларнинг муносабатлари аналитик боғлиқликлар шаклида тасвирланиши мумкин. У ёки

бу даражада математик усуллар таниб олишнинг учта ёндашувида қўлланилади. Математик усуллар одатда детерминистик ва статистик усулларга бўлинади. Статистик усуллар кўпинча масофавий зондлаш маълумотларини таҳлил қилиш муаммоларида қўлланилади. Бу кузатиш шароитлари ва ўрганиш объектларининг ўзларининг юқори даражадаги ўзгарувчанлиги, шунингдек, масофадан зондлашнинг турли босқичларида маълумотларнинг йўқолиши билан боғлиқ. Лингвистик (синтактик, тузилмавий) усуллар тимсолнинг ҳосила бўлмаган (бирламчи) деб аталадиган элементлар ва улар орасидаги муносабатни тавсифловчи белгилардан иборат маълум бир тузилиш бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу усуллар мантиқ алгебраси аппарати ва расмий тиллар назариясидан кенг фойдаланади. Ўз-ўзини ўқитиш тизимларида ўрганиш жараёни таниб олиш жараёнининг ўзида махсус алгоритм орқали амалга оширилади. Таниб олиш сифатини баҳолаш учун таниб олиш хатолари билан боғлиқ баъзи функционал функциялар қўлланилади, бу эса ўқитиш жараёнида максимал ёки минималлаштирилади. Бундай функциянинг кенг тарқалган турларидан бири квадрат хатолар йиғиндисидир.



1- расм. Таниб олиш тизимини қуришнинг умумий схемаси.

Мураккаб тизимларни декомпозициялашда таниб олишнинг аниқлигига, яъни рухсат этилган хато эҳтимолига қўйиладиган талаблар катта аҳамиятга эга. Агар битта таниб олиш алгоритми турли хил жисмоний табиатнинг белгиларидан фойдаланса ёки тубдан бошқа моделлардан олинган бўлса, хатонинг катталиги олдиндан айтиб бўлмайдиган бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун тизимнинг декомпозицияланиши муаммони ҳал қилишнинг алоҳида босқичларида таниб олишнинг тўғрилигини ишончли баҳолаш ва керак бўлганда, бутун ечим схемасини тўғрилаш мумкин бўлган тарзда амалга оширилиши керак.

Мураккаб тизимнинг декомпозицияси-

дан сўнг, ҳар бир даражани ўз синфлар рўйхати, белгилар луғати ва классификациялаш қоидаларига эга бўлган алоҳида таниб олиш қуйи тизими R сифатида кўриб чиқиш мумкин. Таниб олиш тизимини қуришнинг умумий схемаси 1 - расмда кўрсатилган.

Таниб олиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш бутун тизим учун амалга оширилади, чунки у вазифани ажратиш усулига сезиларли даражада боғлиқ бўлиши мумкин. Уни қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мумкин.

1. Якуний таниб олишнинг аниқлиги.
2. Таниб олишнинг умумий вақти.
3. Тизимни ишлаб чиқиш ва ишлатиш харажатлари.

Бундан ташқари, кластер таҳлили (ингл. cluster analysis) масаласи ҳам тимсолларни аниқлаш соҳасида асосий вазибалардан ҳисобланади. Кластер таҳлили – бу кўп ўлчовли статистик процедура бўлиб, у объектлар намунаси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларни тўплайди ва кейин объектларни нисбатан бир ҳил гуруҳларга жойлаштиради. Кластерлаш масаласи статистик қайта ишлашга, шунингдек, ўқитувчисиз ўқитиш масалаларининг кенг синфига тегишли бўлади.

Кластер одатда шартни қаноатлантирадиган $\{x_i\}$ тимсоллар гуруҳидир:

$$\|x_i - x_k\| < d \quad (2)$$

бу ерда, $\|x_i - x_k\|$ - тимсоллар орасидаги ўхшашлик ўлчови, d - ушбу ўлчов учун берилган чегара чеклови.

Кластерлар баъзан таксонлар деб аталади ва кластер таҳлили эса таксономия деб аталади. Ўхшашликнинг энг кенг тарқалган ўлчови Х ўлчовлар (белгилар) майдонидаги тимсол нуқталари орасидаги масофади. Бундай ҳолларда асосан Евклид метрикаси қўлланилади.

$$\|a - b\| = \sqrt{\sum_{i=1}^n (a_i^2 - b_i^2)} \quad (3)$$

Баъзи ҳолларда масофа ўлчовидан бошқа ўхшашлик ўлчовларидан фойдаланиш мумкин, масалан, $\cos \alpha$, бу ерда α a ва b векторлари орасидаги бурчак (корреляция ўлчови). Ушбу ёндашув юқори аниқликдаги тасвирларни қайта ишлашда кўпинча эътиборга олиниши керак бўлган ёруғлик шароитларининг маҳаллий ўзгармаслигини таъминлайдиган спектрал бурчакли классификацияга асосланади. Бундай ҳолда, ўхшашлик ўлчови объектнинг бутун ёрқинлигини тавсифловчи x векторининг модулига

боғлиқ эмас, балки фақат каналлар бўйлаб ёрқинлик қийматларининг нисбатларига боғлиқ. Таниб олиш муаммосидаги ўхшашликнинг корреляция ўлчови бўйича кластерлаш бошқа мустақил маънога ҳам эга. Бундай кластерлаш маълумотларни сиқиш учун, хусусан, хусусият майдони ҳажмини камайтириш учун ишлатилади. Ушбу тоифадаги муаммолар омил таҳлили деб аталади. Бу тегишли бўлимда алоҳида муҳокама қилинади. Кластер концепциясидан фойдаланиш ўрганилаётган объектлар ёки ҳодисаларнинг тимсоллари кластерларнинг марказлари деб аталадиган маълум характерли қадриятлар атрофида гуруҳланишга табиий тенденцияга эга эканлигини кўрсатади. Ушбу тенденция қанчалик кучли бўлса, муаммони ҳал қилишда кластерли таҳлил усулларида шунчалик муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Кластер таҳлилининг энг кенг тарқалган усуллари шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Тўплам нуқталари орасидаги масофага берилган чегара чеклови учун кластерларни аниқлаш усуллари.
2. Берилган сонли гуруҳлар учун кластерларни шакллантириш усуллари.

Биринчи ёндашувда кластерлар сони одатда априори номаълум. Муаммони бу тарзда шакллантириш учун дастлабки маълумотлар (2) d дан чегара масофа чегараси ва тўплам элементларини бирлаштириш қоидаларидир. Натижада, кластерларнинг сони ва шакли танланган таҳлил усулига, чегара қийматига ва бошланғич шартларга жуда боғлиқ.

Кластерни шакллантириш усулларига кўра, бу ёндашувда бир боғлаш

усуллари (ҳозиргига энг яқин элементларни таҳлил қилиш), тўлиқ боғлаш усуллари (энг узоқ элементларни таҳлил қилиш) ва ўртача боғлаш усуллари фарқланади. Иккинчи ёндашувда кластер марказларининг дастлабки сони кўрсатилади, улар таҳлил давомида кластерларга қўйилган талаблар энг яхши тарзда қондириладиган тарзда кўчирилади. Қоида тариқасида, бу ерда кластерни шакллантириш жараёнида максимал даражага кўтариладиган (ёки минималлаштирилган) кластерлаш сифати мезони мавжуд.

Дастлабки тимсол сифатида биз баъзи «экстремал» нуқтани танлаймиз, масалан, X фазода минимал координаталар билан.

Келинг, уни K_1 кластерининг m_1 маркази деб атаймиз. Иккинчи марказ K_2 сифатида биз бутун тасвирлар тўпламидан ундан узоқроқ нуқтани танлаймиз. Биз d чегара қийматини қуйидагича аниқлаймиз.

$$d = \frac{m_1 - m_2}{2} \quad (4)$$

1-қадам. m_1 ва m_2 $\|x - m_1\|$, $\|x - m_2\|$ марказларигача бўлган тимсол тўпланимизнинг барча x учун масофаларни ҳисобланг. Ҳар бир жуфтликдан минимал масофани танланг.

2-қадам. Кўплаб тимсоллар бўйлаб максимал қийматни аниқланг

$$M = \max \{ \min(\|x - m_1\|, \|x - m_2\|) \} \quad (5)$$

x_i тасвири шу қийматга мос келсин. $M > d$ бўлса, K_3 кластерининг марказини x_i белгилаймиз. Янги чегара ўлчови d сифатида биз олдинги босқичда ҳисобланган барча минимал масофалар бўйича $d = M/2$ қийматини ёки ўртача қийматнинг ярмини олишимиз мумкин.

3-қадам. Барча x учун биз аллақачон

тузилган кластерларнинг марказларигача бўлган минимал K масофани ҳисоблаймиз: $\min \|x - m_k\|, k = 1, \dots, K$.


4-қадам. X тимсолининг кластер марказигача бўлган ўртача минимал масофасини ҳисобланг $\rho_{cp}(x, m_k) = \|x - m_k\| / N$, бу ерда N - жуфтларнинг умумий сони (x, m_k). Янги чегара белгиланг $d = \rho_{cp}(x, m_k)$.

5-қадам. Биз тасвирларнинг бутун тўпламидан (6.3) дан M қийматига мос келадиган (x_i) хини қидирамиз. Агар $M \leq d$ бўлса, жараён тугайди. Акс ҳолда, биз (x_i) ни кейинги кластер маркази сифатида белгилаймиз ва 3-босқичга ўтаемиз.

Агар d қиймати биз ишлаётган белгиларни ўлчашнинг ўртача квадратик хатосидан камроқ бўлса, жараённи тўхтатиш мантиқан тўғри келади. Ушбу алгоритм ихчам тасвирлар гуруҳларини олиш имконини беришига қарамай, у ҳам барча кластерларни аниқлаш алгоритмлари каби эвристикдир. Кейинчалик объектив натижага эришиш учун кластерлаш сифатининг математик асосланган кўрсаткичларидан фойдаланиш керак. Ушбу сифат мезонлари кластерлаш амалга ошириладиган аниқ вазифанинг мақсадларига мослаштирилиши мумкин.

Тимсолларни аниқлашда асосан таснифлаш алгоритмларидан кенг фойдаланилади. Таснифлаш алгоритми – бу ўқув маълумотлари асосида янги кузатишлар тоифасини аниқлаш учун фойдаланиладиган назорат остида ўқитиш усули. Таснифлашда дастур берилган маълумотлар тўплами ёки кузатишлардан ўрганади ва кейин янги кузатишни бир қатор синфлар ёки гуруҳларга таснифлайди. Масалан, Ҳа ёки Йўқ, 0 ёки 1, Спам ёки Спам эмас, мушук ёки ит ва ҳоказо. Таснифлаш алгоритмларини қуйидаги диаграмма ёрдамида яхшироқ

тушуниш мумкин. Қуйидаги диаграммада иккита синф, А синф ва Б синфлар мавжуд. Бу синфлар бир-бирига ўхшаш ва бошқа синфларга ўхшамайдиган хусусиятларга эга.



Ҳозирги кунда таснифлашнинг энг аниқлаймиз.

оммабоп қуйидаги алгоритмларидан фойдаланилади:

- Naive Bayes;
- K-Nearest Neighbors;
- Support Vector Machines;
- Least Squares Linear Regression;
- Least Squares Multiple Linear Regression.

Ушбу оммабоп таснифлаш алгоритмларидан фойдаланган ҳолда, ҳар бир таснифлаш алгоритмига турли хил ўқув танланмалар киритиш орқали 1-жадвалда келтирилган предикат қийматларини аниқлаймиз.

1-жадвал

Оммабоп таснифлаш алгоритмларининг предикат қийматлари натижалари

№	Таснифлаш алгоритмининг номи	Ўқув танланма	Янги объект (предикат)	Натижа
	Naive Bayes	$a = [[5, 1, 1], b = [1, 5, 1], c = [1, 1, 5]];$	$[3, 1, 1]$	a
	K-Nearest Neighbors	$a = [[1, 3], [1, 4], [2, 4]]$ $b = [[3, 1], [4, 1], [4, 2]]$	$[3, 2]$	b
	Support Vector Machines	$60=3.1, 61=3.6, 62=3.8, 63=4, 65=4.1$	64	4.03334
	Least Squares Linear Regression	$60=3.1, 61=3.6, 62=3.8, 63=4, 65=4.1$	64	4.05811
	Least Squares Multiple Linear Regression	$[73676, 1996]=2000, [77006, 1998]=2750,$ $[10565, 2000]=15500, [146088, 1995]=960,$ $[15000, 2001]=4400, [65940, 2000]=8800,$ $[9300, 2000]=7100, [93739, 1996]=2550,$ $[153260, 1994]=1025, [17764, 2002]=5900,$ $[57000, 1998]=4600, [15000, 2000]=4400$	$[60000, 1996]$	4094.82993

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кўпчилик мутахассислар, таниб олиш тизимларини ишлаб чиқувчилари ҳам, фойдаланувчилари ҳам тимсолни аниқлаш ҳам фан, ҳам санъат эканлигига ишонч ҳосил қилишади. Бу, одатда, сунъий интеллект тизимларини моделлаштириш, ривожлантириш ва ишлатиш билан боғлиқ ҳар қандай соҳага тегишли бўлиши мумкин. Ҳар қандай, ҳатто яхши ўрнатилган классификациялаш

алгоритми, муаммонинг моҳиятини ва маълумотларнинг физик табиатини, улар қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, мазмунли созлашни талаб қилади: фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, масофадан зондлаш, географик таҳлил, тиббий диагностика ёки социологик тадқиқотлар шулар жумласидандир. Шунинг унутмаслик керакки, ҳар қандай ахборот тизимининг “ақллилиги” биринчи навбатда, уни ишлаб чиқувчилар ва

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреев Г.Г. Кравцова В.И., Михайлов В.И., Чабан Л.Н. Определение возможностей космического мониторинга необследованных территорий на основе сканерной информации высокого и среднего разрешения // Исследования Земли из космоса, 1996. — № 3. — С.24-31.
2. Журавлёв Ю.И., Рязанов В.В., Сенько О.В. «Распознавание». Математические методы. Программная система. Практические применения. — Москва: Фазис, 2006. — 103 с.
3. Худайбердиев М.Х. Ўсимликларнинг бир туркумини таснифлашда ўқув ва назорат танланмаларни шакллантириш муаммолари // Информатика ва энергетика муаммолари, 2016. — №.5. — Б. 37-42.
4. Худайбердиев М.Х., Мингликулов З.Б. Масофавий таълим жараёнида норавшан идентификация масаласи // Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари: республика илмий-техник анжумани, Жиззах, 2014 йил 16-17 май. — Б. 67-70.
5. Худайбердиев М.Х., Юлдашев Ш.И. Ўйрик хажмдаги ахборотларга ишлов беришда тимсолларни аниқлаш алгоритмлари // Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари: рес. илмий-назарий анжумани, Нукус, 2019. — Б. 103-106.
6. Худайбердиев М.Х. Таксономия масаласини ечишда локал компактликни баҳолаш алгоритми // Информатика ва энергетика муаммолари, 2020. — № 5. — Б. 32-38.
7. Tuan Tsai and William D. Philpot. A Derivative-Aided Hyperspectral Image Analysis System for Land-Cover Classification. - IEEE Transaction of Geoscience & Remote Sensing, 2002, V. 40, № 2.
8. Bea Thai, Glenn Healey. Invariant Subpixel Material Detection in Hiperpectral Imagery. - IEEE Transaction of Geoscience & Remote Sensing, 2002, V. 40, № 3.



ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШДАН ОЛИНГАН СИГНАЛЛАРГА БИКУБИК СПЛАЙН ФУНКЦИЯСИ АСОСИДА РАҚАМЛИ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ПАРАЛЛЕЛ АЛГОРИТМИ

Ҳакимжон Насриддинович ЗАЙНИДИНОВ

техника фанлари доктори, профессор
Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент, Ўзбекистон
tet2001@rambler.ru

Ойбек Усмонкулович МАЛЛАЕВ

доцент
техника фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент, Ўзбекистон
info-oybek@rambler.ru

Муслимжон Адхамжон ўғли ҚЎЧҚАРОВ

Таянч докторант
Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент, Ўзбекистон
muslimjon1010@gmail.com

Аннотация

Мақолада ер ости қазилма бойликларининг жойлашган ўрнини башоратлашда масофадан зондлашдан олинган сигналларга рақамли ишлов бериш учун бикубик сплайн функциясидан фойдаланиш ва параллел алгоритм ишлаб чиқиш орқали саккиз ядроли иккита процессор (компьютер)лардаги параллел алгоритм натижалари келтирилган

Таянч сўзлар: масофадан зондлаш, сигналлар, сплайн функция, параллел алгоритм, процессор, ядро.

ПАРАЛЛЕЛЬНЫЙ АЛГОРИТМ ЦИФРОВОЙ ОБРАБОТКИ СИГНАЛОВ ДИСТАНЦИОННОГО ЗОНДИРОВАНИЯ ЗЕМЛИ НА ОСНОВЕ БИКУБИЧЕСКОЙ СПЛАЙН-ФУНКЦИИ

Ҳакимжон Насриддинович ЗАЙНИДИНОВ

профессор
Доктор технических наук
Университет информационных технологий
Ташкент, Узбекистан
tet2001@rambler.ru

Ойбек Усмонкулович МАЛЛАЕВ

доцент
Доктор философии по (PhD) техническим наукам
Университет информационных технологий

Аннотация

В статье использована бикубическая сплайн-функция при цифровой обработке сигналов ДЗЗ для прогнозирования местонахождения подземных полезных ископаемых и разработан параллельный алгоритм, в результате которого представлены результаты работы параллельного алгоритма на двух восьмиядерных процессорах (компьютеры).

Ключевые слова: дистанционное зондирование, сигналы, сплайн-функция, параллельный алгоритм, процессор, ядро.

Масофадан зондлашдан олинган сигналлар кадастр карталарини янгилашда, ер отси қазилма бойликлари жойлашган ўринни хариталашда ва бу орқали башоратлашда асосий метод бўлиб хизмат қилади. Суратлар ер кадастр ишларини юртишни тизимли ташкил қилиш, бу тизимни хосил қилиш ва ўрганишда ҳамда уларни картага туширишда зарурий манба бўлиб хизмат қилади. Турли мавзули карталарни тузишда космик суратлар жуда кўп маълумотларга эга. Маълум бир ҳудуднинг мавзули картасини тузиш зарур бўлганда, қисқа вақт ичида масофадан зондлашдан олинган сигналлардан етарлича маълумот олиш мумкин. Бу эса карта тузишни тезлаштириш билан бирга аниқликни ҳам оширади. Маълум давр давомида карталарнинг эскирганлигини кўриш мумкин [4].

Бундай сигналларга бикубик сплайн функцияси асосида рақамли ишлов бериш ҳудуднинг картасини тез ва сифатли тузиш имконини беради. Олиб борилган тажрибаларда масофадан зондлашдан олинган сигналлардан фойдаланиш масалалари умум қабул қилинган стандарт услублар асосида олиб борилди. Ер кадастр карталарини янгилаб бориш, мавжудларини шакллантириш, координаталар тизимини

таҳлил қилиб бориш, ўзаро таққослаш ва ҳисоб-китоб услубларини параллел алгоритмлар асосида амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади [5].

Масофадан зондлашдан олинган сигналларга бикубик сплайн асосида рақамли ишлов беришнинг параллел алгоритми асосида кадастр карта ва режаларини янгилаш, ер ости бойликларини маълум бир фазовий инфратузилма негизида амалга оширилади. Сигналларнинг фазовий инфратузилмаси фазовий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш учун географик жиҳатдан тақсимланган тизимдир. Ушбу фазовий тузилма давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун керакли ахборот ҳисобланади ҳамда кадастр маълумотларини янгилаб боришда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) масофадан зондлаш сигналларини қайта ишлаш (график дастурлар);

2) танланган жойда объектларни табиий ёки онтропогенлигини, иншоотларнинг ўзаро паст-баландлигини ҳамда рельеф шаклларини аниқлаш;

3) дарёлар, ўсимликлар, йўллар ва шу каби объектларнинг эгаллаган майдони каби маълумотларни аниқлаш;

4) масофадан зондлаш сигналларини қайта ишлаш асосида ортофотоплан тузиш ва 3D модел яратиш;

5) яқунланган ва қисман дешифровка қилишни стереоэффектлар асосида ташкил қилиш;

6) тўпланган материаллар асосида рақамли хариталар тузиш.

Давлат бошқарув органларини ҳамда кадастр мақсадлари учун масофадан зондлаш сигналларини дешифровка қилишда дастлаб фазовий объектларнинг жойлашган ўрни аниқланади. Бунинг учун қуйидаги фазовий маълумотларнинг компонентлиги ҳамда тавсифлари базасини тўлиқ яратиш лозим [6]:

фазовий объектлар идентификаторини аниқлаш;

фазовий маълумотларни мувофиқлаштириш;

объектларнинг номлари, агар мавжуд бўлса, манзил маълумотларини изоҳлаш;

фазовий объектларнинг бошқа объектлар билан ўзаро топологик алоқаларини аниқлаш.

Кадастр харита ва режалар янгиланганидан кейин картографик фонд ташкилотларига тақдим этилиши лозим. Бу маълумотлар қуйидаги реестрларда қайд қилинади: асосий фазовий объектлар реестрида, баландликлар реестрида, маъмурий чегаралар реестрида ва аҳоли пунктлари реестрида кўрсатилиши лозим [7]. Рақамли кадастр харита ва режаларини тузиш ва янгилашда фазовий маълумотлар соҳага тегишли махсус бўлимлар маълумотлар базасида сақланади. Ушбу амални бажаришда объектларни идентификация қилишни таъминлаб, автоматик режимда синхрон тарзда маълумотлар тўлдириб борилиши ҳамда янгиланиши зарур.

Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар, ерни масофадан зондлашдан олинган сигналларга бикубик сплайн асосида рақамли ишлов беришнинг параллел

алгоритми асосида кадастр харита режаларини тузиш ва ер ости қазилма бойликларини башоратлаш юзасидан махсус дастурий воситалар ишлаб чиқиш заруратини кўрсатди [1].

Изланишлар давомида ишлаб чиқилган ушбу параллел алгоритм қазилма бойликларини башоратлашда масофадан зондлаш сигналлари асосида янгилаш имкониятини яратди ҳамда 1: 5000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000 масштабдаги кадастр хариталари тузиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари бу параллел алгоритм негизида ҳудуддан турли хил маълумотларни олиш ҳамда дала тадқиқотларида фойдаланиш мумкин. Масофадан зондлаш сигналларига бикубик сплайн функцияси асосида рақамли ишлов беришнинг параллел алгоритми ёрдамида кадастр харита ва режалар тузиш билан бир қаторда жойнинг 3 ўлчамли моделларини тузишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [2].

Бикубик сплайн коэффициентларини параллел ҳисоблаш жараёни уч босқичдан иборат:

1. Ҳар бир процессорда манба маълумотларини тўр декомпозициясига мувофиқ тақсимлаш.

2. Декомпозициялаш ҳудудида сплайнни $O(h^2)$ хатолик билан, локал функция бўйича ҳисоблаш.

$$M_k = (F_{k-1} - 2F_k + F_{k+1}) / F^2, \quad (1)$$

$$M_{k-q} = (F_{k+q-1} - 2F_{k+q} + F_{k+q+1}) / h^2,$$

$$k = q, 2q, 3q, \dots, (p-1)q.$$

3. Ҳисоблаш жараёнларини аниқлаш учун ҳар бир процессорда уч диагоналли тизимни прогонка усули бўйича ечиш. Бундай ҳолда, ҳар бир процессорда $O(q)$ операциялар тартибини бажариш керак. Прогонка усулига параллеллаштириш усулларида бирини қўллаш орқали параллеллаштириш даражасини янада ошириш

мумкин.

Тўр оралиғини аниқлаш параллел равишда, тўр худуди эса тармоқли декомпозициядан фойдаланиб параллел

амалга оширилиши мумкин. Агар сплайн асосий функциялар орқали тикланса, у ҳолда тизимга декомпозиция интерваллари чегарасида тенгламалар қўшилиши керак [3].

$$\begin{cases} b_{k-1}B''_{k-1}(x_k) + b_k B''_k(x_k) + b_{k+1}B''_{k+1}(x_k) = (f_{k-1} - 2f_k + f_{k+1})/h^2; \\ b_{k+q-1}B''_{k+q-1}(x_{k+q}) + b_{k+q}B''_{k+q}(x_{k+q}) + b_{k+q+1}B''_{k+q+1}(x_{k+q}) = (f_{k+q-1} - 2f_{k+q} + f_{k+q+1})/h^2; \\ k = q, 2q, 3q, \dots, (p-1)q. \end{cases}$$

Ушбу тизимни учта диагоналли шаклга келтиргандан сўнг, прогонка усули билан топилади. В-сплайн хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда,

$S(z)$ $z \in (x_i, x_{i+1})$ $i = \overline{0, n-1}$, n и ҳисоблаш учун, қуйидаги формула қулай ҳисобланади.

$$S(z) = b_{i-1}B_{i-1}(z) + b_i B_i(z) + b_{i+1}B_{i+1}(z) + b_{i+2}B_{i+2}(z)$$

Ушбу формулага мувофиқ P та процессор тизимларида сплайнни ҳисоблаш тармоқли декомпозицияга мос равишда ажратиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бикубик сплайн коэффицентларини ҳисоблашни параллел алгоритмининг блок-схемаси 1-расмда келтирилган. Параллел алгоритмни амалга ошириш босқичи қуйидагилардан иборат:

1) алгоритмни амалга оширишда параллел ҳисоблаш мумкин бўлган цикл

жараёнларини аниқлаш;


2) алгоритмнинг кетма-кет босқичида динамик массивларни яратиш ва уларни ҳисоблаш;

3) бикубик сплайн коэффицентларини $(b_{i,j})$, базисларни $B_{i,j}(x)$ ҳисоблаш процедурасини ташкил қилиш;

4) процессор (локал тармоқга уланган компьютер)ларда параллел ҳисобланган массивларни жамлаш процедурасини яратиш ва амалга ошириш;

5) кетма-кет ва параллел ҳисоблаш процедуралари ёрдамида натижалар массивини яратиш ва экранга чиқариш.

1- расм. Ерни масофадан зондлашдан олинган сигналларга бикубик сплайн асосида рақамли ишлов беришнинг параллел алгоритмининг блок-схемаси.



1- жадвал

Саккиз ядроли иккита процессор (компьютер)ларда параллел алгоритм натижалари.

Кириш сигнали намуналари сони - N	T1 (сек.)	Tr (сек.)	$S_p = \frac{T_1}{T_p}$	$E_p = \frac{S_p}{p}$
$8192 = 2^{10}$	$0,2 \times 10^{-3}$	$0,1 \times 10^{-3}$	2	0,25
$32768 = 2^{15}$	$0,4 \times 10^{-3}$	$0,082 \times 10^{-3}$	4,9	0,61
$1048576 = 2^{20}$	$18,4 \times 10^{-3}$	$2,5 \times 10^{-3}$	7,4	0,92
$33554432 = 2^{25}$	$16,48 \times 10^{-3}$	$2,2 \times 10^{-3}$	7,7	0,96

Таклиф қилинган параллел амалга ошириш учун 0.2×10^{-3} секунд, алгоритмнинг 1-жадвалда келтирилган иккита процессорда параллел ҳисоблаш натижаларига асосан кирувчи сигнал учун 0.1×10^{-3} секунд сарфланди ҳамда қийматлар сони 210 да ҳисоблаш тезлаштириш коэффициенти 2 ни ташкил жараёнларини битта процессорда қилди. Демак, кириш намуналарининг сони

кўпайиши билан параллел алгоритмнинг тезлаштириш коэффициенти ва самарадорлиги хам ошди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Сергиенко А.Б. Цифровая обработка сигналов. - 2-е. – Спб: Питер, 2006. – 751 с.
- 2.Свиньин С.Ф. Базисные сплайны в теории отсчётов сигналов. – Спб.: Наука, 2003. – 118 с.
- 3.Свиньин С.Ф. Дискретизация на основе локальных сплайнов при измерениях сигналов конечной длительности // Метрология, 1998. – №4. –С.28-33.
- 4.H.N. Zaynidinov, O.U. Mallayev. Definition of synchronization processes during parallel signal processing in multicore processors // International Conference on Information Science and Communications Technologies: Applications, Trends and Opportunities, ICISCT 2019 (2019). <https://ieeexplore.ieee.org/document/9012006>
- 5.H.N. Zaynidinov, O.U. Mallaev and B.B. Anvarjonov. A parallel algorithm for finding the human face in the image // IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering, 862 Volume-5, May 2020, 052004, <https://doi.org/10.1088/1757-899X/862/5/052004>
- 6.H.N. Zaynidinov, J.U. Juraev, U.U. Juraev. Digital Image Processing with Two-Dimensional Haar Wavlets// International Journal of Advanced Trends in Computer Science and Engineering (IJATCSE), (Indexed by SCOPUS), ISSN: 2278-3091, 9(3), May – June 2020, 2729 – 2734. Available Online at <https://doi.org/10.30534/ijatcse/2020/38932020>.
- 7.H.N. Zaynidinov, O.U. Mallayev, I. Yusupov. Cubic Basic Splines and Parallel Algorithms // International Journal of Advanced Trends in Computer Science and Engineering (IJATCSE), (Indexed by SCOPUS), ISSN: 2278-3091, 9(3), May – June 2020, 3957-3960 Available Online at <http://www.warse.org/IJATCSE/static/pdf/file/ijatcse219932020.pdf>



ФОТО ВА ВИДЕО ТАСВИРЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛАДИГАН КАМЕРА МОДЕЛЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ДЕЕРФАКЕ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АНИҚЛАШДА КОНВОЛЮЦИОН НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Шавкат Исматович ФАЙЗИЕВ

Техника фанлари бўйича (Phd) фалсафа доктори
доцент

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Киберхавфсизлик маркази
Тошкент, Ўзбекистон
shavkatfayz@gmail.com

Аннотация

Мақолада бугунги кунда энг оммалашаётган кибержиноят тури ҳисобланган Деер-
fake технологияларини аниқлаш масаласини камера моделини идентификациялаш
орқали ечиш тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Деерfake, камера, видео, нейрон тармоқлар, конволюцион нейрон
тармоқлари, рақамли криминалистика, машинали ўқитиш, патч, конвейер, фрагмент.

ПРИМЕНЕНИЕ СВЕРТОЧНЫХ НЕЙРОННЫХ СЕТЕЙ ПРИ ОБНАРУЖЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ДЕЕРФАКЕ ПУТЕМ ИДЕНТИФИКАЦИИ МОДЕЛЕЙ КАМЕР ФИКСАЦИИ ФОТО И ВИДЕОИЗОБРАЖЕНИЯ

Шавкат Исматович ФАЙЗИЕВ

Техника фанлари бўйича (Phd) фалсафа доктори
доцент

Центр Кибербезопасности Министерство Внутренних дел
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
shavkatfayz@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется проблема обнаружения технологии Деерfake, которая на
сегодняшний день является самым популярным видом киберпреступности, путем
идентификации модели камеры.

Ключевые слова: Деерfake, камера, видео, нейронные сети, сверточные нейронные
сети, цифровая криминалистика, машинное обучение, патч, конвейер, фрагмент.

Бугунги кунда жаҳонда қуролли тўқнашувларга қараганда ахборот урушлари жудаям хавфли кўриниш оляпти. Интернет жаҳон тармоғида турли фейк хабарлар тарқатиш орқали нафақат шахс, балки жамият ва давлат манфаатларига хавф солиб келинаётганлиги ачинарли. Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан кибермақонда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлигини таъминлаш борасида жуда кўп сай-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Аммо шунга қарамасдан, айрим ҳуқуқбузарлар сиёсий шахсларни обрўсизлантириш, давлатлар ўртасида низоларни келтириб чиқариш мақсадида машҳур сиёсатчиларнинг сохта видео ва аудиоларини яратиш орқали, улар номидан номақбул хабарлар тарқатиб турли хилдаги кибержиноятларни содир этиб келаётганлигини тез-тез учратиш мумкин. Улар нафақат машҳур сиёсатчилар балки, таниқли шахслар, оддий фуқароларнинг ҳам турли кўринишдаги (порнографик, масхараомуз) сохта видеоларини яратиб, ушбу шахсларни кибербуллинг қурбонига айланишига сабабчи бўлишмоқда. Бундан ташқари яратилган сохта видеоларни маълум бир ҳақ эвазига ўчиришларини айтиб, ҳаттоки, сўралган миқдордаги суммани беролмаган фуқароларнинг ўз жонига қасд қилишларига сабабчи бўлиб қолишаётганлиги амалиётда учрамоқда.

Бугунги кунда смартфонларнинг такомиллаштирилиши аҳоли орасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартирди. Ушбу қурилмалар тасвирлар ва видеолар каби рақамли таркибни мисли кўрилмаган даражада яратишга имкон бермоқда. Ушбу қурилмалар бугунги кунда эсдалик хотираларини сақлаш ёки ижтимоий тадбирларга ташриф буюришда албатта сиз блан бирга бўлиши олтин қоида сифатида қаралмоқда. Тасвирлар ва видеоларга бўлган эҳтиёж ва уларнинг ижтимоий тармоқлар ва журналистикоммавий ахборот

воситаларидаги асосий роли туфайли, ушбу рақамли контентларни таҳрирлаш ва такомиллаштириш учун кўплаб дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Ушбу дастурий таъминот янгиликлари маълум бир нархларда сотилмоқда, баъзан эса маълум бир муддатда бепул фойдаланиш учун ҳам тақдим этилмоқда. Тасвирлар ва видеоларни ўзгартириш эстетик ёки зарарли мақсадларда амалга ошириладиган одатий амалиётга айланди. Ушбу сохта рақамли оммавий ахборот воситаларининг тарқалиши жамоатчиликни ҳар қандай расм ёки видеони рақамли далил сифатида қабул қилишни тўхтатишга олиб келади. Хорижий олимларнинг кўпчилиги биринчилардан бўлиб ушбу тенденцияни амалга оширишга чорлаб келишмоқда. Бу ишончсизлик, “сохта янгиликлар” ҳодисаси ва шунингдек, ҳозирда ҳуқуқбузарлар томонидан ишлатилиши мумкин бўлган машинали ўқитиш техникасига асосланган генератив-рақобатли тармоқлар каби усулларнинг оммалашиши билан ҳам кучаймоқда. Сохта видео ва аудиоларни яратиш илм фан соҳасига сунъий интеллект технологиялари кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бугунги кунда чуқур ўқитиш технологиялари орқали яратилаётган сохта видео ва аудиолар Deepfake деб номланади.

Сохта маълумотларнинг тарқалишини камайтириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига рақамли активлар жалб қилиниши мумкин бўлган текширувларни ўтказишда ёрдам бериш учун кўплаб тадқиқот ҳамжамиятлари бундай таркибни текшириш ва тасдиқлаш учун илмий изланишлар олиб бормоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида рақамли тасвир ва видео форензика (криминалистика) си соҳаси яқин орада вужудга келиши кутилмоқда.

Ушбу соҳадаги мавжуд долзарб муаммони ҳал қилиш мақсадида олиб бораётган илмий изланишларимиз асосан иккита йирик тадқиқот йўналиши –

тасвир туширилган манбани аниқлаш ва тасвир таркибини таҳлил қилиш асосида аниқлашдан иборатдир. Тасвир туширилган манбани аниқлаш муаммосини ҳал қилиш учун уни ўрамли (конволюцион) нейрон тармоқлари (CNN)га асосланган усуллар ёрдамида аниқлашни таклиф қиладиган манба камерасини идентификация қилиш вазифаси белгилаб олинди. Тасвир таркибини таҳлил қилишга асосланган форензика компьютер графикаси форензикасини ўз ичига олади, ушбу таҳлилни амалга ошириш учун, сўнгги Deepfake видео яратиш техникаларига эътибор қаратилди. Бундан ташқари CNN камера моделларини идентификациялаш усулларини яратиш учун қарама-қарши контент тасвирини яратиш ва аниқлаш усуллари тадқиқ қилинди.

Арзон суратга олиш қурилмаларининг кўпайиши рақамли тасвирларнинг интернетда кенг тарқалишига туртки бўлди. Бугунги кунда веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳар қандай турдаги тасвирларни алмашиш имконияти жой ва вақт танламаслиги ҳаммага маълум. Ушбу тасвирларнинг ҳақиқийлиги ва сохталигини текшириш осон иш эмас. Шу сабабли, хорижий илмий тадқиқот ташкилотлари, шу жумладан мультимедиа-криминалистика ҳамжамияти сўнгги бир неча йил ичида рақамли тасвирларнинг ишончлилигини баҳолаш учун методологияларни тадқиқ қилиб келмоқда [2,4].

Криминалистиканинг кўплаб тадқиқотлари орасида камера моделини аниқлашга катта эътибор берилган. Дарҳақиқат, суратга олиш учун ишлатиладиган камера моделини аниқлаш тергов ва суд жараёнлари учун жуда муҳим бўлиши мумкин. Ушбу маълумотлардан муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳолатларини ҳал қилиш, шунингдек, ноқонуний материаллар муаллифларини (масалан, болалар порнографияси) аниқлаш

учун фойдаланиш мумкин. Ҳаттоки манбани идентификациялашда чуқурроқ детализация зарур бўлганда ҳам (яъни, фақат ишлаб чиқарувчи ва моделни эмас, балки уникал камера намунасини аниқлаш), камера моделини идентификациялаш камера намуналари тўпламини камайтириш учун муҳим дастлабки қадам деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, кичик тасвир фрагментларини таҳлил қилиш орқали камера моделини аниқлаш имконияти сплайсинг операцияларини фоз қилишнинг мумкин бўлган усули ҳисобланади.

Замонавий камера моделини аниқлаш детекторларининг мантиқий асоси шундаки, ҳар бир камера модели тасвирга олиш вақтида ҳар бир тасвир устида ўзига хос операцияларни бажаради (масалан, турли JPEG сиқиш схемалари, CFA демозаикасининг хусусий алгоритмлари ва бошқалар). Ушбу операциялар ҳар бир расмда камера моделининг идентификаторини тесқари муҳандислик (реверс инжиниринг) қилиш учун актив сифатида фойдаланиш мумкин бўлган “излар” ни қолдиради.

Ушбу ғояларни кузатиб, баъзи усуллар тасвирни олиш конвейерининг аниқ бир босқичида қолдирилган характерли изларни қўлга киритишга қаратилган дея хулоса қилиш мумкин. Мисол тариқасида, [6] ишда олинган тасвирларда сенсорлардан қолдирилган шовқин изларидан фойдаланилади. Аксинча, [7] ишда объективнинг оғишини аниқлаш учун мослаштирилган алгоритм таклиф қилинган.

Тасвир олиш конвейерига хос бўлган мураккаб операциялар занжирини тўғри моделлаштириш қийинлигини ҳисобга олиб, камера моделини аниқлашнинг бошқа усуллари махсус ишлов бериш операцияларига эътибор қаратиш ўрнига, асосан, машинали ўқитиш таснифлагичлари билан боғланган

статистик тасвир хусусиятларини суратга олиш функцияларидан фойдаланади. Мисол тариқасида, маҳаллий бинар паттернларга асосланган техника G.Xu ва Y.Q.Shi ларнинг тадқиқот ишида таклиф қилинган. Яқинда C.Chen ва M.C.Stamm ўзларининг илмий тадқиқотларида турли бошқариладиган таснифлаш усуллари учун турли соҳаларда ҳисобланган пикселларнинг мослашиш статистикасидан фойдаланишди. Ушбу усуллар айниқса, етарли пиксел статистикасини таъминлайдиган тўлиқ ўлчамдаги тасвирларда жуда аниқ натижаларни кафолатлайди.

Юқорида айтиб ўтилган барча алгоритмларнинг умумий жиҳати шундаки, улар турли хил камера моделларини тавсифловчи изларни очиш учун қўлда белгиланган процедураларга таянади. Бу шуни англатадики, улар баъзи априор моделлар тахминларига таянадилар. Бироқ, компьютерли кўришда чуқур ўқитиш усуллари томонидан яратилган сўнгги ютуқлар маълумотларнинг ўзидан характерли хусусиятларни тўғридан-тўғри ўрганиш учун катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдаланиш орқали аниқлаш ва таснифлаш вазифаларининг аниқлигини ошириш мумкинлигини кўрсатди. Ушбу усуллар маълумотларга асосланган деб номланади, чунки улар аналитик моделлардан кўра тўғридан-тўғри маълумотларни ўрганадилар.

Хусусиятларни ўрганиш парадигмаси криминалистика иловалари учун самарали эканлигини ҳисобга олиб, M.Bucoli, P.Bestagini, M.Zanoni, A.Sarti, ва S.Tubagolar тадқиқот ишларида камера моделини идентификациялаш контекстида хусусиятларни ўрганиш усулларида фойдаланишни тадқиқ қилишади. Тадқиқот мақсади қўлда яратилган идентификаторларга таянмасдан, тўғридан-тўғри кузатилган маълум тасвирлардан дискриминант хусусиятларни ўрганиш учун конволюцион нейрон тармоқлардан

фойдаланиш мумкинлигини кўрсатишдир. Асосан, бу чизиқли бўлмаган ва маълумотларни йиғиш конвейери жараёнида операцияларни моделлаштириш қийин бўлган характерли изларни ҳам қўлга киритиш имконини беради.

Тадқиқотни ўтказиш учун ҳисоблаш мураккаблигини сақлаб қолган ҳолда, $64 \times 64 \times 3$ (яъни, баландлик x кенглик x ранглар) тасвир патчларида дискриминант хусусиятларни ўрганиш мақсадида тўғри тармоқни танлаш учун турли хил CNN архитектураларининг хатти-ҳаракатлари тадқиқ қилинди. Хусусан, конволюцион, бирлаштирувчи, ички маҳсулот ва тўғриланган чизиқли блок (ReLU) қатламлари сонида фарқ қилувчи бир қатор CNN архитектуралари солиштирилди. Архитектуранинг ҳар бир тури учун бир нечта гиперпараметр вариантлари (масалан, ядро ҳажми, қадамлар, хусусиятлар хариталари сони) тадқиқ қилинди.

Тадқиқот доирасида CNN ноҳолис маълумотни (масалан, суратга олинган лавҳаларнинг семантикасини) эмас, балки муҳим хусусиятларни (масалан, камера моделларини ажратувчи хусусиятлар) ўрганишига ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўлган тўғри ўқитиш протоколининг аҳамиятига эътибор қаратилди. Шу мақсадда, тадқиқот ишида турли хил ҳажмдаги бир хил ёки турли лавҳаларни тасвирловчи ўқилаётган тасвирлар кўриб чиқилди ва турли хил ўқитиш вариантлари таснифлаш натижаларига қандай таъсир қилиши тадқиқ қилинди.

Тадқиқот ишида дастлаб CNN ҳақида баъзи маълумотлар бериб, сўнгра CNN ёрдамида камера моделини идентификация қилиш учун ишлаб чиқилган алгоритмик конвейер тавсифланди. Шундан сўнг, синовдан ўтган CNN архитектурасидан тортиб, фойдаланилган маълумотлар тўпламининг бўлинишигача бўлган экспериментал қурилма ҳақидаги барча тафсилотлар ёритиб берилди. Сўнгра турли

хил синовдан ўтган соғламаларни баҳолаш учун тадқиқот орқали эришилган рақамли натижалар келтирилди.

Дастлаб, мазкур тадқиқот ишининг асоси сифатида хизмат қилувчи конволюцион нейрон тармоқлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак тушунарлироқ бўлади.

Чуқур ўқитиш ва хусусан, CNN технологиялари тасвирларни таснифлаш, юзни таниб олиш, пиёдалар йўлакларидан пиёдаларни аниқлаш ва қўл ёзувини таниб олиш каби бир нечта компьютерли кўриш дастурларида жуда яхши натижалар кўрсатди. CNN – бу қисман инсон асаб тизимидан илҳомланган мураккаб ҳисоблаш модели бўлиб, у жуда кўп сонли ўзаро боғланган тугунлар ёки нейронлардан иборат. Тугунлар орасидаги уланишлар тажрибага асосланган ҳолда соғланиши мумкин бўлган рақамли вазн параметрига эга, шунинг учун модел мураккаб функцияларни ўрганишга қодир. Тармоқ тугунлари бир нечта тузилган қатламлардан ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири киришда оддий операцияни бажаради. CNNдаги операциялар тўплами одатда конволюцияни, интенсивликни нормаллаштиришни, чизиқли бўлмаган фаоллаштиришни, чегаравий қийматларни ва маҳаллий бирлаштиришни ўз ичига олади. Охириги қатламнинг чиқишида харажат функциясини минималлаштириш орқали тармоқнинг оғирликлари (масалан, конволюцион қатламлардаги филтърларнинг қийматлари) улар кириш маълумотларидаги қонуниятларни қайд қилиши ва автоматик равишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш учун соғланади.

Бу ишлатиладиган амаллар инсон интуицияси томонидан аниқланадиган “қўлда ишланган” хусусиятлардан анъанавий фойдаланишдан фарқ қилади. CNNда ишлатиладиган амаллар маълумотлар асосида бошқарилади.

Бундай мураккаб моделлар градиент тушиш ва катта изоҳли ўқитиш маълумотлар тўпламидан фойдаланиш каби оптималлаштириш усули билан биргаликда тескари тарқалиш ёрдамида ўқитилади. Тармоқларнинг биринчи қатламлари одатда кирралар, оддий шакллар ва ранглар контрасти каби паст даражадагивизуалтушунчаларни ўрганади, чуқурроқ қатламлар эса мураккаб визуал паттернларни аниқлаш учун бундай оддий маълумотларни бирлаштиради. Ниҳоят, охириги қатлам минималлаштирилиши керак бўлган берилган харажат функцияси ёрдамида бирлаштирилган маълумотлар тўпламидан ташкил топади. Масалан, тасвирни таснифлаш контекстида охириги қатлам N визуал тоифаси бўйича эҳтимоллик тақсимотини белгилайдиган тугунлардан иборат, бу ерда N синфлар сони. Яъни, охириги қатламга тегишли берилган тугуннинг қиймати p_i , $i = 1; \dots; N$ кириш тасвирининг c_i визуал синфига тегишли бўлиш эҳтимолини ифодалайди. Фойдаланувчи танловига қараб, таснифлаш натижаси сифатида p_i ни максималлаштирувчи синфни танлаш ёки ташқи таснифлаш воситасини (масалан, таянч векторлар машинаси) ўқитиш учун барча p_i қийматларини хусусият вектори сифатида ишлатиш мумкин.

Муайян тасвирни таснифлаш вазифаси учун CNN моделини ўқитишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. CNNнинг метапараметрларини аниқлаш, яъни бажариладиган операциялар кетма-кетлиги, қатламлар сони, конволюцион қатламлардаги филтърларнинг сони ва шакли ва бошқалар;
2. Ўқитиш жараёнида минималлаштириладиган тўғри харажат функциясини аниқлаш;
3. Муайян вазифаларга (яъни, ушбу тадқиқот ишида камера моделларини аниқлаш) мувофиқ белгилар билан изоҳланган ўқитиладиган ва синов

тасвирларининг маълумотлар тўпламини тайёрлаш.

1-расмда жуда кўп қўлланиладиган қатламларни ўзида мужассамлаштирган кичик CNN архитектурасининг минимал намунаси кўрсатилган. Ҳар бир қатламнинг ролини яхшироқ тушуниш учун биз энг кенг тарқалган курилиш блокани тасвирлаймиз:

конволюцион: ҳар бир конволюция қатлами ўқитиш орқали ўрганадиган h импульс характеристикалари филтрларидан иборат филтрлар банкини ўзида акс эттиради. Кириш сигнали сифатида x берилган бўлса, ҳар бир филтрнинг чиқиши $y = x * h$ га тенг, яъни чизиқли конволюциянинг ҳақиқий қисмидир. Конволюция одатда фазовий координаталар (x, y) ва хусусият хариталари сони p (масалан, RGB кириши учун $p=3$)дан иборат 3D тасвирларда амалга оширилади.


максимал бирлаштирувчи: кичик ойналар (одатда 3×3 пиксел) бўйича

баҳоланган x киришнинг максимал қийматини қайтаради.

ReLU: тўғриланган чизиқли блок (ReLU) x киришига $y = \max(0, x)$ ректификация функциясидан фойдаланади ва шу билан салбий қийматларни нолга айлантиради.

ички маҳсулот: кейинги қатламнинг ҳар бир нейронининг кириши олдинги қатламнинг барча чиқишларининг чизиқли бирикмаси эканлигини кўрсатади. Ўқитиш пайтида комбинацияланган оғирликлар ҳисоблаб чиқилади. Чиқиб кетиш даражаси маълумотларнинг ҳаддан ташқари ўрнатилишини олдини олиш учун ўқитиш пайтида тасодиқий эътибордан четда қоладиган тугунлар фоизини кўрсатади.

Softmax: $[0, 1]$ ораликдаги кириш қийматларини “қидиради” ва уларнинг бирга йиғилишини кафолатлайди. Бу айниқса тармоқ охирида унинг натижаларини эҳтимоллик қийматлари сифатида изоҳлаш учун фойдалидир



1-расм. Одатда энг кўп ишлатиладиган қатламлардан ташкил топган оддий CNN архитектураси.

Кичик рангли тасвир патчи конволюцион, максимал бирлаштирувчи, ички маҳсулот ва ReLU қатламли орқали қайта ишланади. Сўнгра, Soft-Max эҳтимоллик векторини олиш учун ишлатилади.

Тадқиқот доирасида камера моделини идентификациялаш ёпиқ тўплам таснифлаш муаммоси сифатида кўриб чиқилди. Бошқача қилиб айтганда, таҳлил қилинаётган тасвирни ҳисобга олсак, ушбу тасвирни суратга олиш учун маълум N камералар тўпلامидан қайси бири

ишлатилганлигини аниқлаш муаммоси кўриб чиқилди.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун таклиф қилинаётган усул қуйидаги конвейер асосида амалга оширилади: тасвирлар патчларга бўлинади; CNN биринчи навбатда ўқитилади, сўнгра ҳар бир патчдан муҳим хусусиятларни ажратиб олиш учун фойдаланилади; таянч векторли машиналар тўплами (SVM) ўқитилади ва ҳар бир патчни таснифлаш учун ишлатилади; якуний овоз бериш қоидадан патчлар балларини жамлаган

холда тасвир даражасида қарор қабул образларни таниб олиш муаммосини қилиш учун фойдаланилади. ечиш билан бир қаторда Deepfake

Хулоса қилиб айтганда чуқур ўқитиш технологиялари орқали яратилган сохта технологиялари таркибидаги CNN нейрон видео ва тасвирларни аниқлаш жараёнида тармоқлари бугунги кунда юзага келаётган ҳам самарали қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Fayziev Sh.I., Khamrakulov U.Sh., Sadikov S.B., Mamadjanov B.N., Mamadoliyev Sh.X. Development of a Methodology for Protecting a Software Package for Electronic Document Management// International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2021 Applications, Trends and Opportunities. – Tashkent. 3-5 th of November 2021. DOI: <https://doi.org/10.1109/ICISCT52966.2021.9670416>

2.Piva A. An overview on image forensics // ISRN Signal Processing, volume 2013, p.22, Jan. 2013.

3.Bishop C. Neural Networks for Pattern Recognition. – Oxford : Oxford University Press, 1995. – 177 pp.

4.Stamm M.C., Min Wu, Liu K.J.R. The Historical Evolution of Nuclear Forensics: A Technical Viewpoint // IEEE Access, volume 1, pp. 167–200, May 2013.

5.Zaripov O.O., Khamrakulov U.Sh., Fayziev Sh.I., Sadikov S.B., Mamadjanov B.N. Algorithms for Intelligent Data Processing in Resource Management under Uncertainty and Dynamic Environment // International Conference on Information Science and Communications Technologies: Applications, Trends and Opportunities, ICISCT 2021, 2021 DOI: 10.1109/ICISCT52966.2021.9670275

6.Filler T., Fridrich J., Goljan. Using sensor pattern noise for camera model identification // Proceedings of the IEEE International Conference on Image Processing, pp.1296–1299, San Diego. October. 2008, CA.

7.Choi K., Lam E., and Wong K. Automatic source camera identification using the intrinsic lens radial distortion // Optics Express, volume 14, no.24, pp.11551–11565, Nov. 2006



ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Саодат Насриддиновна САДИРОВА

катта ўқитувчи

Бухоро муҳандислик технология институти

Бухоро, Ўзбекистон

saodat1966@list.ru

Аннотация

Мақолада қоракўл териларига ишлов беришда инновацион технологияларнинг қўлланилиши, уларнинг кимёвий анализ ва ИК- спектроскопия натижалари ҳамда бу усулнинг афзаликлари келтирилган.

Таянч сўзлар: қоракўл терилар, ачитиш жараёни, сут маҳсулоти корхоналари чиқиндиси – зардоб, зардоб таркиби, углевод компонентлар, мукополисахаридлар.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЫДЕЛКА КАРАКУЛЕВЫХ СМУШЕК

Саодат Насриддиновна САДИРОВА

старший преподаватель

Бухарский инженерно-технологический институт

Бухара, Узбекистан

saodat1966@list.ru

Аннотация

В статье речь идет о применении инновационных технологий в процессе обработки каракулевых смушек, результаты их химического анализа и ИК-спектроскопии, преимущества этого метода.

Ключевые слова: каракулевые смушки, процесс окисления, отходы предприятий молочной продукции, состав сыворотки, углеводные компоненты, мукополисахариды.

Мамлакатимизда мўйна хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон мўйна маҳсулотлари билан таъминлаш чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқиши натижасида 2017—2022 йиллар мобайнида терини қайта ишлаш, мўйна ва чарм-атторлик маҳсулотларини

ишлаб чиқариш хажми 1,5 баравардан ортиқ ўсди. Терини қайта ишлаш ва унга ишлов беришнинг замонавий технологиялари жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган мўйна маҳсулотлари турлари кенгаймоқда.

“Мўйначилик соҳасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26-феврал №ПҚ-143 қарорининг қабул қилиниши соҳанинг янгидан ривожланиши

учун имкониятлар очиб берди. Бу қонун ва қарорларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш соҳанинг ривожланишини, ишлов бериладиган қорақўл тери маҳсулотларининг сифатини сезиларли ошириш, унинг экспортбоплиги, жаҳон мўйна бозорида рақобатбардошлиги ва умуман, миллий ифтихоримиз деб қабул қилинган ўзбек қорақўлининг шуҳратини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Шу билан бирга бозор рақобати шароитида юртимизда мўйна саноати хомашёсини қайта ишлаш учун арзон ва самарали технологияларга бўлган эҳтиёжни қондириш муҳим аҳамият касб этади.

Қорақўл териларига ишлов бериш билан қадимдан шуғулланилган бўлса-да, лекин мўйна тайёрлаш жараёнлари секин ривожланган. Бунга сабаб терининг тайёр мўйнага айланиш жараёнлари жуда мураккаблиги ва баъзи жараёнларнинг моҳияти узоқ вақт давомида очилмаганидандир.

Қорақўл терилари хомашёсининг тери тўқимаси кўп миқдорда мукополисахаридлар сақлайди. Улар коллаген толалари ва ўрамлари орасида юпқа қаватлар шаклида жойлашганлиги тажрибада исботланган. Коллаген ўрамлари яхши толаланган чарм тўқимаси олиш учун ишлов беришнинг шундай услуби танланиши керакки, бунда углевод компонентларига кўпроқ таъсир этилиб, оксилларнинг ювилишига эришиш керак.

Ачитиш ва юмшатиш жараёнлари мўйна териларига ишлов беришнинг анъанавий усулларидан ҳисобланиб, сифатли чарм тўқимасининг таъминлаганлиги туфайли узоқ вақт давомида турли хилдаги мўйна хомашёларига ишлов беришда қўлланилиб келинган. Ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқиладиган усулларнинг самарадорлигини баҳолашда айнан арпа уни билан ачитиш ишлов берилган териларнинг юмшоқлиги ва чўзилувчанлиги ярим маҳсулотнинг

юқори сифатли эталони сифатида қабул қилинади.

Ҳозирги кунда арпа уни билан ачитиш жараёни асосан соф зотли курук тузланган қорақўл терилари ҳамда қисман олмахон териларига ишлов беришда, шунингдек қорақўл гуруҳидаги териларни консервацияда қўлланилади.

Ачитиш мураккаб биокимёвий жараён бўлиб, унда арпа уни таркибидаги ўсимлик ферментлари комплексини ҳамда ачитиш натижасида ҳосил бўладиган органик кислоталар аралашмасини, бириктирувчи тўқималарнинг оксил-углеводли комплексларига биргаликдаги таъсири кузатилади.

Бунда органик кислоталар таъсири (кўпроқ сут кислоталари) икки босқичда намоён бўлади. Ачитиш жараёни бошланишида, кислоталикнинг унчалик юқори бўлмаган пайтида яъни, 4-6г/л ($pH=4,0-4,5$) ва жараён охирида кислоталик миқдори 16-20г/л, $pH=(3,8-4)$ бўлганда. Биринчи босқичда кўпроқ кучсиз пикеллаш жараёнининг таъсири кузатилади. Ушбу жараён углеводли компонентларнинг ювилиши ва толали структуранинг бўлинишига кўмаклашади. Ачитиш жараёнининг охирида эса қўшимча равишда одатдаги органик пикеллашнинг таъсири намоён бўлади.

Ўз навбатида, органик кислоталар аралашмаси қулай шароитда (ҳарорат 380С, $pH=3,8-4,5$) асосан структура элементларини елимловчи мукополисахаридларни бартараф этишга ва дермани қисман сувсизлантиришга кўмаклашади. Ишлов беришнинг қулай шароитларида ферментлар комплекси ва органик кислоталарнинг биргаликдаги таъсири фақат ачитиш жараёнига хос бўлган структуранинг бўлинишини таъминлайди. Бунда чарм тўқимасининг юқори даражадаги юмшоқлиги ва чўзилувчанлигига эришилади.

Ачитиш жараёни охирига бориб,

эритма рН-нинг аста-секин ўсимлик ферментлари комплекси таъсир этадиган оптимал қийматдан пасайиб бориши ва органик кислоталар ҳосил бўлиши билан борадиган крахмалнинг озроқ миқдордаги гидролизланиши, ачитиш жараёнининг узоқ давом этиши ва бижғиш ҳамда кислота ҳосил бўлиш жараёнлари учун арпа унидан самарасиз фойдаланишни изоҳлайди.

Қорақўл териларини арпа уни ёрдамида ачитиш жараёнида юқорида айтилган хоссаларга нисбатан кўпроқ эришилсада, бу услуб узоқ вақт ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатишни талаб этиши, жараён боришини бошқариш ва жараён тугалланишини аниқлаш мураккаблиги сабабли, ҳозирги вақтда қорақўл териларига ишлов беришнинг янги услубларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Куруқ тузланган соф зотли қорақўл териларини ачитиш учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш чиқиндиси – зардобни қўллаш амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки зардоб таркибида ачитиш учун зарур бўлган сут кислотаси мавжуд.

Ҳозирги кунда экологияни яхшилаш ва кўшимча даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарида чиқиндисиз технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида сутни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган зардоб иккиламчи хомашё ҳисобланади. Зардоб асосан қаттиқ пишлоқ, нордон пишлоқ ва творог ишлаб чиқаришда ҳосил бўлади. Бу суюқлик қимматли хоссаларига қарамай чиқинди сифатида оқава каналларга ташланмоқда.

Сут зардоби тахминан 93,7% сувдан ташкил топган. Қолган 6,3% қисми сутда бор бўлган энг яхши моддаларни тўплаган. Сут зардобидаги куруқ моддаларнинг асосий қисми – лактоза ҳисобланади. У ёғ ва сут шакари ҳосил бўлишига

тўсқинлик қилади. Сут зардоби таркибига В гуруҳидаги дармондориларнинг тўлиқ тўплами, шунингдек С, А, Е дармондорилари, никотинкислотаси, холин ва биотин киради. Асосийси, сут зардоби таркибига қорақўл териларини ачитиш учун зарур бўлган сут кислотаси мавжуд. Сут комбинатларида ферментациялаб олинган зардоб яшил-сарик рангда бўлиб, сут кислотаси концентрацияси 5-30 г/дм³ ни ташкил этади.

Соф зотли қорақўл териларини ачитиш жараёнида арпа уни ўрнига

сут маҳсулотлари чиқиндисидан олинган сут зардобини қўллаш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунда 50%, 75% ва 100% концентрацияли сут зардобларидан фойдаланилди. Бир неча қорақўл тери намуналари ивитиш жараёнлари ва мездралашдан сўнг юқорида келтирилган концентрацияли сут зардобларида ишлов берилди. Ушбу жараёнга параллел равишда бир неча қорақўл терилари арпа уни билан ачитиш ишлов берилди. Териларни юклашдан олдин эритмадаги кислота миқдори текширилди ва 40г/л ҳисобидан ош тузи қўшилди. Эритмалардаги кислота миқдори сирка кислотасига қайта ҳисоблаганда мувофиқ равишда 1,5г/л; 2,3г/л ва 4,4г/л ташкил этди. Ачитиш жараёни 350С ҳароратда олиб борилди. Жараён давомида жуннинг сусайиш даражаси назорат этиб борилди ва ушбу ҳолатда аниқланганда 60г/л гача ош тузи қўшиб борилди. Ачитиш жараёни давомида кислота миқдори аста-секин ошиб борди ва олтинчи кунга бориб сирка кислотасига қайта ҳисобланганда, зардобнинг 100%ли эритмасида 12г/л, 50%ли эритмасида 5,7 г/л ва 75%-ли эритмасида 7,3г/л ни ташкил этди.

Ишнинг ҳар бир босқичида тадқиқот олиб бориш учун стандарт усуллар (потенциометрик титрлаш, тери тўқимаси бўялган кесимининг гистологик анализи)

дан фойдаланилди.

Ўрганилаётган объектнинг кўрсаткичларини бир неча марта параллел ўлчашларнинг олиб борилиши олинган натижаларнинг тўғрилигини таъминлади. 100% концентрацияли сут зардоби эритмаси билан ачитишда тери тўқимасининг бўшашиши ва қорин ости сочларининг сусайиши, жараённинг тугашини кўрсатади. Ачитиш жараёнида асосий оксил коллагеннинг оз миқдорда деструкцияланиши, толали структуранинг чуқур бўлишини таъминловчи, ҳал қилувчи омил деб қараб бўлмайди. Мўйна териларига ишлов беришда толалараро моддалардаги углевод компоненти ачитки эритмасининг чарм тўқимаси микроструктурасига таъсирга янгича қараш имконини беради.

Ачитиш ва юмшатиш жараёнларининг тадқиқоти шуни кўрсатдики, тери тўқимаси микроструктурасининг ўзгариши коллагенгамас, балки структура элементларини елимловчи, толалараро моддалардаги оксил – углевод комплексига таъсирга кўпроқ даражада боғлиқ. Ҳайвонлар терисидagi углевод миқдорининг коллагенга (73–81) нисбатан камлигига қарамай, мўйна хомашёсига ишлов бериш жараёнларида катта аҳамиятга эга. Углерод компонентлари асосан толалараро моддасида бириктирувчи тўқима таркибига кирувчи оксил билан ковалент боғлари ёки бошқа мустаҳкамлиги пастроқ бўлган боғлар билан боғланган комплекслар кўринишида бўлади.

Углевод компонентлари ва коллаген элемент структураларининг юқори иссиқликка чидамлилигини ва бу бирикмаларнинг кам эриши уларнинг орасидаги мустаҳкам боғларнинг борлигини кўрсатади.

Коллаген структурасидаги углевод компонентлар – мукополисахаридлар муҳим аҳамиятга эга. Эмбрионал

ривожланиш жараёнида илвиксимон толалараро моддада коллаген структура элементлари ҳосил бўлади ва унинг таркибига мукополисахаридлар киради. Улар фибриллалар юзасида юпқа парда кўринишида тўпланади ва оралик фибриллаларни ёпишишдан сақлайди. Дермадан мукополисахаридларни чиқариш жуда қийин.

Ҳар хил ёшдаги ҳайвонлар дермасида мукополисахаридларнинг умумий миқдори ҳар хил: кўзичокда –3%дан кўп, қоракўлда – 1,4–2,6%, кўй териларида – 1–1,8%. Мукополисахаридларнинг кўп миқдори терининг думғаза қисмида, кам миқдори эса –этакларида бўлади. Углевод компонентлар миқдори терининг тўрли ва териости тўқимасига нисбатан ғуддали қатламида кўплиги аниқланган. Улар соч қопчасининг ички қисмида жойлашган бўлади. Шунинг учун мукополисахаридларнинг ғуддали қатламдан чиқариб юбориш, соч толаларининг бўшашига олиб келади.

Шундай қилиб, бириктирувчи тўқимадаги углевод компонентлари, уларнинг кам миқдорда бўлишига қарамай толали структуранинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга, улар оксиллар билан мустаҳкам комплекслар ҳосил қилади ва дермани ҳар хил таъсирга чидамлилигини оширади. Структуравий элементларни елимловчи толалараро моддасидаги углеводларнинг маълум қисмини чиқариб юборилиши чарм тўқимасининг бўшашига олиб келади. Углевод компонентларини чиқаришнинг маълум чегараси мавжуд бўлиб, уларга риоя қилмаслик дерманинг механик хоссаларига салбий таъсир қилади ва ғуддали қисмнинг бўшашига олиб келади. Ҳар хил реагентлар билан ишлов бериш параметрларини ишлаб чиқаришда, структуравий элементлар ва толалараро модда таркибига кирувчи углевод компонентларни бутунлай чиқариб юборишга интилиш керак эмас. Аммо оптимум чегарасида қуйидаги боғланиш

мавжуд: қанча кўп мукополисахаридлар чиқариб юборилса, шунчалик коллаген майин толаларга ажралади.

Сут кислотаси ҳосил бўладиган ачитиш жараёни чиритувчи микрофлоранинг (бациллус субтиллус, ачитқи, шиллик бактериялар) ривожланишини тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилади ва микробиологик жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди. Сут кислотаси бактериялари аввал ачитқи хужайраларини ўраб олади, сўнг эса хужайра ичига кириб уни парчалайди. Ҳароратнинг ошиши, кислотанинг ҳосил бўлиши ва эритманинг аралаштириб турилиши бошқа

микроорганизмларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ачитиш жараёнининг охирида сут кислотаси бактерияларининг барқарор системаси ҳосил бўлади.

Зардобда ачитилган терилар центрифугада сиқилиб, ортиқча суюқлиги чиқарилди ва бутун майдони бўйлаб қуритилади. Шундан сўнг ачитилган терилар билан қатор кимёвий анализлар ўтказилади. Булар унинг намлигини, минерал моддаларини, ёғ моддаларини, умумий азот миқдори бўйича гўлак миқдорини аниқлашдан иборат. Ўтказилган таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Тажриба натижалари
Арпа уни билан ишлов берилган қорақўл териси.		
1.	Намлик миқдори	9,2%
2.	Минерал моддалар миқдори	6,2%
3.	Ёғ моддалари миқдори	9,3%
100% зардоб билан ишлов берилган қорақўл териси.		
1.	Намлик миқдори	8,51%
2.	Минерал моддалар миқдори	7,02%
3.	Ёғ моддалари миқдори	10,36%
75 % зардоб билан ишлов берилган қорақўл териси.		
1.	Намлик миқдори	7,22%
2.	Минерал моддалар миқдори	6,84%
3.	Ёғ моддалари миқдори	12,84%
50 % зардоб билан ишлов берилган қорақўл териси.		
1.	Намлик миқдори	8,9%
2.	Минерал моддалар миқдори	6,4%
3.	Ёғ моддалари миқдори	14,3%

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Садирова С.Н., Файзуллоев Ф.Ф., Иноятлов Ш.Т. Изучение изменения структурных элементов кожной ткани каракуля, квашенного молочной сывороткой // *Universum: технические науки: научный журнал.* – №11(80). Часть 2. – Москва: МЦНО, 2020. – С.54-56.

2. Садирова С.Н., Кувондиқов В.Х. Исследование влияния молочной кислоты на разволокнение структуры кожной ткани каракулевых шкур. // *Universum: технические науки: научный журнал.* – № 12(93). Часть 3. – Москва: МЦНО, 2021. – 100 с.

3. Садирова С.Н., Алиева Н.И. Пути замены хлебного квашения // *Техника. Технологии. Инженерия*, 2017. – №2. – С. 97-101.

4. Садирова С.Н., Темирова М.И., Алиева Н.И. Исследование проквашенности каракуля с применением вторичных продуктов молочного производства // *International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences*, 2020. – №1. – С. 39-44.

5. Садирова С.Н. Эффективное использование ячменя при квашении каракулевых шкур // *Universum: технические науки: научный журнал.* – № 5(98). Часть 6. – Москва: МЦНО, 2022. – 72 с.

6. Sadirova S. Charm mo`yna xom ashyolariga dastlabki ishlov berish: o`quv qo`llanma. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – 274 b.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



МУНДАРИЖА

Иқтисод

О.И.ОЧИЛОВ. Инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили методологиясини такомиллаштириш	3
Г.М.РАХИМОВА. Асосий воситалар ҳисобининг назарий асослари.....	12
У.А.НУРМАНОВ. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни шакллантириш ва бошқаришни прогнозлаш масалалари	20
Ш.Г.АКРАМОВА. Инсон капитали концепцияси ва унинг шаклланиш босқичлари.....	27
Х.С.ИМОДИНОВ. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рисклар таъсирини баҳолаш усуллари.....	37
К.Н.ХУСАНОВ. Масофавий банк тизимида рақамли молиявий хизматлар.....	43
А.М.ЮСУПОВ. Қўшма корхоналарда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	50
Р.ХАЙДАРОВ. Аудиторларни сертификатлаш тизими муаммолари ва ечимлари	59
У.В.МАМАРАЙИМОВ. «Оқсоқотасой» туристик зонасини ташкил этиш (лойиҳа)	67

Юридик

Ш.А.ИСМОИЛОВ. Меҳнат шартномасининг шакли: анъанавий қарашлар ўзгариши керак.....	74
Д.ХАБИБУЛЛАЕВ. Фуқаролик процессида алоҳида тартибда иш юритиш: миллий ва хорижий тажриба	81
Ф.У.ҚАРШИБОВ, Ш.Л.ЮСУПОВ. Божхонага оид айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштириш масалалари	88
А.Х.РАДЖАПОВ. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг айрим масалалари	93
Ж.Ў.ХОЛБАЕВ. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»да меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари ва тартиби	104

Филология

М.Х.АСАДОВ. Шеърый жанр талаби ва бадиий ифода имкониятлари (Алишер Навоий соқийномаси мисолида)	113
---	-----

Н.А.АЛИСУЛТОНОВА. Чингиз Айтматов асарларида жанрлар стилизацияси ва синтезацияси	120
билан боғлиқ мураккаб фольклоризмлар	
Г.А.МАРДОНОВА. Никоҳ тўйи маросими фольклори ва унинг ўрганилиши (ўзбек ва дунё халқлари мисолида)	126
М.И.СУЛАЙМАНОВА, У.Қ.АБЖАББАРОВ Адабиёт дарсларида фольклор асарларини ўқитишнинг методологик ва дидактик асослари	132
З.СУВОНОВ. Ўзбек адабиётини лингвистик экспертиза қилиш тамойиллари.....	137
З.Т.МУСИНОВА. Изучение словообразовательных явлений во французском языке.....	142
М.Й.ТИЛОВОВА. Феноменологиянинг фалсафий, психологик асослари ва адабий тамойиллари	147
Ҳ.Қ.АЛИҚУЛОВА. Ўзбек ва қозоқ ёр-ёрларининг қиёсий типологик таҳлили	152
С.М.ЭШПУЛАТОВА. Мунаққид ва адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг ўзига хос қирралари	158
Ф.Н.БУРИЕВА. Усмон Азим шеърларида халқоналик ва қахрамонлар талқини.....	163
Д.М.НАСРИЕВА. Исажон Султон асарларида қўлланган прецедент матнларнинг лингвокультурологик ва лингвопоэтик хусусиятлари	169
Ю.Ў.ҲАЙИТОВА. Сурхон адабий муҳити шоирлари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари.....	174
М.М.ДУСТМУРОДОВ. Ўрхун-Энасой битикларидаги ҳарбий тактик амалиётларни англлатувчи терминлар.....	180
О.И.БАЙЖИГИТОВ. Ўзбек лингвокультурологик фразеологизмларининг ассоциатив талқини.....	185
Б.И.МАҲАММАДОВ. Рус тилига калька асосида ўзлашган андронд операцион тизими мобил иловалари терминларининг структураси ва имлоси	192

Фалсафа

И.А.АСАТУЛЛОЕВ. Абу Хомид Ғаззолий қарашларида қалбнинг ахлоқий-фалсафий таҳлили.....	201
Н.У.УРИНБОЕВ. Тараққиётнинг янги босқичида соғлом турмуш тарзи.....	206
Р.Р.КАРИМОВ, Р.Р.БЕКБАЕВ. Философия как история философии: проблемы и тенденции развития современной историко-философской науки	212
Ш.Ф.ДЖУРАЕВ, А.А.АЛЛАМОВ. Особенности развития теоретической философии	218

Тарих

Ҳ.Э.ХОЛМУМИНОВ. Ўзбекистон жанубий воҳалари аҳолисининг миллий-этник таркиби хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари)	228
М.ҚАЮМОВ. Хива хонлиги сиёсий мустақиллигининг туғатилиши ва унинг оқибатлари	234
Қ.А.ПУЛАТОВ. Фарғона водийсида собиқ совет ҳокимиятининг тарғибот ва ташвиқот соҳасида кадрлар тайёрлашида сиёсий мактаблар ва тўғарақларнинг ўрни	241
М.Я.БОЙСАРИЕВ. Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси вакиллари ҳаётидаги ўзгаришлар: этнографик тадқиқотлар мисолида.....	246

Техника


М.Х.ХУДАЙБЕРДИЕВ, О.З.ҚОРАБОШЕВ, Н.М.АЛИМҚУЛОВ. Тимсолларни аниқлашнинг оммабоп алгоритмлари ва усуллари таҳлили.....	251
Ҳ.Н.ЗАЙНИДИНОВ, О.У.МАЛЛАЕВ, М.А.ҚЎЧҚАРОВ. Ерни масофадан зондлашдан олинган сигналларга бикубик сплайн функцияси асосида рақамли ишлов беришнинг параллел алгоритми.....	260
Ш.И.ФАЙЗИЕВ. Фото ва видео тасвирларни қайд қиладиган камера моделларини идентификациялаш орқали DEEPFAKE технологияларини аниқлашда конволюцион нейрон тармоқларини қўллаш	266
С.Н.САДИРОВА. Қоракўл териларига ишлов беришнинг долзарб муаммолари	273

Масъул муҳаррир:
Г.А.Мардонова

Таржимон:
З.Т.Бобоева

Техник мутахассис ва дизайнер:
А.А.Назарқулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун
муаллифлар жавобгардир.



Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими
(электрон журнал) 2022 йил ноябрь оyi сони №11 (37)

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42

The logo features the acronym 'UZNA' in a bold, dark blue sans-serif font. A small red dot is positioned at the base of the letter 'A'. To the right of the acronym is a vertical line, followed by the text 'O'zbekiston Milliy axborot agentligi' in a dark blue sans-serif font. The entire logo is centered within a graphic of three concentric circles: a light gray outer ring, a white middle ring, and a light gray inner circle.

UZNA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi